

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**5150700- «ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ» (Дамли ва зарбли чолғу
ижрочилиги)
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

**«ДАМЛИ ВА ЗАРБЛИ ЧОЛҒУЛАР
ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ» ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент 2018 йил

Тузувчи:	Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор в,б Матякубов Б.,
Такризчилар:	Оркестр чолғулари кафедра мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор, Б.С.Салихов. Оркестр чолғулари кафедраси Доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Сайфуллаев

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА МУНДАРИЖАСИ

Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи фанининг намунавий дастури	4-10
Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи фанидан ишчи ўқув дастури.	11-32
Тақвим мавзу иш режаси	33-40
Маъруза матни ва ўқув қўлланма.....	41-152
Таълим технологияси харитаси.....	153-277
Тест саволлари.....	278-291
Глоссарий.....	292
Тавсия этилаётган курс ишлари (реферат) мавзулари рўйхати.....	292-293
Муסיкий аудио ёзувлар CD дискда илова қилинади.....	294

“Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи” курси маърузавий-амалий ва семинар тарзда ўтилиши кўзда тутилади. Маърузавий-амалий машғулотларда ўқитишнинг интерактив шаклларида аудиовизуал, муаммоли маъруза, маъруза конференция, амалий масалаларни ечиш учун ахборотли маърузалардан фойдаланилади.

Семинар машғулотларда “Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга бағишланган семинар”, “Муаммоли семинар” ва “Семинар - конференция” турлари қўлланилади.

“Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи” курсида янги инновацион педагогик технологияларнинг “Кластер”, “ФСМУ”, “Инсерт”, “Ақлий ҳужум”, “Давра суҳбати” ва соҳанинг ўзига хос бўлган “Аудио” ёзувлар асосида “Муסיқий топишмоқ” “Муסיқий викторина” каби услублар қўлланилади.

ДАМЛИ ВА ЗАРБЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ ФАНИНИНГ

НАМУНАВИЙ ДАСТУРИ

БАКАЛАВРИЯТ ЙЎНАЛИШИ: 5150700 – ЧОЛҒУ ИЖРОЧИЛИГИ
(Анъанавий чолғу
ижрочилиги)

АННОТАЦИЯ

Мазкур намунавий дастур Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Чолғу ижрочилиги» бакалаврият йўналиши бўйича таҳсил олаётган «Пуфлама ва зарбли чолғулар» ихтисослиги талабалари учун мўлжалланган.

Дастур Давлат таълим Стандартларига биноан санъат соҳасида бакалаврлар тайёрлаш ўқув режалари асосида тузилган ва ундан ишчи ўқув дастурларини тузишда фойдаланилади.

Тузувчи:

Санъатшунослик
фанлари номзоди,
профессор в.б. Б.Матёкубов

Такризчи:

Профессор Б.С.Салихов

Мазкур дастур Ўзбекистон Давлат
Консерваториясининг Илмий –
Услубий кенгашида 2005 йил 29
декабр куни муҳокама қилиниб,
тасдиқлашга ва жорий этишга
тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг ОТМлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан маъқулланган.

2006 йил «__» _____

№ _____ - сонли баённома

С Ў З Б О Ш И

Курснинг мақсади ва вазифалари. Унинг кенг қамровли созанда мутахассисларни назарий тайёрлаш ҳамда мукаммал билимларни беришдан иборат. Ушбу фан ўқув режаларига мувофиқ белгиланган семестрда маъруза ва семинарлар тарзида ўтилади. Шунингдек талабаларга дамли ва зарбли чолғулар санъати ривожининг тарихий шарт-шароитлари ва қонуниятлари мусиқа маданиятининг умумий ривожи билан боғлиқ жиҳатлари ўргатилади.

Дамли чолғуларнинг оркестр, ансамбл ва яккахон ижрода қўлланилишининг асосий тарихий босқичлари. Ижрочилик ва педагогиканинг ривожланиши. Чолғуларнинг баъзиларини келиб чиқиши, такомиллашуви ва уларнинг оммалашувида таниқли ижрочиларнинг ўрни катта аҳамиятга эга эканлиги таърифланади. Мазкур чолғулар учун композиторларнинг асарлар яратиши ва ушбу асарларни кенг тингловчилар томонидан кутуб олиниши ҳамда бу жараёнда танловларнинг аҳамияти бекиёс эканлиги айтиб ўтилади.

Дастурнинг олдингиларидан фарқи: - Оврўпа дамли чолғулари қаторида ўзбек дамли чолғулари ижрочилиги санъати тарихи, қадимги Шарқ, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар даври ҳарбий чолғулари, ижрочилари ва Оврўпа чолғуларининг Туркистонга кириб келиши ҳамда кенг тарқалишига оид масалаларни ўз ичига қамраб олгандир.

МАВЗУЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

№	Мавзуларнинг номланиши, қисқача мазмуни
1.	ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ҚАДИМГИ ДУНЁ ЧОЛҒУЛАРИ Қадимги тош асри - палеолит даври қазилмаларидан топилган дамли чолғуларнинг дастлабки намуналари.

	Товуш ҳосил қилиниши турлича бўлган чолғуларнинг уч тури.
2.	ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Янги ижтимоий-иқтисодий феодализм тузумининг таърифи. Мусиқа санъатининг черковга хизмат қилиши. VIII асргача дамли чолғуларнинг черковда қўлланилмаганлиги. Христианликнинг кенг тарқалиши.
3.	УЙҒОНИШ ДАВРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИ Уйғониш даврига таъриф бериш. Мусиқада (Ренессанс) уйғониш даври, XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданиятининг бир-бири билан боғлиқлиги. XIV аср чолғулари: флейталарнинг икки тури бурғулар, трубалар, тромбонлар, корнет (цинк), поммер, шалмей ва бомбардалар.
4.	XVII АСРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ОРКЕСТР ВА КАМЕР АНСАМБЛЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ Опера жанрининг келиб чиқиши. Дастлабки опера оркестрларининг таркиби. Опера шакллариининг илк босқичларида чолғуларни қўллашнинг аниқ қоидалари.
5.	XVIII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР XVIII асрнинг бошларида Италия чолғу санъати буюк профессионал мактабининг шаклланиши.
6.	XVIII АСР ОРКЕСТР-ИЖРОЧИЛИК МАДАНИЯТИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ XVIII аср бошларида гомофоник мусиқанинг ривожланиши. Янги Рококо услуби билан эски полифониячиларнинг Борокко йўналишини сиқиб чиқарилиши.
7.	ВЕНА КЛАССИК МАКТАБИ КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Вена классик композиторлари ижодида классик симфония, соната, концерт ва кватрет жанрлари ўрнатилишининг якуни.
8.	ЙИРИК РОМАНТИК КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Даврга умумий таъриф. Мусиқа санъатининг ижтимоий аҳамиятини ўсиши, созандалар келиб чиқиш таркибининг ўзгариши.
9.	XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР XIX аср охири XX аср бошларида дамли чолғулар

	оркестрига асарлар мослаштиришнинг икки йўналиши: а) Вагнер мактаби анъаналарининг давоми; б) янги француз оркестр услубининг яратилиши.
10.	ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ВА ПЕДАГОГИКА Гарбий Европадаги оркестр жамоалари ва уларнинг мусиқа маданияти ривожини белгилашдаги роли.
11.	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ВА ЯНГИ ТУРЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ XIX аср ёғоч ва мис дамли чолғуларнинг мунтазам такомиллаштириш даври.
12.	ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХОРИЖИЙ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Ҳозирги замон мусиқа санъати ривожланиш йўллариининг зиддиятли ва мураккаблиги. Дамли чолғулар ижрочилигининг ҳозирги замон санъатидаги турли йўналиш ва оқимлари
13.	ХОРИЖИЙ ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАЛАРИ Француз, чех, немис, инглиз ва америка миллий мактаблари. Уларнинг ўзига хослиги. Ҳозирги даврдаги педагогик ва ижрочилик даражаси.
14.	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ ХАЛҚ ЧАШМАЛАРИ Қадимги славянлар маиший ҳаётида дамли чолғулар. Қадимги рус дамли чолғуларининг номлари: сопели, труба, рог, қўш флейта, жалейка ва бошқалар.
15.	XVIII ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Ўша даврга қисқача таъриф. Петр I даври мусиқаси. Ҳарбий оркестрлар таркиби
16.	РУС КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Рус композиторлари мактабига асос солган Е.Фомин, Д.Бортнянский, В.Пашкевич, О.Козловскийлар ижодида флейта, кларнет, фагот ва валторналарнинг қўлланилиши.
17.	РУС КЛАССИК КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Ўша даврга умумий таъриф. 60-йилларда Россиядаги ижтимоий ва маданий ўзгаришлар. П.Чайковский ва “Забардаст тўда” композиторлари ижодининг ўзига хос миллий характери.

18.	РОССИЯДА МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ Дамли чолғуларда рус ва хорижий ижрочилик мактабларининг тутган ўрни. XIX асрнинг иккинчи ярмида концерт-ижрочилик фаолиятининг кенгайиши.
19.	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИНИНГ ОКТЯБР ТЎНТАРИЛИШИДАН КЕЙИНГИ ДАВРИ Собиқ Иттифокда мусиқа маданияти ва унинг моҳияти. 20-йилларда “Персмфанс” дирижёрсиз биринчи симфоник ансамбл.
20.	МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД КОНСЕРВАТОРИЯЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ОЛИЙ МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР СИНФЛАРИ Дамли чолғулар ижрочилигини ривожлантиришда олий ўқув юртларининг етакчилик ўрни. Москва ва Ленинград консерваторияларининг марказ ролини бажариши.
21.	ШҶРО ДАВРИ КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Композиторларнинг камер-чолғу, опера ва симфоник ижоди. Дамли чолғуларнинг С.Прокофьев (1891-1953), Н.Мяковский (1881-1950), Д.Шостакович (1906-1975), А.Хачатурян (1903-1978) ва бошқа композиторлар.
22.	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ 1945 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ РИВОЖИ Ижрочиликнинг янги даври. Мусикий таълим даражасининг юксалиши, ўқитиш методикасини яхшиланиши. Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар.
23.	ЙИРИК ПЕДАГОГЛАР Ижрочилигининг кейинги ривож ва педагогик-методик ишларига Москва консерваторияси профессорларининг таъсири.
24.	КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Давр талаби асосида мусиқа санъати олдида қўйилган янги мавзулар. Мусиқанинг жанр ва турли йўналишлари чегараларининг кенгайиши.
25.	ЎЗБЕКИСТОНДА ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ҚАДИМГИ ДУНЁ ЧОЛҒУЛАРИ Дамли чолғуларнинг қадимги тош асри - Палеолит (милоддан аввалги 80-15 минг йилликлар) даврига доир топилдиқларнинг

	мавжудлиги. Эрамиздан аввалги III-I асрларда ҳам дамли чолғуларнинг найсимон, тилли ва карнайсимонларга тавсифланганлиги.
26.	ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР Араблар истилоси билан бирга янги анъаналарнинг тараққий топиши. Шарқ халқларида нафас-дамнинг илоҳийлиги ва бундай қарашлар исломдан олдин шаманларда ҳам бўлганлиги.
27.	ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲАРБІЙ МУСИҚА Бу даврга келиб марказлашган давлатнинг тузилиши. Созандаларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берган имкониятлар. “Темур тузуклари”да ҳарбий созандаларнинг тақсимланиш тамойиллари.
28.	ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИНИНГ XIX АСРГАЧА БЎЛГАН АҲВОЛИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ XVII асрга келиб феодал тарқоқликнинг кучайиши натижасида мусиқа санъатининг ҳам сусайиши. Марказий Осиёнинг Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида бўлиниб кетиши.
29.	ОПРЎПА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИНИНГ ТУРКИСТОНГА КИРИБ КЕЛИШИ XIX асрнинг ўрталарига келиб Марказий Осиё Россия томонидан босиб олиниши. Бунинг натижасида Оврўпа маданиятининг кириб келиши
30.	ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ 1918 йили Тошкентда ва кейинчалик бошқа шаҳарларда ташкил қилинган халқ консерваториялари. Ушбу даргоҳларнинг биринчи муаллимлари.
31.	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ РИВОЖИ Урушдан кейинги йилларда Республика мусиқа ижрочилиги санъатининг ривожланиши.
32.	ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ 1970-йиллар дамли чолғулар ижрочилигининг янги ривожланиш босқичи эканлиги. Бу даврда мусиқа билим юртлари ва болалар мусиқа ва санъат мактаблари сонининг ортиши.
33.	ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР УЧУН ЁЗГАН АСАРЛАРИ Ўзбек композиторларининг дамли чолғулар учун асосан

	иккинчи жаҳон урушидан кейин ижод қилишлари.
34.	ЎЗБЕК КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ СИМФОНИК ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР Ўзбек симфонизмининг шартли равишда уч даврга бўлиниши. Биринчи даври консерватория, филармония ва бошқа ташкилотларнинг очилиши. Кўп овозлилиқни миллий муҳитга сингдирилиши. Иккинчи даври, Симфоник оркестр тембрида шарқ колоритини шакллантирилиши.
35.	МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР ВА УЛАР УЧУН НАШР ҚИЛИНГАН ДАРСЛИК, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА, ТЎПЛАМ ВА БОШҚА НОТА АДАБИЁТЛАРИНИНГ ШАРҲИ Истиқлол муносабати билан таълим ислохотлари амалга оширила бориб, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби қатор давлат ҳужжатлари асосида касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, икки босқичли олий ўқув юртлари ва бошқа тизимлар ташкил қилинганлиги.

ЎҚУВ СОАТЛАРИ ҲАЖМИ

Бакалаврият Таълим Йўналишлари коди	Ўқув соатларининг машғулотлар турига қараб тақсимланиши (соатларда)					
	Жами	Маъруза	Амалий	Якка	Семинар	Муст.иш
5150700	72	54	6		12	

Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи фанидан ишчи ўқув дастури

КИРИШ

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

1. ФАН ДАСТУРИ – услубий меъёрий ҳужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг муайян фан бўйича бакалавр билим, кўникма, ва малакаларига ҳамда лаёқиётига қуйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Фан дастури (1-чизма) таркибида фаннинг мақсади, вазифалари ва ўрганадиган муаммолари, талабаларнинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тавсифи, компетенцияси, назарий, амалий (лаборатория, семинар) ва мустақил иш машғулотлари ҳажми ва мазмуни, методик тавсиялар, тақвимий мавзуй режалар, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик воситалар рўйхати ҳамда баҳолаш мезонлари, шахснинг қайси фазилатларини шакллантиришга йўналганлиги киради.

Дастурда фан, техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниши, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши шарт.

Фан дастурини ишлаб чиқишда таълим олувчиларнинг мустақил билим олиш ва ўрганиш, ўқитиш жараёнини шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим талаблари асосида ташкил этишга, эътибор берилиши зарур.



1-чизма

Кириш

Бакалавриат босқичи учун тузилган мазкур дастур - бакалавриат таълим йўналишларининг Чолғу ижрочилиги (Пуфлама ва зарбли чолғулар) ихтисосликлари бўйича тахсил оладиган талабалар учун мўлжалланган. Дастур Давлат таълим Стандартларига биноан санъат соҳасида бакалаврлар тайёрлаш ўқув режалари асосида тузилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ижрочилик санъати тарихи фанининг мақсади – талабаларга ўқув дастурлари асосида ташкил этилган билимларни берилишидан иборат Ушбу ўқув дастури чолғу ижрочилигида шу кунгача вужудга келган ижрочилик санъатининг тарихи ва тараққиётидаги асосий босқичларни ўрганиш учун қаратилган.

Фанни ўзлаштиришдан келиб чиқадиган вазифалар - талабалар турли йўналишларда билимларга эга бўлганликларини намойиш этишларидан иборатдир. Талабалар мазкур фан орқали чолғуларда ижрочилик санъати тарихи ҳақидаги барча ижрочилик қонун-қоидаларни мукаммал эгаллаб, назарий жиҳатдан ҳам ўз мутахассисликлари бўйича талаб даражасида ижрочилик сирларини эгаллайдилар. Тахсил жараёнида талабалар дамли чолғуларининг пайдо бўлиши ва такомиллашишининг бой тарихи билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, машҳур ижрочилик санъати усталарининг педагогик ва ижрочилик принциплари билан, жумҳурият бастакорларининг дали чолғулар учун яратган асарларини билишлари лозим.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

Мазкур фанни ўзлаштириш натижасида талаба Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, малака ва кўникмага эга бўлиши назарда тутилади, хусусан:

- ранг-баранг чолғуларини, бой ижрочилик анъаналарини;
- халқ мусиқа намуналарини экспедицияларда йиғиб ва қайта ишлаб уларни ижодий фаолиятда қўллашни;
- Шарқ ва Ғарб чолғу ижрочилиги фаолиятини **билиши керак**;
- мусиқа санъатининг турли хил замон ва услубларидан олинган ёрқин мисолларни тинглаб таҳлил этиш;
- композиторлик ижодиётининг асосий жанр ва шакллари, услубий воқеликлари таҳлил этиш;
- акустик, ритмик, оҳанг, лад, тузилиш, безак ва ижровий таҳлил қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- махсус фанлар бўйича касбий лицейлар, коллежларда шартли равишда қўшимча психологик-педагогик тайёрланган ҳолда дарс бериш, ўқувчиларга мусиқа санъати соҳасида ижодий тўғаракларга раҳбарлик қилиш;
- ижрочилик санъати ривожига ҳар бир давр йўналишлари ва услубларини аниқлаш;
- олинган билимларни ўзининг ижрочилик фаолиятига тадбиқ этиш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи фани ихтисосий ва умумкасбий фанлар – барча услубиёт фанлари билан услубий жиҳатдан узвий боғлиқ ва улардан олинган билимларни маълум даражада тўлдиришга хизмат қилади. Ўқув режасида кўрсатилган семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этади.

Фаннинг санъат тизимидаги ўрни

“Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи” фани умумкасбий фан ҳисобланади. Талабаларга ўтмишда яшаб ўтган машҳур созанда санъаткорлар ҳақидаги, мусиқий меросга оид маълумотларни ўргатади. Ушбу фаннинг санъат тизимидаги ўрни бадиий жамоаларда ижро этилаётган асарларни таълим муассасасида ўрганган билимлари, кўникмаларига асосланган ҳолда юқори даражада ижро қилишдан иборатдир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг мазкур фанни ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, синтезаторлар ҳамда мусиқий компьютер дастурларидан фойдаланилади. Маъруза, амалий ва семинар дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм

I. ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ҚАДИМГИ ДУНЁ ЧОЛҒУЛАРИ

Қадимги тош асри - палеолит (милоддан олдинги 12-80 минг йилликлар) даври қазилмаларидан топилган дамли чолғуларнинг дастлабки намуналари. Товуш ҳосил қилиниши турлича бўлган чолғуларнинг уч тури. Қадимги тўғри тутиб чалинадиган, горизонтал ушланадиган ва бир неча найчали (Пан флейтаси) найлар.

Гобой, кларнет чолғуларининг ибтидоий намуналари. Тилли-тростли чолғулар. Ижрочи лабининг марказий қисмлари титрашидан товуш ҳосил қилинадиган ҳозирги мис чолғуларининг ибтидоий кўринишлари. Дамли чолғулардан ибтидоий жамоа даврида фойдаланиш мақсадлари.

II. ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Янги ижтимоий-иқтисодий феодализм тузумининг таърифи. Мусиқа санъатининг черковга хизмат қилиши. VIII асргача дамли чолғуларнинг черковда қўлланилмаганлиги. Христианликнинг кенг тарқалиши.

Араб ва форсларда дамли чолғулар ижрочилик санъатининг юқори даражада эканлиги ва унинг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсири. Антик маданият тамойилларининг ривожидан: бир овозлилиқ, шеърият ва мусиқа бирлиги, дамли чолғуларнинг турлари.

III. УЙҒОНИШ ДАВРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИ

Уйғониш даврига таъриф бериш. Мусиқада (Ренессанс) уйғониш даври, XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданиятининг бир-бири билан боғлиқлиги. XIV аср чолғулари: флейталарнинг икки тури бурғулар, трубалар, тромбонлар, корнет (цинк), поммер, шалмей ва бомбардалар. Сарой ансамбллари ва уларнинг таркиби. Бас нотасини рақам билан белгиланиши ва уни ўқилишининг фарқлари.

IV. XVII АСРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ОРКЕСТР ВА КАМЕР АНСАМБЛЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Опера жанрининг келиб чиқиши. Дастлабки опера оркестрларининг таркиби. Опера шакллариининг илк босқичларида чолғуларни қўллашнинг аниқ қоидалари.

К.Монтиверди (1567-1643) ва унинг чолғу ислоҳоти. “Орфей” операси ва унда дамли чолғулардан фойдаланиши. Дамли чолғуларнинг лирик, драматик ва турли колоритдаги сахналарни ифодалашдаги ўрни.

Ф.Кавалли (1602-1676), А.Чести (1623-1669)ларнинг операларида дамли чолғуларнинг қўлланилиши.

Немис композитори Г.Шюц (1585-1672) ва унинг дамли чолғулардан фойдаланиши. “Дамли чолғулар симфониялари” Шюц ижодининг чўққиси эканлиги.

Ж.Б.Люли (1632-1687) француз классицизмнинг асосчиси. Унинг энг яхши оркестри. Оркестр таркибидаги (флейта, гобой, труба, литавра) чолғуларга ўзига хос мустақил эпизодларни топшириши. XVII асрнинг охирида Англия мусиқа маданиятининг юқори чўққиларга эришиши.

Г.Перселл (1659-1695). Унинг оркестрида дамли чолғулар талқини. Шекспир театрида дамли чолғулардан фойдаланиш анъаналари. Шу аср чолғу мусикасида дамли чолғулар. Соната, сюита, концерт ва симфония жанрларининг пайдо бўлиши, И.Ю.Лельенинг флейта, гобой ва бас учун сонатаси, Г.Генделнинг 2 та гобой ва рақамли бас учун 6 трио сонатаси.

V. XVIII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

XVIII асрнинг бошларида Италия чолғу санъати буюк профессионал мактабининг шаклланиши.

А.Вивалди (1687-1741) дамли чолғулар учун яккахон концерт жанрининг асосчиси. Унинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари уйғониш даври чолғучилигининг юқори чўққиси. Флейта учун До мажор ва До минор концертлари. Гобой учун Ля минор, До мажор, Ре минор концертлари; иккита труба учун До мажор концерти ва бош. Вивалди концертлари шаклининг ўзига хослиги. Тембр изланишлари. Ансамблларнинг турли таркиблари. Оркестрдаги янгиликлар. Барча дамли чолғуларда сурдинанинг қўлланилиши.

А.Марчелло, Ф.Верачини, Д.Тартини, Т.Альбионаларнинг яккахон ва ансамбллар учун асарларида дамли чолғулардан фойдаланиш.

Буюк немис композиторлари ва уларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари. Г.Ф.Телеман (1681-1767) ижодига характеристика. Унинг сюита, соната, триолари ўша давр созандагарининг юксак маҳоратидан дарак бериши.

И.С.Бах (1685-1750) нинг дамли чолғулар ижрочилигига қўшган ҳиссаси. Унинг Кетен даври флейта учун камер асарлар яратган даври эканлиги. 3 флейта ва рақамли бас учун До ва Ми мажор, Ми минор, 3 флейта ва клавесин ҳамда яккахон флейта учун сонаталари. Бранденбург концертлари ва унда яккахон дамли чолғулар. Унинг асарларини ижро

қилувчи замондошлари. Бах асарларининг ўқув дастурларида тутган ўрни. “Флейта ва оркестр учун сюита” №2, h-moll 37.

Г.Ф.Гендел (1685-1759) ва унинг чолғу мусикасига қўшган ҳиссаси. Дамли чолғуларда (хусусан гобойга) камер чолғу ва яккагон ижрочилиққа бўлган иштиёқи. Икки гобой ва клавир учун 6 трио сонатаси, флейта ва бас учун 3 та сонатаси. Турли дамли чолғулар учун 3 та тўплами ва бошқа асарлари. Унинг дамли чолғулар имкониятидан фойдаланишдаги юксак маҳорати.

VI. XVIII АСР ОРКЕСТР-ИЖРОЧИЛИК МАДАНИЯТИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

XVIII аср бошларида гомофоник мусиканинг ривожланиши. Янги Рококо услуби билан эски полифониячиларнинг Борокко йўналишини сиқиб чиқарилиши. Берлин, Мангейм, Дрезден, Лондон, Болония, Неапол ва бошқа шаҳарларда мусика уюшмалари, оркестр жамоалари ва капеллаларнинг кўпайиши. Оркестрларнинг икки тури: эски полифоник (Ж.Габриэли, Г.Ш.Шюцдан тортиб то И.С.Бахгача)дан ўз ечимини Мангейм капелласида топган янги бўлғуси классик оркестр. Италия ва Германия консерваторияларида дамли чолғулар ижрочи кадрларини тайёрлаш. Дамли чолғуларда аёлларни ўқитиш.

И.Кванц (1697-1773) виртуоз-флейтачи, машҳур концерт-ижрочиси. Унинг флейта учун Соль минор концерти. “Флейтада ўқитиш тажрибаси” китоби.

VII. ВЕНА КЛАССИК МАКТАБИ КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Вена классик композиторлари ижодида классик симфония, соната, концерт ва кваттет жанрлари ўрнатилишининг якуни.

Х.Глюк (1714-1787) нинг опера оркестрини қайта ўзгартириши ва янгича классик таркибни тузиши. Унинг флейта учун концертлари.

И.Гайдн (1732-1809) чолғу мусикасининг классик услуб асосчиси. Ижодига таъриф. Оркестрлаштириш тамойиллари. Охириги симфониялари партитураларига кларнетнинг киритилиши. Дамли чолғулар ансамбллари учун ёзган асарлари. Флейта, гобой, валторна ва труба учун яккагон концертлари (духовой квинтет учун “Дивертисмент и В-dur 11).

В. Моцарт (1756-1791) ва унинг мероси. Унинг симфония ва операларида дамли чолғулар ролининг ортиши. Ёғоч дамли чолғуларнинг алоҳида гуруҳ бўлиб шаклланиши. Камер чолғу ижоди: дивертисмент, серенада ва бошқа асарлари. Яккагон чолғулар учун концертлари, уларнинг юксак таъсирчанлиги, шаклининг классиклиги, тилининг соддалиги, фактуранинг ёрқин ва техникавийлиги. Қуйида кўрсатилган

концертлардан икки ёки учтасини таҳлил қилиш: флейта учун Соль ва Ре мажор; гобой учун Ми бемоль мажор; фагот учун Си бемоль мажор; валторна учун Ре мажор ва бошқалар.

Л.В.Бетховен (1770-1827) ижодининг ўша давр демократик ғоялари билан боғланиши. Унинг симфонизми ва уларда дами чолғулар ифода ва динамик имкониятларини кенгайтиши. Оркестрнинг уч асосий гуруҳга бўлиниши, булар: торли, ёғоч ва мис чолғулар ва зарбли асбоблардан ташкил топганлиги. Унинг фортепиано, гобой, кларнет, фагот ва валторна учун Ми бемоль мажор квинтети ижодининг аҳамиятли босқичи эканлиги. Икки гобой ва инглиз рожоги учун триоси, флейта, фагот ва фортепиано учун триоси ва бошқалар. Ушбу асарларнинг ўзига хослиги. Шаклининг ёрқинлиги ва мазмундорлиги. Валторна ва фортепиано учун Фа мажор сонатаси яратилиши тарихи, бадиий ва услубий таҳлил.

VIII. ЙИРИК РОМАНТИК КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

Даврга умумий таъриф. Муסיқа санъатининг ижтимоий аҳамиятини ўсиши, созандалар келиб чиқиш таркибининг ўзгариши. Романтизмнинг мақсади ва унинг илғор оқим эканлиги.

Романтик композиторлар оркестрларида баъзи дамли чолғулар тембрининг ёрқинлиги. Оркестр гуруҳида дамли чолғулар сонининг кўпайиши.

К.М.Вебер (1786-1826) ижодига характеристика. Унинг оркестри ва дамли чолғуларга катта эътибори. Чолғуларнинг регистр, виртуоз ва бошқа имкониятларини ўзи яратган яқкаҳон концертларида кенг ва ёрқин қўлланганлиги. Унинг кларнет учун концертлари. Уларнинг биринчи ижроچиси Г.Берман. Фагот учун Фа мажор концерти. Унинг валторна учун концертиноси. Дамли чолғулар учун бошқа асарлари. Ҳозирги замон ижрочилари репертуаридаги асарлари.

IX. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

XIX аср охири XX аср бошларида дамли чолғулар оркестрига асарлар мослаштиришнинг икки йўналиши: а) Вагнер мактаби анъаналарининг давоми; б) янги француз оркестр услубининг яратилиши. Дамли чолғуларнинг ифода ва техник воситаларидан фойдаланишда мазкур услуб намуналарининг акс этиши.

Р.Штраус (1864-1949) концерт-виртуоз услубининг яратувчиси. Унинг дамли чолғулар учун ноқулай регистрларни қўллаши. “Алп симфонияси”даги оркестр таркиби. Дамли чолғулар учун концерт жанри ривожининг аҳамиятли ютуқлари. Дамли чолғулар иштирокидаги бошқа асарлари.

Г.Малер (1860-1911) Вагнер мактаби анъаналарининг давомчиси. Унинг катта оркестри ва дамли чолғулардан фойдаланишининг янги усуллари.

Х. ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ВА ПЕДАГОГИКА

Ғарбий Европадаги оркестр жамоалари ва уларнинг мусиқа маданияти ривожини белгилашдаги роли. Дрезден, Берлин, Лейпциг, Париж, Лондон, Вена, Прага ва бошқа шаҳарларнинг симфоник оркестрлари. Дамли чолғуларнинг машҳур ижрочилари: Г.Берман (1784-1847) кўзга кўринган немис кларнетчи-концертчиси. Унинг К.М.Вебер, Ф.Менделсон ва Д.Майерберлар билан дўстона алоқаси. Муваффақиятли чиқишлари ва композиторлик фаолияти. Р.Мюлфельд (1856-1907) Мангейм оркестри кларнетчиси, И.Брамс камер асарларининг биринчи ижрочиси. Поляк кларнетчиси Ю.Дамсе (1778-1852). Немис флейтачиси Т.Бем (1794-1881) дамли чолғуларни такомиллаштирганлардан бири. Унинг чет эл гастроллари ва репертуари. Инглиз флейтачиси Р.Карт (1808-1991). Француз Ж.Тюлу (1786-1865). Италия Ж.Бриччалди, оға-ини немислар Ференц ва Карл Доплерлар. Машҳур француз флейтачиси К.Таффанел (1844-1908) жуда кўп композиторлар унга ўз асарларини бағишлаганлар. Валторначилар Л.Шунке ва М.Набих.

ХІ. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ВА ЯНГИ ТУРЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ХІХ аср ёғоч ва мис дамли чолғуларнинг мунтазам такомиллаштириш даври.

Мис чолғулардаги винтел ускунасининг пайдо бўлиши ижрочилик санъатида кескин бурилиш эканлиги. Мазкур ускуналарни А.Блюмел ва ака-ука Антон ва Игнац Кернер (1816)лар томонидан ихтиро қилиниши. Винтел ускуналарининг помпа ва айланма турлари.

Такомиллаштирилган дамли чолғуларнинг симфоник оркестр таркибига киритилиши. Ушбу жараённинг тарафдорлари ва унга қаршилар. Г.Берлиоз, Р.Шуман, Р.Вагнер ва бошқа ижодкорлар янги чолғуларнинг тарғиботчилари. ХІХ асрнинг 70-80 йиллари табиий мис чолғуларнинг хроматиклар томонидан сиқиб чиқарилиши. Р.Вагнер, Ф.Лист, Ж.Верди, Ж.Бизе, А.Дворжакларнинг симфоник оркестрида винтелли чолғуларнинг муқим ўрин тутиши. Ихтиро қилинган корнетнинг Парижда намоёниш этилиши (1839 й.). Юқори кларино партияларини чаладиган “Бах труба”си, Ж.Вердининг таклифига биноан ясалган “Миср трубалари”, Қадимги Серпент чолғуси ўрнига келган Бас Офикленд, Винтелли бас ва контрабас трубаларининг ихтиро қилиниши (1835 й.) ва уларнинг оркестр таркибига киритилиши. А.Сакс томонидан винтелли мис

чолғу (Саксгорн)лар оиласини ихтиро қилиниши (1845 й.) ва альт, тенор, баритон, бас деб номланган бу чолғуларнинг оркестр асосини ташкил қилиши. Т.Бемнинг ёғоч чолғулар ислоҳоти флейта конструкциясининг ривожланиш тарихидаги муҳим давр эканлиги. Флейтанинг асосий 14 та тешикларини ҳам ёпқичли механизм билан таъминланиши, товуш сифатининг яхшиланиши. Т.Бем тизимининг бошқа ёғоч чолғуларга ҳам тадбиқ қилиниши.

ХII. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХОРИЖИЙ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ҳозирги замон муסיқа санъати ривожланиш йўлларининг зиддиятли ва мураккаблиги. Дамли чолғулар ижрочилигининг ҳозирги замон санъатидаги турли йўналиш ва оқимлари (немис, француз. чех ва бошқа миллий мактаблар). Хорижий композиторларнинг концерт ва камер асарлари.

П.Хиндемит (1895-1963) немис муסיқасида неоклассицизм етакчиси, машҳур композитор. Барча дамли чолғулар ва фортепиано учун сонаталари (баъзиларини кўриб чиқиш). Кларнет, валторна ва оркестр учун концертлари. Дамли чолғулар квинтети учун кичик камер муסיқаси. Хиндемит асарлари ҳозирги замон ижрочилари репертуарида (Соната для валторнў и фортепиано 3), (Маленкая камерная музўка для 5 духовўх инструментов, 192 пленка).

А.Шенберг (1874-1951) додекафон тизимининг яратувчиси. Унинг ёғоч дамли чолғулар учун квинтети.

А.Берг (1885-1935) Шенбергнинг давомчиси. Унинг кларнет ва фортепиано учун 4 пьесаси (Камернўй концерт для фортепиано и 13 духовўх инструментов, 304 пленка).

Француз “Олтилик” композиторлари ижодида дамли чолғулар. Уларнинг асарларида замонавий композиторлар йўналишлари турли услубларининг акс этиши. Ф.Пуленк (1899-1963) дамли чолғулар учун яратган энг яхши асарлари, Д.Мийо (1892-1974) ва унинг флейта учун сонатаси, программали асарлари. А.Онеггер (1892-1955) унинг икки флейта, кларнет ва фортепиано учун рапсодияси ва бошқа асарлари. Шунингдек А.Жоливе, Ж.Ибер, А.Руссел, Э.Бозэ, А.Томази ва бошқа француз композиторларининг асарлари.

ХIII. ХОРИЖИЙ ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАЛАРИ

Француз, чех, немис, инглиз ва америка миллий мактаблари. Уларнинг ўзига хослиги. Ҳозирги даврдаги педагогик ва ижрочилик даражаси. Ҳозирги француз ижрочилик мактаби ва ижро услубининг нафислиги, изланувчанлиги. Машҳур созандалари: флейтачилар М.Дебо,

Ж.П.Рампаль, Ж.Летрокер, гобой Ж.Труба, М.Бург, саксофончи Ж.М.Лондейкс, трубачилар Р.Сабариш, М.Андре.

Чехословакия дамли чолғулар ижрочилигининг юксак маданияти. Ижрочилари: флейта Ф.Чех, В.Жилка, фагот К.Бидло, валторначи И.Гобик, труба В.Юнек ва И.Пранс, тромбончи З.Пулец, саксофончи К.Краутгартнер ва уларнинг ижрочилик услублари.

Немис ижрочилик мактаби. Унинг ҳозирги замон созандалари томонидан асраб келинаётган бой анъаналари ва машҳур ижрочилари: флейта И.Валтер, кларнетчи П.Рикхоф, валторначи П.Дамм, трубачи В.Круг ва бошқалар.

Инглиз ижрочилик мактаби ва унинг йирик намояндалари: гобойчилар Э.Ротуэлл, Л.Гуссенс, валторначилар Д.Брейн ва Б.Теквелл.

Булғория, Венгрия, Польша, Руминия ва бошқа мамлакатлар ижрочилик мактабларининг ўзига хос ижодий йўллари ва етакчи созандалари: трубачи П.Каркаров, кларнетчи С.Дмитров, тромбончи К.Бакаржиев, кларнетчилар Д.Борбей ва Г.Балаш, фаготчи Я.Габор, валторначи Э.Любек, кларнет Ю.Петрахович, А.Попп ва бошқалар.

Америка ижрочилик мактабининг ансамбл ва оркестр ижрочилигидаги юксак маданияти. Унинг йирик намояндалари: Б.Гудмен буюк кларнетчи-виртуоз ва жаз оркестри дирижёри.

II ҚИСМ.

XIV. РОССИЯДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ

ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ ХАЛҚ ЧАШМАЛАРИ

Қадимги славянлар маиший ҳаётида дамли чолғулар. Қадимги рус дамли чолғуларининг номлари: сопели, труба, рог, қўш флейта, жалейка ва бошқалар. Уларнинг шакли ва созланиши. Ижро қилиш йўллари. Киев русида мусиқа. Кейинги асрларда халқ маиший ҳаётида дамли чолғулар. XVII асрдаги халқ созандалари. Москва сарой театрининг ташкил қилиниши (1674).

XV. XVIII ВА XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ўша даврга қисқача таъриф. Петр I даври мусиқаси. Ҳарбий оркестрлар таркиби (гобой, труба, валторна, литавр ва барабанлар). Биринчи маҳаллий созанда кадрлар (1702)нинг етишиб чиқиши. Ҳарбий оркестр хизматининг бошланиши (1711). Москвада биринчи оммавий театрнинг очилиши (1702). Рус крепостной оркестрларида дамли чолғулар. Бу оркестрларнинг миллий оркестр ижрочилик услубининг негизи эканлиги. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россияда концерт ҳаёти. Крепостной муҳитдан чиққан халқ мусиқий анъаналарининг давомчилари.

Рус крепостной созандалари: флейтачи Папков, гобойчи Самарин, кларнетчи Титов, фаготчи Костин, валторначи Лузин.

XVI. РУС КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

Рус композиторлари мактабига асос солган Е.Фомин, Д.Бортнянский, В.Пашкевич, О.Козловскийлар ижодида флейта, кларнет, фагот ва валторналарнинг қўлланилиши.

А.Алябев (1787-1851) ижодида дамли чолгулар. Унинг 4 флейта учун квартети. Дамли чолгулар учун квинтети.

М.Глинка (1804-1857) ижодида дамли чолгуларнинг аҳамияти. Кларнет, фагот ва фортепиано учун патетик триоси. Унинг опера оркестрида дамли чолгуларнинг ўрни.

XVII. РУС КЛАССИК КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

Ўша даврга умумий таъриф. 60-йилларда Россиядаги ижтимоий ва маданий ўзгаришлар. П.Чайковский ва “Забардаст тўда” композиторлари ижодининг ўзига хос миллий характери. Дамли чолгулар ижрочилигининг ривожига П.Чайковский ижодининг таъсири.

Н.А.Римский-Корсаков (1844-1908)нинг оркестрлаштириш санъати. Унинг ҳарбий денгиз флоти оркестрлари инспекторлиги фаолияти. Унинг тромбон, гобой ва кларнет учун концертлари. Дамли чолгулар учун квинтети.

А.Скрябин (1871-1915) оркестрлаштиришининг ёрқин жозибали орангдорлиги. “Экстаз” поэмасида дамли чолгуларнинг қўлланилиши.

XVIII. РОССИЯДА МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

Дамли чолгуларда рус ва хорижий ижрочилик мактабларининг тутган ўрни. XIX асрнинг иккинчи ярмида концерт-ижрочилик фаолиятининг кенгайиши. 1862 йили ташкил қилинган Петербург консерваториясининг дамли чолгулар синфи: флейта Ц.Чиарди, гобой В.Шуберт, В.Геде, кларнет Э.Каваллини, К.Нидман, В.Бреккер, фагот К.Куштбах, Э.Котте, валторна Ф.Гомилиус, труба В.Вурм, тромбон Ф.Тюрнер ва бошқалар. Уларнинг созандалик ва педагогик фаолияти. В.Вурмнинг корнет ва труба учун ўқув қўлланмаси. А.Глазуновнинг дамли чолгулар талабаларига Ғамхўрлиги. Консерваторияни биринчи битирувчилари.

1866 йили ташкил қилинган Москва консерваториясининг дамли чолғулар синфи: флейта Ф.Бюхнер, гобой Э.Медер, кларнет В.Гут, валторна М.Бартольд, труба Ф.Рихтер, фагот Г.Эзер, тромбон Х.Борк ва бошқалар. Консерваториянинг илмий-педагогик, методик ва концерт фаолияти. Саратов, Киев, Одесса, Тифлис, Ростов ва бошқа шаҳарларда ҳам консерваторияларнинг ташкил қилиниши.

ХІХ. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИНИНГ ОКТЯБР ТЎНТАРИЛИШИДАН КЕЙИНГИ ДАВРИ

Собиқ Иттифокда мусиқа маданияти ва унинг моҳияти. 20-йилларда “Персмфанс” дирижёрсиз биринчи симфоник ансамбл. С.Розановнинг “Дамли чолғуларда ўқитиш методик асослари” китоби (1935-39 йй.) Дамли чолғулар учун В.Цўбин, Н.Платонов, Н.Назаров, С.Розанов, В.Салодуев, Г.Орвид, В.Блажевич ва бошқаларнинг биринчи дарсликлари. Уларнинг олдинги хорижий дарсликлардан фарқи. 20-30 йилларда камер-чолғу мусиқасининг ривож.

XX. МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД КОНСЕРВАТОРИЯЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ОЛИЙ МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР СИНФЛАРИ

Дамли чолғулар ижрочилигини ривожлантиришда олий ўқув юртларининг етакчиликлари ўрни. Москва ва Ленинград консерваторияларининг марказ ролини бажариши. Профессорларнинг кекса авлоди С.Розанов (1871-1937) кларнетчи-профессор, факультет декани, энг яхши шогирдлари А.Володин, А.Штарк, А.Семенов, П.Майоров, А.Александров, А.Персман, У.Ризакулов ва бошқалар. В.Цўбин (1877-1949) флейтачи-виртуоз, композитор, дирижер ва педагог. В.Блажевич (1881-1942) тромбон мактабининг асосчиси, ижрочи педагог, композитор. М.Табаков (1887-1956) маъмур трубачи, педагог. Ф.Эккерт (1865-1941) таниқли валторначи, педагог, композитор ва дирижёр. И.Костлан (1877-1963) фагот мактабининг асосчиси.

Санкт-Петербург консерваториясининг таниқли профессорлари: А.Василев (1878-1948) флейтачи-педагог, М.Буяновский (1891-1966) валторначи-профессор. В.Генслер (1906-1963) кларнетчи ва бошқалар.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги консерваторияларнинг дамли чолғулар синфлари ва уларнинг фаолияти. Киевлик В.Яблонский, Одессалик Л.Могилевский, Тбилисилик Г.Гвенцадзе ва бошқалар. Ушбу мактабларнинг рус оркестр ижрочилиги билан боғлиқлиги.

XXI. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ 1945 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ РИВОЖИ

Ижрочиликнинг янги даври. Мусикий таълим даражасининг юксалиши, ўқитиш методикасини яхшиланиши. Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар. Турли ижрочилик жамоалари ва яккахонларнинг чет элларга мунтазам чиқиб туришлари.

Созанда ижрочиларнинг Халқаро танловлари ва уларнинг чолғучилар маҳоратини оширишдаги ўрни. Прага фестивали (1947) ва унда қатнашган ғолиблар: И.Рогинский ва В.Петров (кларнет), Т.Докшицер (труба) ва бошқалар. Будапешт (1949), Берлин (1951), Бухарест (1953), Варшава (1955), Москва (1957), Вена (1959), Хельсинки (1962) шаҳарларида ўтказилган демократик ёшлар ва талабаларнинг Халқаро фестиваллари лауреатлари: флейта А.Корнеев, Г.Зенин, О.Кудряшов; гобой В.Эльстан, С.Амедян, Р.Оганесян, К.Никончук; кларнет В.Безрученко, И.Мозговенко, А.Тресков, Б.Прорович, А.Михайлов; фагот А.Абжан, В.Власенко; валторна В.Полех, Ю.Скворцов, И.Удальцев, А.Демин, Б.Афанасьев, Б.Буяновский; трубачилар И.Границкий, И.Павлов, В.Новиков, В.Юдин, Л.Володин, Ю.Большаков; тромбончилар М.Трусин, К.Ладилов ва бошқалар. Ижрочиларининг юксак маҳорати, ижронинг ёрқин ва ишонарлиги.

XXII. ЙИРИК ПЕДАГОГЛАР

Ижрочиликнинг кейинги ривож ва педагогик-методик ишларига Москва консерваторияси профессорларининг таъсири. Булар: Н.Платонов (1894-1968), Ю.Ягудин (1907), Ю.Должиков (1932) (флейта), М.Иванов (1882-1957), Н.Салодуев (1890-1971) (гобой). М.Оруджев (1920), А.Петров (1920), А.Володин (1897-1966), А.Семенов (1907-1958), В.Петров (1920), Б.Диков (1918) (кларнет), Р.Терехин (1919) (фагот), А.Усов (1895), А.Янкелевич (1905) (валторна), С.Еремин (1903-1975), Г.Орвид (1904), Ю.Усов (1930) (труба), В.Шербинин (1896-1963), П.Чумаков (1918), М.Зейналов (1917) (тромбон), А.Лебедев (1924) (труба).

XXIII. КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

Давр талаби асосида мусиқа санъати олдида қўйилган янги мавзулар. Мусиқанинг жанр ва турли йўналишлари чегараларининг кенгайиши. С.Прокофьев, Д.Шостакович, Н.Мясковский, Э.Хачатурян, Д.Кабалевский, Т.Хренников, Г.Свиридов, Р.Шедрин, А.Эшпай ва бошқа композиторларнинг оркестр асарларида дамли чолғулардан моҳирлик билан фойдаланишлари. Бу асарларни фақат юксак ижрочилик маҳоратини эгаллаган созандаларгина ижро қила олишлари мумкинлиги.

I. МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДАГИ ИБТИДОЙИ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ҚАДИМГИ ДУНЁ ЧОЛҒУЛАРИ

Дамли чолғуларнинг қадимги тош асри - Палеолит (милоддан аввалги 80-15 минг йилликлар) даврига доир топилдиқларнинг мавжудлиги. Эрамиздан аввалги III-I асрларда ҳам дамли чолғуларнинг найсимон, тилли ва карнайсимонларга тавсифланганлиги. Қадимги Миср, Бобил ва бошқа Шарқ мамлакатларида дамли чолғулар ҳақида маълумот берувчи тасвирий санъат асарлари, ҳайкалчалар ва археологик топилмалар. Искандар Зулқарнайн қўшинидаги ҳарбий чолғулар.

Хоразм худудидаги “Қўй қирилган қалъа” (милоддан олдинги IV-III аср), “Тупроқ қалъа” (I-III аср), “Қирқ қиз қалъа” (V-VI аср) истеҳкомларидан топилган най, мизмар, сурнай, даф ва ноғорага ўхшаш асл номлари сақланмаган чолғу созлари ушлаган мутриба аёл ва эркаклар тасвирланган тангачалар, ганч ҳайкалчалар ҳамда Айритомдан топилган ҳайкалчалардаги чолғуларнинг таърифи. Самарқанднинг Ургут тумани Мўминобод қишлоғидан топилган бронза асрига тааллуқли суяк най ва V-VII асрларга тааллуқли Наманганнинг Поп туманидан топилган, қамишдан ясалган қўшнай ҳамда бошқа дамли чолғуларнинг таърифи. Анников лаганидаги етти карнайчи, карнай, нафир, шох нафир, буғ, бурғулар. Ташдорлар сопол карнайи ва бошқалар.

II. ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Араблар истилоси билан бирга янги анъаналарнинг тараққий топиши. Шарқ халқларида нафас-дамнинг илоҳийлиги ва бундай қарашлар исломдан олдин шаманларда ҳам бўлганлиги.

Ал-Форобий, Сафиуддин Урмавийларнинг муסיқий рисоалари ва буюк ижрочилиги ҳақидаги ривоятлар. Хоразмшоҳлар давридаги ҳарбий муסיқа. Найи Эбан чолғусининг Сафиуддин томонидан ихтиро қилиниши. Маҳмуд бин Маъсуд Қутбиддин аш Шерозий (1236-1310)нинг “Дуррат ут-тож ли-ғуррат ид-дийбож” (Шоҳ тожини безовчи ноёб дур) қомусий рисоласида дамли чолғуларнинг классификация қилиниши ва товуш ҳосил этилишига доир маълумотлар.

Мехтарлик гуруҳлари, уларнинг ташкил топиши ва таркиби. “Ноғорахона” ларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг вазифалари.

III. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲАРБИЙ МУСИҚА

Бу даврга келиб марказлашган давлатнинг тузилиши. Созандаларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берган имкониятлар. “Темур тузуклари”да ҳарбий созандаларнинг тақсимланиш тамойиллари.

Мехтарлар гуруҳлари таркибларининг ортиши. Улар ижро қиладиган куйлар (Сарбозча, Аскарӣй, Усмонӣя). Шарқ миниатюраларида Темур ва темурийлар ҳарбий юришлари акс эттирилган тасвирлардаги дамли ва зарбли чолғулар.

IV. ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИНИНГ XIX АСРГАЧА БЎЛГАН АҲВОЛИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ

XVII асрга келиб феодал тарқоқликнинг кучайиши натижасида мусиқа санъатининг ҳам сусайиши. Марказий Осиёнинг Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида бўлиниб кетиши. Ушбу марказларда мусиқа санъатига бўлган эътибор. Маҳаллий ўзига хослик. дамли чолғуларнинг дорбозлар, “Чодир маёл” - қўғирчоқбозларга жўр бўлувчи турлари. Бахшилар ансамблидаги турлари.

Устозона ўргатиш услублари. Дамли чолғулар ижрочиларининг сулолалари. Машҳур ижрочилар.

V. ОВРЎПА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИНИНГ ТУРКИСТОНГА КИРИБ КЕЛИШИ

XIX асрнинг ўрталарига келиб Марказий Осиё Россия томонидан босиб олиниши. Бунинг натижасида Оврўпа маданиятининг кириб келиши. Бу жараённинг уч хил йўналишда кечганлиги: а) ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари орқали; б) ҳаваскорлик тўғараклари ва мусиқа жамиятлари орқали; в) гастрол сафарларига келган ҳар хил концерт ва театр жамоаларининг томоша кўрсатишлари орқали.

Туркистонда ҳарбий дамли чолғулар оркестри ривож ва ташвиқотига катта ҳисса қўшган капелмейстерлар А.Ф.Эйхгорн (1844-19..), Ф.В.Лейсек (1857-1935), Н.Н.Миронов (1870-1952) ва бошқаларнинг фаолияти. Мусиқа жамиятлари ва бошқа жамоат ташкилотларини тузишда юқорида номлари келтирилган арбоблар ва созандаларнинг роли.

VI. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

1918 йили Тошкентда ва кейинчалик бошқа шаҳарларда ташкил қилинган халқ консерваториялари. Ушбу даргоҳларнинг биринчи муаллимлари. Ҳарбий оркестр дирижерларининг мураббийлик фаолияти. Мазкур консерваторияларни мусиқа техникуми ва мусиқа мактабларига айлантирилиши. 1924 йили ўрта махсус мусиқа таълимига асосланган ўзбек давлат мусиқа техникуми (ЎДМТ)нинг ташкил қилиниши.

VII. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ

РИВОЖИ

Урушдан кейинги йилларда Республика мусиқа ижрочилиги санъатининг ривожланиши. 1948 йили Навоий номидаги опера ва балет театрининг очилиши мусиқа маданияти ривождаги муҳим босқич эканлиги. Ўзбек симфоник оркестрининг фаолияти, дирижерлари, репертуари. Консерватория дамли чолғулар кафедрасининг янги педагоглар билан тўлиши. И.В.Логинов (1912-1955) таниқли трубачи, ижрочи-педагог, унинг етиштирган шогирдлари. У.Ризоқулов (1912-1965) биринчи ўзбек дамли чолғулар ижрочиси, кларнетчи. Унинг ижрочилик ва педагогик фаолияти, шогирдлари.

VIII. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ

1970-йиллар дамли чолғулар ижрочилигининг янги ривожланиш босқичи эканлиги. Бу даврда мусиқа билим юртлари ва болалар мусиқа ва санъат мактаблари сонининг ортиши. 1963 йили Тошкентда биринчи Республика дамли чолғулар танловининг ўтказилиши. 1972 йили II (Фарғона), 1974 йили III (Наманган), 1976 йили IV (Бухоро), 1978 йили V (Наманган), 1980 йили VI (Нукус), 1982 йили VII (Самарқанд), 1984 йили VIII (Бухоро), 1986 йили IX (Андижон), 1988 йили X (Наманган), 1990 йили XI (Қарши), 1992 йили XII (Самарқанд), 1994 йили XIII, 1996 йили XIV, 1998 йили XV, 2001 йили XVI (Тошкент) конкурслари ва уларнинг ғолиблари. Танлов ғолибларига 1993 йилги Вазирлар Маҳкамасининг 157 сонли Қарорига мувофиқ ўқув юртларга киришда бериладиган имтиёзлар.

IX. ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР УЧУН ЁЗГАН АСАРЛАРИ

Ўзбек композиторларининг дамли чолғулар учун асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин ижод қилишлари. Г.Мушелнинг флейта ва фортепиано учун сонатаси (1948). С.Бобоевнинг кларнет ва фортепиано учун рапсодияси (1948), Ф.Назаровнинг кларнет ва фортепиано учун сюитаси (1949). Г.Мушелнинг флейта учун “Арабеска”, труба учун “Байрам марши”, тромбон учун “Қаҳрамонона монолог”, валторна учун “Сўзсиз қўшиқ”, труба учун “Лирик мунозара” ва бошқа асарларнинг ижод қилиниши.

X. ЎЗБЕК КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ СИМФОНИК ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ўзбек симфонизмининг шартли равишда уч даврга бўлиниши. Биринчи даври консерватория, филармония ва бошқа ташкилотларнинг очилиши. Кўп

овозлилики миллий муҳитга сингдирилиши. Иккинчи даври, Симфоник оркестр тембрида шарқ колоритини шакллантирилиши. Бу йўналишда миллий композиторларнинг биринчи устозлари, В.А.Успенский, А.Козловский, Г.Мушель, Б.Надеждин ва бошқалар.

ХІ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР ВА УЛАР УЧУН НАШР ҚИЛИНГАН ДАРСЛИК, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА, ТЎПЛАМ ВА БОШҚА НОТА АДАБИЁТЛАРИНИНГ ШАРҲИ

Истиқлол муносабати билан таълим ислохотлари амалга оширила бориб, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби қатор давлат ҳужжатлари асосида касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, икки босқичли олий ўқув юртлари ва бошқа тизимлар ташкил қилинганлиги.

Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар нашр қилиш ишлари ҳам амалга оширилаётганлиги. Ана шундай дарсликлардан бири консерваториянинг гобой синфи профессори Виталий Львович Мелкоминининг «Начальная школа обучения игре на габое и блокфлейте».(Изд-во Г.Гулям. Т., 2002 г.) дарслиги бўлиб, у блокфлейта, гобой мутахассисликлари ва педагогика амалиёти фанлари учун мўлжалланган. Бундай китоб ҳамдўстлик давлатларида ҳам чоп этилмаган. Шунингдек, Баҳодир Собирович Солиҳовнинг Ўзбекистон композиторлари томонидан кларнет ва фортепиано учун ёзилган асарларидан иборат тўплами ҳам 2002 йили нашрдан чиқди. Шу йили Б.Матёкубов ва М.Отажоновларнинг «Муҳаббат» номли кларнет ва фортепиано учун тўртта Хоразмча рақс тўплами ҳам чоп этилди.

Маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Ушбу фан бўйича маълум бир мавзуларни ўтиб бўлингандан сўнг, олий таълим муассасасининг хусусиятларидан келиб чиқиб амалий ва семинар машғулотлари олиб борилиши назарда тутилади. Бу – назарий ўрганилган билимларни, амалий кўникмалар орқали мустақкамлаб боришга ёрдам беради. Хусусан, амалий машғулотларда ҳар бир мавзу юзасидан чолғуни чалиб кўриш, куйларнинг бирор қисмини нотага қараб ижро этиб, тингловчига таъсирчанлиги хусусиятларини такрорий тажрибалар (репетициялар), ижро талқинлари орқали синаб кўриш яхши натижа беради.

Амалий машғулотлар айрим асарларнинг ижро талқинлари (муסיқий ёзувлари)ни тинглаб кўриш, тажриба (репетиция)лар воситасида ўз ижодий (ёки ижро) йўналишини аниқлаш каби зарур кўникмаларни шакллантиришга қаратилади. Муסיқий ижро ёзуви намуналарини турли услубларда ёзиб олиб сақлаш, садоланиш вариантларини таҳлил орқали ўрганиш вазифалари ҳам қўйилади.

Назарий ва амалий машғулотларида ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни семинар машғулотларида турли шакллар билан синовлардан ўтказилади. Семинар машғулотлари фанни касбий тайёргарлик талаблари даражасида ўзлаштиришга йўналтирилган барча услубий ёндошувлар, билим ва кўникмаларни мантиқан умумлаштиришга хизмат қилади.

Курс ишини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Курс иши торли чолғулар ихтисослиги бўйича саҳнадаги ижро ёки студиядаги музикий ёзув жараёнида акустик жиҳатларни, микрофонлар тизимини ишлатиш услубларини (аниқ жойини белгилаш, ҳисоблар натижасида товушнинг таъсир кучини сезишни) амалий машғулотлар доирасида ўзлаштириб олиш назарда тутилади. Нота ёзувлари орқали концерт ва педагогик репертуарни шакллантириш ишлари бажарилади.

Курс иши белгиланган услубий кўрсатма ва талаблар асосида бажарилади. Музикий ОТМлари хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур фан бўйича курс иши чолғу хусусияти, ижро дастури, ижодий асар, берилган мавзу бўйича тадқиқий изланиш ёки бирор бошқа ижодий иш тариқасида олиб борилади ҳамда белгиланган кўринишдаги ёзма иш тариқасида тақдим этилади. Масалан:

- а) П.Чайковский ва “Забардаст тўда” композиторлари ижодининг ўзига хос миллий характери.
- б) XVIII аср бошларида гомофоник музиканинг ривожланиши.
- в) Симфоник оркестр тембрида шарқ колоритини шакллантирилиши.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимни ташкил этишда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- дарслик, ўқув қўлланма, махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- янги музикий техник воситалар ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг илмий текшириш (ижодий) ишларини (ТИТИ) бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари (ишбилар ўйинлар, дискуссиялар, семинарлар, коллоквиумлар ва б.).

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни ахборот-таълим ресурсларидан, таълим муассасасида мавжуд кутубхона, фонотека ва видеотека жамғармасидан, репетиторийлардан, ўқув лабораториялари, овоз ёзуви студиялари, телерадиокомпания каналлари ва концерт залларидан унумли фойдаланишдан, бажарилган ишларнинг таҳлилини баён этишдан иборатдир.

Мазкур фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб касбий маҳоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни мақсадли амалга ошириш ҳам назарда тутилади.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўзлаштиришда таълимнинг замонавий методлари (хусусан, интерфаол), педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ижодий ўқув жараёнида унумли қўлланилади. Ахборот-ресурс марказлари компьютерлари, “Интернет”, “Зиёнет” каби ахборот ресурс тармоқлари, махсус Веб-сайтлар саҳифаларидан унумли фойдаланиш, махсус ўқув адабиётлари – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, методик тавсиялар, нота графикаси юзасидан амалий компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Салихов Б., Матякубов Б. Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғуларда ижрочилик тарихи. Т., 2007.
2. Усов Ю. История зарубежного исполнительства на духовых инструментах. М., 1982.
3. Левин С. Духовые инструменты в истории музыкальной культуры. Л., 1973.
4. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. М., 1963.
5. Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. Т., 1972.

Қўшимча адабиётлар

6. Усов Ю. История отечественного исполнительства на духовых инструментах. М., 1986.
7. Турли муаллифлар. Турли чолғулар ҳақида ёзилган рисоалар, очерклар ва мақолалар. 1996-2008.

Семинар машғулотларни ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Назарий ва амалий машғулотларда ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни семинар машғулотларида турли шакллар билан синовлардан ўтказилади. Семинар машғулотлари фанни касбий тайёргарлик талаблари даражасида ўзлаштиришга йўналтирилган барча услубий ёндошувлар, билим ва кўникмаларни мантиқан умумлаштиришга хизмат қилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимни ташкил этишда мазкур фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- дарслик, ўқув қўлланма, махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанлар боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- янги музикавий техник воситалар ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг илмий текшириш (ижодий) ишларини (ТИТИ) бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари (ишбилармонлик ўйинлар, дискуссиялар, семинарлар, коллоквиумлар ва бошқалар).

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни ахборот-таълим ресурсларидан, таълим муассасасида мавжуд кутубхона, фонотека ва видеотека жамғармасидан, репетиторийлардан, ўқув лабораториялари, овоз ёзуви студиялари, телерадиокомпания каналлари ва концерт залларидан унумли фойдаланишдан, бажарилган ишларнинг таҳлилини баён этишдан иборатдир. Мазкур фаннинг хусусиятларидан келиб чиқиб касбий маҳоратни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни мақсадли амалга ошириш ҳам назарда тутилади.

Дастурнинг информацион-услугий таъминоти

Мазкур фанни ўзлаштиришда таълимнинг замонавий методлари (хусусан, интерфаол), педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ижодий ўқув жараёнида унумли қўлланилади. Ахборот-ресурс марказлари компьютерлари, “Интернет”, “Зиёнет” каби ахборот ресурс тармоқлари, махсус Веб-сайтлар саҳифаларидан унумли фойдаланиш, махсус ўқув адабиётлари – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, методик тавсиялар, нота графикаси юзасидан амалий компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади

Тақвим мавзуйи режа.

Тақвим мавзуйи режа ўқув материаллини тўғри тақсимлашда мазкур фанни бошқа фанлар ва амалиётлар билан боғлашда, дарсга керакли ўқув материаллари ва воситаларини тайёрлашда ёрдам беради, ўқитиш жараёнини лойихалаштириш ва самарадорликни ошириш имконини беради. Тақвим-мавзуйи режада жорий ва оралик баҳолаш ҳамда якуний баҳолаш муддатлари, ажратилган соат миқдорлари, кўрсатмалари акс этади.

<i>№</i>	<i>Мавзу</i>	<i>Ажратилган соат</i>	<i>Таълим шакли</i>	<i>Дарс тури</i>	<i>Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик</i>	<i>Таълим методлари</i>	<i>Таълим воситалари</i>	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	<i>Мустақил иш топшириқлари</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>
1	К И Р И Ш Курснинг мақсади ва вазифалари.	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ	Кластер	Кўрғазмали материаллар		
2	Ибтидоий жамоа тузуми қадимги дунё чолғулар	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўрғазмали материаллар		
3	Ўрта асрлардаги дамлар чолғулар	2	Маъруза	Назарий, амалий	Фанлараро боғлиқ				

4	Уйғониш даври дамلىق чолғулары	2	Маъруза	Назарий, амалий	Фанлараро боғлиқ				
5	Семинар (Ж.Н)	2	Сўров	амалий	Фанлараро боғлиқ				
6	XVII АСРДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР ОРКЕСТР ВА КАМЕР АНСАМБЛЛАРДА Қўлланилиши	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмалар материаллар		
7	XVIII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ЧОЛГУЛАР	2	Маъруза	Назарий, амалий	Фанлараро боғлиқ		Асарлардан парчалар эшитиши		
8	XVIII АСР ОРКЕСТР-ИЖРОЧИЛАР МАДАНИЯТИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАРНИНГ ТУТГАН ҲАВАСИ	2	Маъруза	Назарий, амалий	Фанлараро боғлиқ		Асарлардан парчалар эшитиши		
9	ВЕНА КЛАССИК МАКТАБИ КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР	2	Маъруза	Назарий, амалий	Фанлараро боғлиқ		Асарлардан парчалар эшитиши		
10	Семинар (О-Н)	2	Сўров	амалий	Фанлараро боғлиқ				
11	ҲАҚИҚАТ РОМАНТИК КОМПОЗИТОРЛАР	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро		Кўргазмалар		

	ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР				<i>боғлиқ</i>		<i>қуроллар</i>		
<i>12</i>	<i>ХІХ АСР ОХИРИ ВА ХХ АСР БОШЛАРИДАГИ КОМПОЗИТ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛ</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>13</i>	<i>ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ВА ПЕДАГОГИКА</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>14</i>	<i>ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ВА ЯНГ ТУРЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛ</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>15</i>	<i>Семинар (Ж-Н)</i>	<i>2</i>	<i>Сўров</i>	<i>амалий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>				
<i>16</i>	<i>ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХОРИЖИЙ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИД ЧОЛҒУЛАР</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>17</i>	<i>ХОРИЖИЙ ИЖРОЧИЛИК МА ВА УЛАРНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАЛАРИ</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>18</i>	<i>РОССИЯДА ХVІІІ ВА ХІХ АС БИРИНЧИ ЯРМИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>19</i>	<i>РУС КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР</i>	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий, амалий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Асарлардан парчалар эшитиш</i>		

20	РОССИЯДА МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмали қуроллар		
21	Семинар (О-Н)	2	Сўров	амалий	Фанлараро боғлиқ				
22	МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД КОНСЕРВАТОРИЯЛАРИ ҲАМ БОШҚА ОЛИЙ МУСИҚА ЎҚУ ЮРТЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР СИНФЛАРИ	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмали қуроллар		
23	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ 1945 ЙИЛДАН KEYИНГИ РИВОЖИ	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмали қуроллар		
24	КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИД ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР	2	Маъруза	Назарий, амалий	Фанлараро боғлиқ		Асарлардан парчалар эшитиши		
20	Якуний дарс (Я.Н)	2	Сўров	Амалий	Фанлараро боғлиқ				
21	Ўзбекистонда ибтидоий ж гузуми ва кадимги дунё чолғулари	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмали қуроллар		
22	ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмали қуроллар		
23	ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲА МУСИҚА	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро		Кўргазмали		

					<i>боғлиқ</i>		<i>қуроллар</i>		
<i>24</i>	ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИНИНГ XIХ АСРГАЧА БЎЛГАН АХВО ИЖРОЧИЛАРИ	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>25</i>	Семинар (Ж-Н)	<i>2</i>	<i>Сўров</i>	<i>амалий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>				
<i>26</i>	ОПРЎПА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ТУРКИСТОНГА КИРИБ КЕЛИ	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>27</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>28</i>	ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ РИВОЖИ	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>29</i>	Семинар (О-Н)	<i>2</i>	<i>Сўров</i>	<i>амалий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>				
<i>30</i>	ҲОЗИРГИ ДАВРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>31</i>	ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР УЧУН Ё АСАРЛАРИ	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Кўрғазмали қуроллар</i>		
<i>32</i>	ЎЗБЕК КОМПОЗИТОРЛАРИНИ СИМФОНИК ИЖОДИДА ДАМ ЧОЛҒУЛАР	<i>2</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Назарий, амалий</i>	<i>Фанлараро боғлиқ</i>		<i>Асарлардан парчалар эшитиши</i>		

33	МУСТАҚИЛЛИК ДАВ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ВА УЛА НАШР ҚИЛИНГАН ДАРСЛИ ҚЎЛЛАНМА, ТЎПЛАМ ВА Ў НОТА АДАБИЁТЛАРИНИНГ ШАРҲИ	2	Маъруза	Назарий	Фанлараро боғлиқ		Кўргазмали қуроллар		
34	Якуний дарс (Я.Н)	2	Сўров	Амалий	Фанлараро боғлиқ		Якуний дарс (Я.Н)		

7.Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати. ФОЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР

Усов Ю. История зарубежного исполнительства на духовых инструментах. М., 1982 г.

Левин С. Духовые инструменты в истории музыкальной культуры. Л., 1973.

Усов Ю. История отечественного исполнительства на духовых инструментах. М., 1986.

Салихов Б., Матякубов Б. Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғуларда ижрочилик тарихи. Т., 2007.

Қўшимча адабиётлар

8. Усов Ю. История отечественного исполнительства на духовых инструментах. М., 1986.

9. Турли муаллифлар. Турли чолғулар ҳақида ёзилган рисоалар, очерклар ва мақолалар. 1996-2008.

Электрон таълим ресурслари.

Салихов Б., Матякубов Б. Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғуларда ижрочилик тарихи. Электрон намунаси. (Қироатхонада)

Муסיкий намуналар (Фонотекада)

10. Дидактик воситалар. (Дидактик воситалар рўйхати берилади).

- Ҳар бир талабанинг ўз чолғу асбобидан ва ЎЗДК фонотекасида видео-аудио ускуналардан фойдаланилади.

11.Баҳолаш мезонлари.

"Тасдиқлайман"

Ўзбекистон давлат консерваторияси
ректори Д.А.Муродова
«25» август 2009 йил

Ўзбекистон давлат консерваториясида ижодий фанлар
бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари

Ўзбекистон давлат консерваториясида ижодий фанлар бўйича талабалар билими 100 баллик тизими асосида баҳоланади. ЎзР ОЎМТВнинг меъёрий ҳужжатларига асосланган ҳолда бу баҳолаш тизимида баллар қуйидагича тақсимланади:

86 баллдан - 100 баллгача - "аъло" баҳога мос тушадн

Унинг мезонлари: Талаба ижро этадиган мусикий асарлар дастури сони, жанрлар мажмуаси ва техникавий мураккаблиги нуқтаи назардан фанга оид ўқув дастурига тўлақонли мос тушиши лозим. Ижросида композитор ғоясида акс эттирилган ёки анъанавий меросига хос барча бадиий, техникавий ва драматургик талаблари пухта қондирилиши кўзда тутилади. Талабанинг мусикий қобилияти, ижрочилик маҳораги ёрқин намоён бўлиши керак. Унинг талқинида асар яратган замони, миллий услуби, жанр хусусиятлари юқори даражада ифода этилиши лозим.

71 баллдан - 85 баллгача - "яхши" баҳога мос тушади

Ижро кўрсаткичлари: Дастур мураккаблиги нуқтаи назардан талабларга тўлақонли жавоб бера олмаслиги, ижросида техникавий нуқсонлар учраши. Чолғуниг ижро кўникмалари қисман ўзлаштирилганлиги, асарларнинг талқинида динамик на тембр ранго-ранглигига етарли даражада аҳамият берилмаслиги бироқ, шунга қарамай ҳам умумий таассурот яхши бўлиши мумкин.

55 баллдан - 70 баллгача - "қониқарли" баҳога мос тушадн

Ижро кўрсаткичлари: Дастур талабаларига риоя қилинмаган ҳолда танланган бўлса, ижро услубида эркинлик, кўникмаларининг ўзлаштириш даражаси ўртача бўлса, бадиий ёрдашуви фақатгина баъзи ҳолларда намоён этилиши, техникавий аппарати саёз ва асосий базавий билимлар етишмаслиги ҳолатларида ўртача баҳолаш мумкин.

0 баллдан - 54 баллгача - "қониқарсиз" баҳога мос тушадн

Ижро кўрсаткичлари қониқарсиз. Танланган асарлар дастури на техника, на бадиий. на мураккаблиги нуқтаи назардан консерватория талабаларига қўйиладиган асосий талабларига жавоб бермаслиги қониқарсиз баҳоланиши лозим.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

I КИРИШ

Бакалаврият босқичи учун тузилган мазкур дастур - бакалаврият таълим йўналишларининг Чолғу ижрочилиги (Пуфлама ва зарбли чолғулар) ихтисосликлари бўйича тахсил оладиган талабалар учун мўлжалланган. Дастур Давлат таълим Стандартларига биноан санъат соҳасида бакалаврлар тайёрлаш ўқув режалари асосида тузилган. **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари:** Ижрочилик санъати тарихи фанининг мақсади – талабаларга ўқув дастурлари асосида ташкил этилган билимларни берилишидан иборат Ушбу ўқув дастури чолғу ижрочилигида шу кунгача вужудга келган ижрочилик санъатининг тарихи ва тараққиётидаги асосий босқичларни ўрганиш учун қаратилган.

Фанни ўзлаштиришдан келиб чиқадиган вазифалар - талабалар турли йўналишларда билимларга эга бўлганликларини намоёиш этишларидан иборатдир. Талабалар мазкур фан орқали чолғуларда ижрочилик санъати тарихи ҳақидаги барча ижрочилик қонун-қоидаларни мукаммал эгаллаб, назарий жиҳатдан ҳам ўз мутахассисликлари бўйича талаб даражасида ижрочилик сирларини эгаллайдилар. Тахсил жараёнида талабалар дамли чолғуларининг пайдо бўлиши ва такомиллашишининг бой тарихи билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, машҳур ижрочилик санъати усталарининг педагогик ва ижрочилик принциплари билан, жумҳурият бастакорларининг дамли чолғулар учун яратган асарларини билишлари лозим.

Айниқса мамлакатимиз мустақиллигидан кейин таълим ислоҳотларида мусиқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги, бу соҳа ривожига оид қарорлар, давлат дастурлари, қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва замонавий мусиқий чолғулар ҳамда бошқа ускуналар билан жиҳозланаётган ўқув муассасалари тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлишлари зарур.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Фаннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат ?*
2. *Фанни ўзлаштиришдан келиб чиқадиган вазифалар нималар ?*
3. *Мустақилликдан кейинги таълим ислоҳотларида мусиқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини нималарда кўрасиз ?*
4. *ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 910 сонли қарори мазмуни нималардан иборат?*

II ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ҚАДИМГИ ДУНЁ ЧОЛҒУЛАРИ

Қадимги тош асри - палеолит даври (милоддан олдинги 12-80 минг йилликлар) қазилмаларидан топилган дамли чолғуларнинг дастлабки намуналари.

Товуш ҳосил қилиниши турлича бўлган чолғуларнинг уч тури. Қадимги оддий, тўғри тутиб чалинадиган, горизонтал ушланадиган ва кўп неча найчали (Пан флейтаси) найлар.

Гобой, кларнет чолғуларининг ибтидоий намуналари. Тилли-тростли чолғулар.



Ижрочи лабининг марказий қисмлари титрашидан товуш ҳосил қилинадиган ҳозирги мис чолғуларининг ибтидоий кўринишлари. Дамли чолғулардан ибтидоий жамоа даврида фойдаланиш мақсадлари. Қадимги Миср (Шумеро – Вавилон) Бобил ва Шарқ мамлакатлари дамли чолғулари. Улар ҳақида ахборот берувчи тарихий ашёлар (ҳайкал, тасвирий, археологик ва ҳ.к).

Дамли чолғулар санъатининг жамият, давлат, шахс ҳаёти, маданий удумлар, халқ сайиллари, ғалаба байрамлари, сарой тантаналари ва зиёфатлардаги ўрни. Созандаларнинг имтиёзли мавқеи. Флейта, гобой ва бошқа чолғулар келиб чиқишининг илоҳийлаштирилиши.

Қадимги Хитой ва Ҳиндистонда дамли чолғуларни тоат-ибодатда, сайройда ва халқнинг майиший ҳаётида кенг қўлланилиши. Кўпчилик чолғуларнинг найсимон асослари. Зарбли чолғуларнинг турли-туманлиги. Сарой ансамбллари ва оркестрлари. Қадимги Грецияда сирикс, авлос ва улар ҳақидаги афсоналар. Мазкур чолғуларнинг ҳар хил удумлар, тантана, байрам ва мусикий кўриклардаги иштироки.



Танец под двойной авлос. Древняя Греция

Қадимги Римда зарбли ва дамли чолғулар гуруҳларининг кенгайиши. Туба, рог (шоҳ), букцина, литус, сирикс ва авлоснинг такомиллашиши, унинг лотинча тибия деб номланиши.

Байрамлар, гладиаторлар уруши ва турли томошолардаги оркестрлар. Тибиянинг такомиллаштирилиши.

Такрорлаш учун саволлар:

5. Тош асри – палеолит, мелоддан олдинги қайси асрлар ?
6. Бу асрда чолғуларнинг қандай уч турлари бўлган ?
7. Қадимда най-флейталарнинг қандай турлари бўлган ?
8. Ибтидоий жамоа тузуми даврида дамли ва зарбли чолғулардан қайси мақсадларда фойдаланилган ?
9. Бу даврда созандаларнинг мавқеъи қандай бўлган ?
10. Қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Римда фойдаланилган чолғулар тўғрисида нималарни биласиз?

III. ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Янги ижтимоий-иқтисодий феодализм тузумининг таърифи. Мусиқа санъатининг черковга хизмат қилиши. VIII асргача дамли чолғуларнинг черковда қўлланилмаганлиги. Христианликнинг кенг тарқалиши ва дамли чолғулар ижрочилигининг янгича юксалиши.

X аср охирларига келиб халқ мусиқий санъатининг ривожланиши.

Араб ва форсларда дамли чолғулар ижрочилик санъатининг юқори даражада эканлиги ва унинг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсири.


Антик маданият тамойилларининг ривож: бир овозлилик, шеърият ва мусиқа бирлиги, дамли чолғуларнинг турлари.

XI аср бошларида трубадур ва трувер – рицарлар санъати. Халқ ичидаги монстрел ва жонглер созандалар. Уларнинг флейта, труба, гобойсимон рог ва бошқа чолғулари. Уларнинг санъатида маҳорат ва профессионализм кўринишлари.



Ракс асарларини ижро қилиш учун ансамблларнинг пайдо бўлиши. Рицарлар ҳаётида ўрта аср рог (шох) чолғусининг вазифаси. Бу чолғудан ҳарбий юришларда, беллашув ва майиший ҳаётда фойдаланилиши. Рицар удумларида трубанинг ўрни.

Кўчманчи созандаларнинг ўтроқ ҳолатга ўтиши. Дамли чолғуларнинг кенг тарқалиши. Минора (башенная) мусиқаси. Шаҳар созандаларининг (цех-қўш) уюшмаларини ташкил бўлиши. Ўрта аср шаҳарларида мусиқа ижрочилик амалиёти. Саройлардаги чолғу ва ашула капеллалари. Ўрта аср дамли чолғулари: флейталар, труба, тромбон, (охотничий рог) овчилар бурғуси. Икки тилли (тростли) чолғулар: шалмей, поммер ва бомбардлар. Мазкур чолғуларнинг дискант, сопрано, альт, тенор, баритон ва бас турларга ажратилиши.



Ушбу чолғуларнинг конструкцияси ва ифода воситаларининг қисқача таърифи.

Такрорлаш учун саволлар:

1. VIII асргача дамли чолғулар қаерларда қўлланилган?

2. *Христианлик тарқалганидан кейин қайси мақсадларда қўлланилган ?*
3. *Араб ва Форс ижрочилиқ санъатининг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсири бўлганми?*
4. *Антик маданият тамойиллари қандай ривожланган?*
5. *Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъати ҳақида биласизми ?*
6. *Ўрта асрдаги чолғуларга таъриф беринг.*

IV УЙҒОНИШ ДАВРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИ

Уйғониш даврига таъриф бериш. Мусиқада (Ренессанс) уйғониш даври, XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданиятининг бир-бири билан боғлиқлиги. XIV аср чолғулари: флейталарнинг икки тури курмгорн, бурғулар, трубалар, тромбонлар, корнет (цинк), поммер, шалмей ва бомбардалар.





Крумгорн

С картины В. Карпаччо. 1510 г.

Ансамбль.
Слева направо:
псалтериум,
трумшейт,
лютня,
труба, поммер.

С картины
Г. Мемлинга.
XV в.





Кривой цинк. 1600 г.

Сарой ансамбллари ва уларнинг таркиби. Бас ва тромбонлар. Бас нотасини рақам билан белгиланиши ва уни ўқилишининг фарқлари. XIV асарда Италия чолғу санъати. Ашула ва шеърятда чолғу мусиқасининг устуворлиги. Чолғуларнинг янги тембрлари, техрик маҳорат ва ифода воситаларини излаш. Чолғу полифониясининг тавсифи. Маълум бир чолғунинг ўзига хос виртуоз пассажларини пайдо бўлиши. Чолғу фактурасини келиб

чиқиши. Дамли чолғулар учун асарлар ёзадиган биринчи композиторларнинг падо бўлиши.

Лоренцо Медичи(1448-1492)нинг “Карнавал юриши” асари. XVI аср Венецияда оркестр ва ансамблларнинг кенг тарқалиши. Вокал полифониясининг чолғу мусиқасига кириб келиши. Венецияда улуғвор монументал услуб ижодкорлари: А.Габриели (1510-1586), Ж.Габриели (1557-1612), А.Габриелининг соната, ричекард ва мадригаллари. Ж.Габриели ижодида дамли чолғуларнинг катта роли. Корнет, скрипка, тромбон ва фаготлар учун биринчи ёзилган мусиқил партияларнинг пайдо бўлиши. Оркестр партияларининг шаклланишига йўл очилиши. Дамли чолғулар эволюцияси: Ёғочдан ясалган чолғуларнинг такомиллаштирилиши, (бомбард, поммер) фаготлар ва уларнинг оиласини келиб чиқиши.





Руспфейфе

Тромбоннинг тўрт хил турини пайдо бўлиши.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Музыкада (Ренессанс) уйғониш даври қачон бошланган?*
2. *XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданияти бир-бири билан боғланганми ?*
3. *Бу даврда чолғуларнинг қайси турлари қўлланилган ?*
4. *Сарой ансамбллари ва уларнинг таркибини айтинг.*
5. *Бас нотасини рақам билан белгиланганда қандай ўқилган ?*
6. *Ўша даврда дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторларни биласизми?*
7. *Ўша даврда ёғочдан ясалган қандай дамли чолғулар оиласи такомиллаштирилган ?*

V. XVII АСРДА ДАМЛИ ЧОЛЎУЛАРНИНГ ОРКЕСТР

ВА КАМЕР АНСАМБЛЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Тарихий вазият. Опера жанрининг келиб чиқиши. Дастлабки опера оркестрларининг таркиби. Опера шакллариининг илк босқичларида чолғуларни қўллашнинг аниқ қоидалари.

К.Монтиверди (1567-1643) ва унинг чолғу ислоҳоти. “Орфей” операси ва унда дамли чолғулардан ёрқин фойдаланиши. Ёғоч ва мис дамли чолғуларнинг бир гуруҳга бирлаштириш ва улардан лирик, драматик ва турли колоритдаги сахналарни ифодалашдаги ўрни.

Ф.Кавалли (1602-1676), А.Чести (1623-1669)ларнинг операларида дамли чолғуларнинг қўлланилиши. Д.Легренци (1625-1672), А.Страдалли (1645-1682)ларнинг оратория ва кантаталарида масулиятли ва виртуоз партияларнинг пайдо бўлиши.

Немис композитори Г.Шюц (1585-1672) ва унинг дамли чолғулардан фойдаланиши. “Дамли чолғулар симфониялари” Шюц ижодининг чўққиси эканлиги. Г.Шюцнинг дамли чолғулар воситаларини очишдаги ютуқлари. Чолғу товушлари мусобақалари. Айрим чолғуларнинг профессионалик характерининг очилиши.

Ж.Б.Люли (1632-1687) француз классицизмнинг асосчиси. Унинг энг яхши оркестри. Оркестр таркибидаги (флейта, гобой, труба, литавра) чолғуларга ўзига хос мустақил эпизодларни топшириши. Ўша дарнинг машҳур оркестрантлари: (флейтачилар) Декато ва Фильбер, (гобойчилар) Ж.Оттатер ва М.Филидорлар. Ижрочилик амалтётига оркестр партияларини киритиш. Люли операларида пасторал, инвенция, ҳарбий мусиқада дамли чолғуларга мустақил эпизодларни топширилиши. Оркестрларда дамли чолғулар таркиби: флейта гобой ва труба.

XVII асрнинг охирида Англия мусиқа маданиятининг юқори чўққиларга эришиши.

Г.Перселл (1659-1695). Унинг оркестрида дамли чолғулар талқини. Ифода воситаларининг бойиши. Шекспир театрида дамли чолғулардан фойдаланиш анъаналари. Шу аср чолғу мусиқасида дамли чолғулар. Соната, сюита, концерт ва симфония жанрларининг пайдо бўлиши, И.Ю.Лельенинг флейта, гобой ва бас учун сонатаси, Г.Генделнинг 2 та гобой ва рақамли бас учун 6 трио сонатаси.

Кларино труба ва унинг “Олтин асри”. Оддий трубада юқори регистрда чалиш тамойиллари. Чолғунинг асосий ишчи диапазони.

Ж.Торелли(1658-1708)нинг труба ва оркестр учун ёзган асарлари: Труба, торли оркестр ва орган учун биринчи сонатаси (ре мажор), труба ва камер оркестр учун концерти ва бошқа асарлари. Унинг замондошлари бўлган витуоз трубачиларнинг юксак ижро маданиятли созандалар эканлигидан далолат бериши.

П.Вайвановский (1640-1692) нинг труба учун асарлари. Немис шаҳарларида касб амалиётининг юксалиши ва йирик чолғу-мусиқа уюшмаларининг келиб чиқиши. Юқори ва қуйи Саксон флейтачилар уюшмаси. Дамли чолғулар конструкцияларининг такомиллаштирилиши.

Табиий-натурал оилалашган кўпчилик дамлилар ўрнига уларнинг умумлашган ягона турларининг келиб чиқиши.

Оркестр амалиётида горизонтал ушланадиган флейтанинг муқим ўрин тутиши. Францияда шалмей чолғусининг такомили натижасида гобойнинг пайдо бўлиши. Унинг чиғаноқсимон мунштугини олиб ташлаш натижасида альт гобойи (ингилз бурғуси)нинг келиб чиқиши. Флейтанинг такомиллаштирилиши. Дамли чолғулар усталари. Ж.Онтетер ва М.Флидорлар фаолияти. Ж.Онтетернинг (1707) дастлабки “Флейтада ижро санъати” номли ўқув қўлланмаси.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Опера жанри қачон келиб чиққан?*
2. *Дастлабки опера оркестрларининг таркиби қандай бўлган?*
3. *К.Монтивердининг чолғу ислоҳотини айтинг?*
4. *Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қандай дамли чолғулар қўлланилган ?*
5. *Г.Шюц дамли чолғулар учун қандай йирик асарлар яратган ?*
6. *Ж.Б.Люли оркестри таркибида қандай чолғулар бўлган ?*
7. *Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари тўғрисида нималарни биласиз ?*

VI. XVIII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

XVIII асрнинг бошларида Италия чолғу санъати буюк профессионал мактабининг шаклланиши.



Ансамбль. XVIII в.



Поперечная флейта.

С картины Ж.-Л. Давида. 1800 г.

А.Вивалди (1687-1741) дамли чолғулар учун яккахон концерт жанрининг асосчиси. Унинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари уйғониш даври чолғучилигининг юқори чўққиси. Флейта учун До мажор ва До минор концертлари. Гобой учун Ля минор, До мажор, Ре минор концертлари; иккита труба учун До мажор концерти ва бош. Вивалди концертлари шаклининг ўзига хослиги. Тембр изланишлари. Ансамблларнинг турли таркиблари. Оркестрдаги янгиликлар. Барча дамли чолғуларда сурдинанинг қўлланилиши.

А.Марчелло, Ф.Верачини, Д.Тартини, Т.Альбионаларнинг яккахон ва ансамбллар учун асарларида дамли чолғулардан фойдаланиш.

Буюк немис композиторлари ва уларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари. Г.Ф.Телеман (1681-1767) ижодига характеристика. Унинг сюита, соната, триолари ўша давр созандагарининг юксак маҳоратидан дарак бериши.

И.С.Бах (1685-1750) нинг дамли чолғулар ижрочилигига қўшган ҳиссаси. Унинг Кетен даври флейта учун камер асарлар яратган даври эканлиги. 3 флейта ва рақамли бас учун До ва Ми мажор, Ми минор, 3 флейта ва клавесин ҳамда яккахон флейта учун сонаталари. Бранденбург концертлари ва унда яккахон дамли чолғулар. Унинг асарларини ижро қилувчи замондошлари. Бах асарларининг ўқув дастурларида тутган ўрни. “Флейта ва оркестр учун сюита” №2, h-moll

Г.Ф.Гендел (1685-1759) ва унинг чолғу мусиқасига қўшган ҳиссаси. Дамли чолғуларда (хусусан гобойга) камер чолғу ва яккахон ижрочиликка бўлган иштиёқи. Икки гобой ва клавир учун 6 трио сонатаси, флейта ва бас учун 3 та сонатаси. Турли дамли чолғулар учун 3 та тўплами ва бошқа асарлари. Унинг дамли чолғулар имкониятидан фойдаланишдаги юксак маҳорати. Гендел оркестри ва унинг таркиби. Концерто гротто (катта концертлари) ва уларда дамли чолғуларнинг кенг қўлланилиши. Гобой ва торли чолғулар оркестри учун катта концерти Гендел улғувор услубининг шох асари эканлиги.

Ҳозирги замон созандагари ва концерт-педагогик ижрочилик амалиётида Гендел асарларининг аҳамияти.


Такрорлаш учун саволлар:

1. Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби қачон шаклланган?
2. А.Вивалди дамли чолғулар учун қандай жанрининг асосчиси?
3. Г.Ф.Телеман асарларини айтинг?
4. И.С.Бах дамли чолғулар ижрочилигига қандай ҳисса қўшган?
5. Г.Ф.Генделнинг дамли чолғулар ижрочилигига қўшган ҳиссаси қандай?

VII. XVIII АСР ОРКЕСТР-ИЖРОЧИЛИК МАДАНИЯТИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

XVIII аср бошларида гомофоник мусиқанинг ривожланиши. Янги Рококо услуби билан эски полифониячиларнинг Борокко йўналишини сиқиб чиқарилиши. Берлин, Мангейм, Дрезден, Лондон, Болония, Неапол ва бошқа

шаҳарларда мусиқа уюшмалари, оркестр жамоалари ва капеллаларнинг кўпайиши.



Оркестрларнинг икки тури: эски полифоник (Ж.Габриэли, Г.Ш.Шюцдан тортиб то И.С.Бахгача)дан ўз ечимини Мангейм капелласида топган янги бўлғуси классик оркестр. Италия ва Германия консерваторияларида дамли чолғулар ижрочи кадрларини тайёрлаш. Дамли чолғуларда аёлларни ўқитиш.

И.Кванц (1697-1773) виртуоз-флейтачи, машҳур концерт-ижрочиси. Унинг флейта учун Соль минор концерти. “Флейтада ўқитиш тажрибаси” китоби (1752).Чолғу конструкциясини такомиллаштирилиши.


Француз буржуа революцияси (1730-1794) ғоялари. Маърифат асри. Комедия, опера, классик соната, симфония ва яқкагон концерт ижрочилиги жанрларининг қарор топиши. Классик оркестрнинг катта ўрин тутиши. Берлин ва Мангеймдаги йирик сарой капеллалари ҳамда Венадаги симфония жанрининг шаклланиш ўчоқлари. XVIII аср оркестр ижрочилигида иккита шимолий Герман ва Мангейм мактаблари. Мангейм оркестрининг кенг таркиби. Унинг раҳбарлари: Я.Стамиц (1717-1757), К.Стамиц (1745-1801),

А.Стамиц (1754-1809), флейтачи И.Вендлинг (1720-1797) ва бошқалар. Ўша даврда кўзга кўринган созандалар: гобойчи Ф.Гамм, валторначи Ф.Ланг, фаготчи Г.Риттер ва бошқалар.


Мангейм оркестр услуби Гайдн ва Моцартдан то ҳозирги давргача давом қилиб келаётган ижро маданиятининг асосий негизи эканлиги. Дамли чолғулар диапазонининг кенгайиши ва товушқаторни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган такомиллаштириш ишлари. Амалдаги флейтани муқим ўрин тутиши. Гобойни такомиллаштирилиши.

Чолғу асбоблари ясовчи созгар усталар: Нюрнбергги И.К.Деннер (1655-1707) шалюмо чолғусини такомиллаштириш асосида кларнетни яратганлиги. Унинг ўғли И.Деннер отаси ишининг давомчиси кларнет ифода воситаларини кенгайтириши.

XVIII аср ўрталарида овчилар бурғуси (охотничий рог) асосида табиий валторнанинг яратилиши. Крона ва қўшимча найчаларни қўллаш. А.Гампел (1705-1771) виртуоз-ижрочи педагог, инвенцияли валторна ихтирочиси ва биринчи ёпиқ товушларни қўллаган ижрочи.




Трубанинг такомиллашуви. А.Вейдингер (1767-1858) ва унинг клапанли трубаси. “Ярим ой” шаклидаги труба,



инглз трубаси ва уларда ижро қилиш йўллари.



Қадимги тромбон чолғуси, унинг турлари, уни оркестрга киритилиши,
Сerpент чолғусини



ҳам оркестрга киритилиши.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Гомофоник мусиқа деганда нимани тушунаси?*
- 2. Полифоник деганда чи?*
- 3. И.Кванц ҳақида нима биласиз ?*
- 4. Мангейм оркестри ва унинг раҳбарлари ҳақида нима биласиз?*
- 5. Чолгу ясовчи усталардан кимларни биласиз?*
- 6. Ўша даврдаги мис чолгуларга таъриф беринг.*

VIII. ВЕНА КЛАССИК МАКТАБИ КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР

Вена классик композиторлари ижодида классик симфония, соната, концерт ва квартет жанрлари ўрнатилишининг якуни.

Х.Глюк (1714-1787) нинг опера оркестрини қайта ўзгартириши ва янгича классик таркибни тузиши. Унинг флейта учун концертлари.

И.Гайдн (1732-1809) чолғу мушаксининг классик услуб асосчиси. Ижодига таъриф. Оркестрлаштириш тамойиллари. Охирги симфониялари партитураларига кларнетнинг киритилиши. Икки ва виолончел учун Лондон триоси. Дамли чолғулар ансамбллари учун ёзган асарлари. Флейта, гобой, валторна ва труба учун яккахон концертлари (духовой квинтет учун “Дивертисмент и В-дуг 11 эшиттириш).

В. Моцарт (1756-1791) ва унинг мероси. Унинг симфония ва операларида дамли чолғулар ролининг ортиши. Ёғоч дамли чолғуларнинг алоҳида гуруҳ бўлиб шаклланиши. Камер чолғу ижоди: дивертисмент, серенада ва бошқа асарлари. Яккахон чолғулар учун концертлари, уларнинг юксак таъсирчанлиги, шаклининг классиклиги, тилининг соддалиги, фактуранинг ёрқин ва техникавийлиги. Қуйида кўрсатилган концертлардан икки ёки учтасини таҳлил қилиш: флейта учун Соль ва Ре мажор; гобой учун Ми бемоль мажор; фагот учун Си бемоль мажор; валторна учун Ре мажор ва бошқалар.

Л.В.Бетховен (1770-1827) ижодининг ўша давр демократик ғоялари билан боғланиши. Унинг симфонизми ва уларда дами чолғулар ифода ва динамик имкониятларини кенгайтиши. Оркестрнинг уч асосий гуруҳга бўлиниши, булар: торли, ёғоч ва мис чолғулар ва зарбли асбоблардан ташкил топганлиги. Унинг фортепиано, гобой, кларнет, фагот ва валторна учун Ми бемоль мажор квинтети ижодининг аҳамиятли босқичи эканлиги. Икки гобой ва инглиз бурғуси учун триоси, флейта, фагот ва фортепиано учун триоси ва бошқалар. Ушбу асарларнинг ўзига хослиги. Шаклининг ёрқинлиги ва мазмундорлиги. Валторна ва фортепиано учун Фа мажор сонатаси яратилиши тарихи, бадиий ва услубий таҳлил.

Я.Штих (1746-1803) таниқли Чех валторначиси ва композитори, Бетховен сонатасининг дастлабки ижроچиси. Унинг композиторлик ва концерт-ижрочилик фаолияти.

И.Гуммель (1778-1837) унинг дамли чолғулар концерт репертуарини бойитишдаги ўрни. Камер чолғу ансамбллари. Труба ва оркестр учун концерти, Гобой ва фортепиано учун “Адажио ва вариацияси” ва бошқа асарлари. Куй матнининг нозиклиги, оҳанглариининг мулойим-романтик ва витуозлиги.

Дамли чолғулар учун асарлар ёзган машҳур Вена классик мактабининг зомондош композиторларидан К.Стамитц, Ф.Кроммер-Краммарж (1760-1831), Ф.Россети (1750-1792), А.Кожелух (1738-1814) ва бошқалар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Х.Глюкнинг опера оркестрини биласизми?*

2. *И.Гайдн ижодига таъриф, дамли чолғулар учун яратган асарлари ?*

3. В. Моцартнинг мероси, дамли чолғулар учун асарлари?
4. Л.В.Бетховен даврида оркестрнинг уч асосий гуруҳга бўлиниши қандай ?
5. И.Гуммель ким ва уни қандай асарларини биласиз?
6. Дамли чолғулар учун асарлар ёзган Вена классик мактаби замондош композиторлари номларини айтинг.

IX . ЙИРИК РОМАНТИК КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ўша даврга умумий таъриф. Мусиқа санъатининг ижтимоий аҳамиятини ўсиши, созандалар келиб чиқиш таркибининг ўзгариши. Романтизмнинг мусиқада илғор оқим эканлиги.

Романтик композиторлар оркестрларида баъзи дамли чолғулар тембрининг ёрқинлиги. Оркестр гуруҳида дамли чолғулар сонининг кўпайиши.

К.М.Вебер (1786-1826) ижодига характеристика. Унинг оркестри ва дамли чолғуларга катта эътибори. Чолғуларнинг регистр, виртуоз ва бошқа имкониятларини ўзи яратган яқкаҳон концертларида кенг ва ёрқин қўлланганлиги. Унинг кларнет учун концертлари. Уларнинг биринчи ижроچиси Генри Берман. Фагот учун Фа мажор концерти. Унинг валторна учун концертиноси. Дамли чолғулар учун бошқа асарлари. Ҳозирги замон ижрочилари репертуаридаги асарлари.

Л.Шпор (1784-1859) ва унинг кларнет учун тўртта концерти.

Ф.Шуберт(1797-1828)нинг флейта ва фортепиано учун “Итродукция ва мавзуга вариация” асари. Унинг кларнет, фагот, валторна ва торли квинтет учун фа мажор октети.

Р.Шуман (1810-1856)нинг кларнет ва фортепиано учун “Адажио”, “Аллегро” ва тўртта валторна учун фа мажор концертштюки.

Ж.Россини(1792-1868)нинг гўзал оркестровкаси. Дамли чолғуларни дадил ишлатиши. Валторна ва фортепиано учун “Прелюдия ва мавзуга вариация”лари, Тўртта валторна учун “Фанфара”си, флейта, кларнет, фагот ва валторна учун кваттет ва бошқа асарлари.

Г.Берлиоз (1803-1869) программали (дастурий)симфонизмни яратувчиларидан бири. Оркестр тафаккури ва дамли чолғулардан симфоник оркестрда фойдаланиш новатори. Унинг оркестр таркибига колоритни бойитувчи, диапазонни кенгайтирувчи ифода воситаларини оширувчи чолғуларни киритиши. Мис ва ёғочли дамли гуруҳлар таркибини кўпайиши. Баъзи бир иккинчи даражали чолғуларга мустақил етакчи партияларни ишониб топширилиши (Тантанали мотам симфониясида тромбон солоси). Г.Берлиознинг ижрочилик амалиётидаги янги чолғуларга ва уларнинг такомиллаштирилишига бўлган муносабати.

Р.Вагнер (1813-1883) нинг биринчи опера ислоҳоти ва унинг оркестри ўша давр мусиқа маданиятининг буюк ютуқларидан бири эканлиги. “Нибелунглар ҳалқаси” операсида оркестрнинг тўртланган таркиби. Бу асар учун махсус ясалган тўртта (Вагнеровских труб) карнайлар кваттети. Туба бас,

тромбон контрабас, саккиста валторна ва бошқа чолғуларнинг киритилиши. Литавралар ва уларнинг тембр жиолари.

И.Брамс (1833-1897)нинг камер чолғу ижоди. Валторна, кларнет иштирокидаги трио ва квинтетлари. Кларнет ва фортепиано учун ми бемоль мажор сонаталари. Брамс томонидан ансамблларда Бетховен аъаналарини давом қилдирилиши. Куйларининг ёркинлиги. Полифонияга усталиги, услуби, шакли ва ифода воситалари.

К.Сен-Санс (1835-1921)нинг дамли чолғулар учун камер чолғу асарлари. Машхур дамли чолғулар трилогияси: гобой, кларнет, фагот ва фортепиано учун сонаталари. Ушбу асарларда унинг ўз тамойилларига содиқлиги. Куйларининг ифодалилиги, гармониясининг ёркин, классик ва халқ мусиқасига якинлиги. Сонаталарининг шакли ва услуби. Париж мусиқа жамияти трубачиларига атаб ёзилган фортепиано, труба ва торли квинтет учун секстети унинг камер асарлари ичида ёркин кўзга кўринганларидандир.

Бу давр композиторларидан Б.Годар, В.Беллини, Ф.Штраус, К.Рейнеке, Ф.Давидларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари ҳозирги кунгача ўз қийматини йўқотган эмас.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Романтизмга умумий таъриф беринг.
2. К.М.Вебер ижодига таъриф, дамли чолғулар учун яратган асарлари.
3. Г.Берман ким ва у қайси асарларнинг биринчи ижрочиси?
4. Л.Шпор, Ф.Шуберт, Р.Шуман, Ж.Россини, Г.Берлиоз, Р.Вагнер, И.Брамс, К.Сен-Сансларнинг дамли чолғулар учун яратган асарларини биласизми ?
5. Б.Годар, В.Беллини, Ф.Штраус, К.Рейнеке, Ф.Давидларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарларидан чалганмисиз?

Х. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

XIX аср охири XX аср бошларида дамли чолғулар оркестрига асарлар мослаштиришнинг икки йўналиши: а) Вагнер мактаби аъаналарининг давоми; б) янги француз оркестр услубининг яратилиши. Дамли чолғуларнинг ифода ва техник воситаларидан фойдаланишда мазкур услуб намуналарининг акс этиши.

Р.Штраус (1864-1949) концерт-виртуоз услубининг яратувчиси. Унинг дамли чолғулар учун ноқулай регистрларни қўллаши. “Алп симфонияси”даги учланган ва тўртланган оркестр таркиби, ҳар бир партиянинг ўзига хослиги. Дамли чолғулар учун концерт жанри ривожининг аҳамиятли ютуқлари. Валторна учун ми бемоль мажор концерти. Дамли чолғулар иштирокидаги бошқа асарлари. Услубининг чуқурлиги ва ёркинлиги.

Г.Малер (1860-1911) Вагнер мактаби аъаналарининг давомчиси. Унинг катта оркестри ва дамли чолғулардан фойдаланишининг янги усуллари.

К.А.Дебюсси (1862-1918) ва М.Равель (1875-1937)ларнинг оркестр таркиби ва уларда дамли чолғуларнинг қўлланилиши. Чолғулаштиришда ёғочли дамлиларга марказий ўрин берилиши. М.Равелнинг “Болеро” асари дамли чолғулар виртуоз имкониятларининг энг юқори чўққиси эканлиги. Бу асарда чолғулар мусобақаларининг тамойиллари. К.Дебюссининг флейта учун “Сиринкс”, альт флейта учун сонаталарида ушбу чолғунинг ўзига хос жилоларининг очилиши. Кларнет ва торли оркестр учун соль мажор “Рапсодия”си виртуоз асар эканлиги. Бу асар шаклини эркинлиги, мусикий тилининг оддийлиги, гармониясининг ёрқинлиги ва ҳозирги замон ижрочилари амалиётида тутган ўрни.

И.Старвинский (1882-1971) оркестрида дамли чолғулар ўрни. Флейта, кларнет, икки труба, икки тромбон ва икки фагот учун октети. Овоз, кларнет, фагот, гобой ва ингилз бурғуси учун “Пастораль” асари. Кларнет ва жаз оркестр учун “Қора концерт” ва бошқа асарлари.

Ҳозирги даврда дамли чолғулар учун асарлар ёзган машҳур композиторлардан: Г.Форе, С.Шаминад, П.Дюк, А.Массаже, М.Регера, ва бошқалар. Чех композиторларидан А.Дворжак ва В.Яначекларнинг дамли чолғулар иштирокидаги камер асарлари. Яккагон ижрочиликнинг ўсиши.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. XIX аср охири XX аср бошларида дамли чолғулар оркестрига асарлар мослаштирилишининг икки йўналиши қандай ?*
- 2. Р.Штраус ижодига таъриф, дамли чолғуларни оркестрда қўллаши.*
- 3. Г.Малер қайси анъаналарнинг давомчиси?*
- 4.К.Дебюсси, М.Равель, И.Старвинскийлар ижодида дамли чолғуларнинг аҳамиятини биласизми?*
- 5.Замонавий композиторлардан дамли чолғулар учун асарлар ёзган машҳур: Г.Форе, С.Шаминад, П.Дюк, А.Массаже, М.Регера, ва бошқаларнинг қандай асарларини чалгансиз?*

XI. ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ВА ПЕДАГОГИКА

Гарбий Европадаги оркестр жамоалари ва уларнинг мусиқа маданияти ривожини белгилашдаги роли. Дрезден, Берлин, Лейпциг, Париж, Лондон, Вена, Прага ва бошқа шаҳарларнинг симфоник оркестрлари. Дамли чолғуларнинг машҳур ижрочилари: Г.Берман (1784-1847) кўзга кўринган немис кларнетчи-концертчиси. Унинг К.М.Вебер, Ф.Менделсон ва Д.Майерберлар билан дўстона алоқаси. Муваффақиятли чиқишлари ва композиторлик фаолияти. Р.Мюлфельд (1856-1907) Мангейм оркестри кларнетчиси, И.Брамс камер асарларининг биринчи ижрочиси. Поляк кларнетчиси Ю.Дамсе (1778-1852). Немис флейтачиси Т.Бем (1794-1881) дамли чолғуларни такомиллаштирганлардан бири. Унинг чет эл гастроллари ва репертуари. Инглиз флейтачиси Р.Карт (1808-1991). Француз Ж.Тюлу (1786-1865). Италия Ж.Бриччалди, оға-ини немислар Ференц ва Карл

Доплерлар. Машхур француз флейтачиси К.Таффанел (1844-1908) жуда кўп композиторлар унга ўз асарларини бағишлаганлар. Валторначилар Л.Шунке ва М.Набих.

Р.Шуман, Ф.Лист, Г.Берлиозларнинг илғор қарашлари, уларнинг мусиқани юксак бадиийлиги ва реалистик йўналиши учун кураши. Ўша даврнинг педагогикасига оид асарлардан дамли чолғулар учун рисола, ўқув қўлланма ва дарсликлар: флейта учун А.Фюрстенау ва Ж.Тюлуларнинг даслиги. Кларнет учун Ф.Блат ва К.Берманларнинг дарслиги. Такомиллаштирилган кларнет учун И.Мюллернинг дарслиги. Турли саксофонлар учун Г.Клозенинг учта қўлланмаси. А.Барренинг гобой дарслиги. Ж.Арбаннинг корнет ва пистон дарслиги. Д.Булнинг гармоник труба учун дарслиги. Л.Допранинг валторна учун дарслиги. Ушбу дарсликларда методик кўрсатмаларнинг чекланганлиги, берилган материалнинг техник ва мусиқий қисмларга бўлиниши ва асосан техник йўл-йўриқлар билан чекланиш ҳамда тўлақонли бадиий репертуарнинг йўқлиги.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Ғарбий Европа оркестр жамоаларига таъриф беринг.*
2. *Дамли чолғулар машхур ижрочилари номларини айтинг.*
3. *Ўша даврда қандай чолғулар учун кимларнинг дарсликлари чиқарилган?*
4. *Ушбу дарсликларда асосан нималарга эътибор қаратилган?*

ХII. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ВА ЯНГИ ТУРЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

XIX аср ёғоч ва мис дамли чолғуларнинг мунтазам такомиллаштириш даври.

Мис чолғулардаги винтел ускунанинг пайдо бўлиши ижрочилик санъатида кескин бурилиш эканлиги. Мазкур ускуналарни А.Блюмел ва ака-ука Антон ва Игнац Кернер (1816)лар томонидан ихтиро қилиниши. Винтел ускуналарининг помпа ва айланма турлари.

Такомиллаштирилган дамли чолғуларнинг симфоник оркестр таркибига киритилиши. Ушбу жараённинг тарафдорлари ва унга қаршилар. Г.Берлиоз, Р.Шуман, Р.Вагнер ва бошқа ижодкорлар янги чолғуларнинг тарғиботчилари. XIX асрнинг 70-80 йиллари табиий мис чолғуларнинг хроматиклар томонидан сиқиб чиқарилиши. Р.Вагнер, Ф.Лист, Ж.Верди, Ж.Бизе, А.Дворжакларнинг симфоник оркестрида винтелли чолғуларнинг муқим ўрин тутиши. Ихтиро қилинган корнетнинг Парижда намоиш этилиши (1839 й.). Юқори кларино партияларини чаладиган “Бах труба”си, Ж.Вердининг таклифига биноан ясалган “Миср трубалари”, Қадимги Серпент чолғуси ўрнига келган Бас Офикленд, винтелли бас ва контрабас трубаларининг ихтиро қилиниши (1835 й.) ва уларнинг оркестр таркибига киритилиши. А.Сакс томонидан винтелли мис чолғу (Саксгорн)лар оиласини ихтиро қилиниши (1845 й.) ва альт, тенор, баритон, бас деб номланган бу чолғуларнинг оркестр асосини ташкил қилиши. Т.Бемнинг ёғоч чолғулар ислохоти флейта конструкциясининг ривожланиш

тарихидаги муҳим давр эканлиги. Флейтанинг асосий 14 та тешикларини ҳам ёпқичли механизм билан таъминланиши, товуш сифатининг яхшиланиши. Т.Бем тизимининг бошқа ёғоч чолғуларга ҳам тадбиқ қилиниши.

Гобойга ҳам Бём тизимининг жорий қилинишида Парижлик А.Барре ва Ш.Трьеберларнинг ҳаракати. Машҳур виртуоз кларнетчи И.Миллер(1786-1854)нинг Си бемоль кларнетини такомиллаштириши. Ўша даврдаги чолғу асбоби усталари: И.Хермштедт ва Г.Берман. Кларнетга ҳам Бём тизимини ўрнатилиши. Г.Клозе(1808-1880)нинг Бюффе фирмаси билан янги тизимдаги кларнетни яратиши ва кейинги такомиллаштируви. Ф.Лефевр томонидан иккала тизимдаги кларнетларни ҳам такомиллаштиришга уринишлар. Бём механикасини фаготда қўлланилиши (1855). Дамли чолғуларнинг янги турларини пайдо бўлиши. Саксафонлар оиласининг вужудга келиши.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. XIX аср дамли чолғулар учун қандай давр ?*
- 2. Мис чолғулардаги винтел ускунаси ихтирочиларини айтинг.*
- 3. Бундай чолғуларни оркестр таркибига киритишида кимлар жонбозлик кўрсатган ?*
- 4. Саксгорнлар оиласи ким томонидан қачон ихтиро қилинган?*
- 5. Бём тизими деганда нимани тушунаси?*
- 6. Бём тизимини бошқа дамли чолғуларга ўрнатилишида жонбозлик кўрсатган созандаларни биласизми?*
- 7. Саксафон ким томонидан ихтиро қилинган ва саксафонлар оиласини биласизми?.*

ХIII. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХОРИЖИЙ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ҳозирги замон мусиқа санъати ривожланиш йўлларининг зиддиятли ва мураккаблиги. Дамли чолғулар ижрочилигининг ҳозирги замон санъатидаги турли йўналиш ва оқимлари (немис, француз, чех ва бошқа миллий мактаблар). Хорижий композиторларнинг концерт ва камер асарларида дамли чолғуларнинг бадиий ва техник ифода воситаларидан кенг фойдаланиши.

П.Хиндемит (1895-1963) немис мусиқасида неоклассицизм етакчиси, машҳур композитор. Барча дамли чолғулар ва фортепиано учун сонаталари (баъзиларини кўриб чиқиш). Кларнет, валторна ва оркестр учун концертлари. Дамли чолғулар квинтети учун кичик камер мусиқаси. Хиндемит асарлари ҳозирги замон ижрочилари репертуарида (Соната для валторни и фортепиано 3), (Маленкая камерная музыка для 5 духових инструментов, 192 пленка).

А.Шенберг (1874-1951) додекафон тизимининг яратувчиси. Унинг ёғоч дамли чолғулар учун квинтети.

А.Берг (1885-1935) Шенбергнинг давомчиси. Унинг кларнет ва фортепиано учун 4 пьесаси (Камерный концерт для фортепиано и 13 духових инструментов, 304 пленка).

Француз “Олтилик” композиторлари ижодида дамли чолғулар. Уларнинг асарларида замонавий композиторлар йўналишлари турли услубларининг акс этиши. Ф.Пуленк (1899-1963) дамли чолғулар учун яратган энг яхши асарлари, Д.Мийо (1892-1974) ва унинг флейта учун сонатаси, программали асарлари. Йилнинг турли фасллари таърифловчи кўпгина чолғулар учун туркум асарлари. Тромбон ва торли чолғулар учун “Қишги концертино”, флейта, гобой, кларнет, фагот ва валторна учун “Кармин карол Рене” сюитаси. Замонавий гармоник тил билан рицарлик ҳаётини ўзида акс эттирувчи ўрта аср куй айланмаларини омухталаниши, мусикада “Неоклассицизм” дейилиши. Куй образларининг ёрқинлиги.

А.Онеггер(1892-1955)нинг икки флейта, кларнет ва фортепиано учун рапсодияси, кларнет ва фортепиано учун сонатаси, Труба учун “Интриада” ва бошқа асарлари. Шунингдек, А.Жоливе (1905-1975), Ж.Ибер (1890-1962), А.Руссел (1869-1937), Э.Бозэ (1905), А.Томази (1901) ва бошқа француз композиторларининг асарлари ҳамда уларнинг ижро талқинлари.

Дамли чолғулар учун асарлар яратган Белгиялик композиторлар: М.По (1901), Ж.Абсиль(1893) ва бошқалар.

Швейцариялик композиторлар: Ж.Збинден (1917), А.Шиблер (1920), О.Шёк(1886-1957) ва бошқалар.

Даниялик: К.Нильсон (1855-1931) ва унинг дамли чолғулар учун квинтети. Ингилз композитори Б.Бриттен (1913-1976)нинг овоз, валторна ва торли оркестр учун ингилз шоирлари шерларига серенадаси. Яккаҳон гобой учун олти “Метамарфоз”лари.

АҚШ композиторлари: А.Копленд (1900), У.Пистон (1894-1976), С.Барбер (1910) ва бошқалар. Уларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари.

Бразил композитори Э.Вилла-Лобос (1887-1959)нинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари.

Италия композиторлари Э.Каваллини, А.Габуччи, Д.Манцони ва уларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари.

Чех композиторлик мактаби: Б.Мартину (1890-1959)нинг дамли чолғулар учун ёзган асарлари: Труба ва фортепиано учун “Сонатина”сида халқ мусикасининг ёрқин колоритини акс эттирганлиги, труба техникасини моҳирлик билан қўллаганлиги, Композицион ривож асосида куйчанликнинг муқимлиги. Гобой ва оркестр учун концерт ва бошқа асарлари. М.Крейчи (1891)нинг флейта, гобой, кларнет, фагот, валторна ва труба учун соната ва сонатиналари. Тромбон ва фортепиано учун сонатинаси. Бу асарларнинг бадиий қиймати мусикасининг миллий характери, тромбон бадиий ва техник имкониятларини моҳирлик билан қўллаганлиги.

Й.Пауэр (1919)нинг учта кларнет учун каприччио ва дивертисменти, гобой, фагот, труба, валторна ва оркестр учун концертлари. Унинг яккаҳон чолғуларнинг чиройли оҳанги ва юқори техник имкониятларини симфоник оркестр жўрлиги билан рақобатлаштируви. Пауэр асарларининг ҳозирги замон ижрочилари ва улар услубларининг ўзига хослиги.

Чех композиторлари: И.Матей (1922), З.Крижижек (1927), В.Феликс (1928). Поляк композиторларининг дамли чолғулар учун ёзган асарлари.

К.Сероцкий (1922)нинг тромбон ва фортепиано учун сонатинаси, унинг гармоник тили, фактураси ва тромбон партиясининг мураккаблиги. Мусикий образларининг ёрқинлиги. Шаклининг оддийлиги. Унинг тромбон ва оркестр учун концерти. Дамли чолғулар учун ансамбллари. М.Списак(1914-1965)нинг тромбон ва оркестр учун концертиноси тромбон техник имкониятларининг энг юқори чўққиси эканлиги.

Буюк Венгер композитори Б.Барток (1881-1945)нинг “Контрастлар” номли скрипка, кларнет ва фортепиано учун триоси, унинг халқ мусикаси асосида ёзилганлиги, гўзал мусикий матни, ўзига хос гармонияси ва оригинал усуллари. Ф.Гидаш (1828)нинг гобой ва оркестр учун концерти, унинг миллий колорит ва гобойнинг лирик маънос характерни ифодалаб бериши. Бу чолғунинг барча имкониятларидан фойдаланганлиги.

Буюк румин композитори Ж.Энеску (1881-1955)нинг труба ва фортепиано учун “Афсона” асарининг юксак бадиий мазмунда ёзилганлиги.

Булғор композиторлик мактабининг йирик вакили П.Владигеров (1899)нинг фортепиано ва скрипка учун ёзган асарларини унинг ўзи дали чолғуларга мослаштириши.

Такрорлаш учун саволлар:

1. П.Хиндемит асарларидан нималарни биласиз?
2. А.Шенберг ва А.Берг қандай замонавий оқим намояндалари ?
3. Француз “Олтилик” композиторлари номлари, А.Онеггер, А.Жоливе, Ж.Ибер, А.Руссел, Э.Бозэ, А.Томази ва бошқа француз композиторларининг асарлари, уларнинг ижро талқинлари ҳамда яратган асарларини айтинг?
4. Белгиялик композиторлар М.По, Ж.Абсиль, Швейцариялик композиторлар Ж.Збинден, А.Шиблер, О.Шёк, Даниялик К.Нильсон, АҚШ композиторлари А.Копленд, У.Пистон, С.Барбер. Бразил композитори Э.Вилла-Лобос, Италия композиторлари Э.Каваллини, А.Габуччи, Д.Манцони. Чех композиторлари Б.Мартину, М.Крейчи, Й.Пауэр, И.Матей, З.Крижижсек, В.Феликс. Поляк К.Сероцкий М.Списак. Венгер композиторлари Б.Барток, Ф.Гидаш. Румин композитори Ж.Энеску. Булғор композитори П.Владигеровларнинг дамли чолғулар учун ёзган асарларини биласизми ?

XIV. ХОРИЖИЙ ИЖРОЧИЛИК МАКТАБЛАР ВА УЛАРНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАЛАРИ

Француз, чех, немис, инглиз ва америка миллий мактаблари. Уларнинг ўзига хослиги. Ҳозирги даврдаги педагогик ва ижрочилик даражаси. Ҳозирги француз ижрочилик мактаби ва ижро услубининг нафислиги, изланувчанлиги. Машҳур созандалари: флейтачилар М.Дебо, Ж.П.Рампаль, Ж.Летрокер, гобой Ж.Труба, М.Бург, саксофончи Ж.М.Лондейкс, трубачилар Р.Сабариш, М.Андре.

Чехословакия дамли чолғулар ижрочилигининг юксак маданияти. Ижрочилари: флейта Ф.Чех, В.Жилка, фагот К.Бидло, валторначи И.Гобик, труба В.Юнек ва И.Пранс, тромбончи З.Пулец, саксофончи К.Краутгартнер ва уларнинг ижрочилик услублари.

Немис ижрочилик мактаби. Унинг ҳозирги замон созандалари томонидан асраб келинаётган бой анъаналари ва машҳур ижрочилари: флейта И.Валтер, кларнетчи П.Рикхоф, валторначи П.Дамм, трубачи В.Круг ва бошқалар.

Инглиз ижрочилик мактаби ва унинг йирик намояндалари: гобойчилар Э.Ротуэлл, Л.Гуссенс, валторначилар Д.Брейн ва Б.Теквелл.

Булгория, Венгрия, Польша, Руминия ва бошқа мамлакатлар ижрочилик мактабларининг ўзига хос ижодий йўллари ва етакчи созандалари: трубачи П.Каркаров, кларнетчи С.Дмитров, тромбончи К.Бакаржиев, кларнетчилар Д.Борбей ва Г.Балаш, фаготчи Я.Габор, валторначи Э.Любек, кларнет Ю.Петрахович, А.Попп ва бошқалар.

Америка ижрочилик мактабининг ансамбл ва оркестр ижрочиличигадаги юксак маданияти. Унинг йирик намояндалари: Б.Гудмен буюк кларнетчи-виртуоз ва жаз оркестри дирижёри.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Француз дамли чолғулар ижрочиличиги мактаби ҳақида нималарни биласиз?*
2. *Чехословакия дамли чолғулар ижрочиличиги мактаби ҳақида нималарни биласиз?*
3. *Немис дамли чолғулар ижрочиличиги мактаби ҳақида нималарни биласиз?*
4. *Ингилз дамли чолғулар ижрочиличиги мактаби ҳақида нималарни биласиз?*
5. *Булгория дамли чолғулар ижрочиличиги мактаби ҳақида нималарни биласиз?*
6. *Америка дамли чолғулар ижрочиличиги мактаби ҳақида нималарни биласиз?*

II ҚИСМ.

XV. РОССИЯДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ

ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ ХАЛҚ ЧАШМАЛАРИ

Қадимги славянлар маиший ҳаётида дамли чолғулар. Қадимги рус дамли чолғуларининг номлари: сопели, труба, рог, қўш флейта, жалейка ва бошқалар. Уларнинг шакли ва созланиши. Ижро қилиш йўллари. Киев русида мусиқа. Кейинги асрларда халқ маиший ҳаётида дамли чолғулар. Скоморохлар санъати. XVII асрдаги халқ созандалари. Москва сарой театрининг ташкил қилиниши (1674).

XVI. XVIII VA XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ўша даврга қисқача таъриф. Петр I даври мусиқаси. Ҳарбий оркестрлар таркиби (гобой, труба, валторна, литавр ва барабанлар). Биринчи маҳаллий

созанда кадрлар(1702)нинг етишиб чиқиши. Ҳарбий оркестр хизматининг бошланиши (1711). Москвада биринчи оммавий театрнинг очилиши (1702). Рус крепостной оркестрларида дамли чолғулар. Бу оркестрларнинг миллий оркестр ижрочилиги услубининг негизи эканлиги. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Россияда концерт ҳаёти. Крепостной муҳитдан чиққан халқ муסיкий анъаналарининг давомчилари. Рус крепостной созандалари: флейтачи Папков, гобойчи Самарин, кларнетчи Титов, фаготчи Костин, валторначи Лузин ва бошқалар.

Москва ва Петербург театр мактабларида миллий кадрларни тайёрлаш. Турли ўқув юртлари ва кадетлар корпусидаги бадиий академиялар ва уларда дамли чолғуларда ўқитиш. Рог-карнай оркестрлари ва уларнинг таркиби.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1.Қадимги славянлар маиший ҳаётида қандай дамли чолғулар бўлган ?
2. Қадимги рус дамли чолғуларининг номларини айтинг.
- 3.Нечанчи йили қайси подшоҳни даврида ҳарбий оркестрларга асос солинган?
- 4.Дастлабки Рус крепостной созандалари кимлар ?

XVII. РУС КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Рус композиторлик мактабига асос солган Е.Фомин, Д.Бортнянский, В.Пашкевич, О.Козловскийлар ижодида флейта, кларнет, фагот ва валторналарнинг қўлланилиши.

А.Алябев (1787-1851) ижодида дамли чолғулар. Унинг 4 флейта учун квартети. Дамли чолғулар учун квинтети. Труба ва фортепиано учун иккита пьесалари.

М.Глинка (1804-1857) ижодида дамли чолғуларнинг аҳамияти. Кларнет, фагот ва фортепиано учун патетик триоси. Унинг опера оркестрида дамли чолғуларнинг ўрни.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дастлабки Рус композиторлари ижодида қандай чолғулар қўлланилган ?
2. А.Алябевнинг дамли чолғулар учун қандай асарларини биласиз?
- 3.М.И.Глинка ижодига таъриф ва дамли чолғулар учун қандай асарлар ёзган?

XVIII. РУС КЛАССИК КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ўша даврга умумий таъриф. 60-йилларда Россиядаги ижтимоий ва маданий ўзгаришлар. П.Чайковский ва “Забардаст тўда” композиторлари ижодининг ўзига хос миллий характери. Дамли чолғулар ижрочилигининг ривожига П.Чайковский ижодининг таъсири.

Н.А.Римский-Корсаков (1844-1908)нинг оркестрлаштириш санъати. Унинг ҳарбий денгиз флоти оркестрлари инспекторлиги фаолияти. Унинг тромбон, гобой ва кларнет учун концертлари. Дамли чолғулар учун квинтети.

А.Скрябин (1871-1915) оркестрлаштиришининг ёрқин жозибали оҳангдорлиги. “Экстаз” поэмасида (8 валторна, 5 труба, 3 тромбон, 1 туба) дамли чолғуларнинг қўлланилиши. Француз валторначиси Л.Саварга бағишланган валторна ва фортепиано учун “Романс”и.

М.Балакирев (1836-1914), А.Бородин (1833-1887), М.Мусоргский (1839-1881), А.Лядов (1855-1914), С.Танеев (1856-1915), А.Глазунов (1865-1936), С.Рахманинов (1873-1943) ва бошқа композиторларнинг симфония, опера ва балет асарларида дамли чолғуларнинг роли.

А.Рубенштейннинг квинтети, С.Танеевнинг кларнет ва фортепиано учун “Канцона”си А.Аренскийнинг труба ва фортепиано учун “Концерт вальс”и, “Альбом лавҳаси”, труба, валторна ва икки тромбон учун “Анданте” асарлари.

А.Глазуновнинг саксафон ва торли оркестр учун си бемоль мажор концерти.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *“Забардаст тўда” композиторлари ижодинига таъриф.*
2. *Дамли чолғулар ижрочилигининг ривожидида П.Чайковский ижодининг таъсири борми ?*
3. *Н.А.Римский-Корсаковнинг оркестрлаштириш санъат тўғрисида нималарни биласиз?.*
4. *А.Скрябиннинг “Экстаз” поэмасида дамли чолғуларнинг қўлланилишини изоҳланг.*
5. *А.Рубенштейн, С.Танеев, А.Аренский, А.Глазуновларнинг дамли чолғулар учун файси асарларини биласиз ?*

ХІХ. РОССИЯДА МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

Дамли чолғуларда рус ва хорижий ижрочилик мактабларининг тутган ўрни. ХІХ асрнинг иккинчи ярмида концерт-ижрочилик фаолиятининг кенгайиши. 1862 йили ташкил қилинган Петербург консерваториясининг дамли чолғулар синфи: флейта Ц.Чиарди, гобой В.Шуберт, В.Геде, кларнет Э.Каваллини, К.Нидман, В.Бреккер, фагот К.Куштбах, Э.Котте, валторна Ф.Гомилиус, труба В.Вурм, тромбон Ф.Тюрнер ва бошқалар. Уларнинг созандалик ва педагогик фаолияти. В.Вурмнинг корнет ва труба учун ўқув қўлланмаси. А.Глазуновнинг дамли чолғулар талабаларига ғамхўрлиги. Консерваторияни биринчи битирувчилари: Валторначи Л.Тамм (1874-1933), П.Волков (1877-1933), Маринский театр созандалари: флейтачилар, И.Кулишевский, Н.Верховский, гобойчилар А.Паршин, И.Данекер, И.Пркофьев, тромбончилар В.Кузнецов, В.Лавров, валторначилар П.Ваншейд, В.Лавендаль, С.Воробев, М.Неустроев ва бошқалар.

1866 йили ташкил қилинган Москва консерваториясининг дамли чолғулар синфи: флейта Ф.Бюхнер, гобой Э.Медер, кларнет В.Гут, валторна М.Бартольд, труба Ф.Рихтер, фагот Г.Эзер, тромбон Х.Борк ва бошқалар. Консерваториянинг илмий-педагогик, методик ва концерт фаолияти. В.Керчман (1848-1922) ва унинг педагогик фаолияти. Россияда Бём тизимидаги флейтада ўқитишнинг бошланиши. Унинг энг яхши шогирдлари В.Леонов, Ф.Левин, В.Глинский-Сафронов, В.Цибин, Н.Платонов ва бошқалар.

Ф.Эккерт (1865-1941) валторначи профессор, капельмейстер ва композитор. Унинг уруш пайтида Тошкентга эвакуация қилиниши ва шу ерда вафот этиб, Боткин қабристонига дафн этилиши. В.Брандт (1869-1923) труба синфининг таниқли профессори, труба учун ёзган асарлари. Фагот синфи профессори В.Кристель, тромбончи Х.Борк, гобойчи В.Денте ва бошқалар. Москвада В.Брандт, М.Табаков, Ф.Путкамер ва И.Липаевлар иштирокидаги мис чолғулар квартети. И.Липаевнинг “Россия, Франция, Англия ва Финландиядаги оркестр созандалярининг аҳволи” тўғрисидаги журнал мақолаларида созандалар ҳаётининг аянчли эканлигини таърифлаши.

Саратов, Киев, Одесса, Тифлис, Ростов ва бошқа шаҳарларда ҳам консерваторияларнинг ташкил қилиниши.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дамли чолғуларда рус ва хорижий ижрочилик мактаблари қандай ўрин тутган?
2. Петербург консерваторияси қачон ташкил қилинган ва ундаги дамли чолғулар синфларини бошқарган ўқитувчиларни биласизми?
3. Москва консерваторияси қачон ташкил қилинган ва ундаги дамли чолғулар синфларини бошқарган ўқитувчиларни биласизми?
4. Ўша даврда яна қайси шаҳарларда консерваториялар ташкил қилинган?

XX. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИНИНГ ОКТЯБР ТўНТАРИЛИШИДАН КЕЙИНГИ ДАВРИ

Собиқ Иттифокда мусиқа маданияти ва унинг моҳияти. 20-йилларда “Персмфанс” дирижёрсиз биринчи симфоник ансамбл. С.Розановнинг “Дамли чолғуларда ўқитиш методик асослари” китоби (1935-39 йй.) Дамли чолғулар учун В.Цўбин, Н.Платонов, Н.Назаров, С.Розанов, В.Салодуев, Г.Орвид, В.Блажевич ва бошқаларнинг биринчи дарсликлари. Уларнинг олдинги хорижий дарсликлардан фарқи. 20-30 йилларда камер-чолғу мусиқасининг ривож.

Биринчи Бутуниттифок конкурси (1935 й.) лауреатлари: флейта Ю.Ягудин, Б.Тризно; гобой К.Юдин, кларнет А.Володин, А.Галустян, валторна А.Янкелевич, С.Леонов, трубачилар Н.Полонский, С.Еремин, Л.Юрьев, тромбон В.Шербинин, труба А.Удовеко.

Иккинчи Бутуниттифок конкурси (1941) лауреатлари: валторна В.Полех, кларнет Н.Рогинский, трмбон И.Поляцкий. Иккинчи мукофот, флейта И.Ютсон, Н.Харковский, труба Т.Докшицер, Г.Орвид, Н.Воловник, фагот

Д.Еремин, тромбон К.Морейнис, кларнет Г.Орлов. Бу давр созандалари ҳаётининг уруш билан боғланганлиги, ҳарбий оркестрлардаги хизмати.

XXI. МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД КОНСЕРВАТОРИЯЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ОЛИЙ МУСИҚА ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛГУЛАР СИНФЛАРИ

Дамли чолгулар ижрочилигини ривожлантиришда олий ўқув юртларининг етакчиликлари ўрни. Москва ва Ленинград консерваторияларининг марказ ролини бажариши. Профессорларнинг кекса авлоди С.Розанов (1871-1937) кларнетчи-профессор, факультет декани, энг яхши шогирдлари А.Володин, А.Штарк, А.Семенов, П.Майоров, А.Александров, А.Персман, У.Ризакулов ва бошқалар. В.Цыбин (1877-1949) флейтачи-виртуоз, композитор, дирижер ва педагог. Унинг шогирдлари: И.Платонов, Ю.Ягудин, Б.Тризно, В.Саакян, А.Заливухин, Д.Харкевич ва бошқалар.

В.Блажевич (1881-1942) тромбон мактабининг асосчиси, ижрочи педагог, композитор. Унинг шогирдлари: В.Шербинин, Б.Григорьев ва бошқалар.

М.Табачков (1887-1956) машҳур трубочи, педагог. Унинг шогирдлари: С.Еремин, Г.Орлов, А.Деревенцов, Т.Докшицер, Н.Полонский, Л.Юрьев, П.Володский, Н.Яровский, В.Плахотский, В.Пулатов ва бошқалар.

Ф.Эккерт (1865-1941) таниқли валторначи, педагог, композитор ва дирижер. Унинг шогирдлари: А.Усов, А.Янкелевич, С.Леонов, А.Серостанов, В.Полех, А.Андрушкевич ва бошқалар.

И.Костлан (1877-1963) фагот мактабининг асосчиси. Унинг шогирдлари: Р.Терехин, П.Савелев, П.Караулов, А.Абжан, Ю.Неклюдов ва бошқалар. Москва консерваториясида ҳарбий дирижерлик факультетининг ташкил қилиниши (1949) ва фаолияти.

Санкт-Петербург консерваториясининг таниқли профессорлари: А.Василев (1878-1948) флейтачи-педагог. Унинг шогирдлари: Д.Еремин, Г.Еремкин, Л.Печерский, Ф.Захаров, С.Левин ва бошқалар. М.Буяновский (1891-1966) валторначи-профессор ва унинг шогирдлари: А.Рябинин, П.Орехов, В.Буяновский, С.Вишневский, И.Воронин. В.Генслер (1906-1963) кларнетчи ва бошқалар.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги консерваторияларнинг дамли чолгулар синфлари ва уларнинг фаолияти. Киевлик В.Яблонский, Одессалик Л.Могилевский, Тбилислик Г.Гвенцадзе, Бакулик В.Князьков, Саратовлик А.Никитанов, Свердловскийлик Н.Бакалейников, Тошкентлик В.Пулатов ва бошқалар. Ушбу мактабларнинг рус оркестр ижрочилиги билан боғлиқлиги.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дамли чолгуларда рус ва хорижий ижрочилик мактаблари қандай ўрин тутган?
2. Петербург консерваторияси қачон ташкил қилинган ва ундаги дамли чолгулар синфларини бошқарган ўқитувчиларни биласизми?
3. Москва консерваторияси қачон ташкил қилинган ва ундаги дамли

чолғулар синфларини бошқарган ўқитувчиларни биласизми?
4. *Ўша даврда яна қайси шаҳарларда консерваториялар таъкил қилинган?*

XXII. ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ 1945 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ РИВОЖИ

Ижрочиликнинг янги даври. Музикий таълим даражасининг юксалиши, ўқитиш методикасини яхшиланиши. Хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар. Турли ижрочилик жамоалари ва яккахонларнинг чет элларга мунтазам чиқиб туришлари.

Созанда ижрочиларнинг Халқаро танловлари ва уларнинг чолғучилар маҳоратини оширишдаги ўрни. Прага фестивали (1947) ва унда қатнашган ғолиблар: И.Рогинский ва В.Петров (кларнет), Т.Докшицер (труба) ва бошқалар. Будапешт (1949), Берлин (1951), Бухарест (1953), Варшава (1955), Москва (1957), Вена (1959), Хельсинки (1962) шаҳарларида ўтказилган демократик ёшлар ва талабаларнинг Халқаро фестиваллари лауреатлари: флейта А.Корнеев, Г.Зенин, О.Кудряшов; гобой В.Эльстан, С.Амедян, Р.Оганесян, К.Никончук; кларнет В.Безрученко, И.Мозговенко, А.Тресков, Б.Прорович, А.Михайлов; фагот А.Абажан, В.Власенко; валторна В.Полех, Ю.Скворцов, И.Удальцев, А.Демин, Б.Афанасьев, Б.Буяновский; трубачилар И.Границкий, И.Павлов, В.Новиков, В.Юдин, Л.Володин, Ю.Большиянов; тромбончилар М.Трусин, К.Ладилов ва бошқалар. Ижрочиларининг юксак маҳорати, ижронинг ёрқин ва ишонарлиги.

XXIII. ЙИРИК ПЕДАГОГЛАР

Ижрочиликнинг кейинги ривож ва педагогик-методик ишларига Москва консерваторияси профессорларининг таъсири. Булар: Н.Платонов (1894-1968), Ю.Ягудин (1907), Ю.Должиков (1932) (флейта), М.Иванов (1882-1957), Н.Салодуев (1890-1971) (гобой). М.Оруджев (1920), А.Петров (1920), А.Володин (1897-1966), А.Семенов (1907-1958), В.Петров (1920), Б.Диков (1918) (кларнет), Р.Терехин (1919) (фагот), А.Усов (1895), А.Янкелевич (1905) (валторна), С.Еремин (1903-1975), Г.Орвид (1904), Ю.Усов (1930) (труба), В.Шербинин (1896-1963), П.Чумаков (1918), М.Зейналов (1917) (тромбон), А.Лебедев (1924) (туба).

XXIV. КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Давр талаби асосида музика санъати олдига қўйилган янги мавзулар. Музиқанинг жанр ва турли йўналишлари чегараларининг кенгайиши. С.Прокофьев, Д.Шостакович, Н.Мяковский, Э.Хачатурян, Д.Кабалевский,

Т.Хренников, Г.Свиридов, Р.Шедрин, А.Эшпай ва бошқа композиторларнинг оркестр асарларида дамли чолғулардан моҳирлик билан фойдаланишлари. Бу асарларни фақат юксак ижрочилик маҳоратини эгаллаган созандаларгина ижро қила олишлари мумкинлиги.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1 Дамли чолғулар созанда ижрочиларининг Халқаро танловлари ҳақида нималарни биласиз?*
- 2. Йирик ижрочи педагоглардан кимларни биласиз?*
- 3. Йирик композиторлар ижодида дамли чолғулар қандай аҳамиятга эга бўлган?*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

Б.С.Салихов, Б.Матёкубов

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАМЛИ ВА ЗАРБЛИ
ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ ТАРИХИ**

Тошкент 2007 йил

Муаллифлар гуруҳи: Б.С.Салихов, Б.Матёкубов

Б.Матёкубов таҳрири остида.

Маъсул муҳаррир: - С.Бегматов

Ўзбекистон Давлат консерваторияси
Проректори,
Санъатшунослик фанлари номзоди,
Доцент,

Такризчилар : - А.Сайфуллаев

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
Дамли ва зарбли чолғулар кафедрасининг
Катта ўқитувчиси
Р.М.Петров
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,
Ўзбекистон композиторлар уюшмаси аъзоси,
Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи
Дамли ва зарбли чолғулар кафедрасининг
мудири

Ушбу қўлланма олий мусиқа ўқув юртлари дамли ва зарбли чолғулар мутахассислигининг бакалаврият босқичи талабалари учун мўлжалланган. Мазкур фан мутахассислик мажмуасига кирадиган махсус фанлардан бўлиб, талабаларни бадий билим доирасини ҳар томонлама ривожлантиришга, дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги ва мусиқа санъатининг турли оқимлари ҳамда услубларини зукколик билан фаҳмлашга ўргатади.

Дарсликда Оврўпа дамли чолғуларини Ўзбекистонга кириб келиши билан биргаликда қадимги даврлардан Ўрта Осиёда мавжуд миллий дамли ва зарбли чолғулар, уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, ҳарбий ва маиший хизматларда фойдаланилиши, турлари, меҳтарлар гуруҳлари, сулоалар ва моҳир ижрочилари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Ушбу дарслик биринчи бора нашр қилинмоқда.

I ҚИСМ

К И Р И Ш

Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи курсининг мақсад ва вазифалари шундан иборатки, бу фан кенг қамровли, дунёқараши ривожланган созанда мутахассисларга назарий ва тарихий билимларни янада чуқурроқ эгаллашга ёрдам беради.

Китобда дамли чолғулар ижрочилиги ривожининг тарихий шарт шароитлари, уларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги афсона ва ривоятлар, ривожланиш қонуниятлари, ҳарбий ва маиший хизматларда фойдаланилиши, турлари, меҳтарлар гуруҳлари, сулолалар ва моҳир ижрочилари тўғрисидаги мавзулар очиб беришга ҳаракат қилинади.

Шарқ халқлари дамли чолғулар ижрочилиги санъати ўз тараққиётида кўп асрлик анъаналарни мерос қилиб олган бўлиб, унда асосан анъанавий устоз-шогирд услублари кенг ривожланган. Яъни бу анъана устоздан-шогирдга, отадан - ўғилга асрлар давомида оғзаки йўл билан ўтиб келган. Шу боис баъзи чолғуларни келиб чиқиш тарихи ҳақидаги ёзма маълумотлар кам учрайди. Аммо уларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ривоятлар ҳозиргача етиб келган. Шулардан бири «Меҳтарлик рисоласи» * бўлиб, унда ривоят қилинишича: (Бу рисола мазмунини кекса устоз бахшилардан бири Турсун бахши Жуманиёзов қуйидагича ҳикоя қилади:) Оллоҳ-таоло Одам ато танасини лойдан ясагандан кейин, элчи фаришта ҳазрати Жабройил, оламни ҳаракатлантирувчи фаришта ҳазрати Микойил, охиратда карнай (сур) чалувчи фаришта ҳазрати Исрофил, жон олувчи фаришта ҳазрати Азроилга вужудга жон киргизишни топширган эканлар.

Одам ичининг қоронғу зимистонлигидан жон у ерга киришдан бош тортади. Фаришталар кўп ва ҳўп ўйлашиб, охири жонни антиқа йўл билан одам вужудига киритишга қарор қилибдилар. Улар жаннатдан «дуп» (Турсун бахши тут деб таърифлайди) ёғочини олиб чиқиб, танбур, дутор, най (баъзи манбааларда сурнай ва бошқа дамли чолғулар) ва ғижжак чолғуларини ясабдилар, лекин қанча уринишмасин улардан товуш чиқара олишмабди. Фаришталар чарчаб ухлаб қолишибди. Уларнинг ҳатти-ҳаракатини нарида кузатиб турган Шайтон алайҳуланна (ланатланган) бари-бир мен аралашмасам ҳеч иш чиқмас экан деб танбур, дутор ва ғижжакларнинг қулоқларидан пастига бир донадан чўп қистириб, найнинг тешиклари ёнидан бир тешик очадик, «шайтон харрак» ва «шайтон тешик» иборалари ана шундан қолган. Бир пайт тўрттала фаришта уйғониб қарашса, чолғулар қўл теккизишга маҳтал бўлиб жаранглаб турган эмиш.

Шундан кейин ҳазрати Жабройил латиф нағма ўйлаб топади ва уни фаришталар билан жўрликда чалиб, жонни Одам ато вужудига киритган эканлар. Ушбу воқеадан кейин нағма ва чолғуларнинг пиру-устози ҳазрати

* Меҳтар – форс, бошлиқ, зобит. Б.Матёкубов «Хоразм дoston ижрочилигининг зарҳат саҳифалари» Хоразм 1999 й. 11 б

Жабройил (христианларда архиангел Гавриил) ҳисобланган. Шунингдек, темирчилар пири ҳазрати Довуд, унинг ҳар болға уришидан янги нағма пайдо бўлар ва 360 нағмаси борлиги таърифланади. Нафаси ўликларга жон

бағишловчи ҳазрати Исо, эзгу ишларни амалга оширувчи ва адолатпарвар кишилар хомийси Хўжайи Хизир, юқорида муборак номлари келтирилганлардан ташқари, мусулмон пайғамбар ва пирлардан Муҳаммад (С.А.В) ва унинг чориёрлари Абу Бакр, Усмон, Умар, Али (розияллоху анҳулар), дoston қаҳрамонлари Жамшид, Рустам, Сухроб, Бобо Қўрқит, Ошиғ Ойдин пир, Гўрўғли, Ошиқ Ғариб ва бошқа жуда кўплаб мўътабар ва табаррук пирлар созандалик ва меҳратлик ҳунари ривожини таъминлар эканлар. Шу сабабдан ҳам уларга сиғиниш ва пиру – устоз деб билиш меҳтарлик рисоласидаги оғзаки равишда муҳрланган қонун бўлиб хизмат қилган.

Туркман шоири Мулла Ғойиб буни шеърий тил билан шундай ифодалайди:

Соз билан суҳбатни ёлғон деманглар,
Одам ато пайдо бўлганда бордур.
Ҳобил, Қобил онасининг қорнинда,
Алар ҳам дунёға галганда бордур.

Шайтонни қувдилар жаннат уйиннан,
Ҳар ким топар ўз фелиннан, хўйиннан.
Худо ўзинг сақла хазон сувиннан,
Нўвни гамасина душганда бордур.

Муллалар жам бўлиб топмади далил,
Ман санга сиғиндим ё Раббим Жалил.
Исмойил пайғамбар, Иброҳим Халил,
Макка Мадинани қурганда бордур.

Муллалар жам бўлиб кетдилар ҳама,
Ҳазорон демакни маъноси нима ?
Подшо бўлиб ўтди шоҳи Жам-жама,
Дунёнинг лаззатин тотганда бордур.

Бу дунёға кимки галди саришта,
Одам ўғли ҳар қайсиси ҳар ишда.
Хоруд, Моруд одли икки фаришта,
Бобилнинг чоҳина тушганда бордур.

Муҳаммад пайғамбар дин йўлин очди,
Билол азон айтди кофирлар қочди.
Абу Бакр, Умар, Усмон етишди,
Али зулфиқорин чолғонда бордур.

Игна учун Исо осмонда қолди,

Искандар Зулқарнайн дунёни олди.
Мусонинг ҳассаси аждаҳо бўлди,
Насимийнинг пўстин сўйғанда бордур.

Ҳазрати Довуднинг қирқ ўғли бўлди,
Манманлик айлади, барчаси ўлди.
Қирқ ўғил ўрнига бир ўғил кўрди,
Довуднинг қирқ ўғли ўлганда бордур.

Доғларнинг бошиннан гетмас думони,
Бир гун бўлар яратганнинг фармони.
Маъдий келиб олур ёхти жаҳонни,
Али ёқасиннан тутганда бордур.

Мулло Ғойиб айтар, Хизирдур пирим,
Пирим Шойимардон Али дастгирим.
Султон Суюн подшо Мир Алишерим,
Дунёнинг тўзини тутганда бордур. *

Бу шеърда меҳтарлик рисоласининг асосий нуқталари ихчам тарзда баён этилган.

Кишилиқ жамиятининг ибтидоий даврларидан бошлаб қадимги одам қадамларининг бир маромда ерга ташланиши, ов ёки бошқа жамоа тадбирларидаги такрорий ҳаракатлардан, қўлларини-қўлларига, баданига уришдан пайдо бўлувчи садолар, турли меҳнат куруллари, буюмлар ёки тошларнинг бир-бирига тегишидан келиб чиқадиган ритмик товушлар – урма чолғуларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Шунингдек ритм-усул ибтидоий инсон ҳаётининг марказий унсури бўлиб, у жамоа фаолиятини бирлаштирувчи, уни борлиқ-табиат ва коинот билан уйғунлаштирувчи ягона восита бўлган.

Олимларнинг тахминича, аёллар кийим тайёрлаш учун териға ишлов бериш жараёнида кундага ёпишган ва қуриган тери ҳақиқий ноғорасимон сас чиқариши натижасида инсон диққатини жалб қилган. Бунинг натижасида эса ноғораларнинг турли шакллари келиб чиққан деса бўлади.

Шунингдек, пуфлаб чалинадиган чолғуларни олиб кўрадиган бўлсак, уларнинг келиб чиқиши ҳам маиший эҳтиёждан, яъни қадимги одам қорин тўйғазиш учун ерда ётган ичи тешиқ суякни сўриб ёки илигини чиқариш учун пуфлаб кўради. Бунда албатта хуштаксимон товуш ҳосил бўлган. Ёки қуриган қамиш ширасини сўриш учун шимиб кўрган пайтда қамиш пўстлоғининг ажралган тилчаларидан бирининг нафас тегиб тебраниши натижасида ҳосил бўлган товуш инсонда ўша материаллардан келгусида чолғу асбоби ясалишига олиб келган ҳодисалар деб тахмин қилиш мумкин.

Баъзи чолғуларнинг келиб чиқишига доир бир қанча ривоятлар ҳам жуда қизиқарли бўлиб, доирани яралишига алоқадорида шундай ҳикоя қилинади: Қадимда мешкобчиларни сув ташийдиган мешларини тубига сув солганда текис

* Б.Матёкубов «Соз билан суҳбатни ёлгон деманглар» Ўз.АС 1994. 3 сон

турсин учун гардиш ўрнатилган бўлиб, сувдан бўшаган чоғда ёз куни қуёшда терининг қаттиқ қизиши натижасида у таранг тортилган ва бармоқ билан чалган пайтда доирасимон сас чиқарган. Бу Тошкент доирачилари орасида устоздан-шогирдга ўтиб келган ривоятлардан ҳисобланади.

ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ВА ҚАДИМГИ ДУНЁ ЧОЛҒУЛАРИ

Қадимги одам инсон овозидан кучлироқ товуш берадиган, очиқ ҳавода чалинадиган чолғуларни ихтиро қилган ва уни овда, ҳарбий юришларда, тўй, сайил, байрам ва бошқа турли йиғинларда қўллаш одат тусига кирган.

Дамли чолғулар Эрамиздан аввалги III-I асрларда ҳам найсимон, тилли ва карнайсимонларга тавсифланган. Қадимги Миср, Бобил ва бошқа Шарқ мамлакатларида дамли чолғулар ҳақида маълумот берувчи тасвирий санъат асарлари мавжуд бўлиб, улар ҳайкалчалар ва археологик топилмаларда ўз аксини топган.

Қадимги Миср тарихий ёдгорликларидан маълумки, юксак кадрланган ҳарбий созандаларга қоҳинлар қаторидан ўрин кўрсатилган, ҳатто жанг майдонида созандалар ўлдирилмас балки, асир олиниб, ўз касби доирасида хизмат қилишга буюрилган. Искандар Зулқарнайн даврида қўшинлар жипслашган ҳолда, тартиб билан юриши ва душманга даҳшат солиш учун турли ҳажмдаги нағоралар, карнай ва бурғулар қўлланилган. Бир ривоятда айтилишича, Искандар Афлотунга: «Сен шундай бир чолғу ясагинки, унинг саси ўн тўрт чақирим узоқдан эшитилсин, душман юрагига қўрқув ва даҳшат солсин», - дебди. Афлотун ўйлаб-ўйлаб охири катта қасқоннинг иккала томонига мол терисини қошлабди-да, уни таранг тортириб, кўс нағора ясабди. Нағорани бир томонидан урилган зарб, иккинчи томонидаги терига таъсир қилган ҳолда аксадо бериб, «Искандар! Искандар!» - деган даҳшатли овоз чиқар эмиш. Ҳозирги даврдаги икки томонига тери қошланган барча барабану довулларнинг яратилиши шундан қолган экан.

Қуйидаги миниатюрада Искандар ва Доро қўшинларининг жанги акс эттирилган бўлиб, Форслар қўшинининг орқа қисмида тирсакли баргул деб номланадиган карнай ва карнайчи расми тасвирланган. У ўз қўшинини жанговар чақириқ билан жангга чорламоқда ва душман юрагига ғулғула солмоқда.



23
Искандарнинг Доро билан жанги
Битва Искандара с Дарием
The battle between Iskandar and Darius
Der Kampf Iskanders mit Darius

Қадимги Хоразм ҳудудидаги “Қўй қирилган қалъа” (милоддан олдинги IV-III аср), “Тупроқ қалъа” (I-III аср), “Қирқ қиз қалъа” (V-VI аср) истехкомларидан топилган най, мизмар, сурнай, даф ва ноғорага ўхшаш асл номлари сақланмаган чолғу созлари ушлаган мутриба аёл ва эркаклар тасвирланган тангачалар, ганч ҳайкалчалар ҳамда Айритомдан топилган ҳайкалчалардаги чолғулар тасвиридан биз уларнинг ўша пайтда қандай аталгани маълум эмас. Яъни номлари ҳозиргача сақланиб қолмаган.

Самарқанднинг Ургут тумани Мўминобод қишлоғидан топилган милоддан беш минг йил олдинги суякдан ишланган беш тешикли най қисман сақланган бўлиб, ўша даврда бундай товуш кўламига эга чолғуда қандай куйлар чалинганлигини тасаввур қилиш мумкин.

V-VII асрларга тааллуқли Наманганнинг Поп туманидан топилган, қамишдан ясалган кўшнай эса ҳозирги кўшнайлардан фарқ қилмайди.

Анников лаганидаги етти карнайчи расмига қараб ва бу тасвирдаги драматик ҳолатдан келиб чиқиб, созандалар томонидан «Қинни Сиёвуш» яъни Сиёвушнинг мотамига бағишланган марсия чалинаётганлиги тахмин қилинади. Ўша даврларда карнай, нафир, шох нафир, буғ, бурғу, ташдорлар сопол карнайи ва бошқа чолғулардан фойдаланилган деган хулосага келиш мумкин.

Эрамизнинг VII-X асрларига келиб Араблар истилоси билан бирга янги анъаналар тараққий топа бошлайди. Шарқ халқларида инсон нафаси яъни-дами илоҳий ва шифобахш деб қаралган. Бундай қарашлар исломдан олдинги оташпараст, коҳин ва қом(шаман)ларда ҳам бўлган. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг «Ёсин» сураси 51-оятида «Ва нуфиха фис-сури фазиаҳум мина-лааждаси ила роббиҳим янсилун» маноси: «қиёмат соати келиб фаришта Исрофилнинг сури чаланиши билан баногоҳ улар қабрларидан парвардигорлари (ҳузурига ҳисоб-китоб учун) суғурилиб чиқурлар», дейилади. Бунда нуфиха – пуфланмоқ, маъносида бўлиб, нафас яъни пуфлаш орқали ўликлар тирилиши айтилмоқда. Бу фикрни қувватлаган ҳолда Абдурахмон Жомий:

Маъни самоъ ки микунад, факих,
Ғофил аз сур ва нуфихат фих.

Маъноси: эй факих, саъмони (мусиқани) ман қилувчилар сур ва унга пуфланишидан ғофилдурлар. Деб нафас орқали нағма-куй ҳосил қилиниб, у инсонга жон бағишлашини ғофил ва жоҳил бандалар билмасликларини яна бир бор таъкидлайди. Бу фикрларни тилшунос олим Нафас Шодмонов «Тафаккур» журнаliga ёзган «Муסיқа бу уйғониш демак» мақоласида янада ривожлантирган.*

Шарқ уйғониш даврининг олимлари ўзларининг қомусий асарларида муסיқани математиканинг бир бўлаги деб ҳисоблаганлар ва ўша асарларида ўз даврида истефода қилинган чолғулар номларини ҳам келтирганлар. Шундайлардан ал Фаробий ўз рисоаларида мизмар, мизомир номли (буламонга ўхшаш) дамли чолғулар ҳақида ахборот берган бўлса, Ал Хоразмий ўзининг «Мафатих ал улум» асарида торли ва урма чолғулар билан биргаликда сурнай ва буламон созларини ҳам келтириб ўтган.

Маҳмуд бин Маъсуд Қутбиддин аш Шерозий (1236-1310)нинг “Дуррат ут-тож ли-ғуррат ид-дийбож” (Шоҳ тожини безовчи ноёб дур) қомусий рисоласида дамли чолғуларни товуш ҳосил этилиши бўйича уч турга таснифланган. Булар хуштаксимонлар, тилли-дудикли ва карнайлардир. Шунингдек, у чолғулар пардаларини ижрочи оғзи томонига қараб очилиб бориши натижасида товушнинг баландлашуви ва сафиллар (передувание)га доир маълумотларни ҳам келтирган.

Дарвиш Али Чангийнинг «Тухфат ус сурур» муסיқий рисоласида айтилишича, Найи Эбан чолуси XIII асрда яшаб ўтган муסיқашунос олим Сафиуддин Абдулмўмин ал Урмавий томонидан ихтиро қилинган. У темирчиларнинг дам берувчи мешини кўриб, мазкур чолғуни ясаган экан.** Эчки терисидан ясалган мешнинг уч томонидан учта қамиш найча тикиб ўрнатилган бўлиб, бир найчадан пуфлаб ҳаво тўлдирилади. Иккинчи найча олти тешикли бўлиб, асосий куй чалинадиган. Учтинчи найча фақат бир оҳанг (товуш) чиқарувчи бўлиб, асосий найга жўрнавоз ҳисобланади. Найи Эбан Хоразмшоҳлар даврида тўй, сайил, ҳарбий юриш ва бошқа маросимларда чалинган. Жалолиддин Мангубердиннинг ҳарбий юришлари даврида у

* Н.Шодмонов «Муסיқа бу уйғониш демак» Тафаккур, 1993й. 3-сон 36-39 б.


** «Среднеазиатский трактат по музыке Дервиша Али XVII века» проф.А.А.Семенов. Т., 1946 г. 20 с.

кўпчилик халқлар орасида тарқалган бўлиб, Шарқий Оврўпада волўнка, Ожарларда чибони, Озарбажонларда тулум, Осетинларда лалим, Чувашларда сарнай ва шунга ўхшаш номлар билан аталган. Мазкур соз ҳозирги даврда Франция ҳукумати фахрий қоровулларининг рамзий чолғуси сифатида қўлланилади.

Бу даврда шаҳарларнинг ривожланиши турли ҳунармандлар ва касб эгаларининг дўкон (форсча-манзил, кўнимгоҳ, уюшма)лари вужудга келиши билан Мехтарлик (мехтар-форсча бошлиқ, зобит, раҳбар) қўшлари, гуруҳлари пайдо бўлади. Уларнинг таркиби уч нафар (сурнай карнай доира) дан то ўн беш нафаргача бўлган созандани ўз сафига бирлаштирган. Мехтарлар очик ҳавода чалинадиган чолғу ижрочиларидан ташкил топган. Уларнинг вазифаси кучли мусикий товуш-сас, дабдаба ва асъаса билан душманга даҳшат солиш, лашкарларга рухий мадад бериш, куй чалиб халқни жанг бошланганидан, қўшиннинг қайтиб келишидан, ғалаба тантанасидан, хоннинг чиқишидан ва бошқа воқеа ҳамда байрам, сайил ва тўй тадбирлардан огоҳ этишдан иборат бўлган. Мехтарлар ўз чолғулари имкониятига яраша турли навбалар чалишган ва улар навбати мураттаб деб ҳам аталган (навба арабча – куйлар туркуми, навбати билан чалинадиган тартиблантирилган асарлар). Айниқса Хоразмшоҳлар даврида навбалар чалиш анъанаси жуда расмий тус олган. Бунинг сабаби Султонмуҳаммад Оловуддин Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам уд чолғусида машқ қилиш ва шатранж ўйнашни жуда хуш кўрар, удда навбалар чалиб ўзини созлагандан кейингина арзхонага чиқиб фуқоролар арзини тинглар экан. Шунинг учун ҳам ўша даврда мусиқа санъати билан биргаликда мехтарлик анча ривож топган.

Дамли ва зарбли чолғуларнинг ҳарбий юришлардаги аҳамиятини барча саркарда ва лашкарбошилар яхши билганлар. Душманни фақат лову-лашкар, найза, қилич, ёй билан эмас балки, унинг юрагига кулоғи орқали товуш-сас билан даҳшат ва ғулғула солиш йўли билан урушда ғолиб чиқишда карнай ва ноғораларнинг ўз ўрни борлигини тан олганлар.

Аммо инсон ҳаётида ҳарбий юришлардан кўра тўй, байрам ва сайиллар кўпроқ бўлган, “Наврўз”, “Мехржон”, “Мина”, Қизил гул” каби байрам ва сайилларидаги оммавий театрлашган рақс ўйинларида очик ҳавода чалинадиган дамли чолғулар уларга жўр бўлганлигини, бундай маросимларда халқни йиғиш, уларга хуш кайфият бағишлаш, руҳини кўтариш каби эзгу амалларни бажаришда қўл келганлигини эътироф этиш мумкин.



13 Созандалар билан базм
Пир с музыкантами
A feast with musicians
Festmahl mit Musikanten

Шунингдек, Дамли чолғулар нафақат очик ҳавода балки саройдаги базму-тараб чоғида қўлланилганлигини қадимги миниатюралардан ҳам билишимиз мумкин. Бунда торли чолғулар билан жўрликда уларнинг овозига мос келадиган дамли чолғулар ҳам қўлланилган. Юқоридаги «Созандалар билан базм» деб номланган миниатюрада даф ва уд билан биргаликда қадимги туркий курай чолғуси ҳам тасвирланган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тош асри – палеолит даврида чолғуларнинг турларини айтинг.

1. Искандар Зулкарнайн қўшинидаги ҳарбий чолғулар қандай бўлган?

2. Мўминобод қишлоғидан ва Поп туманидан қандай чолғулар топилган?

3. *Ибтидоий жамоа тузуми даврида дамли ва зарбли чолғулардан қайси мақсадларда фойдаланилган ?*
4. *Араблар истилоси даврида қандай анъаналар шаклланган?*
5. *Хоразмшоҳлар давридаги ҳарбий чолғулар ҳақида нима биласиз ?*
6. *Меҳтарлик гуруҳлари ҳақида гапиринг.*

ЎРТА АСРЛАР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР

Ўрта асрларга келиб деҳқончиликнинг ривожланиши, шаҳарларда бунёдкорлик ишлари, Моварауннаҳр ва Хуросонда адабиёт ҳамда санъат ривожига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса Амир Темур давридаги ҳарбий юришлар натижасида турли мамлакатлардан келтирилган хунармандлар, олимлар, хонандаю созандалар шаҳар маданиятининг ўсишига катта ҳисса қўшдилар ва санойи нафиса билан қизиқувчи ёшларга ўз хунарларини ўргатдилар.

Бу даврда «“Ноғорахона” лар пайдо бўла бошлайди. Ноғорахона ва у ердаги бош ноғорачининг вазифаси кун чиқиши, тушлик ва кун ботиш пайтида куйлар чалиш, кейинчалик сутканинг ҳар соатига мўлжаллаб ижод қилинган мақом, шўъба ва овозаларни ижро қилиш, айниқса рўзайи рамазон ойларида рўзадорларни саҳарликка уйғотадиган куйлар чалиш ноғорахоналарда амалга оширилган.

Амир Темур томонидан отда чопиш, кураш, найзабозлик, қиличбозлик, ёйандозлик ва бошқа ҳарбий ўйин мусобоқалари ҳамда кўпкариларининг ҳар томонлама тақдирланиши ҳарбий мусиқа, айниқса очик ҳавода ижро қилинадиган дамли ва зарбли чолғуларнинг аҳамиятини оширди. Маҳоратли созандаларнинг етишиб чиқишига кенг йўл очиб берди. Бундай катта тантаналар Хиротда, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда «тарабхона», «томошагоҳ», «сайилгоҳ» каби майдонларда ўтказилган. Томоша ёки сайил бошланишидан олдин сурнай, карнай, тобил, ноғоралардан ташкил топган гуруҳ ижросида «Оломон йиғар», «Шодиёна», «Баҳри тобил» ва шуларга ўхшаш аҳолини йиғинга чорловчи куйлар чалинган.

Меҳтарлик гуруҳлари янада ривожланиб уларнинг дастурларида «Аскарый», «Меҳтарий», «Илғорий», «Сарбозча», «Дучава», «Қашқарча», «Шарқия», «Усмония» ва бошқа куйлар ижро қилинган.

Ўзбек ҳарбий зодогонларининг юксак маърифатли вакили бўлган Амир Темур мусиқа санъатининг муҳим эстетик аҳамиятини маънавий омил сифатида ҳарбий мусиқа турларини қўшинларнинг жанговарлик руҳиятини олий даражада сақлаб турувчи куч деб билган ва унинг ривожига катта эътибор берган. У тарихда биринчи бўлиб, аскарларни жанговар байроқлар ва мусиқа чолғу асбоблари билан тақдирлаш одатини ҳарбий удумга киритади:

«Амр қилдимки, - деб ёзади «Тузуқлар»ида, - қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ғаним лашкарини енгса, уни уч нарсa билан мумтоз қилсинлар – фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни баҳодир деб атасинлар» («Темур тузуқлари» 97 б).*


Шуниси эътиборлики, Амир Темур лашкарида музика чолғулари фақатгина маънавий рамзиёт ҳисобланмасдан, балки кўпроқ ҳолларда асосан ҳарбий матонат, шижоат нишони, жангчиларнинг табақа ва мартабаларини кўрсатувчи ҳарбий даража белгисини англатган. Бу борада «Тузуклар»да шундай дейилади: -«Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир нағора берилсин. Амир ул умарога байроқ ва нағора, туман туғи ва чортуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта нағора берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, нағора, чортуғ ва бурғу берсинлар» («Темур тузуклари» 100 б).**

Амир Темурнинг музика санъатини юқори даражада баҳолаши, чолғулардан ҳарбий нишон, жасорат рамзи сифатида фойдаланиши – жаҳон муҳораба санъати тарихида мислсиз воқеадир. Бунга далил сифатида Шарқ мўйқалам усталари ишлаган миниатюраларни келтириб ўтиш мумкин.

«Зафарнома»даги «Амир Темур лашкарларининг Сейистонни забт этиши» тасвирини олиб кўрадиган бўлсак,

*Темур тузуклари Т., «ШАРҚ» НМАК бош таҳририяти 2005 й.

** Ўша китоб



миниатюрада Темур лашкарлари билан сейистонликлар ўртасидаги аёвсиз олишув тасвирланган. Карнайчи қалъа девори устида туриб, Темур лашкарларига руҳий мадад бергани ҳолда душман юрагига ғулғула солмоқда. Карнай садолари остида лашкарлар сейистонликлар устига бостириб бормоқдалар.

«Темур тузуклари»да жангчиларни сафарбар этиш чоғида инсон овозидан, айрим махсус интонацион тузилмалардан кенг фойдаланилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилади: «Яна амр этдим, - дейди у, - сипоҳилар ғаним лашкарларига кўзлари тушиши ҳамоно, баланд овозда «Оллоҳу Акбар» деб такбир айтсинлар ва сурон билан(жанговар чакириқ «урҳо-ур» солиб) душман чериги устига бостириб борсинлар» («Темур тузуклари» 125 б).

Амир Темур армиясининг ҳарбий оркестри – дамли ва зарбли чолғуларнинг хилма-хил турларидан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги Турк ҳоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврларида машҳур бўлган. Бунда азалдан Марказий Осиёда яхши таниш бўлган ноғора турлари кўс, табира, ал-табра, бир томонли ноғора, чиндоул, доул-паз, катта ноғора кабилардан фойдаланилган. Ўрта аср миниатюраларидаги тасвирларга қараганда, кўш нағоралар сипоҳий созандалар томонидан отнинг устида, эгарнинг икки тарафига жойланиб чалинган. Катта кўс ноғора эса аксарият миниатюраларда туянинг ўрқачига ўрнатилган ҳолда тасвирланган. Довул чолғуси ўша пайтда духул номи билан машҳур бўлган. Бир қалъани забт этиш манзарасини тасвирлай туриб, Али Яздий ёзади: «Унда (яъни қалъада) 300 эркак духул ва сурнайларни чалиш билан тамоман машғул эди». Амир Темур оркестрида, шунингдек мусулмон Шарқида азалдан машҳур бўлган табла ва мисдан ясалган жарас (лаптак-тарелка) урма чолғуларидан кенг фойдаланилган.

Зафарномада коварга – коварка чолғуси жуда кўп жойларда тилга олинади. Манбаларда келтирилишига қараганда бу зарбли чолғу бўлса керак. «Лашкар ҳозир бўлиб, тартиб берилди, коварка ва бурғу уриб, юзландилар... (Зафарнома, 148 а)». Ушбу чолғу сўнгги асрларга оид манбаларда деярли қайд этилмайди.

Соҳибқирон ҳарбий оркестрининг дамли чолғулар гуруҳи хилма-хиллиги билан фарқланади. Бунда мисдан ясалган карнай, тирсакли карнай, нойи-румий, нойи эбан, сурнай ва қадимги туркий сўз «буғу»дан олинган бурғу чолғулари меҳтарлик гуруҳининг оркестр таркибига кирган.

Амир Темур қароргоҳидаги меҳтарлар гуруҳида бурғучилар доимо ҳозир бўлганлар. Али Яздий келтирган бир маълумотда айтиладики, Қарши шаҳрини қамал қилиш чоғида «Соҳибқирон ҳазрат фармон бердиларки – бурғу чолсинлар, ки оқибат Қарши аҳолисининг кўзларидан уйқу қочиб, нафир ва бурғу товушларидан тахайюр дуди уларнинг бошларига урди ...» (Зафарнома 119 а). Қарши забт этилгандан сўнг Соҳибқирон Дарвешак бурғучи исмли ҳарбий созанда хизматини алоҳида тақдирлайди. Бурғу чолғуси кейинчалик Бобур лашкарларини мусиқий чолғуси рамзи сифатида Ҳиндистон маданиятига ҳам кириб келади.

Қадимги даврдан ҳозирги кунгача машҳур бўлган сурнайлар қаторида теурийлар меҳтарлигида янги туркий анъаналар билан боғлиқ «Чабчиғ» ва

«Шон» чолғулари ҳам кенг қўлланилади. Ҳожа Абдулқодир Мароғийнинг маълумотларига қараганда, чабчиғ кўпқамишли «мусиқор» (Оврўпадаги Пан флейтасига ўхшаш) асбобининг бир тури бўлиб, моҳир созандалар уларга ёрдамчи парда тешикчаларни қўшишган.

Ўша пайтдаги ҳарбий мусиқа турларининг мазмуни, оҳанг тизими хусусида манбаларда маълумотлар келтирилмаган. Уларнинг фақат номлари ва усул шаклларигина сақланиб қолган. Масалан Мароғий ўз рисоласида Самарқандда ижод қилган «Зарбул фатҳ» ва «Даври Шоҳий» усулларини келтиради.

Темур ва темурийлар даврида ҳарбий юришларда қўлланилган чолғулар машҳур Бобурномага ишланган миниатюраларда ҳам акс эттирилган. Қуйидаги тасвирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур жангларида бири тасвирланган бўлиб, Бобур қўшини шиддат билан душман устига ташланмоқда. Тоғ ён бағридан баргул ёки тирсакли карнай деб номланган карнайда карнайчи, туя ўркачига ўрнатилган дўл ноғораларда ноғорачи ҳамда оқ от устидаги сурнайчилардан иборат меҳтарлар гуруҳи сарбозий куй чалиб, жон-жаҳди билан ғаним юрагига гулғула солиб жангчиларга мадад беришмоқда.



Булардан кўриниб турибдики, Темур ва темурийлар даврида ҳарбий мусиқа мустақил жанр сифатида узил-кесил шаклланган, меҳтарлар гуруҳи эса янги чолғулар билан янада бойиган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Амир Темур даврида марказлашган давлат қаерда тузилган?
2. "Темур тузуклари"да ҳарбий чолғуларнинг тақсимланиши тамойилларини биласизми?
3. Меҳтарлар ижро қиладиган куйлар қандай бўлган ?
4. Миниатюралардаги ҳарбий чолғуларга таъриф беринг.

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРИНИНГ XIX АСРГАЧА БЎЛГАН АҲВОЛИ ВА ИЖРОЧИЛАРИ

XVII асрга келиб тахт учун феодал урушлар икки дарё оралиғида жойлашган мамлакат ва халқлари орасида тарқоқликнинг кучайишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида мусиқа санъатига бўлган эътибор ҳам анча сусайди. Марказий Осиё Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига бўлиниб кетди. Ушбу хонликларда давлат тепасига келган хон ва амирларнинг шеърят ва мусиқа санъатига бўлган эътиборига қараб санойи нафиса турлича ривожланди. Бундай ривожланиш ҳам маҳаллий ўзига хосликни касб этди. Саройда меҳтарлар гуруҳлари қадимдан шаклланган ўз вазифаларини бажариб келганлар ва халқ ичидан чиққан созандадар, дамли чолғулар усталари дорбозлар, “Чодир ҳаёл” - қўғирчоқбозларга жўр бўлганлар, тўй, сайил ва байрамларда хизмат қилганлар.

Қадимдан шу давргача халқ орасида қуйидаги чолғулар истефода қилинган:

Ғажир - най, чўпон – най чолғуси тўғри цилиндр шаклидаги икки томони очик най бўлиб, чўл бургутининг ғовак суягидан ишланади. Узунлиги 300 м.м. Бармоқ билан босиб чалинадиган 4 та тешикчадан иборат. Диатоник товушқаторга эга. У чўпонлар амалиётида кўпроқ қўлланилади ва лирик тарздаги кичик куйлар ижро қилишга қулай.

Ишвалак - турли қуш ва жонзотлар шаклида саполдан ясалади ва ҳар хил бўёқлар билан безатиладиган хуштаксимон чолғу. Унинг хуштак ҳосил қиладиган битта тешиги ва бармоқ билан босиладиган иккинчи тешикчаси мавжуд. Ишвалак асосан болалар ўйинчоғи сифатида қўлланилади.

Сибизик - (бизилловчи маъносида) 150 м.м., узунликдаги ғаров қамишдан ясалган чолғу. Унинг бош қисмида тилча кесиб очилган, бармоқ билан босиладиган учта тешиги бор. Товушқатори диатоник. Сибизик чўпонлар чолғуси бўлиб, унда шўх – ўйноқи куйлар чалинади. Сибизик Туркманларнинг дилли-туйдуқига ўхшайди.

Най - цилиндр шаклида 400 – 600 м.м. узунликдаги ёнлама чолғу бўлиб, меваги ёғочдан (ёғоч -най), бамбукдан (ғаров - най), оқ мисдан (мис - най), латундан (бринж - най) ясалади. Найда бармоқ билан босиладиган 6 та асосий тешик бўлиб, улардан ташқари пуфлаш учун тешик, ёғоч ва ғаров найларда асосий тешиклари орасида битта ҳамда қуйи қисмида яна тўртта тешиклар мавжудки, буларнинг барчаси най товушига чиройли тус бериш учун очилган. Найнинг товушқатори диатоник бўлиб, икки ярим октава (биринчи октава ля дан тўртинчи октава ре гача) товуш қўламига эга. Иккинчи октава ля товушидан юқори пардалар нафас босимини кучайтириш йўли билан ҳосил қилинади. Созандадар ижро давомида ва айниқса юқори товушларни ҳосил қилганда мураккаб (асосий пардаларда ўрта бармоқларни очган ҳолда «вилочнўй») аппликатурани қўллайдилар. Най тешикларини ярим очган ҳолда эса хроматик товушқатор ҳосил қилиш мумкин.

Қўшнай ғаров қамишдан ясалган 220 – 250 м.м., узунликдаги жуфт найлардан ташкил топган чолғу бўлиб, найларининг бош томони ёпик ва учларидан 5 см., узунликда тилчалар кесиб очилган. Тилчалар ип билан хомут

қилиб юқорига ва пастга (созлаш учун) суриладиган қилиб боғланган. Қўшнайда бармоқ билан босиладиган 7 (баъзан 8) тешик очилган. У икки октавага яқин, биринчи октава ре дан иккинчи октава си (учинчи октава до гача) диатоник товушқаторга эга бўлиб, иккинчи октава товушлари асосан нафас босими (передувания) натижасида ҳосил этилади. Лаб бошқаруви ва тешикларини ярим очган ҳолда хроматик товушқатор ҳосил қилиш мумкин. Қўшнаининг товуши кучли, мунгли оҳангга эга. Асосан якка, ансамбл ва ўзбек халқ чолғулари оркестрида қўлланилади. Ҳозирги даврда Хоразм, Тошкент ва Фарғонада кенг тарқалган.

Булабан, буломон (форс. Балобам, боло – баланд, бом – паст, баланд ва паст регистрларда бирдек жарангловчи диапазони кенг чолғу маъносида) цилиндр шаклидаги қуввурининг узунлиги 300 м.м., бўлиб, карнайчаси устки томонидан қалинлаштириб мевали ёғочдан ясалган чолғу. Буламоннинг трости, яъни дудики - якка тили ғаров найчанинг устки томонидан (қўшнаиникига ўхшаб) кесиб-тилиб очилган. Буламонда бармоқ билан босиладиган 8 та тешик мавжуд. Шулардан биттаси асосий тешикларга қарама-қарши, яъни орқа томонда жойлашган. Товушқатори диатоник бўлиб, лаб бошқаруви натижасида хроматик товушқатор ҳосил қилинади. Товуш кўлами икки октавадан сал ошиқ (кичик октава соль дан иккинчи октава соль (ля) гача). Унинг товуш тембри бўғиқроқ (бас) тусда бўлиб, асосан бахшилар ансамбли таркибида ва баъзан якка ҳолда ҳам қўлланилади. Драматик ва фожеъавий дostonлар мусикалари буламон жўрлигисиз ижро этилмаган. Ўрта асрларда буламон қўшнаига ўхшаб жуфтланган яъни қўш буламон бўлган. 18-19 асрларга келиб бахши куйларининг суръати жадаллашиши натижасида буламонда техник маҳоратни ошириш эҳтиёжи туғилган ва якка буламон шаклида (бахшини икки томонида биттадан буламончи жўр бўлган) қўлланила бошлаган. Ҳозирги даврда қўш буламоннинг қадимий нусхасини таниқли сурнайчи М.Матёкубов коллекциясида учратиш мумкин. Бугунги кунда ҳам шимолий Ўзбекистон, асосан Хоразм ва Қорақалпоғистонда бахшилар ансамблларида кенг истеъфода қилинади.

Сурнай - (форс. Сур – тўй, байрам, най - қамиш, тўйда чалинадиган най деган маънони билдиради) Сурнай чолғусининг келиб чиқиши жуда қадимий бўлиб, бу ҳақдаги маълумотлар милоддан олдинги қалъалар деворларидаги тасвирлар ва ўрта аср миниатюраларида акс этган. Сурнай ҳарбий юришлар, тўй, сайл ва байрамларда асосий чолғу сифатида карнай, ноғора ва доиралар иштирокидаги чолғулар ансамблида қўлланилган.

Ўзининг тузилиши ва товуш ҳосил қилиниши жиҳатидан гобойга ибтидо бўлган сурнай танаси 400-450 м.м., узунликдаги мевали (ўрик, тут, ёнғоқ) ёғочдан цилиндр, баъзан конуссимон шаклда, карнайчаси кенгайтирилган ҳолда ясалади. Унинг бармоқ билан босиладиган 8 та тешиги бор. Шулардан биттаси асосий тешикларга қарама-қарши, яъни орқа томонида жойлашган. Баъзиларида тешикларининг оралари мис ҳалқачалар билан ҳалқаланган. Сурнай тили – дудики оддий қамишдан ип билан қаттиқ бўғилиб, бир-бирига қапиштириб ясалади ва сурнай мил-нилига кийгизилади. Мил ўз навбатида чолғу танасига ўрнатилган бачка (бачча- болача, сурнай ёғоч

танасига нисбатан бошқача мевали ёғочдан ишланган)га кийгизилади. Мил- нилда эса айлана ёки букик эллипс шаклидаги (хайвон шохи, суяк, садаф ёки металлдан ишланган) ижрочи лабига тиралиб, нафасни ташқарига чиқишидан муҳофазалаб турадиган ҳалқа ўрнатилади. Сурнай бир ярим, икки октава ҳажмидаги диапазон ва диатоник товушқаторга эга. Ўзбекистонда сурнай тури икки хил. Фарғона-Тошкент сурнайи мензураси кенгроқ бўлганлиги сабабли товуши майин ва нолали, Хоразм сурнайи эса мензураси нисбатан торлигидан товуши кескин ва чийилдоқ. Иккала сурнайда ҳам товуш кўлами бир хил. Пастки товуши биринчи октава до-диез дан бошланиб, нафас босимини кучайтириш натижасида иккинчи октава си (учинчи октава до) товушгача бўлган диапазонни ўз ичига олади.

Сурнайнинг товуши кескин ва жуда ўткир бўлиб, унда товуш ҳосил қилиш мураккаб ҳисобланади. Бу жараён узлуксиз нафас билан ижро қилиш маҳоратини талаб этади.

Узлуксиз нафас билан чалишнинг моҳияти шундан иборатки, қадимги уламолар созни вақтнинг узвий бўлаги, яъни вақтда узилиш бўлмаганидек мусиқада ҳам қисқа бўлсада узилиш бўлмаслиги керак деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам айниқса Хоразм сурнайчилигида узлуксиз нафас билан чалиш қабул қилинган ва ҳозиргача давом этмоқда.

Шунингдек, Хоразм дутор чолғучилигида ҳам узлуксиз рез (тремоло) билан чалиш бугунги кунгача ўзига хос услуб ҳисобланади ва уларнинг сурнай ижрочилиги билан узлуксизлиги ўхшашдир.

Узлуксиз нафас тури Ўзбекистон сурнайчиларида **қайтарма нафас** ёки Хоразмда **дам айлантириш** дейилади ва ҳозирги даврда ҳам қўлланилади. Бунда ижрочи лунжини шиширган ҳолда заҳира ҳавони лунжда сақлайди ва бурундан нафас олаётган пайтида заҳирадаги ҳавони чакка мушаклари ёрдамида сурнай найчасига йўллайди. Натижада ўпкага ҳаво ҳам олинади ва сурнайга юборилаётган нафасда ҳам узилишга йўл қўйилмайди. Қайтарма нафасни ўргатиш учун машҳур Хоразмлик хон сурнайчиси Худак ота - Худойберган Қурбон ўғли ўз шогирдларини қўлларига най қамиш бериб дам айлантириш тамойилини тушинтиргач, бошловчи сурнайчини ариқча четига ётқизган ҳолда найчани сувга тикиб пуфлатар ва сувда пуфакчалар ҳосил бўлиши узлуксиз давом этса, яъни нафас айланса шогирд сурнайни қўлига олган. Агар дам айланишида узилиш рўй берса сувда узлуксиз пуфак чиққунича машғулоти яна давом эттирган.

Ўзбекистонда икки хил сурнай ижрочилиги мавжуд. Улар Фарғона – Тошкент ва Хоразм услублари деб аталади.

Фарғона – Тошкент ижрочилик йўналишининг вакиллари тўғрисида Ғулом Зафарийнинг 1930 йилларда тузилган шажарасида келтирилган созандалар номларидан биламиз. Шунингдек, кекса созанда ва бастакор устоз Мухторжон Муртазоевнинг айтишларига қараганда Андижоннинг Булоқбоши туманидан талайгина таниқли сурнайчилар сулоласи етишиб чиққан. Булар: Рустам Меҳтар, Одил Меҳтар, Ашурали Меҳтар, Қўқонлик Рўзи найчи, Ҳамроқул буламон, Умматқул қўшнай, Марғилонлик Аҳмаджон Умурзоқов, Оқ мачитлик сурнайчи Калон Меҳтар Бобо, Тошкентдан Шукурқул най, Камол най, ака-ука

сурнайчилар Нурулла, Саъдулла, Хайрулла Убайдуллаевлар, Абдукаюм ота Азимов, Маҳкам Собиров, Шамсимат ота Юсупов, Ғуломжон Мирзаев, Намангандан Бурхон най, Ҳасан най ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ушбу услубнинг махсус «Сурнай йўллари»дан Бузрук, Савти Бузрук, Наво, Савти Наво, Наво Чархи, Дугоҳ, Дугоҳ Ҳусайний, Дугоҳ уфори, Сегоҳ, Сегоҳ уфори, Уззол, Ироқ, Уфари Ироқ мақом шўьбалари асосида яратилган йирик туркумдаги асарлар ижро қилинади.

Хоразмда сурнай ижрочилигининг ривожланган даври Мухаммадраҳимхон Феруз хонлик қилган (1863-1910) замонида тўғри келади. Бу вақтда ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Калот, Ёқуб буломончи, Сарик Меҳтар, Бобожон (Бува буломончи) сурнайчи, Худойберган Қурбон ўғли ва 40 нафар сурнайчидан ташкил топган сурнайчилар, карнай ва ноғоралар жўрлигидаги ансамбл «Хон чиқар» (Хоразм Наво мақомининг сақили)ни хон чиқиш пайтида чалишган. Бунда Хон отининг ва уни етаклаб юрадиган шотирларнинг оёғига турли ҳажмдаги занглар тақилган бўлиб, улар куй усулига монанд оёқларини ташлаб юрган пайтда маҳобатли томоша – кўриниш ҳосил бўлган.

Бу даврда машҳур бўлган Дурди карнайчи номи ҳам кўп тилга олинади.

Хива хонлигида ғассоллардан олинadиган солиқни Ашур маҳрам карнайчиларга ойлик, яъни маош қилиб берар экан. Шунинг учун ҳам ушбу касб энг паст ҳунарлардан ҳисобланган ва ҳозиргача Ўзбекистоннинг бошқа жойларига қараганда Хоразмда карнайчилар деярли йўқ, карнай эса жуда камдан-кам ҳолларда истефода қилинади.

XX – асрда машҳур бўлган сурнайчилардан Худойберган Қурбон ўғли, Матниёз ота, Қурёз ота, Жуманиёз ота, меҳнат қизил байроқ орденли Абдушариф Тоғанов, Матёқуб дўхтир Оллаёров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қодир Бобожонов, Файзулло Матчонов, Йўлдош Тожиев ва айниқса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Дўстлик» ордени нишондори Матрасул Матёқубовлар эл орасида таниқли устоз созандалардан ҳисобланади.

Хоразмда ҳам мақом шўьбалари асосида сурнай учун махсус «Сурнай мақомлари» яратилган ва улар Комил Хоразмий томонидан ихтиро қилинган «Танбур нота чизиги»да ўз аксини топган бўлиб, булар «Ифорий», «Зангбозий», «Зувоний», «Марвий I-II», «Гулҳо гулим», «Аламинг ёмон», «Ёр-ёр», «Қоракўз», «Пухтаро гийр» мақомларидир.* Шунингдек, «Мухаммаси Рост», «Мухаммаси ушшоқ», «Сақили Наво (бу асар хон чиқар деб ҳам юритилган)», «Мухаммаси баёз», «Уфори Наво», «Пешрави Дугоҳ», «Пешрав занжири», «Ҳафифи Сегоҳ», «Уфори Ироқ», каби асарлар мақомларидан бўлса, халқ куйларидан «Алиқамбар», «Надромаддин», «Бироллайим», Масхарабоз йўлларида: «Қум пишиги», «Тўрғай», «Чоғоллоқ», «Зумлақ», «Ротолло» ва бошқа куйлар ҳозиргача машҳур. Сурнай йўлларининг асосан никоҳ, суннат ва бошқа тўйларда ижро этиладиган турлари кенг тарқалган. Уларнинг аксарияти рақс куйлари бўлиб, туркумли «Шодиёна», «Катта ўйин», «Тановар», «Муножот» «Оразибон», «Норим-норим», «Ушлини уфориси», «Елапасаланди»,

* «Шашмақом сабоқлари» Ҳ.Аминов мақоласи ЎзДК Илмий-тадқиқот Маркази Т., 127-128 б

«Бироллойим» (охиргисига ўхшаган қўшиқлар овози кучли хонандалар томонидан сурнай жўрлигида куйланган ва бундай жўрликда куйлаш фақат Хоразмгагина хосдир) ва айниқса «Сурнай лазгиси» халқаро миқёсда донғи кетган рақс куйларидан ҳисобланади. Рақс куйларига кўпинча қайроқ жўрлигида ўйналади.

Буғ - сополдан ишланган 350 м.м., узунликдаги қувр (труба) бўлиб, ундан қадимда тегирмон дон янчиш учун тайёр экани ёки шаҳар ҳаммоми суви исиб ювиниш учун шай бўлганлигини билдириш мақсадида ташдорлар томонидан чақариқ чалинган.

Карнай - (форс.- карн – шох, най) ҳайвон шохидан ясалган най деган маънони билдиради. Ибтидоий даврлардан ҳар хил чақариқ учун одам овозидан кучли товушга эҳтиёж пайдо бўлган ва натижада ҳали инсон томонидан метал кашф қилинмасдан бурун ҳайвонларнинг катта шохларидан турли ҳажмдаги карнайлар ясашган. Карнайнинг топилган қолдиқлари эрампдан олдинги уч мингинчи йилларга бориб тақалади. Карнай биринж-латундан ясалади ва узунлиги 3 метрча келадиган тўғри, баъзан букик, қўнғироқсимон карнайли табиий обертон товушқаторли чолғу ҳисобланади. Карнай асосий қувурининг ичидан 97-100 см. келадиган ва тобора кенгайиб (5 мм- дан 36 мм гача) борадиган ингичка ёрдамчи қувур ўтказилган. Бу қувур халқ тилида нил деб аталади ва у 37 мм келадиган карнай мунштугига уланади. Карнай жуда узун бўлганидан икки ёки уч бўлакка бўлинади. Унинг товуши жуда кучли бўлиб, ижро пайтида карнайчи карнай оғзини ҳар томонга йўналтирган ҳолда (барчага эшитилсин учун) чалади. Унинг обертон товушлари кўлами бир октавадан ошмайди. Обертонлари прима, секунда, квинта, секста ва септима бўлиб, энг кўп фойдаланиладигани квинта, секста ва септима интервалларидир. Карнай ҳарбий юришларда, тўй, сайил ва байрамларда сурнай, нағора ва доиралар жамланган ансамбл таркибига кирган. У моҳир карнайчи томонидан якка ҳолда нағора ва доиралар билан ижро қилинадиган бўлса фақат карнайгагина хос бўлган товуш динамикасини яққол намаён қилади. Яъни ўзига хос глиссандо, вибрато ва товуш кучининг самараси ушбу чолғунинг улуғворлигини кўрсатади.

Карнай ҳозирги даврда ҳам кенг қўлланилмоқда. Тўрт, олти карнайдан ташкил топган нағора, доира, сурнайлар таркибидаги ансамбллар тўй, сайил, байрам ва томошаларда хизмат қилмоқдалар.

Бурғу - қадимда туркий халқлар олтой ва сибирда ҳам яшаганлар ва буғу шохларидан карнай ясаганлар унинг номи шундан қолган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қайси асрда Марказий Осиё қандай хонликларга бўлиниб кетган ?
2. Хонликларда чолғучиларга бўлган эътибор қандай бўлган?
3. Дамли чолғулар ижрочилигининг устозона услублари, сулолалари ҳақида гапиринг.

ЎЗБЕКИСТОНГА ОВРЎПА ОРКЕСТР ЧОЛҒУЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ (1867 – 1917 йиллар)

XIX – асрнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олиниши тугалланди. 1867 йил июл ойида ўз ичига Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини бирлаштирган Туркистон генерал – губернаторлиги ташкил қилинди. Туркистон ўлкаси бешта вилоятга бўлинган бўлиб, булар: Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисой (Семиречие) ва Каспий орти (Закаспийский) вилоятларидан ташкил топган эди.

Ўрта Осиёнинг бу тарзда қайта ўзгариш жараёни Туркистонга Оврўпа маданиятининг кириб келиши ва уни ривожланишида прогрессив аҳамият касб этди десак муболаға бўлмас.

Бу жараён уч хил йўналишни ўз ичига олади, булар: Оврўпа дамли чолғулар оркестрлари фаолияти; ҳаваскорлик тўғараклари ва мусиқий жамиятларнинг олиб борган ишлари; концерт-гастрол сафарларига келган турли жамоаларнинг чиқишлари сабабли ўлкамизда Оврўпа чолғулари (пианиночилар, скрипкачилар, виолончелчилар ва бошқа чолғу асбоблар) ижрочи созандалари пайдо бўла бошлаган.

Туркистон ўлкасида Оврўпа маданиятининг ривожланишида рус зиёиларининг роли каттадир. Улар ичида мусиқа ҳаваскорлари ва профессионал созандалар ҳам кўпчиликини ташкил қилган.

Демократик рус маданияти билан яқинлашиш натижасида Ўзбек маданияти ҳам секин аста Оврўпа маданияти томон интила борди. Халқ оммаси орасида илм-маърифатни кенгроқ ёйиш мақсадида эркак ва аёллар гимназияси, хунар ва тижорат билим юртлари, маҳаллий аҳоли учун янги рус-тузем мактаблари (олдин рус тилида кейин ўзбек тилида) жўғрофия, иқтисод, фото-сурат, хайрия ва бошқа турли жамиятлар ташкил топа бошлади.

Рус маданиятининг кириб келиши жараёнида шу миллат зиёиларининг анъанаси бўлган хос мусиқа, яъни уйда-хонада чалинадиган мусиқа (домашнее музўцирование) ривожланади. Мусиқий тарбияга тобора кўпроқ эътибор берила бошланади. Билим юртларида мусиқа дарслари ўқитилиб, бу дарсларни профессионал ўқитувчилар олиб борар эдилар.

Бу даврда халқ оммаси орасида мусиқани кенг тарғибот қилишда ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари алоҳида аҳамият касб этганлар. Ўлканинг турли бурчакларида жойлашган ҳарбий қисмларнинг дамли чолғу оркестрлари ижро этган мусиқалар маҳаллий аҳоли орасида машҳур бўла бошлади. В.Стасовнинг таъбири билан айтганда:- «Ҳарбий оркестрлар фақат ҳарбий мусиқани эмас балки, бошқа мусиқа асарларини ҳам халқ оммаси орасидаги тарғиботчиларидир».¹ Ҳарбий оркестрлар ижросида Туркистон ўлкасининг кўпгина чекка жойларида Оврўпа оркестр мусиқаси янграй бошлади. Ҳарбий оркестрлар ўз ижроси билан рус армиясининг куч-қудрати ва жипислигини намойиш қилиб, маҳаллий аҳоли онига катта таъсир ўтказар эди. Бундай оркестрларнинг кенг тарқалганлиги, омма ўртасида очик ҳавода чалиши, мусиқа маданиятининг кенг ёйилишига имкон яратди. Айниқса «Манжурия тепаликларида» (На сопках Манджурии), «Ватан соғинчи» (Тоска по родине) ва

бошқа турли жанрдаги асарлар машхур бўлди ва ҳатто ўзбек халқ чолғуларида ҳам чалина бошланди.

Ўзбек халқ миллий дамли ва зарбли чолғулари қадимдан майиший ҳаётда, сарой тантаналарида ва ҳарбий юришларда кенг қўлланилиб келинган. Ўзбекистон ҳудудида асосан икки хилдаги чолғу ансамбллари кенг тарқалган бўлиб, булардан бириси дамли ва зарбли чолғулар (сурнай, карнай, ногора, доира)лардан ташкил топган ва иккинчиси торли чолғулар ҳамда най, қўшнай, буламон каби дамли чолғулар ва доира иштирокидаги ансамбллардир.

Ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари таркибида хизматдаги аскарлар фарзандлари ва етим болалар оркестр тарбияланувчилари сифатида хизмат қилганлар. Уларни етакчи созандалар турли чолғу созларда чалишга ўргатганлар. Баъзи оркестрларда дамли чолғулардан ташқари торли созлар ҳам ўргатилган. Бу билан созандалар ҳам дамли ҳам симфоник оркестрларда ижрочи сифатда қатнашишлари мумкин бўлган. Туркистон ўлкасида дамли чолғулар ижрочилиги ривожига катта ҳисса қўшган маълумотли созандалар ичида А.Ф.Эйхгорн, Ф.В.Лейсек, Н.Н.Мироновлар бор эди.

А.Ф.Эйхгорн Ўзбек мусиқа санъати тарғиботининг бошловчиларидан ҳисобланади 2. У ўзининг ҳарбий оркестр капелмейстерлиги ишидан (у 1870 йилдан Сирдарё вилояти ҳарбий оркестри 1883 йилдан Скоблев ҳозирги Фарғона вилояти ҳарбий оркестрлари капелмейстери) ташқари ўлканинг концерт фаолиятида фаол иштирок этади. У композиция ва мусиқа этнографияси билан шуғулланади. В.Беляевнинг ёзишича: - «А.Ф.Эйхгорн шаҳарнинг мусиқа ва концерт ҳаётида фаол иштирок этди. У яккахон скрипкачи, торли квартет қатнашчиси сифатида жонли фаолият юргизди. У альт, виолончел, орган, фортепиано ҳатто мис дамли чолғуларда чалишга ҳам ҳаракат қиларди» 3.

А.Ф.Эйхгорн раҳбарлигидаги ҳарбий оркестр Тошкент аҳолисига кўплаб концертлар берарди ва анча муваффақият қозонган эди. XIX- асрнинг 70-80 йиллари Тошкент мусиқа ихлосмандлари орасида Эйхгорннинг Осиё мавзуларига бағишланган «Полька», «Тошкентча», «Вальс», «Туркистон кенгликларида», «Самарқанд харобаларидаги ойдин кеча» ва бошқа асарлари машхур эди. Эйхгорн нотага туширган ва Оврўпа чолғулари ҳамда дамли чолғу оркестрига мослаштирган маҳаллий куй ва қўшиқларнинг бир қанчаси концертларда муваффақият билан ижро қилинар эди. Эйхгорннинг энг катта хизматларидан бири Ўрта Осиё халқлари мусиқа чолғу асбобларини йиғиш ва уларнинг таърифини ёзиш бўлиб, 36 чолғу асбоби бўйича тузган каталоги ҳамда чолғуларнинг кўпчилиги унинг коллекциясидаги энг қимматли асбоблардан эди

Туркистонда дамли чолғулар ижрочилигини ривожлантиришда Чех созандаси ва этнографи, ҳарбий капелмейстер В.В.Лейсек фаолиятининг аҳамияти каттадир. XIX-аср охирида Рус – Чех муносабатларининг яхшиланиши натижасида кўпгина чех созандалари Россияга келади. Булар қаторида В.В.Лейсек 2 ҳам бор эди.

1. В.Стасов «Избранные сочинение» в 3 х томах Т.1. М.,1952 с. 177.

2. А.Ф.Эйхгорн (1844-1936) 1870 йилдан 1883 йилгача Туркистонда яшаган. Тошкентга кўчиб келгунга қадар Рига, Петербург ва Москва опера театрларида ишлаган.

3. Беляев В. «Музыкально этнографические работы А.Ф.Эйхгорна в Узбекистане»- В книге «Музыкальное фольклористика в Узбекистане». Т., 1963 . с. 6.

Бу созанда Туркистонда маърифий жамоат ва ижодий фаолият юргизган арбоблардан ҳисобланиб, Хўжайли баталиони ҳарбий оркестри капелмейстери бўлган. Бундан ташқари у «Лира» деб номланган хор жамоасини бошқарар, гимназияда мусиқа ва ашуладан дарс берар, Ўрта Осиё халқлари мусиқа фольклорини ўрганишга ҳаракат қилар ва асарлар яратар эди. Тошкент мусиқа жамияти концертларида у ўзини ижрочи сифатида намаён қилган. Шундай концертлардан бирида торли кваттет таркибида Я.Б.Гордон (1 чи скрипка), А.Б.Гордон (2 чи скрипка), В.В.Лейсек (альт), А.И.Мирбадалов (виолончел)лар ижросида П.И.Чайковскийнинг кваттетидан «Анданте кантабиле»сини ижро қилишган.

В.В.Лейсек кўпгина ҳарбий маршлар ёзиб, ҳарбий оркестрлар билан ишлаш давомида уларнинг репертуарини миллий куйларга асосланган янги асарлар билан бойитишга ҳаракат қилди. «Лейсек ўзбек куйларини йиғиш ва оркестр чолғу асбобларига мослаб қайта ишлаш билан ҳам шуғулланарди» деб эслайди, унинг шогирди созанда ва педагог Ф.И.Неговелов з. Бундай куйлардан кўпчилиги оркестр яккахонлари томонидан концертларда ижро этилар ва нафақат Оврупалик тингловчилар балки, маҳаллий аҳоли томонидан ҳам қизгин кутиб олинар эди. В.В.Лейсекнинг кўпқиррали мусиқий-жамоатчилик, ўқитувчилик ва концерт ижрочилик фаолияти Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига ўз изини қолдирган.¹

Туркистонда мусиқа санъатининг ривожини соҳасида улкан ишларни қилган созандалардан яна бири рус армиясининг капелмейстери Н.Н.Мироновдир. У Қўқонда жойлашган сапер батальонининг ҳарбий оркестри раҳбари эди. Бу ерда у 1898 йили «Мусиқасеварлар» тўғарагини ташкил қилади.

Тўғарак ҳарбий оркестр созандаларидан ташкил топган бўлиб, Миронов хор ва оркестрга раҳбарлик қилар ва оркестр жўрлигида яккахон скрипкачи сифатида ҳам чиқар эди.

Туркистонда дамли чолғулар ижрочилигини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатган ҳарбий созандалардан яна Туркистон полкининг капелмейстери В.Г.Поппел – Бауэр, бешинчи Оринбург казак полки капелмейстерлари: Я.В.Гордон ва Г.М.Козолупов, 17 чи ўқчи батальони капелмейстери Г.А.Махань ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Ушбу капелмейстерларнинг Ўрта Осиёдаги фаолияти ерли аҳолини Рус ва ғарб классик композиторлари асарлари билан таништиришга катта ҳисса қўшди. Ҳарбий дамли чолғу оркестрлари ҳар хил тингловчилар орасида чиқишлар қилиб турли ва кенг миқёсдаги концерт фаолиятини юргиздилар. Улар нафақат тантанали маросимлар балки, турли концерт майдончаларида ҳам чалар эдилар.

В.В.Лейсекнинг аҳамиятли ишларидан бири 1890 йилда ёзилган «Осиё попуриси» асаридир. Бу асар ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ халқ куйлари асосида тузилган бўлиб, Лейсек томонидан флейта, гобой, кларнет, фагот ва мис дамли чолғулар корнет, труба, валторна, тромбон, бас ва зарбли катта ҳамда

1. А.Ф.Эйхгорн томонидан йиғилган ўзбек халқ миллий чолғу асбоблари коллекциясининг бир қисми Вена шаҳрида қолган қисми эса Москвада Глинка номидаги музейда сақланмоқда.

2. В.В.Лейсек (1857-1935) кўзга кўринган Чех созандаси. 1878 йилда Прага консерваториясини тамомлагандан кейин Россияга келади ва Туркистон сапер бригадаси ҳарбий оркестрининг капелмейстери сифатида иш бошлайди. Октябр тўнтаришидан кейин Ўзбекистонда яшаб ижод қилади ва ўзбек мусиқа маданиятини ривожлантириш ишида фаол қатнашади.

3..А.В.Малкеев томонидан ёзиб олинган Ф.Неговелов хотираларидан

кичик барабан, учбурчак (треугольник) каби чолғулардан ташкил топган дамли чолғу оркестрига чолғулаштирилган эди. Чех созандасининг Туркистон куйлари асосида биринчи бўлиб дамли чолғулар оркестри учун асар яратишга уриниши катта тарихий аҳамиятга эга эди.

Ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари ўз репертуари ичига машҳур опера ва оперетталардан оммабоп увертюралар, фантазиялар ва поппуриларни камраб олган эди. Тошкентда сўзсиз кинонинг пайдо бўлиши билан бу

оркестрлар кўпинча томоша бошланишидан олдин куйлар ижро қилган. Аскарлар орасидаги саводсизликни тугатиш учун Пушкин жамияти «Халқ ўқишлари» кечаларини ташкил қилар эди. Дамли чолғулар оркестрлари эса кўпчиликни машҳур рус ёзувчисининг асарларини ўқишда қатнашиш учун чорлар эди. Бунда оркестр репертуарида ўкиладиган асар характерига мос тушадиган куйни танлаш капельмейстер томонидан яхшилаб ўйлаб кўрилар ва топиб чалинар эди. «Халқ ўқишлари» кенг халқ оммасини рус маданияти билан таништириш учун таъсирчан тадбирлардан бири бўлиб, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилар эди. Тошкент шаҳар зиёлилари томонидан ёзда шаҳар боғида, ҳарбий кенгаш боғида ва қишда ҳарбий кенгаш залида сайил ва кечаларда доимо дамли чолғулар оркестри янграб турар, ҳали Туркистонда профессионал мусиқа таълими бўлмаган даврда ҳарбий оркестрлар ва ижрочилик гуруҳларининг маданий-маърифий ва оркестр ижрочилигини ривожлантиришдаги тарғибот ишлари катта аҳамиятга эга бўлган.

Маҳаллий зиёлиларнинг мусиқа санъатига интилиши, Туркистон ўлкасида турли хилдаги мусиқа севарлар жамиятлари ва тўғаракларини пайдо бўлишига олиб келди. 1870 йили Тошкентда шифокор ва виолончелчи А.И.Никитиновнинг уйида биринчи мусиқа ихлосмандлари тўғараги ташкил қилинди. Бу тўғарак аъзолари торли квинтет шаклида таркиб топиб, у тобора кенгая борди. Тўғаракнинг жонли фаолият юргизувчи аъзоси Эйхгорн ҳисобланарди. Мазкур тўғарак асосида 1884 йили Тошкент мусиқа жамияти ташкил қилинади ¹.

Бу жамиятда ҳарбий дамли чолғулар оркестри зобит созандаларидан ташкил топган хор ва ҳаваскорлик симфоник оркестри бор эди. Бу жамиятнинг фаол ташкилотчилари В.В.Лейсек ва Н.Н.Мироновлар эди. Улар М.А.Балакирев ва бошқа рус созандалари томонидан бошқарилган рус мусиқа жамиятининг анъаналарига таянган ҳолда кенг мусиқий ва маърифий тарғибот ишларини олиб борардилар.

Тошкентда мусиқий-педагогика ишларини олиб боровчи кишиларнинг мавжудлиги, 1890 йили мусиқа жамияти қошида Туркистонда биринчи бўлиб, фортепиано, дамли чолғулар, торли чолғулар синфлари ҳамда сольфеджио ва мусиқа назарияси фанларини олиб боровчи синфлар ташкил қилинди. Буларнинг ишини В.В.Лейсек бошқариб турар, скрипка синфини Ю.Ю.Стефанович олиб борар эди. Ўқувчилар томонидан тўланадиган тўловларнинг анча кам бўлишига қарамасдан ўқувчилар сони 50 кишига ҳам етмас эди. Бундан кўриниб турибдики

¹ Ковбас М.С. «В.В.Лейсек в Узбекистане» - в кн. «Вопросы музыкальной культуры Узбекистана» Вып. «Т., 1969

бошланғич музика таълимини олиш асосан Тошкентнинг рус миллатига мансуб аҳолисини қизиқтиргани ҳолда маҳаллий аҳолини жалб қилиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Жамият аъзоларининг асосий фаолияти ҳаваскор созандаларни жалб қилган ҳолда концертлар, кўшиқ ва романс кечалари ташкил қилишдан иборат эди. Бундай концертларда ҳарбий дамли чолғу асбоблари оркестрлари фаол қатнашган. Оммавий рақс куйлари капельмейстерлар томонидан шу оркестр учун мослаштирилган. Симфоник асарлар ва опералардан парчалар ижро қилинган. Вокал санъатининг чет эллик устозларидан сабоқ олган, гўзал овозга эга бўлган А.А.Кей хорга раҳбарлик қилган.

1891 – 1895 йиллари музика жамияти В.В.Лейсек раҳбарлигида рус ва ғарбий Оврўпа классиклари асарларидан ташкил топган бир неча опералар қисмларини сахнага олиб чиқиб томошабинлар ҳукмига ҳавола қилган. 1882 йилда Тошкент аҳолиси М.И.Глинканинг «Иван Сусанин», «Руслан ва Людмила», Ж.Вердининг «Трубадур» операларидан айрим сахналарни тинглаб томоша қилишга муваффақ бўлганлар. Бундай чиқишларнинг муваффақияти асосан В.В.Лейсек бошқарган оркестрнинг юқори ижрочилик маданияти сабабли юзага келган.

Музика жамиятининг ижодий юксалиши билан бирга унинг турғунлик пайтлари ҳам бўлган. Шундай бир даврда бу ташкилотни мустаҳкамлаш мақсадида 1895 йили ташкилотнинг музика раҳбарлиги лавозимига тажрибали ва талантли ташкилотчи В.И.Михайлек ¹ таклиф қилинади. Унинг келиши билан жамиятнинг фаолияти бир оз жонланади. Михайлекнинг ташаббуси билан гастролга келган созандаларнинг концертлари кенг тарғибот қилина бошланди. Бу концертлар асосан ҳарбий кенгаш залида (ҳозирги марказий офицерлар уйи) ўтказилар эди. Бундан ташқари Михайлекнинг уйида ҳам В.В.Карнауков (кларнет), М.А.Насибов (флейта), Е.А.Рўжикова ва О.А.Рўжиковалар (скрипка), Михалекнинг ўзи (виолончел), С.И.Вонсовска ва В.А.Ченецкой (фортепиано) ҳамда бошқалар иштирокида камер-чолғу куйлари янграб турган.

XIX – асрнинг 90 йиллари Туркистон маданий ҳаётидаги воқеалардан бири Чех миллатига мансуб Австриялик флейтачи, дирижер ва композитор

Адольф Тершак ² ва унинг хотини фортепианочи М.Шуллернинг гастрол сафарлари бўлди. Бу концертларда вилоят казак оркестрлари ҳам иштирок этдилар. Концертларнинг дастурлари хилма-хил ва салмоқли бўлиб, ўзида XIX – аср ғарбий Оврўпа композиторлари асарларини мужассам этган эди.

Ўша концертлардан бирининг дастури:

1. Зуппе – «Пиковая дама» операсининг увертюраси.
2. А.Тершак - флейта ва фортепиано учун ми минор концерти

Ижрочилар: флейта А.Тершак, жўрнавоз М.Шуллер

3. Рейнеке торли чолғулар оркестри учун «Шоҳ Манфред» операсидан «Интермеццо» дирижер А.Тершак

1.Вызго Т. «Развитие музыкального искусство Узбекистана и его связи с русской музыкой» М., 1970, с.61

4. А.Тершак – флейта ва фортепиано учун «Рус рапсодияси» I қисм «Интродукция», II қисм «Булбул», III қисм «Трепак» (финал).
5. А.Тершак – фортепиано ва оркестр учун до мажор концерти. Яккахон М.Шуллер, дирижер А.Тершак.¹
6. Р.Вагнер «Тангейзер» операси мавзуларига фантазия. М.Шуллер ижросида.
7. А.Тершак – «Визия» фортепиано ва оркестр учун.
8. А.Тершак – торли чолғулар оркестри учун «Алла».
9. Ф.Мендельсон оркестр учун мосланган «Ҳарбий кўшиқ» дирижер А.Тершак

Тершакдек кўпқиррали ижрочининг Туркистон ўлкаси шаҳарларидаги гастрол сафарлари ўлкада оркестр чолғулари ижрочилигига таъсир кўрсатди. Маҳаллий аҳолининг умумий мусиқа маданиятини оширишга ҳисса қўшди. Ауэр мактабининг намояндаси бўлмиш Ю.А.Шафферлингнинг концертларидаги чиқишлари ўзининг юксак профессионализими билан ажралиб турар эди. У кейинги ҳаётини ҳам Тошкентда қолиб шу шаҳар билан боғлади. 1895-98 йиллардаги чиқишлари билан Туркистон тингловчилари эсида қолган ижрочилардан яна бири скрипкачи – вундеркинд Кости Думичевдир.

XIX – асрнинг 90 чи йилларига келиб маҳаллий зиёли ва Туркистон ўлкаси аҳолисининг эстетик эҳтиёжларини қондиришда қуйидаги мусиқий-драматик жамоаларнинг аҳамияти каттадир.

Булар: Тифлис опера театри томонидан намоёиш этилган М.Глинканинг (Иван Сусанин) – «Шоҳ учун тикилган ҳаёт», А.Рубенштейннинг «Демон», Э.Направникнинг «Дубровский», Ж.Вердининг «Риголетто», Ш.Гунонинг «Фауст» сахна асарларини келтириш мумкин.

1895-1899 йиллари Украинанинг мусиқали-драма труппаларининг келиши

ҳам яхши муваффақият қозонди. Шунингдек, Италия опера театрининг гастрол сафарлари ҳақидаги газета хабарларида:

сахна асарларининг юксак бадиийлиги, оркестр ижроси ҳақидаги тақризлар диққатга сазовордир.

1898 йили Тошкента «Ли́ра» номи билан мусиқа ихлосманларининг хор тўгараги ташкил қилинади. Бу тўгаракнинг фаол ташкилотчиси ва раҳбари В.В.Лейсек эди. Тўгарак ўз олдига мусиқа кечалари ва эрталабки симфоник концертларни ташкил қилишни вазифа қилиб қўяди. Тўгаракнинг машғулотлари жамоатчилик кенгаши биносида ўтказилар эди. 1898 йил ноябр ойида тўгаракнинг биринчи концерти қўйилади.

«Ли́ра»нинг концерт ижрочилик фаолияти изчил ва салмоқли эди. Унинг кўп қиррали концертлари моддий-муҳтож аҳолига ёрдам бериш учун хайрия – концертлари шаклида ўтказилган. Бу концертларда ўқчилар бригадаси оркестри

1.В.И.Михайлек – машҳур Чех дирижери, виолончелчиси ва композитори. У кўп йиллар давомида Александр ва Маринский император театрларида дирижер бўлиб ишлаган.

2.Адольф Тершак (1832 туғ.) «флейтачилар шоҳи» деган номни Европада олган. У Америка, Хитой, Япония, Австрия ва дунёнинг бошқа мамлакатларида муваффақиятли концертлар берган. Истамбул филармониясида дирижер бўлиб ишлаган. (Туркестанские ведомости 1896 г. 11 февраль)

созандалари чиқишлар қилган. Шундай концертлардан бирида яккахон ашулачи Л.Лейсек (сопрано) ва флейтачи П.Крошковлар ижросида Э.Направникнинг овоз ва флейта учун «Булбул кўшиғи» асарини ижро этишди. «Лира»мусиқа тўгараги ва мусиқа жамияти тингловчиларни ўзларига жалб қилиш бўйича ўзаро мусобақа қила бошладилар. Бунинг баъзи салбий натижалари ҳам сезилди.

Ҳаваскорлик мусиқа ташкилотларининг концертларидан ташқари ўқув юртларининг яккахон ижрочилари ва жамоа (хор ва оркестр)ларнинг чиқишлари ҳам ташкил қилинар эди. Бу концертларда хорга В.В.Лейсек ва оркестрга Я.Б.Гордон раҳбарлик қилар ва яккахон созанда сифатида дамли чолғулар ижрочилари, ўқувчилар ва ҳарбий созандалардан: флейтачилар Крижижановский ва Аранович, валторначи Ф.А.Козловский чиқишлар қилар эди.

Шундай қилиб инқилобдан олдинги даврда Тошкентда оркестр чолғулари кўтаники руҳдаги ва тараққийпарвар зиёлиларнинг ташаббуслари натижасида ривожлана бошлади. Бу борада дамли чолғуларда ўқитишга уринган мусиқа тўгараклари, мусиқа жамиятлари муҳим ташкилий роль ўйнади. Ҳаваскор созандалик ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам кенг тарқала бошлади. Бундай мусиқа жамиятларидан А.Л.Бачинский раҳбарлигидаги Ашхобод мусиқа жамияти, 1891 йили янги марғилонда ўз ичига 100 кишига яқин қатнашчини бирлаштирган мусиқа тўгараги ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу тугаракларнинг ташкилотчилари ва фаол раҳбарлари эркаклар гимназияси хори бошлиғи С.И.Вўгорницкий, ҳарбий капельмейстер А.Ф.Эйхгорн, Г.И.Михайлов ¹ ва А.И.Ивановлар гимназия ўқувчиларини жамият ишида фаол қатнашишга жалб қилганлар.

Шаҳар мусикий ҳаётида А.Алексеев ², Париж консерваториясини тугатган скрипкачилардан Калантаров, С.П.Мельников, пианиночилар О.Ф.Мельникова ва А.Черниловских ҳамда бошқаларнинг чиқишлари катта аҳамият касб этди.

Мусиқа ихлосмандлари тўгарагининг кўпгина аъзолари муаллимлик фаолияти билан ҳам шуғулланиб, хохловчиларни ашула айтиш ва турли чолғуларда чалишга ўргатар эдилар. Янги Марғилонда мусиқа мактаби очишга анча уринишлар бўлди, аммо маҳаллий раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватлаш бўлмаганидан бу иш амалга ошмади. 1898 йили янги Марғилонда қурилган ҳарбий кенгаш биноси ва унга тегишли боғда ҳар куни концертлар ўтказилар, бу концертларнинг асосий репертуари рус ва ғарбий европа композиторлари асарларидан, баъзида эса капельмейстерлар томонидан ўзбек куйлари асосида яратилган асарлардан тузилар эди. Янги Марғилон маҳаллий аҳолиси орасида А.Ф.Эйхгорннинг «Туркистон кенгликлари бўйлаб», «Самарқанд харобалари узра ойдин кеча», «Ўзбек халқ куйлари мавзуларига поппури» ва бошқа асарлари машҳур эди. 1894-95 йиллари ўн битта мусиқа йиғилишлари бўлиб, уларда 113 чолғу асрлари, шу жумладан дамли чолғулар учун ҳам асарлар ижро қилинган. 1895 йил ноябрида Янги Марғилон ҳарбий кенгаш залида мусиқа жамиятининг 35 концерти бўлиб ўтди. Шуниси диққатга сазоворки, бу концертда тўгарак оркестри таркибида гобой чолғуси қўлланилган.

Шу куни Ж.Вердининг «Риголетто», В.Беллинининг «Норма» операсига увертюра ва бошқа асарлар Г.И.Михалков раҳбарлигида ижро қилинган.¹

Ҳарбий капелмейстерлар томонидан европа классик муסיқасининг тағибот қилиниши маҳаллий ёшларнинг рус ва ғарбий европа муסיқа маданиятига бўлган қизиқишларини кучайтирди. Ю.Эргашев шундай эслайди: - «Капелмейстер Г.И.Иванов бир қанча маҳаллий ёшларни оркестрга жалб қилиб уларни турли дамли чолғуларда чалишни ўргатар эди. Улар орасида Умрзоқ Қурбонов, Тўйчи Исҳоқов ва бошқалар бор эди»³.

Самарқанд шаҳрида инқилобдан олдинги Туркистоннинг бошқа шаҳарларига ўхшаб ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари узоқ давргача ягона кўнгил очиш учун чалинадиган муסיқа тури эди. Самарқанднинг губернатори ҳақиқий муסיқа ихлосманди бўлиб, ҳарбий оркестрларнинг чиқишларини тақдирлар ва ўз қарамоғида ҳам тантаналарда қатнашиш учун карнай, сурнайлар ва зарбли чолғулардан ташкил топган ўзбек ансамбллари ҳам бор эди.

1891 йили Самарқандда муסיқа – драматик жамият ташкил қилинади¹.

У даслаб 50 нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг ташкилотчиси ва раҳбари ҳарбий дирижер Г.А.Подняшель эди. У шаҳарда катта муסיқий - жамоатчилик ишларни қўшиқ ва романс, чолғу асарлари, дамли чолғулар оркестри концерти каби кечаларни уюштирарди. Бундай кечалар ҳақида Б.М.Бельский :- «Г.А.Подняшель раҳбарлик қилган оркестр ҳар хил рақс муסיқалари билан биргаликда опера ва симфоник асарлардан унинг ўзи томонидан шу оркестрга мослаштирган парчалар ижро қилар эди»³ деб ёзади ўзининг «Дамли аниқроғи жонли оркестр» мақоласида.

Самарқанд муסיқа жамияти маҳаллий муסיқа ихлосмандлари кучи билан ҳар йили 10-15 драматик спектакллар қўяр, ва гастролга келган жамоалар кучи билан 40-50 та опера ва дарамаларни намойиш қилар эдилар.

Томошаларнинг кўпчилиги хайрия мақсадларида уюштирилар эди.Бундай тадбирларнинг барчаси шаҳар маданий ҳаётидаги жонланишдан дарак берган.

Самарқандда фаол муסיқий-оқартув ишлари олиб борган капелмейстерлардан яна Г.А.Махань ва К.О.Кандыбалар ҳам ўзбек муסיқаси билан жуда қизиқишган.

XX – асрнинг бошларига келиб Оврўпа муסיқасининг таъсири Бухоро амирлигига ҳам етиб бора бошлади. Амирнинг қарамоғида миллий ҳарбий дамли чолғулар оркестри ҳам бўлиб, унинг таркибида ўзбек ва тожик миллатига мансуб созандаalar ҳам бор эди¹. Шунингдек, бу оркестр ўзбек куйларидан ҳам намуналар ижро этар ва ўша даврнинг машҳур европача маршларидан «Триумфальный марш», «Итальянский марш»ларни ҳам чаларди.

Бу даврга келиб Туркистон ўлкасининг барча катта шаҳарларида маданий ҳаёт анча фаоллашди. Муסיқа санъатида нисбатан ижтимоий қизиқиш кучайди. Бундай қизиқишнинг кучайиши ва муסיқанинг демократлашувида октябр тўнтаришидан олдинги Туркистонда кўп сонли ҳарбий дамли чолғулар

¹ Г.И.Михайлов 1874 йили Петербург консерваториясини тамомлагандан кейин янги Марғилонга вилоят ҳарбий оркестри капелмейстери вазифасига тайинланган.

² А.Алексеев, кейинчалик РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Москвадаги катта театр яккахои.

³ М.Гуляевнинг кекса ҳарбий дирижер Ю.Эргашев билан суҳбатидан.

оркестрлари, музика жамиятлари унча профассионал бўлмаган симфоник оркестрлар, профессионал яккахонлар, камер-чолғу оркестрлари ва бошқа ижрочилар фаолияти жуда муҳим рол ўйнаган.

XIX-XX асрлар Ғарбдаги инқилобий ҳаркатларни Шарққа кўчириш даври бўлиб, бунда ўлканинг шаҳар ва қишлоқларида маданий жонланиш аста-секин кўзга ташлана бошлади. Бу даврда Тошкент музика санъати ривожлана бошлаган шаҳарлардан бирига айланди. 1904 йили «Симфоник ва камер музика ихлосмандлари» жамияти тузилади. Бу жамиятнинг ташкилотчиси ва бадиий ташаббускори В.И.Михайлек бўлиб, у ўз фаолиятини ҳаваскор ижрочиларга музика адабиётининг энг ёрқин намуналарини ўтгатиш ва уларни тўлақонли ижро қилишга қаратди. Мазкур тўғарак 30 кишилик симфоник оркестрдан ташкил топган бўлиб, унинг энг кучли созандалари торли чолғулар ижрочиларидан Фишер, Миронов, Телешов, Крутик ва бошқалар ҳисобланган. Бу оркестр ҳарбий кенгаш биносидан ташқари темирўлчилар устахоналари, мева қуриши корхонаси, вокзал биноси, ошхона ва бошқа жойларда чиқишлар қилар эдилар. Бундай чиқишлар шу даврдаги сиёсий шароитда маърифий тарғиботни ривожлантириш ва халқни музика санъатига яқинлаштириш мақсадини ўз олдига қўяр эди. Бундай концертларни шарҳлаб, «Туркистон ахбороти» (Туркестанские ведомости) газетаси қуйидаги мазмунда ёзган эди: «Тошкент ашулачилари, пианиночилари, скрипкачилари нега халқ уйи эстрадасида чиқиб ўз санъатларини намойиш қилмайдилар, нима учун ўз талантларининг учқунлари билан халқ оммасининг нафис туйғуларини уйғотмайдилар, уларнинг концерт жойлари ишчилар, ҳунармандлар ичидадир. Ҳеч бўлмаса уларнинг чиқишлари зиёлинамо темир-ўл ишчиларини, оркестр ва хор санъатини ёқтирувчи жамоаси орасида бўлмоғи керак» 2.

Янги тўғарак олдинги музика ихлосмандлари жамоаларидан фарқли ўлароқ, ўз олдига маърифий фаолиятни жонлантиришни мақсад қилиб қўйди ва 1906 йилгача давом қилди. Бу давр ичида М.И.Глинканинг «Иван Сусанин», «Руслан ва Людмила» операларининг увертюралари, Чайковскийнинг «1812 йил», «Итальян каприччиоси», «Шелкунчик» балетидан сюитаси, Ф.Медельсоннинг «Шотланд симфония»си, «Фингал ғори», Э.Григнинг фортепиано ва оркестр учун концерти, шунингдек Шуман, Гуно, Вагнерларнинг кўпгина симфоник асарлари, Моцарт, Чайковский, Арениннинг квинтет, квинтет ва бошқа камер чолғу асарлари ижро қилинар ва бундай чиқишларда ҳаваскор скрипкачи Карнилович ҳам қатнашар эди.

1905 йили Тошкентда янги ҳаваскорлик жамоаси «Музикали драма санъати тўғараги» ташкил қилинади ва 1907 йилга келиб тўлиқ шаклланади. Бу тўғарак оркестри шаҳар боғида ва бошқа жамоат жойларида концертлар берар эди. Тўғаракнинг фаол аъзолари В.И.Михайлек, Н.Н.Миронов, В.В.Лейсек, В.Ф.Сакович, Ф.И.Вўнежев, Н.И.Фелицант, И.Ф.Тереек ва бошқалардан ташкил топган эди. Тўғарак оркестрининг репертуарида Шубертнинг яқунланмаган симфонияси, Россинининг «Вильгелм Тель» операсининг увертюраси, Мендельсоннинг квинтетлари ва бошқа асарлар бор эди.

1913 йили В.И.Михайлек филармония жамияти ташкил қилиш мақсадида симфоник оркестрга созандалар жамлади. Бу оркестр классик музиканинг энг

яхши ва янги асарларини ўрганиш ҳамда тарғибот қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ². Унинг репертуарида Чайковскийнинг «Мазепа» операсидан «Полтава жанги», «Оққуш кўли» балетидан сюита, Шубертнинг симфониялари ва бошқа асарлар жой олган эди. Аммо бу жиддий ишни ривожлантириш ҳаваскор созандаларни оркестрга тобора қатнамай қўйишлари натижасида 1915 йили тарқалиб кетади.

Тошкентнинг маданий ҳаётида эсда қоларли воқеалардан бири Узаир Ҳожибеков раҳбарлигидаги Озарбайжон опера театрининг гастролга келиши бўлди ³. Маҳаллий аҳоли ўртасида У.Ҳожибековнинг «Аршин мололон» комик операси жуда қизғин кутиб олинди, чунки бу опера мазмуни мусулмон урф-одатлари ва майиший ҳаёт тарзига асосланганлиги сабабли кейинчалик ҳам у сахналардан тушмай келган. Унда жамиятдаги баъзи бир иллатлар устидан кулиб, Озарбайжон хотин-қизларининг эрки ва озодлиги куйланган. Опера мусиқасининг халқчил характери, халқ ошуқлари оҳангларининг жаранглаб туриши билан маҳаллий аҳоли дилидан жой олган эди.

1910 йилга келиб Фарғонада Н.Римский-Корсаковнинг «Снегурочка», 1913 йили М.И.Глинканинг «Иван Сусанин» ва бошқа машҳур опералардан сахналар қўйилди. Бу тадбирларда ҳарбий оркестр созандалари фаол қатнашар эдилар.

Туркистонда оркестр ижрочилигига ўзбек бастакори ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) катта аҳамият берди. У Фарғонада биринчи дамли чолғулар оркестрини ташкил қилди. Оркестрнинг раҳбари рус ҳарбий қалъаси оркестрининг созандаси И.Г.Григорьев эди. Мазкур оркестрда М.Қори-Ёқубов ҳам таҳсил кўра бошлади.

Октябр тўнтариши арафасида Туркистонда ҳарбий оркестрлардан ташқари ҳаваскорлик дамли чолғу оркестрлари ҳам фаолият юргиза бошлаган эди. Самарқанд шаҳридаги ёпиқ ўқув маскани ҳисобланган ва даромадли оилаларнинг қизлари таҳсил кўрадиган «Бокира қизлар» институтида аёллар дамли чолғу оркестри ташкил қилинган эди. Б.М.Бельскийнинг ёзишича: «кексаларнинг айтишига қараганда оппоқ узун куйлақлар кийган ва яхши чала оладиган қизларнинг мусиқалари кишида бошқача кайфият ҳосил қилар эди» ¹.

1914 йилги урушдан кейин Ўрта Осиёнинг баъзи шаҳарларига кўплаб ҳарбий асрлар олиб келинган. Уларнинг ичида талантли созандалар, дамли ва торли чолғулар ижрочилари бор эди. Улар ҳарбий капелмейстерлар билан биргаликда Туркистон ўлкасида дамли чолғулар ижрочилиги ривожига сезиларли таъсир кўрсатдилар. А.Л.Альбрехт раҳбарлигида ҳарбий асрлардан симфоник оркестр тузилди. Уларнинг ичида чех, словак, серб, хорват ва бошқа миллат вакиллари бўлган.

Симфоник мусиқа тарғиботи эстафетасини В.И.Михалек, В.В.Лейсек ва А.Л.Альбрехтдан кейин 1917 йилдан 1920 йилгача Ф.Ф.Сидлячек давом эттирди.

Классик мусиқа концертларини ташкил қилиш анча мушкул бўлиб, ўша пайтда омма орасида асосан кўнгил очар енгил мусиқалар кенг ўрин тутар эди. Тошкентдаги «Хива» кинотеатрида ҳам кичик симфоник оркестр ташкил

1. Туркестанские ведомости 1895 (№ 87)

2. Туркестанские ведомости 1895 (№ 98)

3. Бельский Б.М. «Духовой, а вернее – душевный оркестр» (Духовой оркестр в истории музыкальной культуры Самарканда), Самарканд, 1983, с.5.

қилинган бўлиб, бу оркестрда скрипкачи Н.Фелициант, виолончелчи В.Попов, контрабасчи И.Григорьев ва бошқалар бор эди.

Айниқса Василий Николаевич Поповнинг Туркистондаги фаолияти диққатга сазовордир. У Петербург консерваториясини А.В.Вержибиович синфи бўйича тугатган бўлиб, унинг ижоди юқори ижро маданияти ва беназир чолғу

ижрочилиги ўзи тахсил кўрган мактабига хос эди.

Кўпгина созандалар ўз чолғуларини ўргатиш учун ёшлардан ўзларига шогирдлар қабул қилганлар. Лекин чалиш учун уларда чолғу асбоби бўлмаганлигидан созандалар ўзлари шу ерда ўсадиган тут ва нок дарахтларидан скрипка ва виолончел асбобларини ясаганлар. Бу чолғуларни яқин орагача учратиш мумкин эди.

Туркистон ўлкасида торли чолғуларда чалишда талантли Белгия скрипкачиси Корин Корен ёрқин из қолдирди. У машҳур профессорлар Иоахим, Изаи ва Шевчиклардан дарслар олган. Унинг сеҳрли чолғуси Европанинг кўпчилик концерт залларида янграган. К.Кореннинг кенг репертуаридан Бах, Гендел, Сарасате, Моцарт, Чайковский, Венявский, Паганини, Крейслер ва бошқа кўпгина композиторларнинг асарлари ўрин олган эди. У Тошкентда биринчи марта Моцарт ва Бетховенларнинг машҳур концертларини ижро қилди. Унга жўрнавоз сифатида фортепианода С.Я.Вонсовская, Л.А.Шварц ва виолончелчи Р.Буковецлар ҳамкорлик қилдилар.

Шаҳарнинг концерт ҳаётида фаол қатнашган созандалардан дирижер ва скрипкачи А.А.Чернявский Тошкентга 1912 йили кўчиб келганлардан.

А.С.Кутитанский 1913 йилдан кўпгина концертларда яккахон скрипкачи, ансамбл ижрочиси сифатида қатнашиб келган. Булардан ташқари Туркистонда Румин созандаларидан скрипкачи Маринеску ва виолончелчи Чабан ҳамда бошқалар хизмат қилганлар. Скрипкачи М.Г.Эрденконинг концерт гастроллари ҳам тингловчиларда катта таъсурот қолдирди.

Рус зиёлиларининг илғор вакилларидан бўлмиш талантли созандалардан А.Ф.Эйхгорн, В.В.Лейсек, Н.Н.Миронов ва бошқалар Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожига ўзларининг бадиий маданий-оқартув фаолиятлари билан кенг замин яратдилар.

Оркестр чолғуларида мунтазам ва чуқур профессионал равишда ўқитишни йўлга қўйиш, октябр тўнтаришидан кейин йўлга қўйила бошланди ва бу иш бирин-кетин ўқув юртларининг очилиши билан амалга оширилди.

1. Бельский Б. «Духовой, а вернее – душевнѣй оркестр» с.6.

2. Туркистанский вестник, 1895 (80).

Такрорлаш учун саволлар:

1. Чор Россияси томонидан Ўрта Осиё қачон босиб олинган ?
2. Ўрта Осиёга Европа маданияти қандай йўллар билан сингдирилган?
3. Туркистонда ҳарбий дамли чолғулар оркестри ривожу ва ташвиқотиға ҳисса қўшган капельмейстерлар номларини айтинг.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ (1917 – 1945 йиллар)

1917 йилдан кейин ўзбек халқи ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқларнинг оврупча таълим олиши ва ғарб маданиятини ўрганиши учун анча имкониятлар яратилди. Шўро ҳокимиятининг дастлабки йиллари иқтисодий қийинчилик, граждандар уруши бўлиб турган бир пайтда ҳукумат ўз олдида маданий ислохотни амалга ошириш вазифасини қўйди. Туркистон ўлкасида олий ва ўрта махсус мактаблар ташкил қилина бошланди. Бу даврда Ўзбекистонда кўпгина мутхассисликлар қатори санъат ва маданият соҳасидаги мутахассис кадрлар ҳам етишмас эди.

1918 йилнинг апрелида Тошкент аскар ва ишчи депутатларининг қарори билан Туркистон халқ университети ташкил қилинади ва у билан бирга Тошкентда халқ консерваторияси, кейинчалик республиканинг катта шаҳарлари Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Наманган ва бошқа шаҳарларда ҳам халқ мусиқий мактаблари ташкил қилинади.

Дастлаб халқ консерваторияси номи билан бошланғич мусиқа мактаблари иш юрита бошлади. Кўпчилик муаллимлар халқ маорифига, давлат хизматига ўта бошладилар. Бунинг натижасида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Бухоро ва Хивада халқ мусиқа мактаблари очилди. Бундай мусиқа масканларининг ташкил қилинишида Москва, Петербург, Киев, Қозон ва бошқа шаҳарлардан келган созанда ва зиёлиларнинг хизматлари катта бўлди.

Туркистон халқ консерваторияси Ўрта Осиёда профессионал давлат мусиқа таълими ривожига мустақкам замин яратди. Унинг биринчи директори В.Л.Карелин, ўқитувчилар Е.А.Чернявский, В.Кох, В.Ф.Саакович ва бошқалар ўқув жараёнини ташкил қилишда ташаббускорлик кўрсатдилар. Халқ консерваториясини ташкил қилишда кўзга кўринган мусиқа арбоби В.А.Успенскийнинг хизматлари жуда каттадир. Халқ консерваториясида дастлабки ўқув йилида 560 ўқувчи ўқир эди. Ўқишни хохловчилар сони кўпайиши натижасида шаҳарнинг турли чеккаларида консерваториянинг шахобчаларини очиш зарур бўлиб қолди ва темир йўл вокзали мусиқа мактаби, 100 ўринга мўлжалланган маҳаллий миллат вакиллари учун эски шаҳар мактаб интернати каби ўқув муассасалари очилди. Бу интернатда кўпчилик ўқувчилар дамли чолғуларда ўқир эдилар. Мазкур интернатни очилиши муносабати билан В.А.Успенский раҳбарлигида симфоник оркестр иштирокида концерт ташкил қилинади. Бу концертда ўзбек халқ куйларидан, мақомлардан оркестр учун мослаштирилган куйлар, Л.Делибнинг «Лакме», К.Сен-Сансинг «Самсон ва Далила»,

Н.А.Римский-Корсаковнинг «Садко», М.П.Мусоргскийнинг «Хованщина», М.Ипполитов-Ивановнинг «Кавказ эскизлари» ва бошқа асарлар ижро қилинади. Бу концерт тингловчи ва ўқувчиларда катта таъсурот қолдиради.

Туркистон консерваториясининг янги шаҳар филиали ҳозирги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги мусиқа коллежига асос бўлиб хизмат қилди. Бу

ерда ҳарбий капелмейстерлар, оркестр ижрочилари, опера яккахонларидан А.Ф.Эйхгорн, В.Ф.Лейсек, Ф.А.Козлянский, гобойчи Сикита, фаготчилар Ямбурек ва Смерчек, трубачилар Седлячек, Г.В.Пестряков ва бошқалар дарс берар эдилар. 1921 йил 8-10 май кунлари Туркистон халқлари санъати кечалари ўтказилиб, унда ўзбек, қирғиз, қozoқ, бошқирд, татар, арман, авғон ва хинд халқлари рақс, куй ва қўшиқларидан ташкил топган дастурлар симфоник оркестр ижросида намоиш қилинган. Бу асарларни Н.Н.Миронов ва В.А.Успенский мазкур оркестрга мослаштирган эдилар. Концертларда М.Қори-Ёқубов ҳам симфоник оркестр жўрлигида бир қанча ўзбек халқ қўшиқларини ижро қилган. Бундай кечалар жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқларни маданий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиришга ва Шарқ санъатининг ўзига хос йўналишини белгилашга хизмат қилган.

Муסיкий маърифатга Республиканинг бошқа шаҳарлари ҳам фаол қатнаша бошладилар. 1918 йили Самарқандда халқ консерваторияси очилади. Унинг ташкилотчиси ва биринчи директори, скрипкачи, ташаббускор созанда, ҳарбий капелмейстер В.Г. Поппель-Бауэр эди. У ҳаваскор дамли чолғулар оркестри ташкил қилишда катта ҳисса қўшди. Мазкур консерваторияда дамли чолғулар ва симфоник оркестр ташкил қилинади. Консерваториянинг ўқитувчи ва ўқувчилари тингловчиларни классик муסיқа сирларидан огоҳ қилиб, бир қанча концертлар уюштирганлар.

1918 йили Фарғонада ҳам халқ консерваторияси ташкил қилинади. Бу ерда машғулотлар асосан кечқурун олиб борилган. Скрипкадан Фрей ва Шуберт исмли устозлар ўқувчиларга сабоқ берганлар. Ўқувчилар ичида Т.Н.Қори-Ниёзий скрипкада ўқиган. Бу ерда симфоник оркестр мавжуд бўлиб, унга Я.Б.Гордон раҳбарлик қилган. Оркестрда чех ҳарбий асрларидан ташкил топган созандалар қатнашганлар. Шаҳар боғида ўша оркестр ижросида талай концертлар уюштирилган.

Фарғонада муסיкий - оқартув ишларининг яна бир жонкуяри ҳарбий капелмейстер И.Г.Григорьев бўлиб, у 1918 йили қизил армия қисмларида дамли чолғулар ва симфоник оркестр ташкил қилади. Оркестр ижрочилари орасида корнетчилар Э.Эгамбердиев, И.Рустамов, кларнетчилар А.Файзуллин, Муҳиддин Қори-Ёқубов, Қори-Ниёзий, альтчилар Ҳасан Содиқов ва Қобул Соҳибов, тенорчи Ўлмас Қурбонов, баритончи Салоҳиддин Исомиддинов, басда Исмоилжон Муҳаммаджонов ноғора ва зарбли чолғуларда Исроилхўжа Рустамов ва бошқа миллат вакиллари ҳам бўлган.¹

Дамли чолғулар ижрочиларидан У.Қурбонов, Т.Исҳоқов, И.Умрзоқов, Ҳ.Қаюмовлар 1921 йили янги ташкил қилинган Марғилон милицияси оркестрини мустаҳкамлаш учун юборилади. Бу оркестрнинг раҳбари В.Зарубицкий эди.

Кекса созандаларнинг ахборот беришларича Бухоро амири Олимхон саройида то 1920 йилларгача Рус ҳарбий полки казакларидан ташкил топган сарой Оврўпа дамли чолғулар оркестри бўлган. У амирни катта тантаналарида ва ҳарбий юришларида қатнашган. Амир Олимхоннинг оркестрга

1. Дульгарова И. «Туркестанская народная консерватория» в кн: «Вопросы музыкознания» вып.2., Т., 1971

2. Вызго Т. «Первые музыкальные учебные заведения». В кн., История Узбекской Советской музыки. Т., I т., 1972

қизиқишининг боиси у ёшлик даврида Петербургдаги кадетлар корпусида таълим олганлигидан деб таърифланади.

1921 йили Бухорода «Шарқ мусикий мактаби» ва катталар учун консерватория ташкил қилинади¹. Бу ердаги созандаalar иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда қийин шароитларда ишлаб, омма орасида маданият ва маърифат тарқатишда фаол қатнашганлар. Бу мактабда ўзбек мусқасининг билимдонлари раҳбарлигида халқ чолғуларида миллий мусиқа маданияти намуналарини анъанавий асосда ўрганилар эди. Ушбу консерваторияда 90 га яқин киши Оврўпа оркестр чолғуларида чалишни ўрганишган. Шулардан 30 киши дамли чолғуларда ўқитилган. Кўпгина ўқитувчилар Россия шаҳарларидан келган созандаalar бўлган. Ўқувчилар ичида энг кўзга кўринганларидан Аҳмаджон Ихтиёров кейинчалик Тошкент мусиқа техникумида А.Е.Морозов синфида тромбон ихтисослиги бўйича таълим олган.

Шу йили Наманган шаҳрида халқ консерваторияси очилади. Бу ерда ҳам дамли чолғулар оркестри мавжуд бўлиб, унинг таркибида ҳарбий созандаalar иштирок этар ва бу оркестр ижросида концертлар уюштирилган.

1923 йили Хивада Халқ маориф комиссарлиги томонидан мусиқа мактаби ташкил қилинади. Унинг биринчи директори қилиб хон саройи созандаси Матёкуб Харратов тайинланади. Мактабда миллий йўналишда «Хоразм танбур чизиги» нота тизими бўйича ўқитилар, Оврўпа йўналишида Хива гарнизонининг 84 полк оркестри дирижери, корнетчи Кирилл Николаев ва оркестр созандаalar дамли чолғулардан, скрипка ва гитарадан Лазиз Абдуллаев дарс берар эдилар. Ушбу мактабни дастлабки битирувчилари Шариф Рамазанов (скрипка), Шариф Салаев (скрипка), Рўздат Каракасадов (скрипка), Раҳмон Оллаберганов (кларнет), Зариф Латипов (доира) ва Мадрахим Ёқубов Шерозий ҳам камроқ вақт скрипкада чалишни ўрганган. Хива шаҳар боғида ва болалар уйида дамли чолғулар оркестри ташкил қилинган бўлиб, уни ота-бола Николаевлар бошқарган. Ушбу оркестр боғда, Урганч ёғ заводида ва шаҳар хиёбонида кўплаб концертлар берган.

Халқ консерваториялари Туркистонда мусикий таълимни йўлга қўйишда катта рол ўйнаган. Улар ўрта махсус ўқув юртлари вазифасини бажарган ва мусиқа техникумлари ташкил қилинишига асос бўлиб хизмат қилган.

Республикада мусиқа техникумлари 1920 йиллардан кейин ташкил қилина бошлади.

1924 йили Тошкентдаги Туркистон консерваторияси қошида Туркистон темир йўл ва эски шаҳар мусиқа техникумлари бирлаштирилиши натижасида Республикада диплом бериш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон давлат мусиқа техникуми (ГУМТ - ЎДМТ) ташкил қилинади. У Ўзбекистон халқ комиссарлар кенгашининг 1925 йил 11 май 4822 – сонли қарори билан расмийлаштирилади¹. Техникумнинг биринчи директори опера ашулачиси – тажрибали ўқитувчи Б.Павловская бўлган. Техникумнинг ўқувчилари таркиби биринчи йилиёқ 160 кишидан иборат бўлган. Дамли чолғулар бўлими ўқитувчилари жамоаси олдин халқ консерваторияси филиалида ишлаган педагоглардан ташкил топган бўлиб, трубачилар Г.Пестряков, И.И.Басистўй,

1. Т.Н.Қори-Нижнийнинг – эсдалик лавҳалари.

Г.Величко, флейтачи В.Павельский ва бошқалар дарс берган.

1930 йилларга келиб ўқитиш ишларига бир қанча оркестр созандалари, яккахон музикачилар келиб қўшилди. Булар: М.Д.Яковец (зарбли чолғулар), А.Д.Никитин (фагот, труба, дирижер), В.Козалупов (кларнет), А.Е.Морозов (тромбон, туба), Г.Селютин ва М.Н.Николаенко (валторна) ва бошқалар. 1936 йили Ўзбек давлат музика техникуми Ўзбек давлат музика билим юртига айлантирилди ва 1939 йилдан Ўзбекистон Олий кенгаши Президиуми қарори ва Ҳ.Ҳ.Ниёзий таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи берилди. Бу даврда музика билим юртида дамли чолғулар бўйича флейтачилар Р.Юсупов, Г.Азимов, трубачилар Л.Аҳоров, У.Абдуллаев, В.Клюев, фаготчи Н.Умаров, тромбончи Ф.Бортник ва бошқалар ёшларга музика сирларини ўргатишган.

30 йилларга келиб Республикада маданий курилиш анча ривожланди. 1934 йили Олий музика мактаби ташкил қилинди ва 1936 йили Олий музика мактаби Ўрта Осиёда ягона Тошкент давлат консерваториясига айлантирилди.

Консерватория очилишининг дастлабки кунлариданоқ дамли чолғулар синфи иш бошлади. Бу ерга филармония ва опера театри оркестрларининг тажрибали созандалари, олдин музика техникумларида ўқитувчилик қилган муаллимлар таклиф қилинди.

1936 йили Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида музика мактаб интернати ташкил қилинади (ҳозирги Р.Глиэр номидаги РММАЛ). У ерда Гилевский ва М.Н.Николаенко (валторна), ака – ука Пестриковлар (труба-кларнет), Буканов (тромбон), М.Д.Яковец (зарбли чолғулар) каби устозлар ёшларга музика сирларини ўргата бошлайдилар. Ушбу интернатга Қора Сувдаги болалар уйидан дастлабки ўқувчилар кўчириб ўтказилади. Бу ўқувчиларнинг аъло баҳога ўқиганлари 1939 йили 1 май парадини томоша қилиш учун Москвага юборилади.

1. Вызго Т. «Первые музыкальные учебные заведения». В кн., История Узбекской Советской музыки. Т., I т., 1972 110-111

2. Жильцова А. Учебные заведения культуры и искусства за 60 лет. Архив учебно-методического кабинета министерства культуры УзССР. Т., 1984 с.4.



Парадга борган қатнашчилар: юқоридан биринчи қаторда ўнгдан чапга: Шокиров Жавдат (валторна), Аргенов Анатолий (труба), Бутусов Василий (кларнет), Ибрагимов Рихсибой (валторна), иккинчи қаторда: Ортиқов Ўринбой (валторна), Алиев Лутфулла (зарбли чолғулар), Ҳабиба (флейта), Мирсагатова Манзура (фортепиано), Босит (валторна), Мирзаахмедов Карим (тромбон), Учинчи қатор: Эргашев Содиқ (контрабас), тарбиячилар Ғани ака ва Исломи ака, Карманов У (скрипка).

Ўзбекистонда дамли чолғулар ижрочилиги мактабининг йўлга қўйилиши кўпгина талантли созандалар номи билан чамбар-час боғлиқ. Булар: В.И.Павельский, Н.Н.Николаев, В.М.Козалупов, А.Д.Никитин, М.Н.Николаенко, Е.А.Морозов, М.Д.Яковецлардир. Улар ичида энг ёши улуғи Владислав Иосифович Павельский (1881 - 1951) бўлиб, у етук педагог бўлиши билан бирга йирик флейтачи, концерт ижрочиси, Республикада урушдан кейинги мусиқа маданиятини шакллантиришда фаол мусиқа жамоат арбоби саналади.

Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари Польшанинг Плоцке шаҳрида ўтади. 1897 – 1899 йиллари Варшаванинг мусиқа институтида (консерватория) ўқийди. 1906 йилда Москвага келади ва турли оркестрларда созанда сифатида ишлайди. 1914 йилдан то 1917 йилгача армия сафида мусиқа командасида хизмат қилади. 1917 йили армия хизматидан бўшагандан кейин Москвага келади. У ерда «Художественный» кинотеатри оркестрида ва кейинчалик Кремль курсантлари оркестрида ишлайди. 1920 йили Туркистон fronti штаби оркестри таркибида Тошкентга келади. 1922 йилдан 1946

Расм Р.Ибрагимовнинг шахсий архивидан олинди ва ундаги кишиларнинг исм ва фамилиялари устознинг хотираси орқали тикланди.

йилгача опера балет театри оркестрида яккахон флейтачи сифатида ишлайди.

В.И.Павельский ижрочилик ва педагогик фаолиятни бирга қўшиб олиб борган ҳолда 1929 – 1935 йилгача мусиқа техникумида ва 1935 йилдан тошкент давлат консерваториясида флейта синфини бошқаради. Унинг ижроси ўзининг таъсирчанлиги, чалаётган асари характери ни чуқур ифодалаб бериши билан ажралиб туради. У ҳар доим штрихлардан, товуш тусларидан, куй жумласи ва артикуляциялардан янгилик излар эди.

Павельскийнинг кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятида талаба созандани, ижронинг бадиий томонларига талабчанликни, чалинаётган асар ғоясини англаб етиш каби сифатларни тарбиялаш тамойиллари шаклланди. У флейтада товуш ҳосил қилиш ва интонацияга катта эътибор қаратади. Шогирдларининг шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бадиий-ўқув репертуарини танлар ва уларнинг ривожланишларини доимо қайғуради эди. У ўқувчиларнинг мутаққил дарс қилишлари бўйича қимматли маслаҳатларини берар, ёш созандаларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатар, ўз касбини севиш ва ардоқлаш ҳамда ижодий камолотга эришишлари учун тинмай меҳнат қилар эди. В.И.Павельский ижрочи-созанданинг ҳар томонлама ривожланиши учун гармония, сольфеджио ва бошқа назарий билимларни мукаммал эгаллашни талаб қилар эди. У Ўша даврдаги флейтанинг деярли чекланган репертуарини бойитиш учун кўп ишларни қилди. С.Василенко ва М.Ашрафийнинг «Бўрон» операсидан, Р.Глиэр ва Т.Содиқовларнинг «Гулсара», «Лайли ва Мажнун» операларидан баъзи арияларни ва бошқа кўпгина асарларни флейта учун мослаштирган. Шунингдек, Ўзбек композиторлари асарларидан флейта учун тўплам тузди. Консерваторияда В.И.Павельский синфида Р.Юсупов, Г.Богданович ва А.В.Малкеевлар тарбияланиб етишдилар.

Юқоридаги тамойиллар асосида Тошкент консерваториясида ишлаган ўқитувчилардан яна бири Москва консерваториясини гобой ихтисослиги бўйича тугатган Николай Николаевич Николаевдир. Николаев ўша даврда дамли чолғулар мутахассислари ичида олий маълумотга эга бўлган яғонаси эди. У консерваторияда, мусиқа билим юртида ва пионерлар саройи қошидаги мусиқа мактабида ишлаб болалар педагогикаси соҳасида ўз билимини ёрқин намаён қилди.

В.И.Павельский ва Н.Н.Николаевларнинг ажойиб ҳамкасбларидан бири Василий Матвеевич Козалупов эди. У таниқли Козалуповлар авлодининг вакили бўлиб, ўз педагогик фаолиятини опера балет театри оркестрида яккахон кларнетчилик хизмати билан мувофқлаштирган эди. Унда кўпгина кларнетчилар таҳсил кўрган бўлиб, шулар ичида Усмон Ризақулов энг кўзга кўринганларидандир.

Консерваторияда 1937 йилдан фагот ва камер ансамбл синфларини Андрей Данилович Никитин олиб борар эди. У опера ва балет театри оркестрида катта тажриба тўплаган, кейинчалик радио ва филармония оркестрларида ҳам фаолият кўрсатган эди. У ўз шогирдларидан ижрони энг нозик қирраларига эътибор беришларини талаб қилар эди.

Консерватория дамли чолғулар кафедраси ўқитувчиларидан яна бири Михаил Николаевич Николаенко бўлиб, у уч йил давомида Москва

консерваторияси профессори Ф.Ф.Эккерт синфида дарслар олган. У педагогик фаолиятини радио кўмита оркестрида яккахон валторначи хизмати (1936-1949) билан ва кейинчалик опера ва балет театри оркестри созандаси (1942-1949) сифатида давом эттирган. Унинг ижроси ўзининг гўзаллиги, валторна товушининг ўзига хос тафти ва таровати, чолғу асбоби регистрдан усталик билан фойдалана олишидек тарафлари билан ажралиб турар эди. Унинг методикаси ижро услублари борасида тинмай изланишга қаратилган эди. М.Н.Николаенкода истеъдодли валторначи В.А.Емельянов етишиб чиқди.

Ўзбекистонда тромбон ва туба ижрочилик мактабининг асосчиси Александр Ефимович Морозовдир (1989 - 1971). У Тошкентга 1920 йили Туркфронтнинг оркестрида старшина сифатида келган эди. У опера балет театри, Радио кўмита ва филармония оркестрларида ишлайди. Ўқитувчилик фаолиятини эса 1929 йилдан мусиқа техникумидан бошлайди. Бу ерда у тромбон ва туба чолғуларида дарс беради ва бу фаолиятни кейинчалик консерваторияда давом қилдиради. 1969 йили Е.А. Морозов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига сазовор бўлади. Бу созанда ўз чолғусида эркин чалар, интонацияси тоза, чолғунинг барча регистрларида равон товуш билан ижро қилар эди. У ёши кексайганида ҳам касбдошларини хайрон қолдирган ҳолда ўз чолғусини профессионал даражада чалар эди. А.Е.Морозов умрининг охиригача оркестрдаги тромбонлар гуруҳида етакчилик қилар, доимо биринчи ва бас тромбон партиясини чалар ва бу билан ёш созандаларга устоз сифатида ўрнатқучлик қўрсатар эди. Талантли тромбончини ижрочилик сифатларини юқори баҳолаб таниқли дирижер ва композитор, Ўзбекистон халқ артисти А.Ф.Козловский шундай деган эди: - «Менинг назаримда А.Е.Морозовнинг ижрочилик маҳорати ва сифатларини ҳисобга олиб уни иттифоқнинг юқори малакали тромбончилари қаторига қўшиш мумкин. Чунки буни пулт орқасида турган ва унинг мусиқани чуқур жуда нозик ҳис қилиши ҳамда бошқа қирраларини сезиш бахтига муяссар бўлган дирижерларгина яхши билишади».



А.Е.Морозов шогирди Азизов Аброр билан дарс пайтида

А.Е.Морозовнинг педагогик методи талабалар томонидан чалинаётган куйни чуқур англаш, ўқувчи фикрини ривожлантириш, ҳар бир техник маҳоратни бадиий тафаккурга йўналтиришдан иборат эди. Айниқса гамма ва этюдларни ўрганишга катта аҳамият берар, этюдларни юксак бадиий дид ҳамда савия билан ижро қилишни талаб қилар эди. Александр Ефимович талабаларни оркестр репертуарини ўрганишга, айниқса симфония, опера ва балет оркестр партияларини кунт билан ўрганишга жалб қилар эди.

Ансамбл синфи ҳам жонли ва қизиқарли бўлар, чунки унинг репертуарини А.Е.Морозов доимо турли таркибдаги бошқа ансамбллар ва ўзбек композиторлари асарларини ҳам мослаштириш орқали ва ўз ансамбли репертуарини бойитиб борар эди.

А.Е.Морозов тромбон ижрочилиги методикасига ҳам катта эътибор берар, унинг методик асарлари ичида «Талабанинг ўз устида мустақил ишлаши» номли иши анча қизиқарли чиққан.

А.Е.Морозов ўз педагогик фаолияти давомида қатор тромбончи ва туба ижрочиларини тарбиялаб етиштирди. Шулардан Г.К.Вергилесов ва Т.Ю.Фозиловлар Тошкент консерваториясида анча йиллар давомида фаолият кўрсатдилар.

Матвей Данилович Яковец зарбли чолғулар синфи ўқитувчиси бўлиб, унинг литаврада моҳирона ижросини кўпчилик дирижерлар эътироф этган. У Тошкентга 1931 йили келган бўлиб, Краснодар, Кисловодск ва Боку шаҳарлари симфоник ва опера театрлари оркестрларида ишлаб катта тажриба ортирган эди. Мусиқа санъатини ривожлантиришда қилган хизматлари учун 1936 йили «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун» медали билан тақдирланган. 1945 йилда Ўзбекистон Олий советининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлган. Бу созанда литаврада турли динамикадаги гўзал оҳанглар чиқарар, зўрға кулоқ илғайдиган шитирлашдан тортиб момақалдиروқ гумбурашига ўхшаш садоларни чиқаришга эриша олар эди. У опера-балет театри оркестри ишини ўқитувчилик фаолияти билан қўшиб олиб борар, ижрочилик тажрибаси ва оркестр амалиётини талабалар билан ўртоқлашар эди.

Дамли ва зарбли чолғулар кафедраси кекса авлод вакиллариининг энг яқин ёрдамчилари бўлган ўша йиллари ишлаган жўрнавотлардан Л.А.Мальмберг, О.К.Сойфер, И.А.Юсман ва бошқалар ёшларни тарбиялашда катта хизмат қилдилар.

Кекса авлод вакиллари педагогик фаолиятини таҳлил қила туриб, улар ижрочилик амалиётини педагогик фаолият билан бирга қўшиб олиб борганликларини гувоҳи бўламиз. Бу авлод вакиллари консерватория ва бошқа мусиқий ўқув юртларда ишлаб, ўзларининг ижрочилик амалиётидаги тажрибани машғулот пайтида қўллаган ҳолда ўқитиш методикаси борасида доимий изланишда бўлганлар. Шундай бўлсада, биринчи ўн йилликларда ижрочилар тайёрлашда кўзга кўринарли натижаларга эришиб бўлмади. Бунинг асосий сабабларидан бири ўқувчилар сони – контингенти ва жамланлишида бўлиб, ўша пайтда биргина ўрта махсус ўқув юрти, яъни Х.Х.Ниёзий номидаги мусиқа билим юрти консерватория учун мутахассислар етказиб берар эди. Бунинг натижасида консерватория дамли чолғулар синфида талабалар озчиликлари ташкил қилар ва барча чолғулар бўйича мужассам бўлмаган эди. Бундай ҳолат 1960 йилларгача сақланиб қолган. Кўпчилик талабаларнинг тайёргарлиги бўш бўлиб, уларнинг ўқишни битказиш давомийлиги беш йилдан ошиб кетар эди. Шунингдек, чолғу асбоблари, инструктор ва бадиий нота адабиётлари етишмас, буларнинг бош сабаблардан бири дамли чолғулар ижрочиликларининг илмий-методик қўлланмалари деярли йўқ даражада эди. Бу йиллари Москва ва Ленинград консерваториялари профессорлари ана шундай қўлланмаларни ёзишни энди бошлаган эдилар.

Кекса авлод вакиллариининг асосий хизматларидан бири улар дамли чолғулар синфларини ташкилотчилари ҳисобланади. Уларнинг ижрочилик ва педагогик фаолияти Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғулар ижрочиликка асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда оркестр ижрочиликка ривожига 1936 йилда ташкил қилинган ва ўз ичида Республика ижодий ижрочи кучларини бирлаштирган Ўзбекистон давлат филармонияси катта таъсир кўрсатди. 1937 йили Н.Н.Миронов 24 созандадан иборат «Нотали оркестр» деб номланган ўртача жамоа тузди. Оркестр таркибига реконструкция қилинмаган ўзбек миллий созлари киритилган бўлиб, улар қаторига фортепиано, труба, тромбон каби

чолғулар жамланган эди. «Нотали оркестр» кўп овозли музикани тарғибот қилиш билан машғул бўлди. Ушбу оркестр Рус, Ғарбий Европа, Ўзбек композиторлари асарлари ва гармониялаб кўп овозли қилинган куйларни ижро қилар эди.

1936 йили Ўзбекистон радио кўмитасида ҳам симфоник оркестр ташкил қилинди. Унинг раҳбари талантли музикачи ва ташкилотчи С.П.Цвейфель (Горчаков) бўлган. Ушбу оркестр Ўзбекистон композиторлари асарларини тарғибот қилиш билан шуғулланган. Оркестрнинг дастлабки асарлари қаторидан А.Козловскийнинг «Фарғона» сюитаси, Г.Мушельнинг биринчи симфонияси, Ф.Талнинг «Туркманча сюита»си ва бошқалар ўрин олган эди.


1938 йили Ўзбекистон композиторлар уюшмаси ташкил қилинади. Бу уюшма Республикада концерт-ижрочилик фаолиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

1938 йили радио кўмита симфоник оркестри филармония тасарруфига берилади. 1939 йили Республикада совет музикаси декадаси ўтказилади ва унинг доирасида Тошкентда биринчи марта Д.Шостаковичнинг I – V симфониялари, С.Прокофьевнинг «Ромео ва Жулетта» балетидан биринчи сюита ва бошқа асарлар ижро этилади.

Бундай симфоник концертлар рус опера театри оркестри кучи билан ўтказилар, унинг репертуаридан классик асарлар, (опера увертюралари, опералардан рақслар ва алоҳида оркестр асарлари) ўрин олган эди. Концерт жамоаларининг ижрочилик фаолиятини фаоллашуви Республикадаги махсус музика ўқув юртлари олдида профессионал созанда кадрларни тайёрлашни вазифа қилиб қўйди. Натижада 30 – 40 чи йилларга келиб Бухоро, Наманган ва Самарқанддаги халқ консерваториялари негизида музика билим юртлари ташкил қилина бошланди.

Бухоро музика билим юрти (олдиниға техникум) 1932 йилда очилади ва унинг ташкил қилинишида Тошкент музика техникуми битирувчиси, тромбончи Аҳмаджон Ихтиёровнинг хизматлари катта бўлди. У қатор йиллар давомида Бухоро музика билим юрти директори лавозимида ишлаб кадрлар тайёрлаш ишида жонбозлик кўрсатди.

Билим юрти дамли чолғулар бўлимида ўқитувчилардан кларнетчи Василий Семенович Власенко (1894-1980) бор эди. У ҳарбий капельмейстер бўлиб, Туркистонга 1918 йили келган ва ўзининг 40 йиллик ўқитувчилик фаолияти давомида (1940-1980) барча дамли чолғуларда ижрочиларни тайёрлади.



Василий Семенович Власенко (1894-1980)

Бу ерда етишиб чикқан созандалар кейинчалик Республиканинг барча ўқув юртларида устозлик қила бошладилар. Шулардан бири Г.С.Хусаинов 1933-1937 йиллари билим юртида таълим олган ва 1949 йили Тошкент консерваториясини тугатиб Наманган мусиқа билим юртида кенг кўламдаги ташкилотчилик ва педагогик фаолиятини олиб борган.

Наманган мусиқа билим юрти 1935 йилда ташкил қилинган. Очилган дастлабки кунлариданоқ, Билим юртининг бош вазифаси нафақат малакали мутахассисларни тайёрлаб етказиш балки, унга маданият ва маърифат ўчоғи

бўлишдек шарафли бурч юкланган. Билим юртининг дамли чолғулар бўлимининг дастлабки ўқитувчилари Я.Шапиро (тромбон, труба, валторна ва туба синфлари), М.В.Позняковский (труба ва кларнет синфлари), Э.С.Берей (тромбон ва кларнет синфлари) ва П.Г.Свечев (Наманган билим юртини 1941 йили валторна бўйича Я.П.Шапиро синфида тугатган) каби устозлар ёшларга мусиқа сирларини ўргатдилар. 1939 йили билим юртини дастлабки битирувчилари ҳаётга йўлланма олдилар. Улар ичида тубачи Ю.Абдуллаев, трубачи А.Захаров, тромбончи А.Петров (уларнинг барчаси Я.Шапиронинг ўқувчилари) ва бошқалар бор эди.

Самарқанд мусиқа билим юрти 1945 йили очилди. У олдинги мусиқа мактаби негизида ташкил қилинди. Лекин унинг қошида мактаб ҳам сақланиб қолинди ва бу иккала ўқув муассасаларига ҳам Г.В.Поппел-Бауэр раҳбарлик қилди. Дамли чолғулар бўлими ўқитувчилари кам сонли бўлиб, бунда асосан амалиётчи созандалар фаолият юргизганлар. Бундайлардан В.А.Володиевский (кларнет синфи), М.Ф.Герасименко (труба синфи), Я.Ф.Умаров (туба синфи), скрипкачи Н.П.Зинин (тромбон синфи) ва бошқалар бор эди.

XX – асрнинг 30 – 40 йилларида республикадаги мусиқа билим юртлари дамли чолғулар синфларида асосан амалиётчи ижрочилар, ҳарбий дамли чолғулар оркестрлари созандалари ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланганлар. Улар педагогик тажрибага эга бўлмаган бўлсалар ҳам ўз чолғуларида ижрочилик маҳоратини юксак даражада эгаллаган созандалар эдилар. Юқоридаги омилларнинг барчасидан келиб чиқиладиган бўлса, Ўзбекистонда дамли чолғуларда таълим бериш анча мураккаблигидан дарак беради. Яъни қандай ўқитиш керак деган саволга оркестр созандалиги ва яқка чолғучилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда деб жавоб берилар эди.

Ўша даврдаги муаммолардан бири ўқувчилар контингентининг турличалиги ва турғун ҳолатдалиги эди. Чунки урушдан кейинги вайроналик, очлик ва меҳнаткашлар аҳволининг қийинлиги бунга катта таъсир қилган. Дамли чолғулар бўлими ўқувчиларининг кўпчилиги бошланғич мусикий саводи бўлмаган болалар уйи тарбияланувчилари бўлиб, уларга мусиқа чолғу асбоблари ва нота адабиётлари етишмас, бу эса мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир қилар эди. Педагогик репертуар масаласи ҳам ўз ечимини топмаган бўлиб, мавжуд асарлар ҳам тор доирада ва чекланган ҳолда эди. Шунинг учун ҳам миллий маҳаллий куйлар асосида концерт педагогик репертуарни яратиш долзарб масалалардан бири бўлган.

1940 йили ўз ичига ўзбек композиторлари асарларини мужассам этган скрипка, кларнет ва фортепиано учун песалар тўплами (Т., 1940) нашрдан чиқди.

Дамли чолғулар ижрочиларини бошланғич босқичда тайёрлаш ишлари муҳим вазифалардан бўлиб, мусиқа билим юртлари ўрта бўғин вазифасини бажаради. Консерватория эса мустаҳкам бошланғич профессионал базага муҳтож эди. Бундай ижрочиларни бошланғич тайёргарлигини амалга ошириш учун махсус 10 йиллик мусиқа мактаблари очиш зарур эди. Шу мақсадда 1936 йили ўқувчилар саройида дамли чолғулар синфлари билан мусиқа мактаби ташкил қилинади. Бу мактабда гобой синфини Н.Н.Николаев бошқарган эди.

1939 йили Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан Тошкент давлат консерваторияси қошида махсус мусиқа мактаби ташкил қилинади. Унинг оркестр синфида дамли чолғулар ҳам бўлган. Мактабда юқори малакали ўқитувчилардан В.М.Козалупов (кларнет), А.Я.Каплан (труба), А.Е.Морозов (тромбон-туба) кабилар ишлаган.

Бу мактабнинг дастлабки ўқувчилари орасида В.Л.Мелкомини, К.А.Азимов, С.М.Усманов, Л.И.Ибрагимов, В.И.Руденко ва бошқалар бор эди.

1941 йилда консерваториянинг дамли чолғулар ижрочилиги бўлими талабаларидан гобойчи Б.Гусаков ва кларнетчи У.Ризакуловлар Москвада бўлиб ўтган биринчи бутуниттифок дамли чолғулар ижрочилари танловида қатнашишди. Гарчи улар танлов ғолиби бўлмаган бўлсалар ҳам у ерда улар ўз талантларини намойиш этдилар. Танловдан кейин уларга Москвада ўқишни таклиф қилишди. Аммо талабалар Тошкентда ўқишларини давом эттиришга қарор қилдилар. Танловда иштирок этиш Б.Гусаков ва У.Ризакуловларнинг кейинги ижодий ўсишлари ва ривожланишлари учун яхши синов мактаби бўлди.

Шу йили консерваторияни биринчи битирувчилари ҳаётга йўлланма олдилар. Булар ичида И.Акбаров, Т.Вўзго, И.Карелова, Б.Гиенко, И.Хамзин, Н.Исламова, О.Поликарпова, Л.Мальберг, И.Юсман ва бошқалар бор эди.

1941 йили Фашистлар Германиясининг совет иттифоқига ваҳшиёна бостириб кириши кишиларнинг ижодий меҳнатига путур етказди. Республикада мусикий таълимни ривожланишига катта тўсиқ бўлди. Улуғ ватан уруши йиллари ўқув юртларининг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳарбий хизматга сафарбар этилди. Булар ичида Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ўқувчиларидан Р.Юсупов, Г.Азимов, П.Беляков, Г.Селютин ва бошқалар бор эди. Консерватория талабаларидан Б.Гусаков Сталинград остоналарида ва Прагани ишғол этишда қатнашган бўлса, трубачи Н.Дурнев Крим ва Новороссийск учун олиб борилган жангларда иштирок этди. У.Ризакулов ва И.Логиновлар Тошкент умумқўшин командирлари тайёрловчи ҳарбий билим юртида хизматларини оркестрда ўтадилар.

Ҳукумат улуғ ватан уруши давридаги мураккаб шароитда урушдан олдинги мусикий таълим даражасини сақлаб қолишга катта куч сарфлади.

Мамлакатнинг турли бурчакларидан Ўзбекистонга илмий муассасалар, идоралар ҳарбий ва граждон ташкилотлари, ўқув юртлар ва театрлар эвакуация қилинди.

Ўша йиллари оддий ўн йиллик мактаблар мусиқа машғулотларига чуқурлаштирилган бўлиб, Тошкентга эвакуация қилинганларнинг болалари мактабларга жалб қилинди. Бу ўқув даргоҳларининг педагогик таркиби Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан келган созанда ўқитувчилар ҳисобига тўлди.

Ўзбекистонда дамли чолғулар мусикий педагогикаси ва ижрочилигини ривожлантириш соҳасида Ленинград консерваторияси ҳарбий денгиз флоти оркестрлари дирижерлиги факултетининг тажрибали ўқитувчилари катта таъсир кўрсатдилар. Улардан А.Березин (кларнет), А.Е.Рейхе (тромбон) битирувчи талабалардан бутуниттфок танлови лауреати И.Г.Рогинский

(кларнет), С.Я.Левин (фагот), И.И.Есин (кларнет) ва бошқалар консерватория талабалари ижрочилик даражасини кўтаришда анча хизмат қилдилар.

Кўпгина Ленинградлик созандалар Тошкентдаги ижодий жамоалар (опера театри, филармония симфоник оркестри)га қўшилиб фронтга кетган касбдошлари ўрнини тўлдирдилар. Ленинградлик созандалар Ўзбекистоннинг қишлоқ ва шаҳарларида, ҳарбий хизматчилар учун госпиталларда, завод ва фабрикаларда кўплаб концертлар бердилар, оммани ватанпарварлик ва ғалабага ишонч руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшдилар.

1943 йили Ўзбекистонда Ўрта Осиё Республикалари адабиёти ва санъати декадасининг ўтказилиши Шарқ халқларининг шундай мураккаб шароитда ҳам бирдамлигини кўрсатди. Декада концертларида махсус ўн йиллик мусиқа мактаби ўқувчиларидан гобойчи Н.Кенжибаев, кларнетчилар К.Азимов ва Ф.Қўлдошев, флейтачи И Садуллаев, тромбончи Б.Амангелдиев ва бошқалар фаол қатнашдилар.

1944 йили Тошкентда мусиқага ихтисослашган (кейинчалик генерал Петров номидаги) тарбияланувчилар мактаб интернати очилди. Унда асосан ота-онаси фронтда ҳалок бўлган етим болалар тарбияланган(1956 йилдан халқ таълими вазирлигига қарашли мактаб интернат). Ушбу ўқув юрти ҳарбий оркестрлар учун созандалар тайёрлар эди. Бу мактабни ташкил қилинишида, педагогик кадрларни танлашда, командирлар ва тарбиячиларни жалб қилишда Туркистон ҳарбий округи ҳарбий оркестрлар инспектори М.С.Маркосян катта жонбозлик кўрсатган. У бир вақтнинг ўзида филармония симфоник оркестрининг бадий раҳбари ва дирижери ҳам бўлган. У округ оркестрлари юқори малакали созандаларини ўқитувчилик ишига таклиф қилди. Интернатни ташкил қилишда унинг биринчи бошлиғи Д.Н.Перцев жуда катта куч сарфлади.

Бу мактабда Москва ва Ленинград консерваторияларининг ҳарбий-дирижерлик факултетини битирган юқори малакали созандалар дарс беришган бўлиб, улардан В.Я.Маркелов, У.Абдуллаев, Н.П.Шарипов, Д.А.Моралев, Н.П.Долговлар шулар жумласидандир. Мактабнинг тарбиячи ўқитувчиларидан ўқув ишлари бўйича директорнинг дастлабки ўринбосари П.В.Шевнин, ўқитувчи Н.Н.Боев, тарбиячи В.Я.Князев ва бошқалар ўз тарбияланувчиларини алоҳида меҳр ва ғамхўрлик билан тарбиялар эдилар. Мактабда тартиб-интизом энг юқори ўринда турган.

Мактабни дастлабки ўқитувчиларидан А.В.Малкеев (флейта), М.Федоров, А.Терентев, З.Гицель, М.Вайстух (гобой), И.Есин, А.Ф.Орлов, У.Р.Ризакулов (кларнет), Е.Горшков (фагот), Б.Я.Годес, М.Н.Николаенко, Н.М.Малишевский (валторна), А.Колпинский, А.Я.Каплан, А.Левин (тромбон), Е.Палилов (туба), Парфеонов (зарбли чолғулар) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ушбу ташаббускор ўқитувчилар қуйидаги таркибда ёғоч дамли чолғулар квартетини ташкил қилдилар: А.В.Малкеев (флейта), Э.М.Гицел (гобой), У.Ризакулов (кларнет), Е.Горшков (фагот). Бу жамоа урушдан кейинги йилларда дамли чолғулар ансамбли ижрочиличига асос солган гуруҳ бўлиб, улар Ғарбий Европа, Рус ва Ўзбек композиторлари асарларини тарғибот қилишда катта роль ўйнади. Бу квартет филармония концертларида,

консерваторияда ва радиода кўплаб чиқишлар қилишди. Уларнинг ҳар бири яккахон сифатида ҳам чиқар эдилар.

Вилоят мусиқа билим юртларидан фарқли ўлароқ бу мактабда марказдан келган юқори малакали ва Тошкент консерваториясини тугатган ўқитувчилар ишлар эди. Шунинг учун ҳам бу мактаб кадрлар тайёрлашда ўз сифати билан ажралиб турарди.

Ўзбекистонда мусиқий таълимини йўлга қўйилиши ва ривожланиш даврига хулоса қила туриб, шунини айтиш мумкинки, Республикада қисқа давр ичида мусиқа соҳасининг барча жабҳаларида катта ишлар қилинди. Айниқса бошланғич, ўрта ва олий таълим соҳаси вужудга келди. Мустақкам мусиқий таълим базаси яратилди. Бу негиз умумий мусиқа ижрочилиги, шу жумладан дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Дастлабки халқ консерваторияларини биласизми ?
2. Халқ консерваториялари биринчи ўқитувчилари кимлар ?
3. Халқ консерваториялари қандай ўқув юртларига айлантирилган?
4. Мусиқа билим юртлари ва болалар мусиқа мактаблари қандай ўқув муассасалари?

II - ҚИСМ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ РИВОЖИ

Мусиқа санъатининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги ривож мусиқий ижрочилик санъатининг ўсиши билан белгиланади. Маданият ривожининг муҳим босқичларидан бири 1948 йили Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг очилиши бўлди. Бу театр ўзбек ва рус опера театрлари негизида ташкил қилинди. 1966 йилдан бошлаб эса Давлат Академик опера-балет катта театри деб номлана бошлади. Урушдан кейинги йилларда биринчи бўлиб П.И.Чайковскийнинг «Евгений Онегин», Ж.Вердининг «Отелло», У.Ҳожибековнинг «Кёр огли», А.Спендияровнинг «Алмаст» каби опералар қўйилди.

Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг иши ҳам фаоллашди. Оркестр жамоалари дамли чолғулар гуруҳларининг консерваторияни битирган созандалар ҳисобига тўлдирилиши умум оркестрнинг ижро маданияти ва профессионал маҳоратини ошишига замин бўлди.

А.Козловский, М.Ашрафий, М.Насимов, Ф.Шамсуддинов, Н.Ҳалилов, Н.Алимов ва кейинчалик З.Ҳақназаров каби моҳир дирижерларнинг фаоллиги оркестрнинг профессионаллиги даражасини оширишга ва репертуарини кенгайтиришга катта таъсир кўрсатди. Ўша йиллари концерт дастурига

С.Прокофьев, Д.Шостакович, В.Шебалин, Р.Глиэр, А.Хачатурян, К.Кужамьяров, Ф.Амиров ва бошқа ижодкорларнинг асарлари киритилди.

Урушдан кейинги дастлабки ўн йилликларда консерватория дамли чолғулар синфлари шу ўқув юртини тугатган янги ўқитувчи кадрлар билан тўлдирилди. Булар ичида И.В.Логинов (трубачи), У.Ризоқулов (кларнетчи), Б.Гусаков (гобойчи), П.Беляков (фаготчи), И.Ф.Феофанов (зарбли чолғулар), А.В.Малкеев (флейтачи), В.Л.Мелкомини (гобойчи) ва бошқалар бор эди. Ушбу созандалар консерваторияга келгунларича Ўзбекистон давлат филармонияси симфоник оркестрида яккахон чолғучи, ўрта махсус ўқув юртларида ўқитувчи бўлиб ишлаб тажриба орттирган ва пишиб етилган ижрочи педагоглар эди. Бу даврда дамли чолғулар синфларига янги жўрнавозлар келиб қўшилди. Булар Л.В.Станкевич, Л.И.Карташевская ва бошқалар. Улар кафедра ўқитувчиларига кўп йиллар давомида малакали кадрлар етказиб беришда ўз ёрдамларини аямадилар.

Иван Владимирович Логинов (1912-1955)¹ таниқли трубачи, ижрочи-педагог, у Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган. 1939 йилдан бошлаб филармония симфоник оркестрида солист бўлиб ишлаган. 1941 йили армия сафига чақирилади. Ундан қайтгандан кейин эса консерваторияда ўқишни давом эттиради ва 1946 йили ўқишни профессор В.А.Рейхе синфида тугатади. Шу йили у оркестр кафедрасида ўқитувчи сифатида консерваторияда ишда қолдирилади. Ўзбекистон маданияти ривожининг фаол қатнашчиси сифатида унга 1950 йили Олий советнинг фахрий ёрлиғи берилади. И.В.Логинов юксак сифатли оркестр созандаси эди. Унинг диққати, бадий-ижодий интизими, маъсулият ҳиссиётининг ривожланганлиги дирижер тассавурини ҳис қилишдек ўткир қобилияти каби сифатлари, оркестрда биринчи труба партиясини беназир мазмунли ва юксак артистизм билан ижро қилиши сабабли ҳам оркестрда юксак маданият эгаси, тиниб-тинчимас ва катта обрў эгаси эди. Бу тажрибали созанда шогирдлари билан машғулот пайтида ўзи чалиб кўрсатар, айниқса асарнинг мураккаб қисмларини қандай ижро этиш кераклигини амалда кўрсатар эди. Бундай тажриба унинг ўқувчиларига ҳам сингиб борган. И.В.Логиновнинг бу тариқа фаоллиги кафедрадаги бошқа ўқитувчиларни ҳам бефарқ қолдирмади. Ўша даврдаги труба синфининг зерикарли ўқув репертуарини ўзгартириш ва янгилаш мақсадида А.Корелли, Й.Гайдн, С.Рахманинов, С.Василенко ва бошқа композиторлар асарларини труба учун мослаштиради. Шунингдек, Ўзбекистон композиторларининг бошқа чолғулар учун ёзган асарларини трубага мослаб тўплам тузади. И.В.Логинов томонидан яратилган труба учун этюдлар ўқувчилар репертуаридан муқим жой олди.

И.В.Логинов Г.Хусаинов, Н.Ленник, А.Малашин, В.Ф.Пўлатов каби кўпгина талантили шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Унинг энг асосий хизматлари шундан иборатки, у труба ижрочилигини Тошкент мактабини яратди ва В.Ф.Пўлатов давом эттиришини таъминлади.

Ўзбекистонда кларнет мактабининг шаклланиши талантили созанда Усмон Ризоқулов (1912 йил 10.08 да Самарқанд вилояти Жомбой қишлоғида туғилган 1965 йил 10.01 Тошкентда вафот этган) номи билан боғлиқ.

1. И.В.Логиновнинг болалик йиллари Ғарбий Сибирнинг Михайловка кишлоғида ўтган. 1931-36 йилгача Армия сафида хизмат қилган. 1937 йилда Тошкент давлат консерваториясига кирган. Аъло баҳоларга ўқиганлиги учун труба чолғуси билан тақдирланган ва унда умрини охиригача чалган.

У ёшлигидан ота-онасидан етим қолиб, болалар уйидан чиққан ва тарбия топиб Республика мусиқа маданияти ривожига муҳим ҳисса қўшган созанда ижрочи бўлган.

Усмон Ризоқулов маҳаллий миллат вакиллари ичида Европа чолғу ижрочиликда юксак маҳоратга эришган биринчи олий маълумотли созанда ҳисобланади. У дастлаб Самарқанд кейинчалик Тошкент болалар уйида тарбияланди ва унда болалар уйида мусиқага иштиёқ уйғонди. 1929 йили Тошкент мусиқа техникумига ўқишга киради ва ўқиш билан биргаликда олдин ёш томошабинлар театри оркестрида ва кейинчалик Муқимий номидаги театр оркестрларида созанда сифатида ишлайди. 1933 йили Техникумни тугатгандан кейин радиоқўмита симфоник оркестрида кейин эса филармония симфоник оркестрида фаолият кўрсатади. 1936 йили У.Ризақулов консерваторияга ўқишга киради. Иккинчи жаҳон уруши даврида у армия сафига чақирилади ва ҳарбий хизматни Тошкент умумқўшин командирлар тайёрлаш ҳарбий билим юрти оркестрида ўтказди. Хизматдан бўшагандан кейин 1948 йили консерваторияни В.Козолупов синфида тугатади ва оркестр факултетида ўқитувчи бўлиб ёшларга таълим бера бошлайди. Унинг халқ ва ватан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланиб, 1944 ва 1953 йиллари Ўзбекистон Олий совети Президиуми фахрий ёрлиқлари ва 1950 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилади. 1958 йили консерватория доценти даражасига етишади. 1959 ва 1961 йиллари эса «Меҳнатда ўрнатилганлиги учун» медали билан мукофотланган.

Бу эҳтиросли созанда кларнетининг гўзал, тўла, жонли ва такрорланмас товушига эга эди. У.Ризақулов ҳар томонлама ривожланган кўп қиррали инсон бўлган. «Ризақуловни биламан у мен бошқарган симфоник оркестрда нафақат етакчи артист, балки талантли созанда, ижрочилик ютуқларини ўз шогирдларига ўргатадиган тажрибали педагог сифатида ҳам ўзини намаён этган ҳурматли инсон ҳисобланади» деган машҳур композитор ва дирижер А.Ф.Козловский А.Малкеев билан бўлган суҳбатларнинг бирида.



У.Ризакулов шогирди К.Азимов билан дарс пайтида

У.Ризакуловнинг асосий ўқитиш тамойили асарни шахсан ижро қилиб кўрсатиш бўлган. У барча дарсларини бир қўлида кларнет ушлаган ҳолда, баъзан куйлаб, қийин жойларини чалиб бериш йўли билан талабалар олдида кенг имкониятлар очган. У доимо кларнет репертуарини бойитиш устида бош қотирар, кларнет учун мослаштирган куйлари эса унинг юксак дидидан далолат берарди. Ўша асарлар ичида Ж.Тартинининг скрипка учун сонаталари, Д.Кабалевский ва А.Хачатурянларнинг скрипка учун концертлари, Ф.Шопеннинг вальслари бор эди. У Ўзбекистон композиторлари асарларига алоҳида эътибор берар эди.

Бу ажойиб инсон кўпгина шогирдларга устозлик қилиб К.Азимов, В.Бутусов, И.Рухалис, Х.Исамбаев, Р.Дементев, Р.Ибрагимов, А.Ли, В.Курпинский, Л.Сузов, Б.Немировскийларга ўхшаган етук кларнетчи созандаларни тарбиялаб етиштирди.

Ўзбекистонда гобой ижрочилигига асаос солганлардан бири етук созанда ва педагог Борис Наумович Гусаков (1916 – 1983 Елизаветградда туғилган) эди. У 1921 йилда Тошкентга кўчиб келади. 1931 йилдан 123 артиллерия полкининг мусиқа тарбияланувчиси бўлиб хизмат қилади. 1934 йили Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга киради. Ўқишни тамомлагандан кейин Тошкент давлат консерваториясининг Н.Н.Николаев синфига ўқишга киради ва 1941 йили армия сафига чақирилади. У Сталинграддан то Прагагача бўлган йўлни босиб ўтади. Фрондан қайтганидан кейин консерваторияни тамомлайди ва оркестр факультетида ишда қолдирилади. Шу билан бирга 1935 йилдан 1954 йилгача Ўзбекистон давлат филармонияси симфоник оркестрида солист бўлиб ишлайди. 1950 йили унинг хизматлари инобатга олиниб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланади. 1954-58 йилларда Ленинград

консерваториясининг опера студиясида дирижерлик қилади. 1958 йилдан у танлов асосида Киров номидаги Ленинград опера-балет театрининг оркестрига ишга қабул қилинади ва 1983 йилгача у ерда фаолият юргизади.

Гусаковнинг ижроси ўзига хос ифодалилиги билан ажралиб турарди. Айниқса нозик товуши, техник маҳорати, юксак даражадаги тил аттакасининг барча кўринишларини беназир ижроси тингловчиларни лол қолдиради. Б.Гусаков ҳақида ўша пайтдаги Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг бош дирижери А.Ф.Козловский – «Биз ўзининг юқори артистизми, нозик диди, интизоми, композитор фикрини теран англайдиган юксак малакали гобойчига эгамиз» деган эди А.Малкеев билан суҳбатда. Борис Наумович концерт эстрадасига гобой учун ноёб бўлган асарларни олиб чиқди. У яккаҳон гобой учун мураккаб бўлган Ж.Россинининг «Ипак зинапоя» операси увертюрасидаги солони қийналмасдан гўзал жилолар билан ижро қилар эди. Б.Гусаков ўзининг ижрочилик фаолиятини ёғоч дамли чолғулар квартетида яккаҳон ва тажрибали ўқитувчи сифатида ҳам намаён этган эди. У ўз синфи ўқувчилари орасида ижодий муҳит яратган ва шогирдларидан ҳам тинмай изланишни талаб этар эди. Б.Гусаков гобой репертуарини кенгайтириш учун анча иш қилди. У ўзбек, рус ва хорижий композиторлар асарларидан Р.Хамраевнинг «Романс», Ҳ.Нишоновнинг «Песа» ва бошқа асарларни гобой учун мослаштирди. Бу хокисор ўқитувчининг ишларини унинг шогирди В.Л.Мелкомини давом эттирди.

Петр Иванович Беляков (1918 - 1996) консерваториянинг кўзга кўринган фагот синфи ўқитувчиларидан ҳисобланади. У 1931 йилларда болалар уйида ва кейинчалик ҳарбий оркестрда тарбияланди. 1934 йили Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга киради. 1937 йили консерваторияга ўтказилади ва бир вақтнинг ўзида радиокўмита оркестрида ишлайди. 1939 йили армия сафига чақирилади ва 1945 йилгача хизмат қилади. 1948 йилдан Ўзбекистон давлат филармониясининг симфоник оркестрида яккаҳон фаготчи бўлиб ишлайди. 1953 йилдан консерваторияда устозлик қила бошлайди. Унинг эл олдидаги хизматлари кадрланиб 1974 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига сазовор бўлди. П.Беляковнинг ўқитувчилик услуби тажриба синовидан ўтган, филармония симфоник оркестрида солист сифатида бой ижрочилик тажрибаси, ўқитиш методикаси ижро тақомилини ривожлантиришда катта ёрдам берар эди. У олий ўқув юртида қирқ йилга яқин ишлаши давомида ўттиздан ортиқ фаготчиларни етказиб чиқарди. Уларнинг орасида Қ.Бердиев, Б.Кузмин, С.Турсунов, И.Глотев ва бошқалар бор эди.

Флейта чолғусининг етакчи ижрочиларидан бири Аркадий Веняминович Малкеев (1923 йил 07.02 да Белоруссиянинг Речица уездида туғилган) бўлиб, у 1943-45 йилдан 1974 йилгача Ўзбекистон филармонияси симфоник оркестри солисти сифатида фаолият юргизди. А.В.Малкеев ижрочилик фаолиятини ўқитувчилик билан қўшиб олиб борган ҳолда 1945 йилдан 1967 йилгача мусиқа тарбияланувчилар мактаб интернатида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1954 йили Тошкент консерваториясини тугатгандан кейин оркестр факултетида фаолият юргизди. 1951 – 1956 йилларда М.Ашрафий синфида опера-симфоник дирижерлиги мутахассислигини ўқиб битирди. 1967 йилда А.Малкеевга

ижрочилик хизматлари эвазига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди



А.В.Малкеев 1980 йиллар

1976 йилдан 1995 йилгача консерваториянинг дамли чолғулар кафедрасини бошқарди. Унинг педагогик тажрибаси ижрочи-артислик амалиётига асосланган эди. А.Малкеевнинг изчил концерт фаолияти урушдан кейинги йилларда ривожланди. У классик ва чет эл музикасига кўп аҳамият берар, флейта репертуарини бойитишга ҳаракат қилар эди. Унинг концерт дастуридан И.С.Бах, Г.Ф.Гендел, А.Вивалди, К.Вебер ва бошқа композиторлари асарлари, романтик ва замондош композиторлардан Т.Шелюговский, П.Перковский, У.Пистон, П.Хиндемит, А.Онеггер, Ф.Пуленк, Б.Мартину каби ижодкорларнинг куйлари ўрин олган эди.

А.В.Малкеевнинг дарс ўтиш услуби унинг ўз устози В.И.Павелский ишларининг давоми бўлиб, унда ўқувчининг индивидуал сифатларини намаён этиш, ёш созандани ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш тамойилларига асосланган эди. Зукко педагог ва психолог бўлган А.В.Малкеев ўз тарбияланувчилари қалбида ижод ёлқинини аланга олдиришга, ўз чолғусига нисбатан муҳаббат уйғотишга жуда моҳир эди. Унинг машғулотларида кенг дунёқараши, билимлилиги ва симфоник дирижерлик маълумоти сезилиб турар эди. У шогирдларига ҳамма вақт ижодкорлар йўналишларини аниқлашда, ижро қилинадиган асарни чуқур англашда моҳиятан фикрлашни тинмай уқтирар эди.

А.В.Малкеев қатор флейтачиларни тарбиялаб етказди. Симфоник оркестрларда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри оркестрида, ТуркХО штаб оркестрида чаладиган барча флейтачилар, Республика ўрта махсус ўқув юртлари флейта синфи ўқитувчилари унинг шогирдларидир. Улар ичида Р.Шевнин, Ҳ.Исақов, Ш.Асфендияров,

Н.Рамазанов, А.Иванов, Ю.Шербанюк, А.Сайфуллаев, Р.Сулейманов ва бошқалар бор.

Гобой чолғусининг етакчи ўқитувчиларидан бири Виталий Лвович Мелкоминидир (1936 йили 26.03 Тошкентда туғилган). У 1936-41 йиллари Тошкент пионерлар уйида В.М.Козолупов синфида тарбия олди. 1939-41 йиллари Ҳамза номидаги муисқа билим юрти ва 1944 йили консерватория қошидаги махсус муисқа мактаби(ҳозирги В.Успенский номи РММАЛ)да ўқиди. 1947 йили консерваторияда олдин Н.Н.Николаев синфида, у вафот этгандан кейин Б.Гусаков синфида таълим олди. 1952 йили Тошкент консерваториясини битирганидан кейин, 1960 йилгача радиоқўмита симфоник оркестрида яккахон бўлиб ишлади. У 1954 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Давлат консерваториясида гобой ва ансамбл синфларида дарс бериб келмоқда. Урушдан кейинги йиллар В.Мелкомини фаол концерт фаолияти олиб борди. Унинг репертуарида классик композиторлар асарлари устун турарди. Гобойининг садоланиши эса ижрочининг бадиий гўзал диди, жарангдор товуши ва ҳиссий сокинлиги жихатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг машғулотлари зиёлиларча бошланиши билан фарқ қилади ва шогирдларига ҳам шуни сингдиради. Бу ажойиб созанда, оркестр ва ансамблнинг нозик ижрочиси, кафедрадаги кuartет ва квинтетларнинг доимий иштирокчисидир. В.Л.Мелкомини консерватория билан биргаликда В.Успенский номи РММАЛда ҳам ишлаб 40 яқин гобойчиларни тарбиялаб етиштирди. Уларнинг орасида Е.Гольдвехт, А.Мухамедов, Е.Гербольд ва бошқалар бор. В.Л.Мелкомини 1968 йилда консерватория доценти, 2003 йилда профессор илмий даражалариги эга бўлди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари қадрланиб 2001 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланди.

Урушдан кейинги йилларда консерватория дамли чолғулар синфларида симфоник оркестр солист фаготчилари П.И.Дашевский, В.Мулатов, Ч.Хе, валторначилар В.А.Емелянов ва И.А.Крупинский (бу таникли ҳарбий дирижер Туркистон ҳарбий округи оркестрларининг инспектори бўлиб ҳам ишлаган) ва бошқалар бор эди. И.Крупинскийнинг шогирди В.И.Руденко филармония симфоник оркестри солисти эди. Шунингдек, трубачилар Теплоухов ва А.Я.Малашинлар ҳам ўқитувчи сифатида ишлаганлар.

Кекса авлод ўқитувчиларидан фарқли ўлароқ, ёш педагоглар оркестрда ижрочилик тажрибаси билан биргаликда олий ўқув юртида таҳсил кўрган, умумтаълим билимларини билишлари билан ажралиб турар ва энг муҳими улар ўша даврда Москва консерваторияси профессорлари томонидан яратилган ижрочиликнинг илмий методикаси билан қуролланган эдилар.

Урушдан кейинги даврда ишлаган дамли чолғулар педагогларининг хизматлари шундан иборат эдики, улар ўзларидан олдин ўтган устозларининг ижрочилик ва педагогик тамойилларини янада юқорироқ даражага кўтара олдилар ва келажак авлод ўқитувчилари учун замин яратдилар. Улар устозлар авлодининг узлуксиз занжирини боғловчи ҳалқаси сифатида ўз хизматини бажардилар.

Дамли чолғулар ижрочилиги ўз ривожининг янги босқичида ўқув-тарбия ва методик ишларда ҳамда бошқа масалаларда аниқ ва ишни кўзини билиб раҳбарлик қилишни тақозо этган эди. Бундай юмушлар фақат оркестр кафедрасидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан дамли чолғулар кафедраси томонидан ҳал этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам 1961 йили Оркестр кафедраси иккига: торли, дамли ва зарбли чолғулар кафедраларига ажралиб чиқди. Ўша даврда Ўзбекистон учун зарур бўлган созанда педагогларни самарали тарбиялашда кафедранинг бундай мустақил бўлиши замонавий ечим эди. Бундай қарор қабул қилинишининг ташаббускори ажойиб созанда, талантли трубачи, кафедранинг 15 йил бошқарган меҳрибон устоз Василий Федорович Пўлатов (1920 йил 29.12 да Сирдарё вилояти Фориш тумани Ровот қишлоғида туғилган 2000 йил Тошкентда вафот этган) эди. У болалар уйида тарбияланган бўлиб, муסיқага шу ерда меҳр қўйган. 1940-1942 йилгача Полант (Туркменистон) болалар уйи дамли чолғулар оркестрининг бошқаради. 1942 йили армия сафига кўнгилли бўлиб ёзилади ва ватан уруши фронтида қатнашади. 1947 йилда армия сафидан бўшаб, Тошкент консерваториясига ўқишга киради. 1953 йилдан ўқиш билан биргаликда созанда ва педагог сифатида консерваторияни ўзида ишлайди. 1953-1956 йиллари Москва консерваториясининг аспирантурасида М.И.Табаков ва Г.А.Орвидлар раҳбарлигида таҳсил олади. 1956 йилдан 1994 йилгача консерваторияда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатади.

В.Пўлатов 1950 йилдан 1967 йилгача Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театри оркестрида солист бўлиб ишлайди. 1963 йилда у консерватория доценти лавозимида тайинланади. 1967-1971 йиллари консерватория ўқув-тарбия ишлари проректори сифатида фаолият юргизади ва бу даврда ўқиш жараёнини ривожлантириш учун кўп меҳнат қилди. Унинг хизматлари ҳисобга олиниб, 1977 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди. 1979 йили унга кафедрада биринчи бўлиб, профессор илмий даражаси берилди.



В.Ф.Пўлатов (1986 йилги расм)

Москва консерваторияси тажрибаси ва анъаналарига таянган ҳолда В.Ф.Пўлатов кафедра фаолиятини, ўқув ва илмий методик жараёни режали ташкиллаштиришда кўп ишларни қилди. В.Ф.Пўлатов болалар санъат ва мусиқа мактабларида, ўрта махсус ўқув юртларида дамли ва зарбли чолғулар синфларини очишда жонбозлик кўрсатди. В.Ф.Пўлатов Ўзбекистондаги дастлабки концерт ижрочиларидан бўлиб, у ўзининг ушбу фаолиятини толмас тарғиботчиларидан эди. Айниқса урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон филармонияси симфоник оркестри билан яккахон концертлар берди. Республика радиосига ёзилди. Унинг репертуаридан труба учун машҳур асарлар ўрин олган бўлиб, биринчи навбатда Й.Гайдн, А.Гедике, С.Василенко ва бошқа композиторларнинг концертлари шулар жумласидандир. В.Ф.Пўлатов ижроси ўзининг чалинаётган асар мазмунини чуқур очиш билан биргаликда сўлим, ифодали товуши, беназир ижроси ва техник маҳорати, умумий ижро маданияти юксак даражада эканлиги билан ажралиб туради. В.Ф.Пўлатовнинг машғулотлари ўзининг методикаси ва услубининг ёрқинлиги ҳамда ўзига хослиги билан фарқ қилар эди. Унинг синфини 70 га яқин мутахассис битирган бўлса уларнинг ичида Республика ва ундан ташқарида ижодий фаолият кўрсатаётган А.Д.Селянин, Р.М.Гехт, В.А.Веригин, Т.М.Семёнов, Д.Кучмий, У.Абдуллаев, М.Н.Муҳиддинов, В.Кучеров, Ю.Парфёнов, А.Гаджиев, Ю.Ибрагимов, Б.Матниязовга ўхшаган шогирдлари кўпчиликти ташкил қилади.

Василий Феодоровичнинг Ўзбекистон дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги учун қилган хизматлари бекиёсдир. У консерватория дамли ва зарбли чолғулар кафедраси тарихида биринчи бўлиб труба учун дарслик чоп эган (Пуллатов В.Ф. Школа игры на трубе Т., «Ўқитувчи» 1979 г.) ва

1. А.Селянин Л.Собинов номидаги Саратов консерваторияси дамли чолғулар кафедраси декани бўлиб ишлаган.

профессорлик илмий даражасига етган ҳурматли устозлардан бўлиб қолди.

1960 йиллари кафедрага олдин шу даргоҳда таълим олган янги ўқитувчилар гуруҳи келиб қўшилади. Булар: К.А.Азимов (кларнет), Р.Р.Сафаров (валторна), Ю.В.Качурин (зарбли чолғулар), Т.Ю.Фозилов (туба), В.А.Веригин (труба), Б.М.Муртазаев (кларнет), Г.К.Вергилесов (тромбон), Б.С.Салихов (кларнет) ва бошқалар.

1965 йилдан 1983 йилгача кафедрада тажрибали оркестр созандаси – кларнетчи Карим Азимович Азимов (1926 йил 01.10 Тошкентда туғилган. 1983 Тошкентда вафот этган) фаолият юргизди.



К.А.Азимов 1977 йиллар

Унинг болалик йиллари ҳар хил болалар уйларида ўтди. 1941 йили консерватория қошидаги мухсус мусиқа мактаби (ҳозирги В.Успенский номидаги РММАЛ)га қабул қилинди. 1943 йилдан 1949 йилгача Армия хизматида бўлади. 1951 йили Тошкент консерваториясини тугатади ва Алишер Навоий номидаги давлат академик опера ва балет катта театри оркестрида созанда бўлиб ишлаш билан биргаликда Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида кларнет синфида дарс бера бошлайди. 1956 йили консерваторияни иккинчи марта Н.Гольдман синфида опера симфоник дирижерлигини тугатади. 1956-65 йиллари Новосибирск филармонияси симфоник оркестри дирижери бўлиб ишлайди. К.А.Азимов Тошкент консерваторияси ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш жараёнига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Унга 1968 йили консерватория доценти даражаси берилди. Унинг синфида таҳсил кўрган

ўқувчилардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Б.С.Салихов, Н.Салиев, Ю.Гулзаров, В.Курницкий ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Урушдан кейинги йилларда консерватория қошидаги ўрта мактаб-интернатга ўқувчилар қабули анча кўпайди. Бунда ушбу ўқув даргоҳининг дастлабки директори О.С.Поликарпова ва унинг ўринбосарлари А.Е.Соловьева, С.С.Гаврилов ҳамда кейинчалик раҳбар бўлган И.Г.Юлдашевларнинг хизматлари катта бўлди. Айниқса 20 йилдан ортиқ муддат мобайнида раҳбарлик қилган И.Г.Юлдашевнинг даврида ўқув-тарбия жараёни юксак даражада ташкил қилинди. Бу даврда мактабда кўп йиллар ишлаган В.А.Белинский раҳбарлигида торли чолғулар оркестри ташкил қилинди. Дамли ва зарбли чолғулар бўлимида урушдан кейинги даврда ишлаган педагоглар ичида флейтачи Ф.И.Неговелов ва трубочи А.Я.Каплан ҳақида тўхталиш мумкин. Филипп Иванович ҳарбий ва опера театри оркестрида созанда ва педагог сифатида пионерлар саройи қошидаги болалар мусиқа мактабида катта тажриба тўплаган эди.

Нозиктабиат педагог-психолог Абрам Яковлевич Каплан эса ўзининг юксак маданияти ва ўз чолғусини аъло даражада билиши билан ўқувчиларни жалб қила олар эди. У опера балет театри оркестрида ишлаш жараёнида катта тажриба тўплаган бўлиб, бу тажриба педагогик фаолиятида жуда қўл келди.

1948 йили мусиқачи тарбияланувчилар мактаб интернати биринчи битирувчиларини ҳаётга йўллади. Уларнинг катта қисми армиянинг турли оркестрларига йўлланма олган бўлсалар, баъзилари Москва консерваториясининг ҳарбий дирижерлик кафедрасига ўқишга киришди. Бу мактабнинг асосий вазифаси ҳарбий дамли чолғулар оркестрларини профессионал созандалар билан таъминлашдан иборат эди. Ушбу ўқув юртида таниқли ўқитувчи-созанда валторначилардан В.А.Емелянов, Н.Ф.Павловскийлар профессор Ф.Ф.Эккертнинг ўқувчилари бўлиб, қатор валторначиларни тарбиялашда жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, мактаб ташкил қилинганидан буён ишлаётганлардан тромбончилар: А.М.Автондилов, А.Н.Булўгин, А.А.Францевич, кейинчалик келиб қўшилган ўқитувчилардан флейтачилар А.В.Малкеев, Р.Юсупов, гобойчи Н.Кенжибаев, кларнетчилар И.Есин, Ф.С.Махсудов, Б.Немировский, фаготчи П.И.Беляков, трубочилар В.Ф.Пўлатов, Г.С.Казизин, тромбончилар А.Е.Морозов, В.М.Колесников, Л.Тельянц, туба синфини Л.А.Космодемьянский, зарбли чолғулар синфини В.И.Парфеонов (Феофанов) каби устозлар мактаб ижодий ўқитувчилар жамоасини ташкил қилган.

Мактабда оркестр синфи машғулотлари жуда яхши йўлга қўйилган эди. Мактаб оркестрини таниқли ҳарбий дирижер ва композитор П.Шпитальнўй, опера ва балет театри оркестри дирижерлари Г.Даниях, П.Халиқов ва бошқалар бошқарган. 1956 йили бу ўқув даргоҳи мактаб-интернат шаклида қайта ташкил қилиниб, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ихтиёрига берилди.

Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти дамли чолғулар бўлими урушдан кейинги йилларда кенг кўламдаги ишларни олиб борди. Унинг ўқитувчилар жамоаси ўша билим юртини тугатган ёшлар билан тўлдирилди. Булар гобойчи Б.Гусаков, кларнетчи У.Ризақулов, тромбончи Л.Тельянц, зарбли чолғулар

бўйича Н.Феофанов, фаготчи П.Беляков, валторначи Р.Ибрагимов, тажрибали ўқитувчи-ижрочилардан трубачи А.Каплан, тромбончи В.Колесников ва бошқалар бўлган.

1951 йилдан то 1980 йилгача Ленинград консерваторияси профессори А.Паршиннинг шогирди Н.Кенжибаев бўлим мудир вазифасида ишлади. 1950 йиллари бўлимда В.Пўлатов (труба), К.Азимов (кларнет), профессор А.Козлов синфида Ленинград консерваториясини тугатган С.Казакбаев (тромбон) дарс берар эдилар. Ўша йиллари ушбу бўлимнинг ўз олдига қўйган вазифаси опера ва балет театри оркестри ҳамда симфоник оркестрларни профессионал созандалар билан таъминлаш эди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда билим юрти қатор дамли чолғучи созандаларни етказиб чиқарди. Улар Республика ва ундан ташқарида ўзларининг концерт ижрочилиги ва педагогик фаолиятини давом эттирдилар. Булар ичида А.Ли Самарқанд мусиқа билим юртида, Ф.Мақсудов мусиқачи-тарбияланувчилар мактаб-интернатида, И.Юнатов (бас кларнет), М.Вайстух (англ.рожок), А.Левин (бас тромбон) филармония симфоник оркестри солистлари, Р.Гехт Москвадаги мусиқа мактабларидан бирининг директори каби созандалар етишиб чиқди.

1960 йилларга келиб бўлим ўқитувчилари таркиби анча барқарорлашди. Л.Сухов (кларнет), А.Селянин (труба), Ҳ.Исхаков (флейта), Ю.Качурин (зарбли чолғулар) каби ўқитувчилар ишлари фаоллашди.

Ўша даврдаги марказий олий ўқув юртлари устоз педагогларидан Ю.Усов, М.Табаков, Б.Диков, Б.Григорев, С.Левин ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган методика ва кўрсатмалар асосида Тошкентлик ўқитувчилар ўрта бўғинда ўз ишларини давом эттирдилар.

Вилоят билим юртлари ва болалар мусиқа мактаблари билан мунтазам алоқалар ўрнатилиши, ўқувчилар орасида ички танловлар ўтказилиши натижасида иқтидорли ёшларни саралаш имконияти туғилди. Шуниндек, ўқувчиларнинг мавжуд дамли чолғулар ва симфоник оркестрларда қатнашиб амалиёт ўтишлари уларнинг бадий-ижодий интизоми ва жамоатчилик маъсулиятини ошишига катта таъсир кўрсатар эди. Йиллар ўтиши давомида билим юрти ўзига хос анъаналарга эга бўла борди. Маҳаллий мутахассис кадрларни тайёрлашга катта аҳамият берилди бошлади. Битирувчиларнинг баъзилари консерваторияга кирса, кўпчилиги ижрочилик, оркестр солисти ва педагогик амалиёт билан шуғулланди. Билим юрти ўқитувчилари консерватория педагоглари билан алоқаларни мустаҳкамлаб, улардан маслаҳат олдилар ва устоз сифатида эргашдилар. Буларни барчаси замонавий назария ва амалиёт талаблари юқори бўлган даврда билим юрти ўқитувчиларига катта ёрдам берди.

Урушдан кейинги йиллар Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Республиканинг бошқа вилоятларидаги билим юртлар дамли чолғулар бўлимларида ҳам анча ютуқларга эришилди. 1960 йиллари Бухоро мусиқа билим юртида фаолият юргизган ўқитувчилар Л.Юсупов (труба) сай-ҳаракатлари туфайли битирувчилар савияси анча юксала борди. Шу давр ичида Бухоро мусиқа билим юрти 200 ортик дамли чолғулар ижрочилари

битириб чиқди. Шулар ичида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, билим юртини туба синфини тугатган Мансур Саъдуллаев ҳам бор эди.

Бу йиллари Наманган мусиқа билим юртида ёш янги мутахассис ўқитувчилар жамланди. 1950 йилларда Г.С.Хусанов, М.Ибрагимов, Э.М.Эминов, 1960 йиллари В.Еллистратов, В.А.Боков, 70 йиллари Б.Муҳитдинов ва бошқалар ёшларга санъат сирларини ўргатдилар.

Ушбу ўқув юртидан шу давр ичида 200 дан ортиқ дамли чолғулар ижрочилари етишиб чиқди. Уларнинг ичида Г.С.Хусайинов синфида тарбия топган Г.К.Вергилесов бор эди.

Самарқанд мусиқа билим юртида дамли чолғулар бўлими 1950 йилда ташкил қилинди. Дастлабки йиллари ҳарбий дирижер созандалардан М.А.Забержер, Ф.Я.Лисс, саксофончи А.И.Брим, трубачи А.М.Дубовенко каби ўқитувчилар фаолият юргизишган. 1955 йили Москвадаги Гнесинлар номидаги мусиқа педагогика институтини труба чолғуси бўйича Т.Н.Докшицер синфини тугатиб Б.М.Бельский келади. Борис Михайлович бу ерда дамли чолғулар оркестрини бошқарди ва узоқ йиллар давомида унинг раҳбари бўлиб қолди. Бу толмас ижодкор оркестр мусиқасининг тарғиботчиси сифатида билим юртида дамли чолғулар оркестрини ташкил қилади. У оркестрни альт, тенор, бас чолғучилари билан таъминлаш учун дамли чолғулар бўйича бир йиллик тайёргарликдан ўтган баянчиларни жалб қилди. Ушбу оркестр билан билим юрти тадбирларида, шунингдек шаҳар ва вилоят миқёсидаги байрам ва сайлларда хизмат қилди.

Б.М.Бельский бўлимда методик ишларни кенг ривожлантирди. Бўлим ўқитувчилари семинар ва конференцияларда ўқув жараёнини такомиллаштиришга доир долзарб масалалар билан чиқишлар қилар ва шулар ичида Тошкент консерваториясини тугатганлардан А.Н.Ли ажралиб турар эди.

Билим юрти дамли чолғулар бўлими ўз фаолияти давомида 200 га яқин созанда кадрларни тарбиялаб етказди. Булар ичида труба, кларнет ва тромбон чолғулари бўйича тугатганлар катта кўпчилиқни ташкил қилади. Бунинг сабаби мазкур чолғулар бўйича нуфузли устозлар меҳнат қилганлигидандир.

Битирувчилар ичида И.З.Димонт, А.З.Димонт, Л.Р.Тельянцилар 1954 йили билим юртини битказиб, Тошкент давлат консерваториясини тугатадилар ва Туркистон ҳарбий округи ансамбли, филармония симфоник оркестри ва кейинчалик Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ишлаганлар. Г.Херсонский 1956 йили билим юртини тамомлаб Москва консерваториясига ўқишга киради. 1963 йили ўтказилган бутуниттифоқ ёш ижрочилар танловида I – ўринни қўлга киритади. У Давлат симфоник оркестри солисти бўлиб ишлаш билан биргаликда Москва консерваторияси қошидаги марказий болалар мусиқа мактабида тромбон синфи бўйича дарс берган.

Валторначи И.З.Димонт Москва консерваториясини тугатгандан кейин Олма-Ота консерваториясида ўқитувчи бўлиб ишлаган. А.З.Димонт эса Тошкент консерваториясини тугатгандан кейин шаҳар гарнизони оркестри дирижери сифатида хизмат қилди.

Билим юртини тугатганлар турли театр ва концерт ташкилотларида мусиқа мактаби, Академик лицей ва коллежларда фаолият юргизмоқдалар.

Ҳозирги Фарғона мусиқа коллежи 1957 йили мусиқа билим юрти сифатида ташкил қилинган. Бунинг сабаби Ўзбекистоннинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан бири бўлган Фарғона водийсида созанда мутахассисларни етишмаслиги эди. Биринчи йили дамли чолғулар бўлимига 2 нафар ўқувчи қабул қилинган. Ушбу бўлимни Тошкент консерваториясини битирган Е.М.Гуляев бошқарган. У қисқа давр ичида дамли чолғулар бўлимини ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш ва 1949 йилда очилган болалар мусиқа мактабига ўқувчиларни жалб қилган ҳолда, билим юртига тайёргарлик кўрган ўқувчиларни қабул қилишни ташкиллаштириш ишларида жонбозлик кўрсатди. Бунинг натижасида симфоник оркестр ҳам ташкил қилинди. Ушбу ҳаракатлар туфайли Фарғона шаҳри ва Марғилонда мусиқий ҳаёт жонланди. Ушбу оркестрлар мусиқа мактабларида, Горький номли драма театрида ва бошқа жойларда катта концерт ташвиқот ишларини юргизиб, мусиқа тарғиботига катта ҳисса қўшдилар. Ўша пайтда бўлимда тажрибали ўқитувчилар С.С.Гаврилов, ва трубачи Г.Н.Ғиёсовлар фаолият юргизиб кўпгина созандаларни тарбиялаб етказдилар.

Урушдан кейинги йилларда иқтисодиёт ва маданиятнинг кескин ривожланиши, аҳоли сонининг гуркираб ўсиши натижасида ўрта махсус ўқув юр்தларининг шу жумладан мусиқа билим юр்தларининг ҳам очилишига талаб кучайди.

1960 йили Жапақ Шомуродов номидаги Нукус мусиқа билим юртининг ташкил қилиниши Ўзбекистон ҳукуматининг автоном Республика мусиқа маданиятини юксалтиришга бўлган ҳаракатларидан бири эди. Билим юрти очилган йилиёқ дамли чолғулар бўлими ташкил қилинди ва унда Тошкент консерваториясини битирган ўқитувчилар ёшларга таълим бера бошладилар.

1962 йили Матюсуф Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юрти таниқли композитор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рахмон Оллаберганов ташаббуси ва ташкилотчилигида очилади. Билим юрти очилишининг дастлабки йилиданоқ дамли чолғулар бўлими фаолият кўрсатади. Бу бўлимда Тошкент консерваториясини 1955 йили битирган Э.А.Мўминов (кларнет), кейинчалик В.М.Ключников (тормбон), А.Г.Масликов (кларнет), А.Гаджиев (труба, шу бўлимни 20 йил давомида бошқарган), Э.Нажмиддинов (валторна), М.Яқубов, Б.Матёқубов, М.Собиров (кларнет), А.Матниязов (гобой) ва бошқа ўқитувчилар фаолияти ибратлидир. Бу даргоҳда унинг директори Қ.Мусаев ташаббуси билан симфоник оркестр ташкил қилиниб, билим юрти сахнасида «Нурхон», «Заҳарли ҳаёт» каби мусиқали дарамалар қўйилди ва уларга симфоник оркестр жўрлик қилар эди. Шу давргача бўлимни 100 дан ортиқ мутахассислар битказган. Улар ичида А.Гаджиев мусиқачилар тайёрлаш мактаб-интернати, Ўзбекистон давлат цирки оркестри ҳамда Ҳамза номидаги коллежда ва Б.Матёқубов мазкур коллежда ишлаб келмоқдалар.

Олтмишинчи йиллари ташкил қилинган билим юр்தлари ичида 1965 йили очилган Тўхтасин Жалилов номидаги Андижон мусиқа билим юрти ишлари самарали бўлди. Дастлабки йиллар дамли чолғулар бўлимида уч нафар

ўқитувчи ишлаган. Булар валторна ва труба синфи бўйича Т.И.Семенов (Тошкент консерваториясини В.Ф.Пўлатов синфида тугатган) бўлиб, у яхши ташкилотчи ўқитувчи эди. Унинг тўсатдан вафот этиши самарали ишни тўхтатди. 1970 йилларга келиб бу бўлимда флейтачи А.Рўзиев, валторначи Л.Э.Штенгауэр, тромбончи В.А.Погребной (бўлим бошлиғи) каби ўқитувчилар фаолият юргизди.

1960 йиллари Республика мусикий ҳаётида симфоник мусика тарғиботи анча ўсди. Берилган концертларнинг репертуари анча кенгайди. Тошкентда Г.Малер, И.Стравинский, П.Хиндемит, А.Онеггер, Ж.Гершвин, Б.Бриттен каби композиторларнинг симфоник асарлари биринчи бор ижро қилинди. 1964 йили Россиянинг Ўзбекистонда ўтказилган декадаси Республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу декадада рус ва совет композиторлари асарлари ижро қилинди. Бунда халқ артистлари, таниқли дирижерлар Ю.Файер, А.Мелик-Пашаев, Н.Рахлинларнинг иштироки катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу йиллари Москва консерваториясининг профессори РСФСР халқ артисти Г.А.Орвиднинг Тошкентга келиши, унинг консерватория кичик залида концерт бериши ва айниқса бу концертда кўпчиликка таниш бўлмаган асарларни юксак маҳорат билан ижро қилиши, мухлисларда катта таъсурот қолдирди. Бу асарлар:

П.Хиндемит	-	Соната
Н.Платонов	-	Поэма
Ж.Энеску	-	Афсона
М.Мильман	-	Соната
Ж.Абсиль	-	Учта эртак

Юқоридаги Н.Платонов ва М.Мильманларнинг асарлари ижрочи билан ҳамкорликда яратилган ва унга бағишланган куйлар бўлиб, Г.Орвиднинг индивидуал қирраларини акс эттирган. Унинг чолғуни беназир маҳорат билан чалиши, труба товушининг кенг миқёси Тошкентлик тингловчиларни мафтун этди.

Г.А.Орвид Тошкентда бир қанча концертлар берди. Бундан ташқари консерватория труба синфи талабалари билан очиқ дарслар ўтказди ва «Труба чолғучилик санъатида товуш ҳосил қилишнинг объектив қонуниятлари» мавзусида маъруза ўқиди.

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, Москва консерваториясининг профессори Т.А.Докшицер Тошкентда икки марта бўлди. Биринчиси 1965 йили филармония симфоник оркестри билан гастролда бўлиб, Й.Гайдн ва Д.Арутюнянларнинг концертларини ижро қилди. Иккинчи марта 1967 йили катта театр гастроллари пайтида театр оркестри билан келди ва консерватория катта залида И.Гуммелнинг концерти ва Ж.Гершвиннинг «Блюз оҳангидаги рапсодия»сини (труба учун ўзи мослаштирган) ижро қилди. Айниқса унинг консерваторияда ўтказган очиқ дарслари ва «Дамли чолғулар ижрочисининг ўз устида мустақил ишлаши» номли мавзудаги маърузаси барчада катта таъсурот қолдирди.

Катта театрнинг бу гастроллари даврида унинг оркестри созандалари билан консерватория талаба ва ўқитувчилари бир қанча учрашувлар

ўтказдилар. Оркестр созандаларидан бутуниттифоқ танловлари лауреатлари кларнетчи Л.Михайлов, фаготчи В.Богорадлар чалган асарлар юксак маҳорат билан ижро қилинганлиги эътироф этилди. Айниқса Л.Михайлов томонидан И.Стравинскийнинг якка кларнет учун учта песалари талқини, В.Богорад томонидан К.М.Вебернинг концертини биринчи қисми ва В.Купревичнинг «Рондо»сини ижроси тингловчилар томонидан жуда яхши кутиб олинди.

Москванинг машхур созандалари томонидан берилган концертлар маҳаллий ҳамкасблари ва ўқувчи ёшлар учун катта амалий ва намунавий аҳамиятга эга бўлди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Навоий номидаги опера ва балет театри қачон очилган?*
2. *Ўзбек симфоник оркестри қачон ташкил қилинган?*
3. *Консерватория дамли чолғулар кафедрасининг дастлабки ва урушдан кейинги ўқитувчилари кимлар ?*

XX – АСР ОХИРИДА ДАМЛИ ВА ЗАРБЛИ ЧОЛЎУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ

70 йилларга келиб дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги ўз ривожининг янги босқичига қадам қўйди. Бу олдин марказий ва иттифоқ республикалари ижодий кучлари ва консерваторияларидаги ҳамкасблари билан бўлган ижодий мулоқотлар, учрашувлар, мусиқа таълимининг йўлга қўйилиши, ўқитиш методикасининг яхшиланиши, бадиий ва ўқув адабиётларининг кенгайиши, ижрочилик маҳоратини ортиши, ёш созандаларнинг яккахон концерт фаолиятининг фаоллашиши билан изоҳланади.

Ўзбекистонда ижрочилик маданиятини ўсишига ёш созандаларнинг халқаро танловларда қатнашиши учун бутуниттифоқ саралов турларидаги иштироки ва ёш ижрочиларнинг Республика танловини ташкил қилиниши катта имкониятларни очиб берди.

Бу даврда Республикада мусиқа билим юртлари анча кўпайди. Ўзбекистонда кўриқ ерларни ўзлаштирилиши натижасида янги шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлди, аҳоли сони ўсди ва ўрта махсус ўқув юртларга ҳамда аҳолини маданиятга нисбатан эҳтиёжи тобора орта борди. Термиз, Қарши, Бекобод, Гулистон, Қўқон ва Жиззахда мусиқа билим юртлари янгидан очилди. Уларнинг барчасида дамли чолғулар бўлимлари фаолият кўрсатди ва бу ўқув даргоҳларида Тошкент консерваториясини битирган мутахассислар ишлади.

Ҳукуматнинг маданият ва санъатни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлиги туфайли ва ижрочилик санъатини янада юксалтириш мақсадида ўтказилаётган Республика танловлари катта аҳамият касб этар эди. Танловлар ёш созандалар тайёргарлик даражасини ва қатнашчилар ичидан энг қобилиятлиларини саралаш имкониятини берар эди. Дастлабки бундай танлов 1963 йили Тошкентда бўлиб ўтди. Унда фортепиано, скрипка, виолончел, вокал, халқ чолғулари ва дамли чолғулар ижрочилари қатнашди. Бу танлов икки даражали бўлиб, биринчиси консерватория талабалари ва уни битказганлар учун алоҳида ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун

алоҳида ташкил қилинган эди. Дамли чолғулар танлови бўйича консерватория кафедрасидан В.Ф.Пўлатов (раис), У.Р.Ризакулов, А.Е.Морозов, П.Х.Халиков, В.Л.Мелкоминилар ҳайъат аъзолари бўлган.

Биринчи Республика танлови катта ижодий салоҳияти бўлган ёш созандалардан трубочилар В.Веригин (1 мукофот), А.Красев (2 мукофот) (уларнинг иккаласи ҳам В.Пўлатовнинг шогирдлари), флейтачи И.А.Малкеев А.В.Малкеевнинг ўғли ва шогирди ҳамда бошқалар ғолибликни қўлга киритдилар. Ушбу танлов ўша давр ижрочилик даражасини акс эттирди ва дамли чолғу созандаларининг келгусидаги ривожини кўришга имкон яратди. Танловнинг камчиликларидан бири унинг географик жиҳатдан тор доирада чекланиб қолганлиги бўлди. Бу пайтда барча ўқув даргоҳларида дамли чолғулар синфлари шаклланиб бўлган бўлса ҳам Наманган, Самарқанд ва Фарғона мусиқа билим юртларидан қатнашчилар иштирок этмади. Танлов ўтказиш тажрибаси бўлмаганлигидан қатнашчиларни нота адабиётлари билан таъминлаш ва чолғу асбобларининг ночорлиги муаммолари аён бўлди.

1969 йилда П.И.Чайковский номидаги Бутуниттифок ва халқаро танловларга тайёргарлик муносабати билан Тошкентда ёш созанда ижрочиларнинг Республика танлови ўтказилди. Унда 117 ижрочи қатнашди, шулардан 44 чолғучи дамли чолғулар ижрочилари бўлиб, асосан консерватория талабаларидан иборат эди. Бу танловда биринчи ўринни Ўзбекистон давлат цирки оркестри флейтачиси Р.Шевнин ва филармония оркестри солисти трубочи В.Веригин эгалладилар. Ҳайъат жўрнавотлардан В.Н.Фадеева ва Э.А.Космодемьянскаяларнинг ишларини алоҳида инобатга олиб дипломлар билан тақдирлади.

1972 йили Фарғонада ўтказилган биринчи Республика танловидан бошлаб ўрта махсус билим юртлари ўқувчи ёшлари ўртасида бундай танлов ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши келишиб олинди. Аммо бу танловда дамли чолғулар ижрочилари қатнашмади. Лекин 1974 йили Наманганда ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ташкил қилинганлигининг 50 йиллигига бағишланган иккинчи Республика танловида 57 нафар қатнашчи иштирок этди. Жумладан Самарқанд, Термиз, Урганч, Нукус ва бошқа мусиқа билим юртлари ҳам ўз ўқувчилари санъатини намойиш этдилар. Танловнинг иккинчи босқичига 27 ижрочи ўтган бўлиб, унда барча мутахассисликлар бўйича иқтидорли ёшлар кашф этилди. Биринчи ўрин ғолиблари асосан Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ўқувчилари эди. Булар флейтачи В.Осадчук (Х.И.Исақов синфи), кларнетчи А.Шаломеев (Л.Сухов синфи), трубочи Д.Кучмий (У.Абдуллаев синфи) ва бошқалар бўлган.

Танловда кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ қатор муаммолар юзага чиқди. Яъни ўқитиш методикасини яхшилаш (айниқса бошланғич бўғинда) ва кейинги танловларни уч босқичли қилиб ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Кейинги IV – танлов Бухорода (1976), V – танлов Наманганда (1978) бўлиб ўтган танловлар дамли чолғулар ижрочиличининг анча ўсганлигини кўрсатди. Ушбу танловларда хорижий ва рус композиторлари асарлари билан биргаликда ўзбек композиторларидан А.Козловский, Г.Мушель, С.Бобоев, С.Жалил асарлари ҳам чалинди. VI – Республика танлови 1980 йили Нукусда

ўтказилди. Унда 53 нафар созанда қатнашди. Бу танловнинг ижро дастурлари анча мураккаб бўлиб, унда классик, замонавий ва ўзбек композиторлари асарлари ўз аксини топган эди. Танловда Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти ўқувчиси, флейтачи Д.Жихарев (Х.И.Исаков синфи), В.Успенский номли РЎМММИдан трубачи Ш.Нурмухамедов (В.Пўлатов синфи) ва бошқалар совринли ўринларни қўлга киритдилар. Бу танлов жойлардаги мусиқа билим юртларида мутахассислар тайёрлаш даражасини кўтариш зарурлигини кўрсатди.

1982 йили VII – Республика танлови Самарқандда бўлиб ўтди. Бунда тўққизта ўқув юртидан 66 нафар қатнашчи иштирок этди. Бу танловда Бухоро, Термиз, Қўқон, Нукус ва Қарши мусиқа билим юртларидан вакиллар қатнашмади. Танлов якунида кадрлар тайёрлашнинг муҳим масалалари тўғрисида маслаҳатлашиб олинди.

1984 йили VIII – Республика танлови Бухорода бўлиб ўтди. Унда 8 та ўқув юртидан 62 ижрочи 9 та ихтисослик бўйича қатнашди.

1986 йили IX Республика танлови Андижонда бўлиб ўтди ва унда 8 та мутахассислик бўйича 56 ижрочи қатнашди.

1988 йили X Республика танлови Наманган мусиқа билим юртида ўтказилди.

1990 йили X Республика танлови Қарши шаҳрида ўтказилди.

Республика танловларининг ўтказилишини дамли чолғулар ижрочилари учун аҳамияти жуда катта бўлиб, ўтказилган ҳар бир танлов кейинги ўқиш ва ижодий ишга катта туртки бўлар эди. Шунингдек, бу танловлар Республика даражасида саралаш ва тажриба алмашилиш мезони сифатида ҳам хизмат қилар эди.

Ўзбекистонлик ижрочиларни бутуниттифоқ ва халқаро танловларга саралаш босқичларида иштирок этишлари эса катта жиддий синовлардан бири бўлиб, улар 60 йилларга келиб бутуниттифоқ танловларида қатнашиш даражасига етдилар. Аниқроғи 1963 йили Ленинградда ўтказилган бутуниттифоқ танловида Ўзбекистондан 5 нафар қатнашчи, яъни консерватория талабалари флейтачилар Р.Шевнин, Х.Исхақов, трубачилар В.Веригин, В.Кучеров, тромбончи Г.Вергилесовлар бор эди. Танлов дастури анча мураккаб бўлиб, ундан Ғарбий Европа классиклари ва замонавий композиторларнинг йирик шаклдаги асарлари ўрин олган эди. Ушбу танловда В.Веригин (В.Пўлатов синфи) анча муваффақиятли чиқди ва фахрли диплом билан тақдирланди. Бу Тошкент консерваторияси дамли чолғулар ижрочилиги кафедраси талабасининг бутуниттифоқ танловидаги биринчи муваффақияти бўлиб, бу эса Республикада мазкур соҳадаги ижрочиликнинг янада ўсишига бир туртки бўлди.

1970 йили Тошкент консерваториясининг талабаси гобойчи Е.Гольдвехт (В.Л.Мелкомини синфи), кларнетчи Б.Салихов (К.А.Азимов синфи), фаготчи Қ.Бердиев (П.Беляков синфи) биринчи марта «Прага баҳори» номли Чехияда ўтказиладиган халқаро танловда қатнашиш учун бутуниттифоқ саралаш турларида қатнашишди. 1974 йилда ҳам худди шундай сараловчи турда яна Б.Салихов, Қ.Бердиев ва Э.Ғабитов билан биргаликда трубачи Қ.Мухиддинов

ҳам қатнашди. Уларнинг дастурларидан кўпгина мураккаб куйлар билан биргаликда Чех композиторларининг йирик асарлари ҳам ўрин олган эди.

1977 йили Бутуниттифок сараловчи турига наинки Ўзбекистон балки, бутун Ўрта Осиёдан 9 нафар қатнашчи иштирок этди. Булар Тошкент консерваторияси талабалари флейтачилар: А.Сайфуллаев, Н.Рамазанов, Ю.Шербанюк (А.Малкеев синфи), фаготчи С.Турсунов (П.Беляков синфи), филармония симфоник оркестри солисти, флейтачи Р.Сулейманов, Алишер Навоий номидаги опера ва балет ДАКТ оркестри солисти, фаготчи Э.Габитовлар иштирок этдилар. Саралаш тури жюри ҳайъати таркибида А.В.Малкеев бор эди. Ўзбекистонлик созандалар саралашнинг биринчи босқичида ўртача кўрсаткичларни намоиш этдилар ва 22 созандадан 5 ижрочи 2 чи босқичга ўтди. Уларнинг ичида флейтачи Н.Рамазанов ҳам бор эди.

80 йилларга келиб Ўзбекистон дамли чолғулар ижрочилиги бутуниттифок доирасига чиқди. Бунга 1979 йили Минскда бўлиб ўтган III – бутуниттифок танловида ёш созандаларнинг қатнашиши бўлди. Бу воқеа Ленинград танловидан 16 йил ўтгандан кейин ёш созандалар ўз санъатини намоиш этганликлари натижасида рўй берди. Бунда асосан ёғочли дамли чолғулар ижрочилари иштирок этди. Танловнинг жюри ҳайъати таркибига дамли чолғуларнинг таниқли ижрочилари кирган бўлиб, раис К.Х.Хачатурян, аъзолари: Ю.А.Гостевский, Х.Р.Алтаров, В.С.Антонов, Ю.Н.Должиков, И.П.Мозговенко, П.В.Пушечников ва бошқалар бор эди. Танловнинг биринчи босқичида 131 қатнашчи, иккинчи босқичида 62, учинчи босқичда 22 киши иштирок этди. Бу танловда Ўзбекистондан 7 ижрочи 3 жўрнавоз қатнашди. Иккинчи босқичга Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ўқувчиси фаготчи Р.Камальдинов (П.Беляков синфи) ўтди. Ўзбекистонлик созандаларнинг бу танловдаги муваффақиятсизликларининг сабаби тайёргарлик учун етарли вақт бўлмаганлиги ва тажрибасизлиги билан изоҳланади.

1980 йилда Таллинда бўлиб ўтган мисли дамли ва зарбли чолғулар танлови Ўзбекистонликлар учун қулай келди. Танловнинг жюри ҳайъати раиси А.А.Нестеров эди. Биринчи турда 113 киши қатнашди. Ўзбекистон вакиллари асосан консерватория талабалари бўлиб, булар: валторначи Ш.Лутфирахманов (Р.Р.Сафаров синфи), трубачилар И.Гадаев, В.Будюков, Т.Давлетшаев (В.Ф.Пўлатов синфи), филармония симфоник оркестри солисти Р.Шагимарданов, Р.Нигматуллин (Т.Фазилов синфи), зарбли чолғулар Э.Қаюмов, Т.Исаков (Ю.Качурин синфи) шулар жумласидандир. Танловнинг иккинчи босқичига 9 кишидан 5 нафари ўтди. Булар Ш.Лутфирахманов, И.Гадаев, Р.Шагимарданов, Н.Нигматуллин, Т.Исаковлар эди. Учинчи босқичга эса фақат Ш.Лутфирахманов ва Т.Исаковлар ўтишди ва бу турда Ш.Лутфирахманов III – ўрин, Т.Исаков эса танлов дипломанти бўлдилар. Жўрнавозлардан Т.Контуашвили, В.Фадеева ва Г.Ғуломовалар ҳам танлов дипломлари билан тақдирландилар.

1983 йили ёғоч дамли чолғу ижрочилари IV – бутуниттифок танлови ўтказилди. Бунда 159 киши қатнашди ва Ўзбекистондан 7 нафар созанда: флейтачи А.Елисеев (А.Малкеев синфи), гобой С.Халиқов, М.Мухамедов (В.Л.Мелкомини синфи), кларнет С.Антошкин ва Б.Рискиев (Б.Муртазаев

синфи), фагот Р.Зиятдинов, И.Глотев (П.Беляков синфи) шулар жумласидандир.

1984 йили Олма-Ота шаҳрида мис дамли чолғулар халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан 10 нафар ижрочи, яъни консерватория талабалари билан биргаликда Гулистон мусиқа билим юрти ўқитувчиси, валторначи Б.Драгин ва Н.Нигматуллин, Самарқанд мусиқа билим юрти ўқувчиси С.Мурадасилов (Б.М.Бельский синфи) қатнашдилар. Танловнинг иккинчи босқичига валторначи Ю.Максимов (Р.Сафаров синфи), трубачи А.Артаманов (В.Пўлатов синфи), тромбончи Б.Исабеков (Г.Вегилесов синфи), тубачи Н.Нигматуллин, зарбли чолғулар А.Миронов (Ю.Качурин синфи) ўтдилар ва маданият ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Бу танловда биринчи марта Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан мусиқа билим юртлирининг ёш ўқитувчиларининг иштирок этганликлари билан аҳамиятлидир.

Умуман олиб қараганда Ўзбекистонлик дамли чолғулар ижрочиларини бутуниттифоқ танловлари ва халқаро саралаш турларида қатнашишлари шуни кўрсатадики, бундай танловларда қатнашиш учун тайёргарликни бошланғич мусиқа мактабидан бошлаш ва танловлар бўйича тажриба тўплашга эришиш, шунингдек, бутуниттифоқ танловларида мисли дамли чолғулар ижрочилари, ёғочли дамли чолғучилардан устунроқ натижаларга эришдилар. Шу сабаб ҳам ёғоч дамли чолғу ижрочилари ҳали ўз устларида анча ишлашлари зарурлигини кўрсатади.

Бутуниттифоқ танловларида қатнашиш Республика дамли чолғулар ижрочилигининг оркестр ва яккахон турларида ҳам ёш талантларни ижодий ўсишига жуда катта туртки бўлди. Ижрочилик даражасини ўсиши эса ўз навбатида Ўзбек ижрочилик жамоалари репертуарини бадиий жиҳатдан янада бойишига замин яратди. 70 йиллар охирида Ўзбекистон филармонияси симфоник оркестрининг фаолияти анча фаоллашди. Бу жамоа С.Прокофьев, Д.Шостакович, А.Хачатурян, Ж.Гершвин, П.Хиндемит, Б.Бриттен каби жаҳонга машҳур композиторлар билан биргаликда Ўзбекистон композиторларидан И.Акбаров, М.Тожиев, Ф.Янов-Яновский ва бошқаларнинг симфоник асарларини ижро қилди. 1978 йили мусиқа санъатини ривожлантириш, меҳнаткашлар орасида симфоник мусиқа тарғиботи учун Ўзбекистон давлат филармонияси симфоник жамоасига «Республикада хизмат кўрсатган жамоа» унвони берилди.

1978 йили В.Успенский номидаги РЎМММИда интернат ташкил қилиниши муносабати билан Ўзбекистоннинг барча бурчакларидан иқтидорли болаларни бу яхши шарт-шароитли интернатга жалб қилиш имконияти туғилди. Бу ерда ўқув ва тарбия ишларини директорнинг шу соҳа бўйича ўринбосари Фарғона мусиқа билим юртида етарли тажриба тўплаган Ефим Михайлович Гуляев бошқарди. Дамли чолғулар синфлари А.Малкеев, В.Пўлатов, В.Мелкомини, К.Азимов, П.Беляков, Р.Сафаров, кейинчалик Е.Гольдвехт, тромбончи Ж.Сабуров каби тажрибали ўқитувчилар ҳисобига тўлдирилди. Е.М.Гуляев эса мактабда дамли чолғулар оркестрини ташкил қилди ва у оркестр билан халқаро фестивал ва байрамларда қатнашди.

Мактаб – интернатнинг дамли чолғулар бўлими консерваторияга ўқувчилар тайёрлашнинг асосий базаси сифатида хизмат қилди. У ердаги ўқитишнинг юқори даражаси ўз самарасини берар эди. Яъни, ўқувчилар Республика танловларида совринли ўринларни эгаллар эдилар. 70 йилларга келиб мактаб дамли чолғулар бўлими янги ўқитувчилар: Н.А.Зияходжаев (гобой синфи), А.Е.Сурис, М.А.Рухалис (кларнет синфи), Н.Умаров (фагот синфи), П.Талаевский, А.Г.Зандин (туба синфи), В.Т.Казаков (тромбон синфи) кабилар билан тўлди.

Мактаб – интернатни шу давргача минг яримдан ортиқ ўқувчи битириб чиққан бўлса улар ичида фахрланса арзийдиган бутуниттифоқ ва халқаро танлов ғолибларидан В.Кривошеев, Крюковцев (Б.Я.Годесни шогирдлари), В.Тарасов, Ш.Лутфрахманов (И.Ф.Павловскийнинг шогирдлари) ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Бу даврда консерватория дамли ва забли чолғулар кафедраси фаолияти анча фаоллашди. Кафедрага янги келган ёш, ғайратли ўқитувчи Р.Р.Сафаровнинг шогирди валторначи Ш.Лутфрахманов 1980 йили Таллинда ўтказилган бутуниттифоқ танловида ғолибликни қўлга киритди ва Москвадаги катта театр оркестрига солист сифатида таклиф қилинди. Ёш ўқитувчилардан Ю.В.Качурин ҳам юқорида кўрсатилган танловга ўз шогирди Т.Исаковни тайёрлади ва у танлов дипломини қўлга киритди. Шунингдек ёш ўқитувчилардан Г.К.Вергилесов 30 ортиқ тромбончини тарбиялаб етказди.

1976 йилдан дамли ва зарбли чолғулар кафедрасини А.В.Малкеев бошқарди. Кафедранинг муҳим вазифаларидан бири ёш мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада ошириш, бу мақсад учун ўз тажриба ва билимини аямасликдан иборат эди. Бу борада кафедра жўрнавотларидан Э.А.Космодемьянская, Т.Черемухина, В.В.Золотенколар йиллар давомида сифатли кадрлар тайёрлаш ишига ўз улушларини қўшиб келдилар.

Кафедрани кўп йиллар давомида диққат-эътиборини тортиб келаётган масалалардан бири зиёли-ижодкор, созанда-шахсни тарбиялаш бўлиб, уни умумгуманитар ва умуммусиқий билим доирасини шакллантириш, мусиқий тафаккурини бойитиш, мусиқий асарни мустақил таҳлил қила олиш ва уни талқини борасида ўзига хос йўл тутиш каби сифатларни тарбиялаш кафедра олдидаги муҳим вазифалардан бўлиб келди. Бу масалани ечилиши учун аввалам бор кафедра ўқитувчиларининг концерт-ижрочилик фаолиятини ривожлантириш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ўқитувчилар ижрочилик фаолиятини Ўзбекистон давлат филармонияси симфоник оркестри, А.Навойи номидаги опера ва балет ДАКТ оркестри ва бошқа концерт ҳамда театр жамоалари оркестрларидаги ишини ўқитувчилик билан бирга қўшиб олиб борадилар.

Кафедра очилганлигининг дастлабки кунлариданок ўқитувчиларнинг бой илмий тажрибаси асосида методик тавсияномалар, йўриқномалар ва услубий ишлар ёзишга катта эътибор берила бошланди.

Кафедра ўқитувчиларидан В.Ф.Пўлатов, А.В.Малкеев, Р.Р.Сафаров, В.Л.Мелкоминилар вилоят мусиқа билим юртларига кураторлик қилиб, вақти

вакти билан жойларга чиқиб у ердаги музика билим юртларида тайёрланадиган кадрлар сифатини оширишга қўлларида келганича ёрдам бердилар.

Кафедра ўрта махсус ўқув юртлари ёш ижрочи ўқувчилари орасида ўтказиладиган Республика танлови ташаббускори ҳисобланади ва ҳар бир танлов якунида семинар ташкил қилиниб олдинда турган вазифалар, келгуси танловда ижро қилинадиган дастурлар маслаҳатлашилари ва уларни тузишда кафедра етакчи вазифасини бажарарди. Шунингдек, консерватория талабалари ўртасида виртуоз асарларни ижроси бўйича ўзаро ички танлов (синф концертлари) ташкил қилинди. Бундай тадбирларнинг барчаси келгусида ижрочилик савиясини юқори даражага кўтариш, бўлғуси бутуниттифок танловлари ва халқаро танловларга бўладиган саралаш босқичларига тайёрлаш мақсадида қилинган эди.

70 йилларда кафедра шу соҳадаги бошқа олий ўқув юртлари кафедралари билан яқин алоқалар ўрнатилиши натижасида бутуниттифок доирасига чиқиб олди. Ўзбекистонда ижрочилик санъатини юксалтиришда марказий консерваторияларнинг кўзга кўринган мутахассислари, буюк ижрочилар билан бўлган ижодий алоқалар муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Айниқса Москва консерваторияси ва Гнесинлар номидаги институт профессор-ўқитувчилари билан муҳим алоқаларни ўрнатишда В.Ф.Пўлатовнинг хизматлари катта бўлди. Шунингдек, Москва катта театри оркестри, бутуниттифок радио ва телевидение оркестри солистлари билан ҳам мунтазам алоқалар ўрнатилди. Қатор йиллар давомида В.Пўлатов Т.А.Докшицер ташаббуси билан ташкил қилинган Москвадаги санъат ходимлари марказий уйи қошидаги «Дамли чолғулар ижрочиларининг ижодий бирлашма»си ишида фаол қатнашди.

1977 йилда таниқли дамли чолғулар устоз ижрочилари М.И.Табаков ва В.Н.Цыбинлар таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантаналарда В.Ф.Пўлатов иштирок этди. Шу йили Москва ва Тошкент консерваториялари ўртасида тузилган ўзаро ижодий алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорлик шартномаси бу йўналишда янги босқични бошлаб берди. Мазкур шартнома асосида Тошкентга Москванинг кўзга кўринган мутахассислари таклиф қилинди. Улардан биринчи бўлиб келгани Москва консерваториясининг профессори, флейтачи Ю.Н.Должиков бўлиб, у Париж консерваториясида дунёга машҳур флейтачи Жан Пол Рампал раҳбарлигида малакасини ошириб қайтган эди. У консерватория талабалари ва В.Успенский номидаги РЎМММИ ўқувчилари билан машғулотлар, очик дарслар ўтказди ва «Флейтада ижро жараёнида нафас олиш маҳорати»га бағишланган маърузалар қилди. Москва консерваториясининг профессори Ю.Н.Усов ҳам Тошкентда бир неча бор бўлиб, ижрочилик тарихи ва методикасига оид маърузалар билан шаҳардаги бир қанча ўқув юртларида маърузалар қилди.



Чапдан ўнганга: В.Веригин, В.Мелкомини, Р.Сафаров, Б.Муртазоев, А.Малкеев, П.Беляков, Ю.Качурин кафедрада имтиҳон пайти 1986 йил

1986 йил 25-27 апрелда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳрида дамли чолғулар оркестрлари фестивали ўтказилди. Бу фестивалда олий ва ўрта махсус билим юртлари, турли ижодий жамоалар ва Республиканинг деярли барча вилоятлари мусиқа ва санъат билим юртларидан ҳаммаси бўлиб 15 та оркестр қатнашди.

Тошкентга келган ҳар бир оркестр жамоасининг дастури 25 апрел куни шаҳар боғларидан бирида концерт қўйиши ва 26 апрел куни шаҳарнинг катта кўчаси (ҳозирги мустақиллик майдонидан бешёғочдаги олдинги комсомол боғигача) бўйлаб марш садолари остида оркестрлар юришида қатнашиши керак эди. Бу тадбир аъло даражада бажарилди. Кейин ҳар бир оркестр Комсомол (ҳозирги Алишер Навоий) боғидаги очик саҳнада ўз концерт дастурини намойиш қилди. Бу фестивалда А.Қодирий номидаги маданият институтининг талабалар оркестри биринчи ўринни қўлга киритди ва Москвада бўлиб ўтадиган бутуниттифок оркестрлар фестивалига йўлланма олди (Дирижер ва бадий раҳбар В.И.Руденко). Ушбу фестивал тўғрисида кенг ахборот ва лавҳалар 28 апрел куни Москванинг «Время» дастури бўйича намойиш этилди.

Бу даврда дамли чолғулар ривожига ҳарбий оркестрлар ҳам ўз улушини қўшганини эътироф этиш зарур. Оркестр дирижерларидан В.Маркелов, О.В.Лебединский, В.И.Фурманов, Р.М.Петров, Л.А.Ройблат, П.Л.Макаров, Г.Терзян каби қатор устозлар Республикамизда дамли чолғулар оркестр ижрочилигига ва шогирдлар тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшганликларини айтиб ўтиш ўринли.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР ИЖРОЧИЛИГИ

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингандан кейин барча соҳалар қатори мусиқа санъатида ҳам ўзгаришлар содир бўла бошлади.

Айниқса Ўзбекистонлик ёшларнинг Халқаро танлов ва фестивалларга энди олдингидек бутуниттифоқ саралашларида қатнашиб эмас балки, тўғридан-тўғри мустақил мамлакат вакили сифатида иштирок эта бошладилар. Бундай вакиллардан бири 1992 йили Москвада бўлиб ўтган «Янги номлар» (Новые имена) халқаро танловида кларнетчи Искандар Муртазоев (Б.М.Муртазоев синфи) қатнашиб ғолиб бўлди ва ўша жамғарманинг стипендиясига муносиб кўрилди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аниқроғи 1993 йили Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш чора – тадбирлари тўғрисида»ги фармони Республика ва халқаро танловларда қатнашувчи ёшлар сони ва сифатини ошишига катта туртки бўлди. Шу фармонни қўллаб қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 157 сонли (2008 йилдан 226 сонли) Қарори чиқарилди ва унга мувофиқ халқаро танлов ғолиблари (5 чи ўрингача) ҳамда Республика танлови I ўрин ғолиблари олий ўқув юртларига тест ва ижодий имтиҳонларсиз кириш ҳуқуқига эга бўлиши кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида Мухтор Ашрафий ва Мухиддин Қори Ёқубов номидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ҳар уч йилда бир марта ўтказиладиган Республика танловларига ҳам катта эътибор қаратилди. Ушбу танловларнинг вилоят ва Республика турлари ғолиблари ўрта махсус ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилинадиган бўлди. Буларнинг барчаси иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларнинг маҳоратини адолатли баҳолаш мақсадида қилинди.

М.Ашрафий номидаги танловда жуда кам микдорда бўлса ҳам дамли чолғулар ўқувчилари қатнашмоқда.

1994 йили Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинди ва Улуғбек жамғармаси тузилиб кларнетчи И.Муртазоев мазкур жамғарманинг биринчи даражали мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек у 1995 йили Ўзбекистон Президентининг стипендиясига ҳам лойиқ деб топилди.

Бу даврда консерватория дамли ва зарбли чолғулар кафедрасини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, доцент Р.Р.Сафаров бошқарди. У ўз даврида халқаро танловларга қатнашиш имконияти туғилиб йўللар очилганлиги сабабли талабаларни халқаро танловларга тайёрлаш масаласида катта жонбозлик кўрсатди. Р.Р.Сафаров кафедрага раҳбарлик қилган даврда 1992 йили XII Республика танлови ва 1994 йили XIII Республика танловлари ўтказилди.

Мустақиллик даврига келиб узоқ ва яқин хориж атамалари пайдо бўлди ва ҳамдўстлик давлатларида ўтказиладиган танловлар ҳам халқаро номи билан

атала бошланди. Шундай танловлардан бири 1994 йили Олма-Ота шаҳрида ўтказилди. Бу дамли ва зарбли чолғулар халқаро танловида Тошкент давлат консерваторияси талабалари қатнашиб улардан: зарбли чолғулар ижрочилари А.Измайлов I ўрин, О.Полвонов II ўрин (Т.Исаков синфи), валторначи Б.Анухин II ўрин (Р.Сафаров синфи), флейтачи Э.Аблякимов III ўрин (А.Малкеев синфи), трубачилар А.Веригин III ўрин (В.Веригин синфи), И.Гарифуллин III ўрин, Б.Матниязов (В.Пўлатов синфи) танлов дипломи билан тақдирландилар. Бу кафедранинг катта ютуқларидан бири эди албатта.

Республика танловлари халқаро танловларга замин яратувчи бирдан бир омил бўлиб уларни даражаси ва сифатига катта эътибор қаратилиши зарур эди. Кафедра жамоаси буни ҳисобга олган ҳолда танловда қатнашадиган ҳар бир чолғу асбоби ижрочисининг босқичлар бўйича умумий ва мажбурий дастурини тузиб чиқар ва буни муҳокама қилгандан кейин вазирликда тасдиқдан ўтказиб жойларга тарқатилар эди. Бу анъана ҳозирги давргача сақланиб келмоқда. Республика танловларига бундай талаб қўйиш танлов нуфузини имкон қадар юқори даражада сақлаб туриш учун қилинган.

1997 йили XIV – Республика танлови Тошкентда бўлиб ўтди. Унда биринчи ўрин ғолиблари В.Успенский номидаги РЎМММИ ўқувчилари бўлиб, улар: флейта П.Дубровин, Э.Латипова (Х.Исаков синфи), гобойчи Б.Артиков (В.Л.Мелкомини синфи), Кларнетчи С.Умаров (Б.Салихов синфи), фаготчи Р.Нургалиев (С.Қодиров синфи), валторначи И.Назиров (Р.Р.Сафаров синфи), трубачи И.Каримуллин (У.Абдуллаев синфи Ҳамза номидаги мусиқа билим юртидан), Д.Повер (В.Веригин синфи), зарбли чолғулар В.Коротков (Т.Исаков синфи) ва бошқалар ғолибликни қўлган киритдилар.

1999 йили XV – Республика танлови Тошкентда ўтказилди. Бу танловда ҳам асосан В.Успенский номидаги РЎМММИ ўқувчилари ташаббусни қўлдан бермадилар ва флейта бўйича С.Заирова ва Т.Ахраров (А.Малкеев синфи), гобой А.Чванова ва И.Перфильева (В.Мелкомини синфи), кларнет А.Галимзянов, Ю. Пак (Б.Салихов синфи), М.Бойматов трубачи А.Терентьев (У.Абдуллаев синфи Ҳамза номидаги мусиқа билим юртидан), тромбончилар Ш.Каримкулов (Ж.Сабуров синфи), А.Васильев (Л.Уракова синфи) Ҳ.А.Абдурасулов номидаги Самарқанд мусиқа билим юртидан), туба Х.Серимбетов (Ж.Сабуров синфи), зарбли чолғулар А.Черномор (И.Т.Ғаниев синфи), П.Молчанов (В.Бекмурзаев синфи Бекобод мусиқа билим юртидан) кабилар биринчи ўрин ғолиблигини қўлга киритдилар.

1997 йилдан бошлаб консерваториянинг дамли ва зарбли чолғулар кафедраси мудири лавозимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Б.С.Салихов раҳбарлик қилмоқда. У ўқув юртларида кларнет синфини олиб бориш билан биргаликда 40 йилга яқин Ўзбекистон миллий симфоник оркестри (олдинги филармония симфоник оркестри)да концертмейстер лавозимида ишлаб келмоқда. Бу даврда у кафедрани янги педагог кадрлар билан тўлдиришга ҳаракат қилди. Кафедрада профессор В.Л.Мелкомини гобой ва ансамбл синфи, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Б.Ж.Матёкубов «Ижрочилик санъати тарихи», «Дамли ва зарбли чолғуларда ўқитиш услубияти» фанларини олиб бормоқда. Катта ўқитувчи

Ҳ.И.Исаков флейта синфи, катта ўқитувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Х.Сайфуллаев флейта синфи, катта ўқитувчи Р.М.Нигматов оркестр синфи, катта ўқитувчи Х.С.Қодиров фагот синфи, ўқитувчи М.М.Вафоев валторна синфи, ўқитувчи Ф.Р.Абдуллаев труба синфи, катта ўқитувчи Ж.С.Сабуров тромбон синфи, катта ўқитувчи М.Мирзакиров тромбон синфи, катта ўқитувчи Т.Ю.Фазилов туба синфи, катта ўқитувчи А.М.Измайлов зарбли чолғулар синфи, ўқитувчи С.Г.Мухамедов зарбли чолғулар синфларида ёшларга санъат сирларини ўргатмоқдалар.

1997 йилда Москвада ёш дамли чолғулар ижрочиларининг халқаро танлови ўтказилди. Унда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан созандалар қатнашиб ўз санъатларини намойиш этдилар. Ушбу нуфузли танловда консерватория талабаларидан кларнетчи С.Черемухин (Б.Салихов синфи) ва фаготчи Р.Толмачев (П.И.Беляков синфи)лар қатнашиб танлов дипломлари билан тақдирландилар.

2000 йили Санкт-Петербургда ўтказилган халқаро танловда флейтачилар П.Дубровин, Д.Варелас ва фаготчи В.Коробейниковлар қатнашиб фақат П.Дубровин танловнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Шу йили Москвада бўлиб ўтган Т.Докшицер номидаги III халқаро трубачилар фестивалида консерватория талабаси И.Каримуллин қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

2000 йили ўтказилган халқаро танловлар ичида Ўзбекистон учун энг нуфузлиси Москвада ўтказилган машҳур ижрочи, педагог С.В.Розанов номидаги кларнетчиларнинг биринчи халқаро танлови алоҳида ўрин тутди. Унда консерватория талабаси С.Умаровнинг (Б.С.Салихов синфи) II ўринни эгаллаши Ўзбекистон созандаларининг катта ютуқларидан бири бўлди.

2001 йили XVI – Республика танлови Тошкентда бўлиб ўтди. Бу танловда ҳам В.Успенский номидаги РЎМММИ ўқувчилари олдинда бўлиб, кларнет С.Умаров (Б.Салихов синфи), фагот М.Жариков (А.Абдумаликов синфи) каби ўқувчилар биринчилиқни қўлга киритдилар.

2003 йили Тошкентда ўтказилган XVII – Республика танловида ҳам асосан В.Успенский номидаги РЎМММИ ўқувчилари ғолиб деб топилди. Булар гобойчи И.Тиора (В.Л.Мелкомини синфи), кларнетчилар С.Головин(Б.Салихов синфи), Г.Борисов (С.Антошкин синфи), фагот Е.Ким (А.Абдумаликов синфи), валторна А.Эгамов (Р.Сафаров синфи), труба А.Кузмин (А.Гаджиев синфи) Ҳамза номидаги мусиқа билим юртидан), тромбон А.Тойшиев (Ж.Сабуров синфи) ва бошқалар.

2001 йили Қозоғистоннинг Остона шаҳрида дамли ва зарбли чолғу ижрочиларининг халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда Тошкент консерваторияси талабаси флейтачи П.Дубровин III ўринни эгаллади (Ҳ.Исаков синфи). Шу йили Россиянинг Толятти шаҳрида ўтказилган халқаро танловда консерватория талабалари кларнетчи А.Ғалимзянов (Б.Салихов синфи), зарбли чолғулар ижрочиси П.Молчановлар (А.М.Измайлов синфи) танлов дипломларига сазовор бўлишди.

2002 йилда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган дамли ва зарбли чолғу ижрочиларининг халқаро танловида Тошкент консерваторияси талабаси трубачи И.Каримуллин II ўринни эгаллади (Б.Матниязов синфи).

2003 йилга келиб Республикадаги барча ўрта махсус ўқув юртлари қаторида мусиқа ва санъат билим юртлари ҳам уч йиллик коллежларга айлантирилди ва ўқувчиларга бериладиган стипендия тугатилди. Бундай ечим бир томондан ўқувчиларни вақтдан самарали фойдаланишга ундаса, иккинчи томондан бошқа мутахассисликлар қатори коллежларни битказувчи кадрлар сифатига катта путур етказа бошлади. Буни ўтказилаётган Республика танловларидан ҳам билиш мумкин эди. Яъни Академик лицейларга айлантирилган олдинги 11 йиллик махсус мусиқа мактаблари (В.Успенский, Р.Глиэр номидаги ва бошқалар) ўқувчиларни мутахассисликка 12 йил ўқитсалар коллежлар ўз ўқувчиларини уч йил ичида Республика танловларига лицейчиларга тенглаштирган ҳолда олиб чиқиши зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам юқорида кўриниб турганидек кейинги йилларда Республика танловларида асосан Академик лицей (хусусан В.Успенский номидаги лицей) ўқувчилари сифати юқори деб топилиб ғолибликни қўлга киритишлари фикримизнинг далилидир.

Бозор иқтисодиёти туфайли вилоят театрларининг аҳволи, уларда оркестрларга зарурат йўқлиги, болалар мусиқа ва санъат мактабларига оналар томонидан тўланадиган пул бадалларини бирданига ошиб кетиши натижасида бу мутахассисликка қатнайдиган ўқувчилар ҳам деярли бутунлай тўхтаб қолганлиги боис вилоятлардаги мусиқа ва санъат коллежларида ҳам дамли ва зарбли чолғулар мутахассислигини тугатган кадрларга эҳтиёж йўқ даражада бўлиб қолди. Шунга қарамай тўққизинчи синфни тугатган ўқувчилар сони кўпайгани сари, айниқса 2006 йилга келиб 10 - 11 синфларни тугатилиши натижасида коллежларга ҳеч қандай танловларсиз ўқувчиларни мажбурий қабул қилиш амалга оширила бошланди. (Бунда ҳатто бошланғич мусиқа маълумоти ҳам ҳисобга олинмади. Чунки ўқишга жалб қилинмаган тўққизинчи битказган бола ўқув юртларидан четда қолиши мумкин эмас эди.) Бунинг натижасида коллеж ва лицейларни битирувчилар сони анча ошиб сифати эса пасайиб кетди ва уларни иш билан таъминлаш муаммога айланди.

Бундай аҳволни қисман ўнглаш мақсадида Х.Х.Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи қошида тўловли болалар мусиқа мактаби ташкил этилиб у ўз бағрига 200 дан ортиқ ўқувчини сиғдирди ва педагогик амалиёт дарслари шу мактаб ўқувчилари ҳисобига амалга ошириладиган бўлди. Бу ташаббус вилоятлардаги бошқа коллежларда ҳам тажрибадан ўтказилмоқда.

Коллежнинг дамли чолғулар бўлимини Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Композиторлар уюшмасининг аъзоси Р.М.Петров бошқармоқда. Бўлимда Г.Қурбанова флейта синфи, Р.И.Ҳакимбаев гобой, Б.Матёкубов ва Ж.Ражабов кларнет, И.Азаренко саксофон, Р.И.Ибрагимов ва Ю.Максимов валторна, А.А.Гаджиев ва Е.Пержановский труба, М.Мирзакиров тромбон ва туба, В.Бекмурзаев ва В.Коротков зарбли чолғулар синфларини олиб бормоқдалар.

В.А.Успенский номидаги олдинги 11 йиллик РЎМММИ ҳам РММАЛ яъни Республика махсус мусиқа академик лицейига айлантирилди. Энди унга кирган ўқувчилар 9 синфгача мактаб тизимида ва ундан кейин уч йил лицей

тизимида, ҳаммаси бўлиб 12 йил таълим оладиган бўлишди. У Республикада фортепиано, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар бўйича ижрочи созандаларни тайёрлашда етакчи ўриндаги ўқув даргоҳларидан ҳисобланади. Бу ерда тажрибали педагоглар билан бир қаторда ёш истеъдодли ўқитувчилар ҳам меҳнат қилмоқда. Ушбу лицей дамли чолғулар бўлимини бош ўқитувчи Ж.С.Собуров бошқармоқда ҳамда тромбон ва туба синфларини олиб бормоқда, флейта синфини А.Сайфуллаев, М.Матчонова, С.Заирова, гобой В.Мелкомини, Р.Рихсиев, кларнет Б.Салихов, С.В.Антошкин, фагот А.Абдумаликов, валторна М.Вафоев, труба Ш.Мардвалиев, зарбли чолғулар синфларида И.Т.Ғаниев каби мохир педагоглар ёшларга сабоқ бермоқдалар.

Шунингдек Р.Глиэр номидаги Академик лицейда ҳам дамли ва зарбли чолғулар бўлими мавжуд бўлиб, унда В.Т.Казаков бўлим бошлиғи ва тромбон синфини олиб бормоқда, Х.Юсупов флейта, Р.М.Нигматов гобой, Д.Б.Годес кларнет, Б.Исманов фагот, Ю.Я.Ниёзов валторна, С.А.Мазитов труба, О.В.Дынник труба, З.Абдуллаев, Ф.Носиров зарбли чолғулар синфларида ёшларга санъат сирларини ўргатмоқдалар.

Мустақилликни ўн йиллигига келиб мусиқа санъатига ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътибор Ўзбекистон давлат консерваторияси янги мухташам биносининг қуриб топширилиши, Навоий шаҳрида 900 ўринга мўлжаллаб қурилиб ишга туширилган маданият ва санъат коллежи ҳамда қайта қурилаётган ва тамирланаётган бошқа кўплаб коллеж ва лицей биноларининг янгидан қурилиши ва таъмирланишида ўз аксини топган деса бўлади. Шу билан бирга мустақиллик шарофати туфайли коллеж ва Академик лицейларнинг моддий техника негизлари янада мустаҳкамланмоқда. Япониянинг «УМАНА» ва бошқа чет эл фирмаларининг қимматбаҳо замонавий чолғулари ҳамда жиҳозлари билан таъминланганлиги ва бунга давлат томонидан жуда катта маблағ сарфланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳозирги даврда жаҳон андозаларига мос ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий адабиётлар яратилди ва яратилмоқда. Бунинг натижасида кўпчилик ёшларимиз халқаро танловларда мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз шарофатидан эканлиги шубҳасиздир.

Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Республика Президенти И.А.Каримовнинг мусиқа санъатига эътибори ва ғамхўрлиги, айниқса Ўзбекистон давлат консерваториясининг мухташам биноси қурилиб фойдаланишга топширилгандан кейин ва янги бино замонавий чет эл қимматбаҳо чолғу асбоблари ҳамда жиҳозлари билан таъминлангандан сўнг унда таълим оладиган ҳар бир талаба ва ишлайдиган профессор ўқитувчи учун катта маъсулият ҳиссини пайдо қилди. Натижада Республика ва халқаро танловларига янада қунт билан тайёргарлик жадал суръатларда давом этди.

2004 йили Қозғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган дамли ва зарбли чолғу ижрочиларининг халқаро танловида Тошкент консерваторияси талабаларидан зарбли чолғулар ижрочилари А.Кабдурахманов, У.Махмудов

С.Борисевичларнинг учаласига ҳам ансамбл ижрочилиги бўйича III ўрин насиб қилди. Шу йили Польшанинг Варшава шаҳрида ўтказилган халқаро танловда зарбли чолғулар ижрочиси А.Кабдурахманов IV ўринни эгаллади. Бундай танлов Остонада 2005 йили ҳам ўтказилди ва унда консерватория талабаси трубаачи С.Қосимов қатнашиб танлов дипломига сазовор бўлди.

2005 йилиги Республика танлови Тошкентда ўтказилди ва бунда флейтачи А.Скоролетова (В.В.Яковлева синфи), гобой Н.Адилов (интернат), кларнет Д.Бабин (Б.Салихов синфи), фагот Д.Султанбеков (А.Абдумаликов синфи), валторна Д.Петрунин (М.Вафоев синфи), зарбли чолғулар Ж.Рихсиев (И.Т.Ғаниев синфи) кабилар биринчи ўрин ғолиби деб топилдилар.

Юқорида кўриб чиққанимиздек XX асрнинг 70-80 йилларида халқаро танловларда кўпинча консерваторияни тугатган ва ижодий жамоаларда фаолият кўрсатаётган мис дамли чолғулар ижрочилари қатнашган ва бир мунча муваффақиятга эришган бўлсалар, XXI асрга келиб асосан барча турдаги дамли ва зарбли чолғулар ижрочилари ва айниқса консерватория талабалари ва ҳатто В.Успенский номидаги Академик лицей ўқувчилари иштирокини кўрамиз. Бундан ижрочилар тобора яшариб бораётир деган хулосага келиш мумкин. Бунинг далили сифатида мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонлик ёш ижрочиларнинг халқаро миқёсдаги танловларда қатнашиши ва уларда ғолибликни қўлга киритишлари. 2001 йили «Ўзбекистон» нашриёти томонидан нашр этилган «XXI АСР: ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ» ва 2002 йили чоп қилинган «ИСТИҚЛОЛ ҒУНЧАЛАРИ» китобларида халқаро танловлар ғолиблари кларнетчилар Искандар Муртазаев (Б.Муртазаев синфи) ва Станислав Умаров (Б.Салихов синфи)ларнинг расмлари билан ҳаёти ва ижодлари акс этган.

Ўзбекистон давлат консерваторияси мустақиллик йилларида маданият ва санъат соҳасида чет эллар билан ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлади. Муסיкий ижрочилик йўналиши бўйича хориждан келган талабалар фортепиано, академик хонандалик, композиторлик, анъанавий хонандалик, дамли чолғулар ва бошқа мутахассисликлари бўйича консерваториянинг етакчи профессор-ўқитувчиларида таҳсил олмоқдалар.



*Дамли ва зарбли чолгулар кафедрасининг мудир профессор Б.С.Салихов
Жанубий Кореялик талаба Че Ханна билан машғулот ўтказмоқда.*

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дамли ва зарбли чолгулар ижрочилик санъатини ривожлантиришда кўпгина созандалар ўзларининг катта ҳиссасини қўшдилар. Натижада уларнинг меҳнати инобатга олиниб ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирландилар ва Ўзбекистон мусиқий ижрочилигида етакчи санъаткорлар қаторидан ўрин эгалладилар. Бу устоз созандалар номларини келтириб ўтамиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Усмон Ризоқулов (кларнет), профессор, Василий Федорович Пўлатов (труба), профессор, Аркадий Вениаминович Малкеев (флейта), профессор, Радик Рашидович Сафаров (валторна), профессор, Баҳодир Собирович Салихов (кларнет), профессор, Борис Наумович Гусаков (гобой), Иван Иванович Есин (кларнет), Аванес Асатурич Каракадаев (флейта), Петр Иванович Беяков (фагот), Геннадий Константинович Вергилесов (тромбон), Виктор Александрович Веригин (труба), Обид Мирзаев (валторна), Рустем Маметович Ибрагимов (гобой), Ибрагим Рашидов (тромбон), Юнус Алиевич Гульзаров (кларнет-саксофон), Алишер Ҳамидуллаевич Сайфуллаев (флейта), Нодир

Салиев (кларнет), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор Виталий Львович Мелкомини (гобой) каби устозлар шулар жумласидандир.



Ўзбекистон Давлат консерваторияси дамли ва зарбли чолгулар кафедрасининг профессор – ўқитувчилари биринчи қатор: Ж.С.Сабуров, Б.С.Салихов, В.Л.Мелкомини, Х.И.Исаков, А.Х.Сайфуллаев,

иккинчи қатор: Ф.Р.Абдуллаев, А.М.Измайлов, М.М.Вафоев, Б.Ж.Матёқубов, М.Мирзокиров, Х.С.Қодиров

Дамли чолгулар ижрочилигини ривожлантиришда Ўзбекистон мудофа вазирлигининг (олдинги Туркистон харбий округи) Штаб оркестри, Тошкент умумқўшин олий командирлар тайёрлаш билим юрти ва Ички ишлар вазирлиги намунали оркестрларининг фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги даврда Республикадаги шу ва бошқа оркестрларда олий ўқув юртлари ва коллежларни тугатган ёш мутахассислар муддатли ва шартнома асосида хизмат қилмоқдалар.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. XXаср охири ва XXI аср бошларида дамли чолгулар ижрочилигининг ривожини қандай бўлган ?*
- 2. Республика дамли чолгулар ижрочилари танловлари ҳақида нималарни биласиз ?*
- 3. Танлов ғолибларига бериладиган имтиёзлар ҳақида нималарни биласиз?*

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР УЧУН ЁЗГАН АСАРЛАРИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАШР ҚИЛИНГАН ДАРСЛИК, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА, ТЎПЛАМ ВА НОТА АДАБИЁТЛАРИНИНГ ШАРҲИ

Ўзбек композиторлари дамли ва зарбли чолғулар учун асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин ижод қила бошладилар. Бунга шу ерда таълим олган ва етишиб чиққан ёш композиторлар қўл урдилар. Шулардан Г.Мушелнинг флейта ва фортепиано учун соната (1948), С.Бобоевнинг кларнет ва фортепиано учун рапсодияси (1948), Ф.Назаровнинг кларнет ва фортепиано учун сюитаси (1949), Г.Мушелнинг флейта учун “Арабеска”, труба учун “Байрам марши”, тромбон учун “Қаҳрамонона монолог”, валторна учун “Сўзсиз қўшиқ”, труба учун “Лирик мунозара” ва бошқа асарларни намуна қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, кейинги йилларда дамли чолғуларнинг ҳар бири учун алоҳида асарлар ёзган композиторлардан флейта учун Ҳ.Раҳимов «Туркча фантазия», гобой С.Абрамова «Рақс», Т.Қурбонов «Рондо», М.Бафоев «Концерт», А.Ҳошимов «Рақс», кларнет учун Б.Зейдман кларнет ва флейта учун концерт, П.Халиков «Скерцо», «Концертино», Ф.Янов-Яновский «Монолог», М.Бафоев «Лирик ҳикоя», А.Ҳошимов «Афсона», А.Эргашев «Шарқ каприччиоси», фагот учун С.Жалилнинг «Юмореска», валторна учун Б.Гиенко «Романс», «Оқшом куйи», А.Варелас «Баллада», Ф.Назаров «Рақс», «Алла», труба учун Д.Сайдаминова учта пьеса, С.Карим-Ҳожи биринчи ва иккинчи концертлар, П.Холиков «Скерцо», Қ.Раҳимов «Скерцо», А.Набиев «труба учун пьесалар», тромбон учун П.Халиков «Концерт», Т.Қурбонов «Рондо», А.Варелас «Мелодия», Ф.Янов-Яновский «Ламент», А.Султанов «Ҳаёт», А.Набиев тўққизта пьесалар, Ҳ.Раҳимов «Токката», Н.Норхўжаев пьесалар, С.Мансуров–Ковриенко «Қачки летят», «Романс», М.Махмудовнинг иккита тромбон ва литавралар учун «Прелюдия-таккато», труба учун А.Берлин «Вальс», зарбли чолғулар учун М.Бафоев «Концерт» каби асарлар яратилган.

Юқоридаги композиторлардан А.Ф.Козловскийнинг флейта ва фортепиано учун «Иволга», Ф.Янов-Яновскийнинг «Вальс», В.Сапаровнинг «Афсона», С.Абрамованинг гобой ва фортепиано учун «Тожиқча рақс», С.Бобоевнинг кларнет ва фортепиано учун рапсодияси, Т.Қурбоновнинг «Импровизация», ва «Речитатив»и жамланган «Пьесў композиторов Узбекистана для деревянных духовых инструментов в сопровождении фортепиано» номли тўплами (тузувчи А.Малкеев) 1985 йили Ғ.Ғулом нашретида босмадан чиқди.

Мустақиллик даврида ёш композиторлардан А.Эргашев, М.Отажонов, А.Ҳошимов, Қ.Раҳимов ва бошқалар дамли чолғулар учун асарлар яратдилар. Улардан баъзиларининг асарлари Виталий Львович Мелкоминининг «Начальная школа обучения игре на гобое и блокфлейте». (Изд-во Г.Ғулям. Т., 2002 г.) (блокфлейта, гобой мутахассисликлари ва педагогика амалиёти фанлари учун мўлжалланган). Б.С.Солиҳовнинг Ўзбекистон композиторлари томонидан кларнет ва фортепиано учун ёзилган асарларидан ташкил топган «Кларнет» номли (2002 йили нашрдан чиқди) дарслиги ҳамда Б.Матёкубовнинг

«Муҳаббат». Кларнет ва фортепиано учун тўртта хоразмча ракс. (Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази. Т., 2002 й.), ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган. Шунингдек илмий методика соҳасида Б.Матёкубовнинг Коллеж, академик лицейлар ва консерватория ўқувчи ва талабалари учун «Damli va zarbli cholg'ularda chalishni o'rgatish uslubi» Т., 2004 й. Р.М.Петровнинг «Школа коллективной игры для духового оркестра» (Т., «Ўқитувчи» 2004 й.) Р.М.Петров ва Б.Матёкубовларнинг «Чолғушунослик ва Чолғулаштириш» (Т., «Турон-Иқбол» нашриёти 2006 й.) фанларидан рисола ва қўлланмалар босмадан чиқди.

2007 йили Б.Салихов ва Б.Матёкубовларнинг “Ўзбекистонда дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги тарихи”, 2008 йили Б.Матёкубовнинг бакалавр босўичи талабалари учун “Дамли ва зарбли чолғуларда чалишни ўргатиш услубияти”, 2010 йили М.Мирзакировнинг “Тромбон ижрочилиги”, Равшан Нигматовнинг “Дамли чолғулар оркестри” 2011 йили Равшан Нигматовнинг “Ўзбекистонда гобой ижрочилиги амалиёти”, А.М.Измайловнинг “Зарбли чолғулар” ўқув қўлланмалари ҳам чоп этилди.

Бундай дарслик ва қўлланмалар Ўзбекистонда биринчи бора нашр этилган бўлиб, бу ҳам бўлса «Таълим ҳақидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида амалга оширилган муҳим юмушлардан бири бўлди.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Мустақиллик йилларида дамли чолғулар учун чоп қилинган ўқув қўлланма, дарслик ва адабиётларни биласизми ?

ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР АНСАМБЛЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲИ

Жамоа бўлиб чалиш қадим-қадимдан барча халқларда созандалар учун одат сифатида шаклланган. Хусусан очик ҳавода даста (қўш, ансамбл) бўлиб дамли ва зарбли чолғуларда ижро қилиш тингловчига завқ-шавқ бағишлаган.

Оврупа дамли чолғуларининг ансамбл ижрочилиги ўзига хос тарихий ва бой анъаналарга эга. Унга ҳар-хил даврда яшаб ўтган турли оқим ва ижодий йўналишларга мансуб композиторлар ўз эътиборини қаратганлар ва асарлар ёзганлар.

Ўзбекистонда айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин дамли чолғулар ансамбл ижрочилигига кенг эътибор берилди. Ўзбекистон композиторлари опера, балет ва бошқа йирик асарлар билан биргаликда ансамбллар учун қатор асарлар ижод қилдилар. Уларнинг ансамблга ёзилган асарларини тўплаш ва нашр қилиш ишлари саксонинчи йилларга келиб амалга оша бошлади. Шулардан Р.Р.Сафаровнинг Ўзбекистон композиторларининг дамли чолғулар ансамбллари учун асарлар тўпламига

(Произведения композиторов Узбекистана для ансамблей духовых инструментов. Партитура. Изд. Г.Гулям. Т., 1988.г) уч авлод композиторлари: Б.Зейдман(1908-1981), Б.Гиенко (1917-2000), Г.Мушель (1908-1983),

Т.Қурбонов (1936-2002), А.Варелас (1950), Н.Ғиёсов (1956)ларнинг асарлари киритилган. Бу китобдаги камер асарларида дамли чолғуларнинг деярли барчаси қамраб олинган.

Шулардан энг кўзга кўринганлари Г.Мушельнинг гобой, кларнет ва фагот учун ля минор ва си бемоль мажор иккита «Прелюдия ва фуга»ларидир. Бунда гобой, кларнет ва фагот товушларининг бир-бирига ҳамоҳанг қуйилиб келишида табиат манзаралари ўзига хос полифоник тилда баён этилади.

Ёш композитор Н.Ғиёсовнинг флейта, кларнет ва фагот учун ёзилган «Трио» асари ҳам тўпламга киритилган бўлиб, у чолғу ижрочиларидан юксак виртуоз техник маҳорат талаб этади. А.Вареласнинг труба, иккита валторна ва тромбон учун «Пьеса»си оддий тилда ёзилган. У ансамбл ижрочилигини энди бошловчи созандаларга мўлжалланган.

Б.Зейдманнинг труба, иккита валторна ва тромбон учун «Марш», «Қўшиқ», «Рақс» асарлари миллий оҳанглар таъсирида ёзилган.

Б.Гиенко труба, валторна, тромбон ва туба учун «Прелюдия», икки труба, икки валторна, ва икки тромбон учун «Рақс», икки труба, икки валторна, икки тромбон ва туба учун «Романс», уч труба, икки тромбон ва туба учун «Бурлеска» асарларида мис дамли чолғулари товушларининг бир-бири билан мутаносиблигини турли таркибларда қўллаган ҳолда ўзига хос ансамбллар яратган.

Т.Қурбонов ўзининг труба, валторна, тромбон ва литавра учун ёзилган «Речитатив» асарида ҳар бир созанда олдида ўз чолғусида юксак маҳорат билан чалиш талабини қўяди. Асар замонавий услубда ёзилган.

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, узоқ йиллардан буён шу даргоҳда камер ансамбли синфи машғулотларини олиб бораётган устоз В.Л.Мелкомини томонидан Ўзбекистон композиторларининг ёғоч дамли чолғулар учун ёзган камер асарлари тўпламидан (Камернўе произведения композиторов Узбекистана для деревянных духовых инструментов. Рукопись. 1987 г. Лич.Архив В.Л.Мелкомини) бир қанча асарлар ўрин олган бўлиб, шулардан кўзга кўринганлари Г.А.Мушелнинг кларнет, фагот ва фортепиано учун «Хореографик эскизлар» номли асари мавзу жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ тўртта эскиздан ташкил топган изчил сюита тамойилларига асосланган, бундай чолғулар таркиби учун яратилган ягона асардир. Асар полифоник тилда самимий ҳис-ҳаяжон тарзида ўз мавзусининг янгилиги ва миллий оҳангларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу тўпламга А.Ф.Козловскийнинг флейта, труба, альт ва фортепиано учун «Пьеса» квартети, флейта, альт ва фортепиано учун «Интермеццо»си, флейта, кларнет ва фортепиано учун триоси, икки кларнет ва бас кларнет учун «Фуга» лари киритилган. Шунингдек, Б.И.Зейдманнинг флейта, 2 та гобой, 2 та кларнет ва фагот учун «Норим-норим ва Уфар III» деб аталувчи икки пьесаси, Ф.М.Янов-Яновскийнинг флейта пикколо, флейта, гобой, 2 кларнет, фагот, 2 та валторна, труба ва тромбон (ўнта чолғу учун) «Скерцо»си, Р.Абдуллаевнинг флейта, фагот ва фортепиано учун «Трио»си, флейта, гобой, кларнет ва альт учун ре минор, флейта, гобой, кларнет ва фагот учун ля бемоль мажор «Чархи Наво» квартетлари, ёш композитор Қ.Ҳикматовнинг флейта, гобой, кларнет ва фагот учун квартети

шулар жумласидандир. Айниқса ўтган асрнинг 70-80 йиллари консерватория талабаси бўлган иқтидорли кларнетчи С.Османовнинг флейта, гобой, кларнет ва фагот учун «Мушук товукхонага қандай тушиб қолди» (Как кошка попала в курятник) квартети ва тўртта кларнет ҳамда флейта учун «Элегия» квинтетлари ёш ижрочи, хаваскор иқтидорли композитор томонидан ўзи яратиб талаба дўстлари билан имтиҳонларда ижро қилишиб оммалашган асарлари ушбу тўплам кўлёмасидан ўрин олган.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистон композиторларининг дамли чолғулар учун ёзган асарларини айтинг.
2. Республика дамли чолғулар ижрочилари танловларида Ўзбекистон композиторлари асарларининг аҳамияти қандай?

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ СИМФОНИК ИЖОДИДА ДАМЛИ ВА ЗАРБЛИ ЧОЛЎУЛАР

Ўзбек симфонизмининг шаклланиши ва ривожланишини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи даври консерваториядаги таълим яъни ўқиш ва ўрганиш даври бўлиб, бунда профессионал амалий ва назарий билимлар ўзлаштирилади ва ижрочилик ташкилотлари учун олий маълумотли дипломли мутахассис етишиб чиқади. Шундай дипломли мутахассис учун филармония ва бошқа ташкилотларнинг очилиши, бунда концерт ижрочилик фаолиятининг юритилиши ва кўп овозлиликни миллий муҳитга сингдирилиши симфоник мусиқа тингловчиларини тайёрлашни биринчи босқичи ҳисобланади.

Иккинчи даври, Симфоник оркестр тембрида шарқ колоритини шакллантирилиши. Бу йўналишда миллий композиторларнинг биринчи устозлари, В.А.Успенский, А.Козловский, Г.Мушель, Б.Надеждин ва бошқаларнинг кўплаб уринишларини келтириш мумкин. Бу устоз композиторлар оркестрда сурнай-карнайларни тасвирлаш учун гобой, тромбон чолғуларидан фойдаланганлар. Шунингдек, доира, ноғора, қайроқларни ҳам миллий колоритни шакллантириш учун оркестр таркибига киритганлар. Бундай таркибдаги оркестрлар учун саҳнавий ва симфоник асарлар ёзганлар.

Учинчи давр эса ўзбек композиторларидан Мухтор Ашрафий ўзининг симфоник ва саҳнавий асарларида оркестр жўрлигида европа ва миллий мусиқа санъатини омукта қилган ҳолда профессионаллик даражасига кўтариш йўлини бошлаб берди. Унинг бу ишлари давомини ўша даврнинг ёш композиторларидан Р.Вильданов, М.Тожиев, М.Махмудов ва бошқа ижодкорларнинг симфоник асарларида кўриш мумкин. Шунингдек, бу композиторлар симфоник асарларида дамли чолғулардан унумли фойдаланганлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбек симфонизми ривожини неча даврга бўлинади ?

2. Ўзбек симфонизмида маҳаллий композиторларнинг биринчи устозлари кимлар?

1-Мавзу	Кириш
----------------	--------------

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Маишгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20 – 25 гача	
Маишгулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза	
Маъруза режаси	1.Фаннинг мақсад ва вазифалари. 2.Мустақилликдан кейинги таълим ислохотларида мусиқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги. 3.ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 910 сонли қарорининг мазмуни.	
<i>Ўқув маишгулотининг мақсади:</i> ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Бу фаннинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлиги, унинг ҳар бир талаба чолғу асбоби тарихи, мазкур чолғу ижрочилари ҳаёти ижоди Шунингдек, дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихи бошқа мусиқий назарий фанлардан фарқли ўлароқ мутахассислик фани билан чамбарчас боғланган ҳолда созандалар тайёрлаш сифатига бевосита таъсир кўрсатиши ва Мамлакатимиз таълим ислохотларида мусиқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги тушунтирилади.		
<i>Педагогик вазифалар:</i> •ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларга тузилмавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш; •бу фан дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихининг мутахассислик фани билан чамбар час боғлиқлиги;		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> •ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни тузилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб беради; •бу фан дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихининг мутахассислик фани билан чамбар час боғлиқлигини изоҳлайди;

Мамлакатимиз таълим ислохотларида муסיқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини амалга оширишнинг муҳим омилларини ёритиб бериш.	Мамлакатимизда таълим ислоқотларини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, соҳа ходимларининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларини ёритиб берадилар.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, суҳбат
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, аудиовизуал ускуналар
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. «Кириш» маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлар и ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1.Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдалари ва аудио материални тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради (1-илова). 1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова). 1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради (2-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
2-босқич	2.1. Power Point дастури асосида кўргазмали материаллар бўйича маъруза ўқийди (2-илова).	

Асосий босқич (55 дақиқа)	Қўлланмани изоҳлаш билан мавзу бўйича анъанавий ижрочиликнинг тарихий босқичлари ва назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Фаннинг мақсад ва вазифаларини очиб беради. 2.3. Мамлакатимиз таълим ислоқотларида мусиқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини амалга оширишнинг муҳим омилларини ёритиб беради. 2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: 1. Фаннинг мақсади нима? 2. Унинг вазифаси нимадан иборат? 3.ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 910 сонли қарорининг мазмунида нималар акс этган? 4.Мустақил мамлакатимиз таълим ислоқотларида мусиқий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлиги ўз аксини топганми?	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун Инсерт техникаси асосида ўқув материални ўрганиш вазифасини беради: (3-илова).	Саволлар берадилар. вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулоти учун 0,5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинги бўйича натижалар баҳоси:

2,0 балл - «аъло»

1,5 балл - «ЯХШИ»

1,0 балл - «кониқарли»

0,5 балл - «қониқарсиз»

2-илова

Жонлантириш учун саволлар:

1.Фаннинг максоди нима?

2. Унинг вазифаси нимадан иборат?

3. ЎЗР Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 910 сонли қарорининг мазмунида нималар акс этган?

Кўргазмали материаллар

а) Ўзбекистонда мусиқий таълим ислохотлари борасида эришилган натижалар

1. Мусиқа ва санъат коллеж ҳамда Академик лицейлари биноларининг қурилиши, таъмирланиши ва замонавий жиҳозлар билан таъминланиши.
2. 2008 й. 20-28 декабрь. Ўз Р Вазирлар Маҳкамасининг 910 – сонли “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги Қарори.

Президентимиз томонидан амалга оширилиб келинаётган йил якунлари ва келгуси йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олишдан кутилаётган ижобий жиҳатлар

1. Юқоридаги қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Мамлакатимизда қурилаётган ва таъмирланаётган БММ ҳамда БСМлар сонининг ортиб бориши. Қарорни бажариш бўйича чора-тадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигига яна бир бор баҳо бериш.
2. Йил давомида қурилган ва таъмирланган БММ, БСМларни эътироф этиш.
3. Келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш.
4. Соҳа тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мусиқа ва санъат коллежлари, БММ, БСМлар салоҳиятни ўрганган ҳолда соҳа истиқболини прогноз қилиш ва бошқалар.

лова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди; ўқув маълумотининг мустақил

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар; Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:
V - ҳақидаги билимларимга жавоб беради;
«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
+ - янги маълумотлар
? – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қиладиган)

Инсерт жадвали

V	+	-	?
Чолғуларнинг келиб чиқиши ҳақида диний ривоятлар			
ЎзР ВМнинг 910 қарори			
Зарбли чолғулар пайдо бўлишининг сабаби			
Дамли чолғулар пайдо бўлишининг сабаби			

2.1. Таълим бериш технологиясининг модели


Маишгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20 – 25 гача	
Маишгулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза	
Маъруза режаси	11. Тош асри – палеолит, мелоддан олдинги 80 минг 12 минг йилликлар 12. Бу асрда дамли чолғуларнинг уч тури бўлганлиги 13. Қадимда най-флейталарнинг турлари. 14. Ибтидоий жамоа тузуми даврида дамли ва зарбли чолғулардан фойдаланиш мақсадлари. 15. Бу даврда созандаларнинг мавқеъи. 16. Қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Римда фойдаланилган чолғулар.	
Ўқув маишгулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Бу фан дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихининг авлодларга археологик ва ёзма манбалардан ўтиб келиши, даслаб зарбли чолғуларнинг келиб чиқиши, Тош асри – палеолит, (мелоддан олдинги 80 минг 12 минг йилликлар) даврида дамли чолғулар турлари, дамли чолғуларнинг яратилиши сабаблари, торли чолғулар яратилиши, Шарқда нағма ва куйни пиру-устози, яратувчиси тўғрисидаги ривоятлар орқали ижрочилик тарихига кириб келинади. Қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Римда фойдаланилган чолғуларга таъриф берилади. Шунингдек, дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихи бошқа мусиқий назарий фанлардан фарқли ўлароқ мутахассислик фани билан чамбарчас боғланган ҳолда созандалар тайёрлаш сифатига бевосита таъсир кўрсатиши.		
Педагогик вазифалар: • Бу фан дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихининг авлодларга археологик ва ёзма манбалардан ўтиб келиши, даслаб зарбли чолғуларнинг келиб чиқиши, дамли чолғуларнинг яратилиши сабаблари, торли чолғулар яратилиши тарихини айтиб		Ўқув фаолияти натижалари: • Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик тарихининг авлодларга археологик ва ёзма манбалардан ўтиб келиши, даслаб зарбли чолғуларнинг келиб чиқиши, миллий дамли чолғуларнинг яратилиши сабаблари, торли чолғулар яратилиши тарихини ёритиб берадилар;

ўтиш. • Тош асри – палеолит, (мелоддан олдинги 80 минг 12 минг йилликлар) даврида дамли чолғулар турлари. • нағма ва куйни пиру-устози, яратувчиси тўғрисидаги ривоятларни келтириш;	• Тош асри – палеолит, (мелоддан олдинги 80 минг 12 минг йилликлар) даврида дамли чолғулар турлари тўғрисида гапирадилар. • Нағма ва куйни пиру-устози, яратувчиси тўғрисидаги ривоятларни айтиб берадилар;
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, суҳбат
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, аудиовизуал ускуналар
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

2.2. « Ибтидоий жамоа тузуми ва қадимги дунё чолғулари» маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлар и ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргарлик босқичи.	1.Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдалари ва аудио материални тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради (1-илова). 1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.	Тинглайдилар. Тинглайдилар Талабалар

	1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова). 1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради (3-илова).	берилган саволларга жавоб берадилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури асосида кўргазмалли материаллар бўйича маъруза ўқийди (2-илова). Қўлланмани изоҳлаш билан мавзу бўйича анъанавий ижрочиликнинг тарихий босқичлари ва назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Тош асри – палеолит, (мелоддан олдинги 80 минг 12 минг йилликлар) даврида дамли чолғулар турлари тўғрисида гапирди. 2.3. Нағма ва куйни пиру-устози, яратувчиси тўғрисидаги ривоятларни айтиб берадилар; 2.3. Мамлакатимиз таълим ислоқотларида мусикий таълим-тарбия жараёнининг узлуксизлигини амалга оширишнинг муҳим омилларини ёритиб беради. 2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: 1. Дамли ва зарбли чолғулар ижрочилик санъати тарихи авлодларга қай тарзда ўтиб келган? 2. Зарбли чолғуларнинг келиб чиқишига асос бўлган омиллар нима ? 3. Дамли чолғуларнинг яратилишига қандай омиллар сабаб бўлган ? 4. Торли чолғулар қандай яратилган ? 5. Ривоятга кўра нағма ва куйни пиру-устози, яратувчиси ким ? 6. Одам сафиуллоҳга жон қандай ато этилган ?	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун Инсерт техникаси асосида ўқув материални ўрганиш вазифасини беради: (5-илова).	Саволлар берадилар. вазифани ёзиб оладилар.



Гобой, кларнет чолғуларининг ибтидоий намуналари. Тилли-тростли чолғулар.



Ансамбль. Флейтист, певцы, исполнитель на язычковом инструменте, арфист.
Древний Египет



Танец под двойной авлос. Древняя Греция

3.1.Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20 – 25 гача
Машғулот шакли	Маъруза-мулоқот
<i>Маъруза режаси</i>	1. VIII асргача дамли чолғуларнинг аҳволи. 2. Христианлик тарқалиши билан боғланганлиги. 3. Араб ва Форс ижрочилик санъатининг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсири. 4. Антик маданият тамойиллари. 5. Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъати. 6. Ўрта асрдаги чолғуларга таъриф.
7. <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Дарс бўйича умумий тушунча бериш. V асргача дамли чолғуларнинг аҳволи ва ўша даврда ҳам уч хил чолғу ту бўлганлиги, Христианлик тарқалиши билан чолғуларнинг ҳам черковга кир бориши, Араб ва Форс ижрочилик санъатининг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсири, Антик маданият тамойиллари, Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъати, Ўрта асрдаги чолғуларга таъриф бериш ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтиришдан иборат.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> а) VIII асргача дамли чолғуларнинг аҳволи, уч хил чолғу тури бўлганлигини изоҳлаш; б) Христианлик тарқалиши билан чолғуларнинг ҳам черковга кириб борганлигини тушунтириш; в) Араб ва Форс ижрочилик санъатининг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсирини айтиб ўтиш; г) Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъатини изоҳлаш; д) Ўрта асрдаги чолғуларга таъриф бериш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари (талаба):</i> а) VIII асргача дамли чолғуларнинг аҳволи, уч хил (хуштаксимон, тилли-тростли, ўрамасимон мунштукли-шоҳ-бурғу) чолғулар бўлганлигини ўрнини изоҳлайдилар; - б)Христианлик тарқалиши билан чолғуларнинг ҳам черковга кириб борганлигини тушунтирадилар; в) Араб ва Форс ижрочилик санъатининг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсирини айтадилар; г) Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъатини изоҳлайдилар; д) Ўрта асрдаги чолғуларга таъриф берадилар.

<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали, маълумотли, анжуман маъруза, жамоада ишлаш.
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий, жуфтликда ишлаш.
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, тарқатма материаллар, проектор,
<i>Таълим бериш шароити</i>	Ҳамкорликда ишлаш ва тақдимотларни амалга ошириш имконига эга бўлган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб Ёзма назорат: тест олиш.

3.2. «Ўрта асрлардаги дамли чолғулар» маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичла- ри ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргар лик босқичи	1. Мавзу бўйича ўқув материалларни, яъни тақдимот ва тарқатма материалларни тайёрлаш. 2. Талабаларни жонлантириш учун мавзу доирасида саволларни, кўргазмали схемаларни яратиш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тартиблаштириш.	

1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номини экранга чиқаради ва мазкур мавзунинг ёритишдан кутилаётган асосий натижалар тўғрисида ахборот беради. 1.2. Мавзунинг ёритиш бўйича тузилган режа саволларини намоёнига узатади. 1.3. Бугунги ўтилиши кутилаётган дарс машғулоти мулоқот тарзида бўлиши таъкидланади. Мулоқотни қандай ташкил қилиш тўғрисидаги эслатмани экранга чиқаради (1-Илова). 1.3. «Ақлий ҳужум» методи орқали талабаларни фаоллаштиради. Берилган саволга ўйлаб жавоб беришни таклиф қилади (жавоблар 1-2 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади): <i>“Араб ва Форс ижрочилик санъатининг Ғарбий Европа мусиқа маданияти ривожига таъсир қилганини бўлганлигини биласизми?”</i> Бир талабага жавобларни доскада ёзиб беришни таклиф қилади. Бунинг учун 10 минутча вақт ажратилади. Вақт пайонига етгандан сўнг фикр билдиришлар тўхтатилади ва жавоблар таҳлил қилинади.	Тинглайдилар Кўчириб оладилар. Тинглайдилар ва мулоқот қоидалари билан танишадилар Жуфтликларга бўлинадилар, ўйлайдилар, муҳокама қиладилар ва саволларга жавоб берадилар. Фаол қатнашиб, жавоб вариантларини кетма-кет айтиб борадилар
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. VIII асргача дамли чолғуларнинг аҳволи, уч хил чолғу тури бўлганлигини изоҳлайди; 2.2.Христианлик тарқалиши билан чолғуларнинг ҳам черковга кириб борганлигини тушунтиради. г) Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъатини изоҳлайди. д) Ўрта асрдаги чолғуларга таъриф беради ва слайдлар орқали намоёнига этади. 2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: 1. VIII асргача дамли чолғуларнинг аҳволи тўғрисида нима биласиз? 2.Христианлик тарқалиши билан қандай чолғулар черковга жалб қилинган? 3.Кўча - саёқ созандалари, жонглерлар санъати ҳақида нима биласиз? 8. Ўрта асрдаги чолғуларга таърифлай оласизми?	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар, ёзадилар.

3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради ва умумий хулосалар ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш;	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Халқ ичидаги монстрел ва жонглер созандадар. Уларнинг флейта, труба, гобойсимон рог ва бошқа чолғулари. Уларнинг санъатида маҳорат ва профессионализм кўринишлари.





Мулоқотга иштирок этувчиларга эслатма!

- a) Мулоқот муаммони ечишга қаратилган усулдир.
- b) Гапираётганда ўзоқ сўйлама, бошқалар ҳам ўз фикрларини баён этишларини унутма.
- c) Ҳиссиётни жиловлаган ҳолда фикрингни шундай жамлаб айтки, у мурод нишонига тегсин.
- d) Мухолифатингни сўзларини ҳурмат билан тингла.
- e) Муносабатингни аниқ билдиргин ва фикрлар такрорланишига йўл қўйма!
- f) Ўз билимдонлигинг, иқтидоринг ва заковатингни кўрсатиш учун сўйлама, балки мунозара мавзуси доирасида сўз юритгин.
- g) Фикрингни қабул қилишлари ва уни маъқул топишлари учун курашгин!

Мавзунини ўзлаштиришнинг бешта таянч даврлари

Зарбли чолғулар ибтидоий даврда қандай мақсадлар учун ихтиро қилинганлиги


Қадимги одам нима учун инсон овозидан кучли товуш берадиган дамли чолғуларни ўйлаб топганлиги.

“Тош (Палеолит) асри” ва ўша даврда ҳам уч хил чолғу тури бўлганлиги.

Қадимги дунёда созандаларнинг тутган мавқеи

Чолғуларнинг тарқалиши ва ривожланишида Христианлик ва Черковнинг роли

Ўрта аср дамли чолғулари: флейталар, труба, тромбон, (охотничий рог) овчилар бурғуси. Икки тилли (тростли) чолғулар: шалмей, поммер ва бомбардлар. Мазкур чолғуларнинг дискант, сопрано, альт, тенор, баритон ва бас турларга ажратилиши.



4-Мавзу	Уйғониш даври дамли чолғулари
---------	-------------------------------

4.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот соат	вақти-2	Талабалар сони: 20 – 25 гача
---------------	---------	------------------------------

Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустахкамлаш юзасидан семинар
<i>Амалий машғулот режаси</i>	8. Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даври. 9. XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданияти. 10. Бу даврда чолғуларнинг турлари. 11. Сарой ансамбллари ва уларнинг таркиби. 12. Дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторлар. 13. Ўша даврда ёғочдан ясалган дамли чолғулар оиласи.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича умумий тушунча бериш. Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даврининг XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданиятига қриб келганлиги ва бу даврда чолғуларнинг турлари, сарой ансамбллари ва уларнинг таркиби, дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторлар, ўша даврда ёғочдан ясалган дамли чолғулар оиласи ҳақида гаприлади.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даври ҳақида тушунча бериш; • XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданияти ҳақида ахборот бериш. • Бу даврда чолғуларнинг турлари ҳақида гапириш ва слайдлар кўрсатиш. • Дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторлар ҳақида гаприш. Ўша даврда ёғочдан ясалган дамли чолғулар оиласи тўғрисида ахборот бериш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даври ҳақида тушунча берадилар; • XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданияти ҳақида ахборот берадилар; • Бу даврда чолғуларнинг турлари ҳақида слайдлар кўрсатиш орқали гапирадилар • Дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторлар ҳақида гапрадилар. • Ўша даврда ёғочдан ясалган дамли чолғулар оиласи тўғрисида ахборот берадилар.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, гуруҳларда ишлаш: «кооп-кооп» техникаси
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, эксперт топшириқлари
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

4.2. “Уйғониш даври дамли чолғулари” амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёрлов босқичи	Мавзунини аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова). Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун- ёзма йўриқномаларни тайёрлайди (2-илова). Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади (3-илова).	
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақ)	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2. Мавзу бўйича сосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради (3-илова). 1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади (2-илова).	Саволларга жавоб берадилар.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради (2-илова). Слайдлар кўрсатилади (3-илова) Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида такдимот тайёрлашини айтади. 2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади (5-илова). 2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Такдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар. Фаол қатнашадилар, такдимот учун материаллар тайёрлайдилар.

	2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар такдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади. 2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.	Гуруҳдан сардор танлашади, унинг такдимотида ҳамкорлик қиладилар. Саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар.
3–Якуний босқич (20 дақиқа)	3.1. Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради. 3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади.	Тинглайдилар.

1-илова

«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ

Биргаликда ўқиш: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади. Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

«Биргаликда ўқиймиз» техникасидан фойдаланган

ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тузилади.



2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир қисми, унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – такдим этилади.



3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.



4. Ҳамма якка тартибдаги топшириқни бажаради.



5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.



6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

2-илова

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз. ёки биргаликда

3-илова

Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Макс. балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш					
		1	2	3	4	5	6
Ахборотнинг тўлиқлиги	1,0						
Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши	0,6						
Гуруҳнинг фаоллиги	0,4						
Балларнинг максимал суммаси	2						

4-илова

Билимларни фаоллаштириш учун саволлар

1. Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даври қачон бошланган?
2. XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданияти бир-бири билан боғланганми ?

3. Бу даврда чолғуларнинг қайси турлари қўлланилган ?
4. Сарой ансамбллари ва уларнинг таркибини айтинг.
5. Бас нотасини рақам билан белгиланганда қандай ўқилган ?
6. Ўша даврда дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторларни биласизми?
7. Ўша даврда ёғочдан ясалган қандай дамли чолғулар оиласи такомиллаштирилган ?

5-илова

Эксперт варағи №1

Ўқув топшириқ

Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даври ҳақида тушунча

1. Муסיқада (Ренессанс) уйғониш даврининг маъносини айтинг.
2. XIV-XV асрларда вокал ва чолғу маданияти бир-бири билан боғланганлиги нима билан изоҳланади?
3. Бу даврда чолғуларнинг қайси турлари қўлланилган ?

Эксперт варағи №2

Ўқув топшириқ

Ўша давр чолғулари ҳақидаги тасаввур


1. Бас нотасини рақам билан белгиланганда қандай ўқилган ?
2. Ўша даврда дамли чолғулар учун асарлар ёзган композиторларни биласизми?
3. Ўша даврда ёғочдан ясалган қандай дамли чолғулар оиласи такомиллаштирилган ?

XIV аср чолғулари: флейталарнинг икки тури курмгорн, бурғулар, трубалар, тромбонлар, корнет (цинк), поммер, шалмей ва бомбардалар.




Крумгорн

С картины В. Карпаччо. 1510 г.



Ансамбль.
Слева направо:
псалтериум,
трумшейт,
лютня,
труба, поммер.

*С картины
Г. Мемлинга.
XV в.*



Кривой цинк. 1600 г.





Таблица М. Преториуса.

1. Бас-сордун (внизу). Затем (слева — направо): 2. Двойной фагот. 3—4. Хорист-фагот. 5—6. Кортюли. 7. Дискант-фагот. 8—9. Ракетты



Руспфейфе

5-Мавзу	XVII АСРДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАРНИНГ ОРКЕСТР ВА КАМЕР АНСАМБЛЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ
---------	--

5.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машгулот вақти-2 соат</i>	Талабалар сони: 20 – 25 гача
<i>Машгулот шакли</i>	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар

<i>Маишулот режаси</i>	1. Опера жанрининг келиб чиқиши 2. Дастлабки опера оркестрларининг таркиби. 3. К.Монтивердининг чолғу ислоҳоти. 4. Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қўлланилган дамли чолғулар. 5. Г.Шюцнинг дамли чолғулар учун йирик асарлари. 6. Ж.Б.Люли оркестри таркибидаги чолғулар. 7. Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари.
<i>Ўқув маишулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича умумий тушунча бериш. Опера жанрининг келиб чиқиши, дастлабки опера оркестрларининг таркиби, К.Монтивердининг чолғу ислоҳоти, Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қўлланилган дамли чолғулар, Г.Шюцнинг дамли чолғулар учун йирик асарлари, Ж.Б.Люли оркестри таркибидаги чолғулар, Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари, соз ва созандалар ҳақидаги тарихий билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> а) Опера жанрининг келиб чиқиши жуда қадимий эканлигини тушунтириш; б) Дастлабки опера оркестрларининг таркиби ва мусиқа ижрочилигининг баёнини таърифлаш; в) К.Монтивердининг чолғу ислоҳоти, Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қўлланилган дамли чолғулар, Г.Шюцнинг дамли чолғулар учун йирик асарлари, Ж.Б.Люли оркестри таркибидаги чолғулар тарифларни изоҳлаш; г) Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари ҳақида айтиб бериш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> а) Опера жанрининг келиб чиқиши жуда қадимий эканлигини тушунтириб берадилар; б) Дастлабки опера оркестрларининг таркиби ва мусиқа ижрочилигининг баёнини таърифлайдилар; в) К.Монтивердининг чолғу ислоҳоти, Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қўлланилган дамли чолғулар, Г.Шюцнинг дамли чолғулар учун йирик асарлари, Ж.Б.Люли оркестри таркибидаги чолғулар тарифларни изоҳлайдилар; г) Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари ҳақида айтиб берадилар.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Суҳбат, тезкор-сўров, ФСМУ-техникаси
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, гуруҳларда ишлаш, яқка тартибли
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, эксперт топшириқлари
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

5.2. « XVII асрда дамли чолғуларнинг оркестр ва камер ансамблларда қўлланилиши» мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият боскичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди. Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.	
1. Кириш босқичи (5 дақиқа)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, уқитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади. 1.2.Гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини эълон қилади (1-илова).	Тинглайдилар.
2. Асосий босқич (50 дақиқа)	2.1.Талабаларни фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров усулини қўллайди: 2.2. Опера жанри қачон келиб чиққан? 2.3.Дастлабки опера оркестрларининг таркиби қандай бўлган? 2.4.К.Монтивердининг чолғу ислохотини айтинг? 2.5.Талабаларни 5 та кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга эксперт вазифаларини тарқатади ва уларнинг моҳияти билан таништиради. Эксперт топшириқларини «ФСМУ» техникаси асосида бажаришларини тушунтиради. (2-илова). Аввал якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда муҳокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиришни таклиф қилади. Талабалар фаолиятини назорат	Саволга жавоб берадилар. Гуруҳларга бўлинади. Якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда муҳокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиради. Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб

	қилади, йўналтиради, маслаҳат беради. Баҳолаш мезонларини эслатади. Такдимот бошланишини маълум қилади. 2.6.Бажарган ишларини такдим қилишларини сўрайди. Такдимот жараёнида талабалар фикрларини таҳлил қилади, фаол иштирокларини рағбатлантиради.	доскага илади ва такдим қилади. Танлаган фикрини асослайди. Бошқа иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради.
3. Якуний босқич (15 дақиқа)	3.1.Мавзунини умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди. 3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: Тест саволларига тайёргарлик кўриш (4-илова).	Эшитади. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

<i>Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари</i>	<i>1- гуруҳ</i>	<i>2- гуруҳ</i>	<i>3- гуруҳ</i>
Максимал балл - 2			
- савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл)			
- жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл)			
- гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл)			
- берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл)			
- регламентга риоя қилди (0,2)			
Жами: (2 балл)			

1,5 – 2 балл - «аъло»

1,0 – 1,4 балл - «яхши»

0,5 – 0,9 балл - «кониқарли»

0 - 0,4 балл - «кониқарсиз»

2-илова

Эксперт варағи №1

Опера жанри ҳақида тушунча

1. Опера жанрининг келиб чиқиши жуда қадимий эканлигини тушунтириш;

2. Ластлабки опера оркестрларининг таркиби ва мусика

Эксперт варағи №2

Ўша даврда ўтказилган чолғу ислохотлари

1. К.Монтивердининг чолғу ислохоти.
2. Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қўлланилган дамли чолғулар.
3. Ж.Б.Люли оркестри таркибидаги чолғулар тарифларни изоҳлаш;

Эксперт варағи №3

XVII асрда дамли чолғулар учун ёзилган асарлар

1. Г.Шюцнинг дамли чолғулар учун йирик асарлари.
2. Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари ҳақида айтиб бериш.

3-илова

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси ФСМУ технологияси

(Ф) – Фикрингизни баён этинг.

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ф	Фикрингизни баён этинг.
С	Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг.
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У	Фикрингизни умумлаштиринг.

4-илова

Назорат саволлари ва вазифалари:

1. Опера жанри қачон келиб чиққан?
2. Дастлабки опера оркестрларининг таркиби қандай бўлган?
3. К.Монтивердининг чолғу ислоҳотини айтинг?
4. Ф.Кавалли ва А.Честиларнинг операларида қандай дамли чолғулар қўлланилган ?
5. Г.Шюц дамли чолғулар учун қандай йирик асарлар яратган ?
6. Ж.Б.Люли оркестри таркибида қандай чолғулар бўлган ?
7. Г.Перселл оркестри ва Г.Генделнинг дастлабки сонаталари тўғрисида нималарни биласиз ?

6-Мавзу	XVIII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ КОМПОЗИТОРЛАР ИЖОДИДА ДАМЛИ ЧОЛҒУЛАР
----------------	--

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20 – 25 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби шаклланиши. 2. А.Вивалди дамли чолғулар учун яқкаҳон концерт жанрининг асосчиси. 3. Г.Ф.Телеманнинг дамли чолғулар учун асарлари. 4. И.С.Бахнинг дамли чолғулар ижрочилигига


	кўшган ҳиссаси. 5. Г.Ф.Генделнинг дамли чолғулар ижрочилигидаги роли.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> дарс бўйича умумий тушунча. Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби шаклланиши, А.Вивалди дамли чолғулар учун яккахон концерт жанрининг асосчиси эканлиги, Г.Ф.Телеманнинг дамли чолғулар учун асарлари, И.С.Бахнинг дамли чолғулар ижрочилигига кўшган ҳиссаси, Г.Ф.Генделнинг дамли чолғулар ижрочилигидаги роли ва ушбу фан бошқа мусикий назарий фанлардан фарқли ўлароқ мутахассислик фани билан чамбарчас боғланган ҳолда созандалар тайёрлаш сифатига бевосита таъсир кўрсатади.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби шаклланишига умумий тушунча бериш; • А.Вивалди дамли чолғулар учун яккахон концерт жанрининг асосчиси эканлиги ҳақида ахборот бериш; • Г.Ф.Телеманнинг дамли чолғулар учун асарлари ҳақида гапириш; • И.С.Бахнинг дамли чолғулар ижрочилигига кўшган ҳиссаси, Г.Ф.Генделнинг дамли чолғулар ижрочилигидаги ролини изоҳлаб бериш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби шаклланишига умумий тушунча берадилар; • А.Вивалди дамли чолғулар учун яккахон концерт жанрининг асосчиси эканлиги ҳақида ахборот берадилар; • Г.Ф.Телеманнинг дамли чолғулар учун асарлари ҳақида гапирадилар; • И.С.Бахнинг дамли чолғулар ижрочилигига кўшган ҳиссаси, Г.Ф.Генделнинг дамли чолғулар ижрочилигидаги ролини изоҳлаб берадилар.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали маъруза, суҳбат
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор, аудиовизуал ускуналар
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб


6.2. « XVIII асрнинг биринчи ярмидаги композиторлар ижодида дамли чолғулар» маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>
-----------	------------------------

<i>босқичлар и ва вақти</i>	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
Тайёргар лик босқичи.	1.Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдирот слайдалари ва аудио материални тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради 1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради 1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради	Тинглайдилар. Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1.Мавзунини изоҳлаш билан шу бўйича асосий мақом ижрочилиқ ҳолатларини ва назарий жиҳатларини тушунтириб беради. 2.2. Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби шаклланишига умумий тушунча беради. 2.3.А.Вивалди дамли чолғулар учун яққалон концерт жанрининг асосчиси эканлиги ҳақида ахборот беради. 2.4.Г.Ф.Телеманнинг дамли чолғулар учун асарлари ҳақида гапирди. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: 1. Италия буюк профессионал чолғу санъати мактаби қачон шаклланган? 2. А.Вивалди дамли чолғулар учун қандай жанрининг асосчиси? 3.Г.Ф.Телеман асарларини айтинг? 4. И.С.Бах дамли чолғулар ижрочилигига қандай ҳисса қўшган? 5. Г.Ф.Генделнинг дамли чолғулар ижрочилигига қўшган ҳиссаси қандай?	Тинглайдилар, ёзадилар. Видеофильм кўрадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.

